

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ**

**UZBEK LAW REVIEW**

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

<b>ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ</b>	<b>SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL</b>	<b>НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ</b>
--------------------------------------	--	--

---

---

**2019  
№3**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – юридик фанлари доктори, профессор.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Рахимов Фахри Хайдарович** – ю.ф.д., профессор.  
**Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Оқолов Омонбой** – ю.ф.д., профессор.  
**Имомов Нурилло Файзуллаевич** – ю.ф.д., доцент.  
**Эсанова Замира Нормуратовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Шодманов Фурқат Юсупович** – ю.ф.д., профессор.  
**Самарходжаев Ботир Билялович** – ю.ф.д., профессор.  
**Шамухамедова Замира Шаисламовна** – ю.ф.д., доцент.  
**Эргашев Восит Ёқубович** – ю.ф.н., доцент.  
**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – ю.ф.д., профессор.  
**Файзиёв Шухрат Хасанович** – ю.ф.д., профессор.  
**Махкамов Отабек Мухтарович** – ю.ф.д.  
**Зуфаров Рустам Ахмедович** – ю.ф.д., профессор.  
**Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – ю.ф.д., профессор.  
**Тошев Бобоқул Норқобилович** – ю.ф.д., профессор.  
**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – ю.ф.д., доцент.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади: <b>Гулямов Саид Саидахарович,</b> <b>Рустамбеков Исламбек Рустамбекович</b> ТДЮУ, Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36
"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги <a href="http://www.lawreview.uz">www.lawreview.uz</a> сайтида жойлаштирилган.
<b>Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.</b>

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.  
 2019 йилда нашр этилди.  
 Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**  
 Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**  
 Техник муҳаррир: **Ш. Ҳўжаев**  
 Лицензия № 02-0074  
 Босишга рухсат этилди – 11.11.2019  
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 5  
 «IMPRESS MEDIA» босмаҳонасида босилди  
 Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
ЖУРНАЛ**

**3/2019**

**МУНДАРИЖА**

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ**

**Р.Рахимов**  
 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси ..... **5**

**М.Ахмедшаева, О.Хусанбоев**  
 Ўзбекистон Республикасида “Электрон ҳукумат”ни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ..... **9**

**О.Нарзуллаев**  
 Замонавий қонунчилик [ҳуқуқ]да биологик ресурслар тушунчаси ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш ..... **14**

**Д.Атажанова**  
 Давлат хизматида ижтимоий ҳимоянинг умумий жиҳатлари ..... **17**

**В.Давлятов**  
 Адвокатура институтини такомиллаштиришда юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми ..... **20**

**Б.Қосимов**  
 Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий кафолатлари ..... **22**

**Б.Норматов**  
 Солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солиш (хорижий тажриба) ..... **26**

**Х.Хайитов**  
 Давлат хизматчиси одоб-ахлоқи – коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан омили сифатида ..... **31**

**А.Бабаджанов**  
 Сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгаш фаолиятида иштирокининг юридик табиати ..... **34**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ**

**З.Эсанова**  
 Низоларни ҳал қилишда ва ижрон таъминлашда медиациянинг ўрни ..... **38**

**Д.Хабидуллаев**  
 Коммунал қарздорликни ундириш билан боғлиқ суд буйруғи ва уни ижро этиш самарадорлигини ошириш масалалари ..... **41**

**Қ.Меҳмонов**  
 Интернет орқали шартнома тузишнинг хусусиятлари ..... **44**

**Д.Махмудов**  
 Сўғурта бозорида истеъмолчи манфаатларини таъминлашда хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ қоидаларининг ўзаро нисбати ..... **46**

**Э.Ахунджанов**  
 Инновацион фаолиятни венчур молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ..... **49**

**Н.Ғаниев**  
 Телекоммуникация хизматлари соҳасидаги қонунчилик таҳлили ..... **52**

**Г.Мамараимова**  
 Муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан ҳуқуқларнинг васият қилиб қолдирилишининг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари ..... **56**

**Н.Сулаймонова**  
 Фуқаролик судларида суд ҳаражатларини ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари ..... **59**

**Н.Аскарлов**  
 Номланмаган шартномаларнинг замонавий ҳуқуқий муносабатлардаги ўрни ..... **62**

**Б.Исмоилов**  
 Меҳнатни муҳофаза қилиш ва уни ҳуқуқий кафолатлари ..... **67**

**А.Матмуротов**  
 Адвокат стажёри ва унинг стажировка ўташи билан боғлиқ айрим муаммоли жиҳатлари таҳлили ..... **70**

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ**

**Х.Абзалова**  
 Эвтаназия ва одам ўлдириш объектининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ..... **77**

**Б.Мўминов**  
 Жиноят ишлари бўйича суд назоратининг халқаро стандартлари ..... **80**

**М.Умमतов**  
 Жиноят процессида шахсни таниб олиш учун кўрсатишда инсон ҳуқуқларини кафолатларига риоя этиш тўғрисида ..... **82**

**Р.Алтиев**  
 Фирибгарликнинг олдини олиш масалалари ..... **85**

**У.Давлетов**  
 Ҳарбий суд корпусини шакллантиришнинг айрим масалалари ..... **89**

**ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**И.Рустамбеков**  
 Францияда арбитраж Париждаги ХСҚ қошидаги Халқаро арбитраж суди фаолияти ..... **91**

**Д.Умархонова**  
 Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш масалалари ..... **94**

**Ш.Ҳўжаев**  
 Чет эл банкларининг таъсис ҳужжатларига нисбатан назарий-ҳуқуқий ёндашувлар ..... **97**

**Б.Ҳамроқулов**  
 МДҲ давлатлари қонунчилигида маънавий зиённи қоплашни тартибга солиниши ..... **99**

**С.Аббасов**  
 Арбитраж келишувларининг ҳуқуқий табиати ..... **105**

**EDITORIAL BOARD**

**GENERAL MANAGER:**

**Dr. Gulyamov Said** – Professor, Doctor of Sciences in Law.

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:**

**Mrs. Akhmedshaeva Maviyuda** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Rakhimov Fakhri** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Adilkhodjaeva Surayo** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Okyulov Omonboy** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Imomov Nurillo** – associate professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Esanova Zamira** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Shodmanov Furqat** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Samarkhodjaev Botir** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Shamukhamedova Zamira** – associate professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Ergashev Vosit** – associate professor, candidate of sciences in law

**Mr. Kholmuminov Jumanazar** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Fayziev Shukhrat** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Makhkamov Otabek** – doctor of sciences in Law.

**Mr. Zufarov Rustam** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Mukhitdinov Fakhridin** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Toshev Bobokul** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Rustambekov Islambek** – associate professor, doctor of sciences in Law.

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Said,**  
**Mr. Rustambekov Islambek**  
35, Sayilgoh Street, Tashkent,  
TSUL, Department of "International commercial Law",  
Council of Young Scientists  
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at [www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz)

**The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.**

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2019.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**

Publishing editor: **N.Niyazova**

Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 11.11.2019

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL**

**3/2019**

**CONTENTS**

**STATE LAW AND MANAGEMENT**

<b>R.Hakimov</b> Constitution of the Republic of Uzbekistan and Strategy of Action for Further Development of Uzbekistan .....	<b>5</b>
<b>M.Ahmedshaeva, O.Husanboev</b> Actual Issues of the Development of "Electronic Government" in the Republic of Uzbekistan.....	<b>9</b>
<b>O.Narzullaev</b> Concept of Biological Resources and Legal Protection of Thrie Use.....	<b>14</b>
<b>D.Atajanova</b> General Aspects of Social Protection in the Public Service .....	<b>17</b>
<b>V.Davlyatov</b> Legal Status of Legal Advice in the Improvement of the Institute of Advocacy.....	<b>20</b>
<b>B.Kosimov</b> Constitutional Guarantees of Judicial Independence in Uzbekistan .....	<b>22</b>
<b>B.Normatov</b> Legal Regulation of Tax Audits (Foreign Experience).....	<b>26</b>
<b>H.Haitov</b> Ethics of Civil Servants as an Effective Factor in the Fight Against Corruption.....	<b>31</b>
<b>A.Babadjanov</b> Legal Nature of Participation of Political Parties in the Activities of Local Representative Bodies.....	<b>34</b>

**CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS**

<b>Z.Esanova</b> The Role of Mediation in Dispute Resolution and Enforcement .....	<b>38</b>
<b>D.Habibullaev</b> Matters Related to the Collection of Municipal Duties on the Court Order and Increasing Efficiency of Its Performance.....	<b>41</b>
<b>K.Mehmonov</b> Features of Drafting the Contract on the Internet.....	<b>44</b>
<b>D.Mahmudov</b> Interpretation of Personal Rights and Rules of Public Law in Support of Interests of Insurance Market .....	<b>46</b>
<b>E.Ahundjanov</b> Peculiar Features of Venture Financing of Innovative Activity .....	<b>49</b>
<b>N.Ganiev</b> Review of Legislation in the Field of Telecommunications Services .....	<b>52</b>
<b>G.Mamaraimova</b> Original Legal Features of the Will of the Rights to Objects of Copyright.....	<b>56</b>
<b>N.Sulaymonova</b> Features of Recovery of Court Expenses in Civil Courts .....	<b>59</b>
<b>N.Askarov</b> Place of Unnamed Contracts in the System of Modern Legal Relations .....	<b>62</b>
<b>B.Ismoilov</b> Labour Protection and Its Legal Guarantees.....	<b>67</b>
<b>A.Matmurotov</b> Trainee Advocate and Analysis of Some Problematic Aspects Associated with Internship.....	<b>70</b>

**CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS**

<b>H.Abzalova</b> Criminal and Legal Characteristics of the Object of Euthanasia and Murder.....	<b>77</b>
<b>B.Mominov</b> International Standards of Judicial Control over Criminal Cases.....	<b>80</b>
<b>M.Ummatov</b> bout Guarantees of Observance of Human Rights at the Presentation of the Person for the Identification in Criminal Trial.....	<b>82</b>
<b>R.Altiev</b> Fraud Prevention Issues.....	<b>85</b>
<b>O.Davletov</b> Some Matters of Formation of Military Judicial Corps.....	<b>89</b>

**INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS**

<b>I.Rustambekov</b> Arbitration in France: International Court of Arbitration of the ICC in Paris .....	<b>91</b>
<b>D.Umarhonova</b> International Cooperation in Criminal Matters.....	<b>94</b>
<b>Sh.Hujaev</b> Theoretical and Legal Approaches to the Constituent Documents of Foreign Banks .....	<b>97</b>
<b>B.Hamroqulov</b> Regulation of Non-pecuniary Damage Compensation in the Legislation of the CIS Countries.....	<b>99</b>
<b>S.Abbasov</b> Legal Nature of Arbitration Agreements .....	<b>105</b>

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – доктор юридических наук, профессор.

**ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – д.ю.н., профессор.

**Рахимов Фахри Хайдарович** – д.ю.н., профессор.

**Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – д.ю.н., профессор.

**Оқюлов Омонбой** – д.ю.н., профессор.

**Имомов Нурилло Файзуллаевич** – д.ю.н., доцент.

**Эсанова Замира Нормуратовна** – д.ю.н., профессор.

**Шодманов Фурқат Юсупович** – д.ю.н., профессор.

**Самарходжаев Ботир Билялович** – д.ю.н., профессор.

**Шамухамедова Замира Шаисламовна** – д.ю.н., доцент.

**Эргашев Восит Ёқубович** – к.ю.н., доцент.

**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – д.ю.н., профессор.

**Файзиёв Шухрат Хасанович** – д.ю.н., профессор.

**Махкамов Отабек Мухтарович** – д.ю.н.

**Зуфаров Рустам Ахмедович** – д.ю.н., профессор.

**Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – д.ю.н., профессор.

**Тошев Бобоқул Норқобилович** – д.ю.н., профессор.

**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – д.ю.н., доцент.

Для получения информации просим обращаться:

**Гулямов Саид Саидахарович,**  
**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**  
ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое право.  
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,  
ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:  
[www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz)

**Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.**

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2019 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **Ш.Хужаев**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 11.11.2019 г.

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ  
ЖУРНАЛ**

**3/2019**

**СОДЕРЖАНИЕ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ**

<b>Р.Хакимов</b> Конституция Республики Узбекистан и Стратегия действий по дальнейшему развитию Узбекистана .....	<b>5</b>
<b>М.Ахмедшаева, О.Хусанбоев</b> Актуальные вопросы развития «Электронного правительства» в Республике Узбекистан .....	<b>9</b>
<b>О.Нарзуллаев</b> Понятие биологических ресурсов в современном праве и правовое регулирование их использования .....	<b>14</b>
<b>Д.Атажанова</b> Общие аспекты социальной защиты в государственной службе.....	<b>17</b>
<b>В.Давлятов</b> Правовой статус юридической консультации в совершенствовании института адвокатуры .....	<b>20</b>
<b>Б.Косимов</b> Конституционные гарантии независимости судебной власти в Узбекистане .....	<b>22</b>
<b>Б.Норматов</b> Правовое регулирование налоговых проверок (зарубежный опыт).....	<b>26</b>
<b>Х.Хайитов</b> Этика государственных служащих как эффективный фактор в борьбе с коррупцией .....	<b>31</b>
<b>А.Бабаджанов</b> Юридический характер участия политических партий в деятельности местных представительных органов .....	<b>34</b>

**ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС**

<b>З.Эсанова</b> Роль медиации в разрешении споров и обеспечении исполнения .....	<b>38</b>
<b>Д.Хабидуллаев</b> Вопросы, связанные с взысканием коммунальной задолженности по судебному приказу и повышению эффективности его исполнения .....	<b>41</b>
<b>К.Мехмонов</b> Особенности заключения договора в сети интернет .....	<b>44</b>
<b>Д.Махмудов</b> Интерпретация личных прав и правил общественного права в поддержку интересов страхового рынка .....	<b>46</b>
<b>Э.Ахунджанов</b> Своеобразные особенности венчурного финансирования инновационной деятельности .....	<b>49</b>
<b>Н.Ганиев</b> Обзор законодательства в сфере телекоммуникационных услуг.....	<b>52</b>
<b>Г.Мамараимова</b> Своеобразные правовые особенности завещания прав на объекты авторского права .....	<b>56</b>
<b>Н.Сулаймонова</b> Особенности взыскания судебных расходов в гражданских судах .....	<b>59</b>
<b>Н.Аскарлов</b> Место непоименованных договоров в системе современных правовых отношений.....	<b>62</b>
<b>Б.Исмоилов</b> Охрана труда и ее правовые гарантии .....	<b>67</b>
<b>А.Матмуротов</b> Стажер адвоката и анализ некоторых проблемных аспектов, связанных с его стажировкой .....	<b>70</b>

**УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС**

<b>Х.Абзалова</b> Уголовно-правовая характеристика объекта эвтаназии и убийства .....	<b>77</b>
<b>Б.Муминов</b> Международные стандарты судебного надзора по уголовным делам .....	<b>80</b>
<b>М.Умматов</b> О гарантиях соблюдения прав человека при предъявлении лица для опознания в уголовном процессе .....	<b>82</b>
<b>Р.Алтиев</b> Вопросы предупреждения мошенничества.....	<b>85</b>
<b>У.Давлетов</b> Некоторые вопросы формирования военного судейского корпуса .....	<b>89</b>

**МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ**

<b>И.Рустамбеков</b> Арбитраж во Франции: деятельность Международного арбитражного суда при МТП в Париже .....	<b>91</b>
<b>Д.Умархонова</b> Вопросы осуществления международного сотрудничества по уголовным делам .....	<b>94</b>
<b>Ш.Хужаев</b> Теоретико-правовые подходы к учредительным документам иностранных банков .....	<b>97</b>
<b>Б.Хамрокулов</b> Регулирование возмещения морального вреда в законодательстве стран СНГ .....	<b>99</b>
<b>С.Аббасов</b> Правовая природа арбитражных соглашений .....	<b>105</b>

**Р.Хакимов**

Адлия вазири ўринбосари – ТДЮУ ректори, юридик  
фанлари доктори, проф. в.б.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишга замин яратганлиги, уни конституциявий институтларни ривожлантиришда тутган ўрни таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** қонунчиликни модернизациялаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгилаш, ҳаракатлар стратегияси, конституциявий ҳуқуқий ислохотлар

**Аннотация:** В данной статье анализируется Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, обеспечивающая условия для всестороннего и быстрого развития государства и общества, реализации приоритетных направлений модернизации страны и либерализации всех сфер жизни, ее роли в развитии конституционных институтов.

**Ключевые слова:** модернизация законодательства, обновление власти и управления, стратегия действий, конституционно-правовые реформы.

**Abstract:** This article analyzes the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan, which provides the conditions for the comprehensive and rapid development of the state and society, the implementation of priority areas of the country's modernization and liberalization of all spheres of life, its role in the development of constitutional institutions.

**Keywords:** modernization of legislation, renewal of power and management, action strategy, constitutional and legal reforms.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. Шу ўринда Конституция икки маротаба – 1992 йилнинг 26 сентябрь ва 21 ноябрь кунлари умумхалқ муҳокамасига қўйилгани ва унинг лойиҳаси юзасидан **келиб тушган 6000 дан** зиёд таклифларнинг синчиклаб ўрганиб чиқилгани, улардан лойиҳани такомиллаштиришда фойдаланилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу Конституциянинг демократик принципларга таянган ҳолда қабул қилинганидан дарак беради.

Конституциямиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди. Конституция асосида мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад қилиб олинди. Шунингдек, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Асосий қонунимиз жамият ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб такомиллашиб борди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига **14 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар** киритилган.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аксарияти Конституциянинг давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Яъни, улар давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини, ҳукуматнинг масъулиятини кучайтириш, давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида тийиб туриш ва мувозанат сақлашнинг самарали механизмига эришишга қаратилди.

Бунда, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар айна пайтда Конституциянинг **инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ нормаларининг самарали тарзда тадбиқ этилишига замин яратади.**

Масалан, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонун билан Конституциянинг 117-моддасига киритилган қўшимчага биноан Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошкоралик принципи асосида амалга оширади. Бу эса Конституциянинг 29-моддасида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ норма – ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ҳуқуқини янада мустаҳкамлайди. Яъни, фуқаро Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти билан боғлиқ исталган ахборотни олишда ушбу давлат органи фаолиятининг ошкорлиги принципи муҳим роль ўйнайди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар замирида нафақат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янгилаш, демократлаштириш ва модернизация қилиш, балки шу билан бир қаторда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатини кучайтириш мақсади ҳам мужассам, дея айтган бўлар эдим.

Ўтган уч йил давомида Конституциямизнинг деярли қўлланиб келинмаётган ёки эътибордан четта қолган нормаларини инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда қўллашга жиддий эътибор қаратилди.

Назаримда, бу борада қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

**Биринчидан**, анча йиллар давомида шу юртда яшаб унинг ривожига ҳисса қўшиб келаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш истагида тегишли тартибда мурожаат этганларига қарамай уларнинг талаблари деярли қондирилмас эди.

Бугун эса минглаб шахслар ўзлари орзу қилган мақом – Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишга муваффақ бўлдилар. Жорий йилнинг ўзида **6218 нафар юртдошимиз** Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

**Иккинчидан**, бугун оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага кўтарилган. Ушбу ҳолат оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бирга фуқароларимиз учун ҳам фикр юритиш ва сўзлаш ҳуқуқларидан эркин тарзда фойдаланишга шарт-шароит яратиб бермоқда. Шу мақсадда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш ва оммавий ахборот воситаларини эркинлиги кафолатларига қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этиш каби конституциявий ваколатидан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса жиноят содир этганидан чин кўнгилдан пушаймон

бўлган шахсларга ўз ота-оналари ва оилалари бағрига қайтиш, ижтимоий ҳаётга тезда мослашиш ҳамда унда ўз ўрнига эга бўлиш имконини бермоқда. Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни авф қилиш бўйича эълон қилинган фармонлар асосида **4017 нафар фуқаро** оиласи бағрига қайтарилди.

**Тўртинчидан**, парламентнинг ижро ҳокимиятига таъсири ва қабул қилинган қонунларнинг самарали ижросига эришиш парламент назорати орқали таъминланади. Сўнгги йилларда парламент назоратининг **янги шакли** – “**ҳукумат соати**”да ҳукумат аъзосининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитиш амалиётининг йўлга қўйилгани ижобий ҳолатдир. Ўтган қисқа давр мобайнида, соғлиқни сақлаш, ахборотлар тарқатилиши жараёнлари, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ижросини таъминлаш бўйича, фермер хўжалиқларини ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган масалалар бўйича “**ҳукумат соат**”лари ўтказилди.

**Бешинчидан**, дунёдаги кўпчилик тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд. 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилди. Мурожаатнома орқали кейинчалик жамиятимиз тараққиёти учун тўсиқ бўлаётган ва фуқароларимизни қийнаб келаётган кўплаб муаммолар бартараф этилди.

Қайд этиш жоизки, тараққиёт ва юсак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истиқболли мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Бундай мақсадлар муайян даврга мўлжалланган давлат ёки стратегик дастурларни қабул қилиш орқали намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февраль куни қабул қилинган Фармон асосида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Айтиш мумкинки, Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни 2021 йилгача бўлган режалаштирилган ислохотлар тизимидир.

Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишга замин яратди.

Ҳаракатлар стратегияси бешта муҳим йўналишдан иборат. **Биринчи** йўналиш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, **иккинчи** йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, **учинчи** йўналиш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, **тўртинчи** йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантириш, **бешинчи** йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишдир.

Ҳаракатлар стратегияси жамият ҳаётининг барча соҳалари учун “йўл харитаси”га айланди. Унинг

асосида мамлакатимизда сўнгги уч йил давомида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Жаҳон ҳамжамияти нигоҳида Ўзбекистоннинг имиджи ўзгариб, унинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий қилиш натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган нормаларни **амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ қилишнинг аниқ механизмлари мустаҳкамланди**.

Жумладан, Конституциянинг 2-моддасини белгиланган “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар” нормасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси “**Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида**”ги Қонун қабул қилинди.

Давлат хизматчиларининг онгида ва иш услубида халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган қараш шаклланди.

Конституциясининг 44-моддасини белгиланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс** қабул қилинди. Мазкур кодекс асосида фуқаролар бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун мамлакатимизда янги ташкил этилган маъмурий судларга шикоят қилиши мумкин бўлди.

Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари сифатида белгиланган жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг “**Жамоатчилик назорати тўғрисида**”ги қонун қабул қилинди.

Конституциянинг 46-моддасида белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлигини таъминлашга қаратилган “**Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида**” ва “**Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонунлар қабул қилинди.

Конституциянинг давлат ҳокимиятини амалга ошириш фаолиятини тартибга солишга қаратилган қисмини мустаҳкамловчи “**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида**” ва “**Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида**”ги қонунлар қабул қилинди.

Конституциянинг 42-моддасида белгиланган илмий ва техникавий ижод эркинлигини таъминлаш учун 2019 йил 29 октябр куни “**Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида**”ги қонун қабул қилинди. Мазкур мисолларни кўплаб келтириб ўтиш мумкин.

Айнан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида Конституцияда назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган самарали механизмлар жорий этилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳар йили навбатдаги йил учун муайян ном берилиб, унга муносиб тарзда давлат дастури қабул қилинади. Давлат дастурида Ҳаракатлар стратегиясининг тегишли йўналишларида назарда тутилган ғояларни амалга оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Конституция ўз мазмуни ва моҳиятига мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадининг ҳуқуқий асоси ва кафолати сифатида намоён бўлади. Ҳаракатлар стратегиясининг ғоялари айна шу мақсад билан ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бир вақтнинг ўзида ҳаракатлар стратегиясига асосий манба бўла туриб, ўзи ҳам ҳаракатлар стратегияси натижасида бойиган, уни нормалари янада демократлашиб ва такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига сўнги йилларда киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бевосита Ҳаракатлар стратегиясининг йўналишлари билан боғлиқлигини қайд этиш зарур. Мазкур икки ҳужжат бир-бирини бойитишга тўлдиришга қаратилган чамбарс ҳуқуқий тизимга айланди.

Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига 7 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Киритилган дастлабки ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда судьялар мустақиллигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида судларни ихсослаштиришга қаратилди.

Бунинг замирида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш орқали самарали ва ҳаққоний одил судловга эришиш мақсади мужассамдир. Зеро, суд ҳокимияти мустақил бўлмас экан, судлар томонидан адолатли қарорлар қабул қилинмайди. Бунинг оқибатида мамлакатда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаб бўлмайди.

2017 йил 6 апрелдаги қонун билан Конституциянинг 111-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принцинга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган янги тузилма – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Судьялар олий кенгашига доир норманинг Конституциядан жой олгани эса унинг конституциявий мақомга эга эканидан дарак беради. Бугунги кунда бунга ўхшаш ҳамжамиятларнинг мақоми Франция, Италия, Болгария, Польша, Украина, Қозоғистон, Арманистон каби давлатларнинг конституцияларида, Нидерландия, Дания, Швеция, Ирландия, Литва, Буюк Британия, Венгрия каби давлатларнинг қонунчилигида мустақамлаб қўйилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан бир вақтда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”**ги Қонун билан Судьялар олий кенгашининг фаолияти батафсил тартибга солиниши билан унинг конституциявий мақоми янада мустақамланди.

Қонунга кўра, судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашушнинг олдини олиш бўйича чоратadbирлар кўриш Судьялар олий кенгашининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ушбу тажриба 1985 йил 29 ноябрдаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойилларига тўлиқ мувофиқ келади.

Суд ҳокимиятининг икки олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг

мавжудлиги суд тизимини бошқариш вазифаларининг тақорланишига, ягона суд амалиёти таъминланмаслигига олиб келаётган эди.

Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди, қўйи ҳўжалик судлар иқтисодий судларга айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судига эса фуқаролик, жиной, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи мақоми берилди.

Маъмурий органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларининг кўрсатилиши муносабати билан улар ўртасида вужудга келадиган оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишга қаратилган янги ихтисослашган судлар – **маъмурий судлар тузилди.**

Ривожланган хорижий мамлакатлардан АҚШ, Англия, Франция, Япония каби давлатларда ҳам бутун мамлакат миқёсида ягона судлов органининг мавжудлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарали тарзда кечишини кўрсатмоқда.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш орқали ҳимояланиш имкониятини кучайтирса, иқтисодий судларнинг туманлараро, туман ҳамда шаҳар миқёсида ташкил этилиши ушбу маъмурий-худудий бирликлардаги таббиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш имкониятларининг жойларда турган ҳолда ошишига олиб келади.

Хорижий мамлакатлардан Австрия, Германия, Финландия, Швецияда ҳам давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлган хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга ихтисослашган маъмурий судларнинг фаолият юритаётганини кузатиш мумкин.

Конституциянинг 107-моддаси аввалги таҳририда судларнинг ваколат муддати кўрсатиб ўтилган эди. Мазкур ваколат муддати 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган қонун билан **“Судлар тўғрисида”**ги Қонунга киритилган

63<sup>1</sup>-моддада мустақамлаб қўйилди.

Унга кўра, судьялар биринчи марта **беш йиллик муддатга**, навбатдаги **ўн йиллик муддатга** ва судьялик лавозимида бўлишнинг **муддатсиз даврига** белгиланган тартибда тайинланади ёки сайланади. Судьяларнинг бундай ваколат муддатига тайинланиши ёки сайланиши судьялар мустақиллигининг янада кучайишига хизмат қилади.

2017 йил 31 майдаги қонун билан давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси **108 ва 109-моддаларига** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан конституциявий назоратни олиб боради. Шу билан бир қаторда, мазкур суд органи қўшимча ваколатларга ҳам эга бўлди.

Жумладан, авваллари Конституциявий суд қонунларнинг Конституцияга мослиги юзасидан ишни тегишли қонун қабул қилиб бўлингандан сўнг Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга **субъектлар ёки уч нафар судьянинг ташаббусига асосан кўриб чиқар эди.** Эндиликда Ўзбекистон

Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Президент томонидан имзоланганига қадар Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.

Қонунларнинг кучга кирмасидан аввал Конституциявий суд томонидан Конституцияга мувофиқлиги юзасидан хулоса берилишининг аҳамияти шундаки, қонун ижодкорлиги жараёнининг ўзидаёқ мазкур суд органи томонидан конституциявий қонунийлик таъминланади ҳамда ҳар томонлама пухта қонунлар қабул қилинишига эришилади.

Бундан ташқари, киритилган қўшимчага кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.**

Бу халқ вакиллари бўлган Президент ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзоларига Асосий қонунга риоя этиш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг сарҳисоби, мамлакатда Конституциянинг устунлиги принципини амалда таъминлаш борасида Конституциявий суд томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва буларга нисбатан тегишли муносабат билдириш имконини беради.

Шунингдек, Конституциявий суд судьяларини сайлаш тартибига ҳам ўзгартишлар киритилди. Бунга қадар Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланган бўлса, ўзгартишга кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Сўнги йилларда жамият ва давлат ҳаётида парламентнинг ўрни ва ролини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Парламент том маънода олий вакиллик органи сифатида фаолият олиб бориши учун, энг аввало, ҳар бир депутат электорат ва сайланган сиёсий партиянинг манфаатини ифодалаши зарур.

Бундай манфаат қонунларни қабул қилишда намоён бўлади. Қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг ижроси тегишли давлат бошқаруви органлари томонидан таъминланиши ҳаммага маълум. Аммо давлат бошқаруви органи фаолиятининг самарадорлиги уларга кимлар раҳбар этиб тайинланётганига ҳам боғлиқдир. **Шу боис, халқ вакиллари ҳукумат аъзолари тайинланмасдан аввал номзодлар билан танишиб, уларга саволлар билан мурожаат этиш имкониятига эга бўлишлари лозим.**

Шуни инобатга олган ҳолда, 2019 йил 5 март куни қабул қилинган **“Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан

Конституцияга муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан Президентга таклиф этилади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча учун тегишинча Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмасдан аввал, юқорида қайд этилганидек, парламент Бош вазирни тавозимга тайинлашда иштирок этган бўлса-да, ҳукуматнинг бошқа азоларини лавозимга тайинлашда иштирок этмас, ҳукумат аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланар эди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 79, 93, 98-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига номзод Бош вазир томонидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун тақдим этилади.** Номзод маъқуллангач Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ушбу ўзгартиш парламент олдида фақатгина Бош вазирнинг эмас, балки ҳукумат ҳар бир аъзосининг масъулиятини кучайтиришга, қонунлар ижросини масъулият билан таъминланишига хизмат қилади.

2017 йил 29 августда шаҳар таркибидаги туманларда халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этишга доир Конституциянинг 99-моддасига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун қабул қилинди.

Ушбу ўзгартишга асосан Тошкент шаҳар таркибидаги туманларда маҳаллий вакиллик органлари учун сайловлар ўтказилди. Бу орқали шаҳарга бўйсунадиган туманларда истиқомат қилаётган фуқаролар ҳам маҳаллий вакиллик органлари орқали маҳаллий миқёсдаги давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Киритилган ўзгартиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларини тенглик ва демократик усулларда ташкил этиш имконини берди. Сабоби, шаҳар таркибидаги туманларнинг мақоми вилоят таркибидаги туманлар билан бир хил бўлишига қарамай, уларда халқ депутатлари Кенгаши фаолият олиб бормас эди.

Шунингдек, 2019 йил 4 сентябрь куни Конституциянинг 117-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.

Бунинг мазмуни шундаки, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок эта оладилар. Мазкур ўзгартиш фуқаролар сайлов ҳуқуқининг либераллашиб бораётганидан дарак беради. Зеро, озодликдан маҳрум қилиш жазоси бу асосан шахсий эркинликни чеклашга қаратилган жазо бўлиб, бунинг оғир бўлмаган жиноятни содир этган фуқаронинг актив сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилишига олиб келиши мантиқан тўғри эмас.



Қайд этиш зарурки, мамлакатимизда сўнги уч йилда Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилиниб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларининг механизмларини яратишга қаратилган кўплаб қонунлар ҳам қабул қилинди. Буларга “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунларни келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ҳаракатлар стратегиясидаги ғоялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғоялари билан озиқланган бўлиши билан бирга Конституциянинг такомиллашиб боришига ҳам хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон мазкур икки ҳужжатнинг ўзаро динамик алоқаси орқали ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётга эришмоқда.

**М.А.Ахмедшаева,**  
ТДЮУ профессори, ю.ф.д  
**О.О.Хусанбаев,**  
ТДЮУ доценти в.б., ю.ф.н

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ”НИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада глобаллашув жараёнлари шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида давлат бошқаруви соҳасида кечаётган мураккаб жараёнлар, электрон ҳукумат тизими ва унинг ривожланиши масалалари таҳлил этилган. Электрон ҳукумат тизимининг ҳуқуқий асослари тадрижий ривожланишга қараб чиқилган. Илмий манбаларда кўрсатилганидек бугунги кунда электрон бошқариш тизими нафақат ҳукумат, балки ҳуқуқ ижодкорлик жараёни ва суд органлари фаолиятида ҳам катта ўрин эгаллаётганлиги боис, электрон давлат тизими ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув жараёнлари, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ҳукумат, интерактив давлат хизматлари, электрон давлат, рақамли технологиялар.

**Аннотация:** в данной статье анализируются вопросы развития информационно-коммуникационных технологий в условиях глобализации, а также сложные процессы, происходящие в сфере государственного управления, вопросы развития системы электронного правительства. Рассматривается эволюционное развитие правовых основ электронного правительства. Как указываются в научных источниках, на сегодняшний день электронное управление охватывает (распространяется) не только в сфере правительства, но и сферу правотворчества и деятельность судебных органов, что даёт основание говорить об электронном государстве.

**Ключевые слова:** процессы глобализации, информационно-коммуникационные технологии, электронное правительство, интерактивные государственные услуги, электронное государство, цифровые технологии.

**Annotation:** this article analyzes the issues of development of information and communication technologies in the context of globalization process, also, ongoing the complex processes in the field of public administration and issues of development of the e-government system. Besides, this article considers the evolutionary development of the legal foundations of electronic government. As indicated in scientific sources, today e-government is covered not only in the field of government, but also in law-making and the activities of the judiciary, which gives reason to talk about e-state.

**Keywords:** globalization processes, information and communication technologies, e-government, interactive public services, electronic state, digital technologies.

XXI асрда кечаётган глобаллашув жараёнлари жамият, давлат ва шахс ҳаётига жиддий ўзгаришлар киритмоқда. Ушбу жараён муқаррар воқелик сифатида жамият ижтимоий тизимининг барча бўғинларига нисбатан ўз “талаблари”ни қўймоқда. Бу жараёнга боғлиқ ҳолда ҳаётимизда ахборот технологияларининг

тутган ўрни ва роли беқиёс даражада ўсмоқда. Ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир жабҳаси фаолияти ва ривожини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, глобал ривожланиш даврида ахборот технологиялари аҳамиятини оширишнинг янада замонавий, инновацион усулларини излаб топиш, ахборотлаштириш жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни ҳаётга кенг жорий этиш давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш масаласига доимий эътибор қаратилиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу масала, яъни рақамли технологиялар ва рақамли давлатни шакллантириш юзасидан мамлакатимизда муайян ташкилий-ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар амалга оширилган бўлиб, бундай вазифалар ичида мустаҳкам ва сифатли ҳуқуқий асосни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳар қандай вазифанинг самарали амалга оширилиши, кўп жиҳатдан ҳуқуқий асосга ҳам боғлиқ бўлади. Шу боис мамлакатимизда ахборот-коммуникацияларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилишига комплекс равишда, изчиллик билан илмий асосланган ҳолда ёндашилди.

Ўтган давр мобайнида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, жамиятни ахборотлаштириш, шунингдек ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган туркум қонун ҳужжатлари қабул қилинди: “Алоқа тўғрисида”ги (1992 й.), “Радиочастота спектри тўғрисида”ги (1998 й.), “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги (1999 й.) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони (2002 й.), “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (2003 й.), “Электрон рақамли имзо тўғрисида” (2003 й.), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги (2004 й.), “Электрон тижорат тўғрисида”ги (2004 й.), “Электрон тўловлар тўғрисида”ги (2005 й.), “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборот ҳимояси тўғрисида”ги (2006 й.) ва “Почта алоқаси тўғрисида”ги (2009й.), “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги (2015 й.) Қонунларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони (2018 й.), “Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 й.) ва “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 й.) қарорларини киритиш мумкин. Бу жараёнда миллий қонунчилик ва мазкур соҳага оид илғор хорижий тажриба, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш истиқболлари ҳисобга олинди.

Жамият ҳаётида, хусусан, иқтисоднинг ривожланишида ахборот - коммуникация технологияларининг роли беқиёс ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди.

Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида 2014 йилда юртимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни яқунлаш учун замин яратди [1]. Қарор ижросини таъминлаш доирасида янги тузилмалар – “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди. Ушбу марказлар олдида мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантиришдек муҳим мақсад ва вазифалар кўйилди.

Мамлакатимизда рақамли технологиялар ва электрон ҳукумат масалаларига аниқса, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор аҳамият берилди. Ушбу нуфузли ҳужжатнинг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган биринчи йўналишнинг “Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш”(1.2.) бандида “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

Бинобарин, ҳозирги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам “Электрон ҳукумат” тизими жадал ривожланмоқда. Электрон ҳукумат (инглизча e-government) – бу мамлакат виқомида давлат бошқаруви жараёнларини автоматлаштиришга асосланган электрон ҳужжат айланмаси тизими бўлиб, у давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш мақсадига хизмат қилади. Электрон ҳукуматни вужудга келтириш - ҳужжатларни бошқариш ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ вазифаларни бажаришга қаратилган махсус умумдавлат тизими бўлишини тақозо этади. Бу тизим фуқароларга, тадбиркорларга, давлат органларига ва мансабдор шахсларга тегишли ахборот тақдим этиш ва давлат хизматларини кўрсатиш усули бўлиб, унда давлат органи билан аризачи ўртасидаги муносабат имкон қадар қисқартирилган ҳолда ахборот технологияларидан максимал равишда фойдаланилади. Шунга боғлиқ ҳолда мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизими маълумотлар базаси ва ахборот тизимлари комплексини яратишга қаратилган тадбирлар белгиланиб, давлат органлари интерактив хизматларининг турли йўналиш ва соҳалари бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимида йигирмадан зиёд лойиҳа амалга оширилганлиги - бу соҳадаги ишлар кўлаmidан далолат бериб турибди. Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали шулар сирасидан бўлиб, бунда фуқаролар ёки тадбиркорлик субъектлари, ташкилот ва муассасалар вакиллари ушбу портал орқали давлат ҳокимиятининг барча элементлари бўйича тўлиқ ахборот олиши, у ёки бу давлат органига электрон шаклда расмий сўров юбориши мумкин. Муҳими, мазкур порталда интерактив давлат хизматларининг реестри жойлаштирилган.

2013 йил 1 июль куни интернет тармоғида [my.gov.uz](http://my.gov.uz) манзили бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун “ягона ойна” режимида давлат интерактив хизматларини кўрсатувчи Ягона

интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал) ишга туширилиши ва бу лойиҳани амалга оширилиши мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ва ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлганлиги, шубҳасиз.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини электрон шаклда амалга оширишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда, “давлат бошқаруви тизимига “ягона ойна” тамойили жорий этилмоқда. Таъкидлаш керакки, интернет тармоғида “ягона ойна” [2] режимда ягона интерфаол давлат хизматлари порталининг ишга туширилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Шу ўринда давлат бошқаруви органлари фаолиятида ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш борасида қилинадиган ишлар ва ҳал этилиши кутилаётган масалалар ҳам анчагина эканлигини қайд этиш жоиз. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги вазифалар кўламини ва мураккаблиги тегишлича давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштиришни талаб этди. 2015 йил 4 февралда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги давлат бошқаруви тизимини электронлаштиришни ташкил этишни янада такомиллаштириш, жамият ҳаётининг турли соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини юксалтиришда муҳим қадам бўлиши кутилмоқда.

Айни пайтда, электрон ҳукумат ва унинг таркибий қисмлари ривожланишида бу жараёнларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, нафақат давлат бошқаруви соҳаси, балки ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари, айниқса, рақамли (цифровая экономика) иқтисодга ўтиш шароитида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, жумладан, виртуал маконда тижорат операцияларини ўтказиш – ушбу жараённинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда [3].

2018 йил августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 622-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясида назарда тутилган чоратadbирлар 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга оид вазифаларни амалда рўёбга чиқариш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини янада такомиллаштириш, ахборот хизматларининг жамоатчилик фикрини, ушбу органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларга аҳолининг муносабатини тизимли ўрганиш бўйича ролини кучайтириш, рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга давлат органларининг ўз вақтида ва доимий равишда муносабат билдиришини самарали ташкил этишни таъминлашга қаратилган.

Бугунги кунда ахборотлашган жамиятни жадал шакллантиришни, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан барқарор, тизимли мулоқотини таъминлаш ва ахборот-коммуникатив алоқаларини кучайтиришни, давлат бошқаруви тизими,

ижтимоий-иқтисодий соҳалар, аҳолининг кундалик ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ қилишни ва Ўзбекистоннинг тезкор «рақамли тараққиёти», иқтисодиёти, ижтимоий, социал ва гуманитар соҳаларини бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишни – глобаллашув жараёнлари шароитида мамлакатимиз тараққиётини жадал ривожлантириш эҳтиёжлари тақозо этмоқда. Жумладан, **рақамли иқтисодга ўтиш** бугунги кунда давр талабига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, Ўзбекистоннинг тезкор «рақамли тараққиёти», иқтисодиёти, ижтимоий, социал ва гуманитар соҳаларини бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш кун тартибига чиқмоқда. Шу мақсадда рақамли технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт соҳаларининг рақамли трансформациясига эришиш, миллий

IT-индустрияни ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб этиш учун кенг имкониятлар яратиш орқали рақамли иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш; фуқаролар, бизнес ва давлатнинг глобал иқтисодиёт ва очик бозорлардаги иштироки, рақобатбардошлиги ва муваффақиятга эришишини таъминлаш мақсадларида рақамли тизимлар стандартлари, платформалар ва инфратузилмаларни ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги ва саноатни рақамлаштириш сиёсатини тизимли амалга ошириш ва бунинг эвазига янги рақамли иш ўринлари яратиш; замонавий интеллектуал тизимларни жорий қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, коммунал хизмат, туризм соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек ақлли ва хавфсиз шаҳарлар ва минтақалар технологияларини барпо қилиш орқали аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш; рақамли иқтисодиётнинг устувор йўналишларини глобал рақамли макон шаклланиши шароитида мамлакатнинг технологик рақобатбардошлигини таъминлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ва ривожлантириш; ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилишга рақамли иқтисодиёт ютуқлари ва глобал рақамли макон шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини инобатга олган ҳолда самарали инновацион ёндашувларни жорий қилиш; миллий «қаттиқ рақамли инфратузилмалар»ни, хусусан, кенг майдонда қайд этиладиган телекоммуникацион инфратузилма ва мобил алоқа инфратузилмаларини, рақамли телевидение ва радио, интернет буюмлар, шунингдек ҳисоблаш инфратузилмаси, маълумотларни виртуаллаштириш ва сақлаш, киберхавфсизлик инфратузилмаси, махсус инфратузилмаларни ривожлантириш; миллий «юмшоқ рақамли инфратузилмалар» – идентификация ва ишонч инфратузилмалари, очик маълумотлар, интероперабельлик, блокчейн, электрон ҳисоблагичлар ва транзакциялар, электрон тижорат, давлат хизматлари, турмуш фаровонлигини таъминлаш (тиббиёт, таълим, транспорт ва бошқалар)ни ривожлантириш; миллий рақамли иқтисодиёт хавфсизлигини ҳамда мамлакатнинг глобал рақамли иқтисодиёт ва глобал рақамли макон шаклланиши жараёнларида самарали иштирок этишини таъминлаш бўйича чоралар кўриш – бу соҳадаги яқин йилларда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар

жумласидан. [4] Ушбу вазифаларни амалга оширишда илғор хорижий тажрибага ва миллий шарт-шароитларга асосланган ҳолда фаолият олиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда "электрон ҳукумат" тушунчасига турли таъриф ва тавсифлар берилган. Баъзи манбаларда, электрон ҳукуматга давлат хизматларини тақдим этиш жараёнини автоматлаштириш деб қаралса, бошқаларида электрон ҳукумат, бу – фуқаро, бизнес вакиллари, давлат органлари ва ташкилотларга давлат хизматларини тақдим этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, деб таъриф берилган.

Умуман олганда, электрон ҳукумат, бу - рақамли технологиялар, интернет ва замонавий оммавий ахборот воситалари асосида давлат хизматларини тақдим қилиш жараёнини, фуқароларни ва бошқарувни ички ва ташқи ўзаро муносабатларда ўзгартиришлар воситасида иштирокини доимий оптималлаштириш. Электрон ҳукумат аҳолига, тадбиркорларга ва давлат органларига кўрсатилаётган давлат хизматларини тақдим қилишни осонлаштиради, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришлари учун кўшимча имкониятлар яратади, уларнинг технологик янгиланган хабардорлигини оширади ва давлат бошқарувидаги иштирокини осонлаштиради.

– "Электрон ҳукумат"нинг асосий мақсади интерактив хизматларини тақдим этишнинг имкониятларини янада яхшилашга қодир бўлган мукамал электрон давлат бошқарув аппаратурини яратишдан иборат.

– "Электрон ҳукумат" жорий этилган, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлиги анча ортади, давлат органлари хизматларидан фойдаланиш кенгайди ва осонлашади, уларни алоҳида фуқароларга тақдим этиш имконияти вужудга келади, фуқароларни сиёсий жараёнларга ва давлат бошқарувида жалб этиш имконияти юзага келади, ахборотлардан фойдаланиш ва уларни алмашиш тезлашади, давлат хизматларини аҳоли ва бизнес вакиллари тақдим этиш оптималлашади, фуқароларни ўз-ўзига хизмат қилиш имконияти пайдо бўлади, шу билан бирга барча фойдаланувчиларга давлат хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ бошқа афзалликлар ва қулайликлар тақдим этилади.

– Ўзбекистонда ҳам дунёнинг бошқа мамлакатлари каби электрон ҳукуматни шакллантириш ва жорий этишга катта эътибор қаратилган.

2013 йилнинг 1 июлида республикамизда "электрон ҳукумат" тизимнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилди ([www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)). Ягона порталнинг шиори «Хизматлар янги қиёфада» деб номланиб, унинг маъноси реал вақт режимида фойдаланувчилар учун интерактив давлат хизматларини ягона нуқта орқали тақдим этишни англатади.

Бугунги кунда Ягона портал орқали фойдаланувчиларга 220 дан ортиқ хизматлар тақдим этилмоқда. Бу эса мамлакатимизда электрон ҳукумат тизими жадал ривожланиб бораётганлигининг ёрқин мисолидир.

2019 йил 21 майда қабул қилинган ПҚ-4328 "Электрон ҳукумат" тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Бинобарин, жамият ҳаётини, давлат бошқарувини электронлаштириш вазифаси кенг ва комплекс жараён бўлиб, унинг кўлами фақат Ҳукумат тизими ва фаолияти билан чекланмайди.

Шунга боғлиқ ҳолда айрим илмий манбаларда "электрон давлат" атамаси ҳам ишлатилишини таъкидлаш керак. [5, Б-198] Бунда "Бу икки атама синонимларми ёхуд икки жараённи ўзида ифода этадими?" деган савол туғилиши табиийдир.

Таъкидлаш жоизки, "электрон ҳукумат" атамаси ўз номига кўра, асосан ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат органлари фаолияти ва унинг шакл ва услубларининг электрон шаклга ўтиши жараёнини ўз ичига оладигандай туюлади. Шу билан бирга давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари, жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти ҳамда суд органлари фаолиятида ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, мамлакатимизда дастлаб хўжалик судлари фаолиятида бундай технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилган бўлса, бугунги кунда бу жараён суд органлари фаолиятининг кўплаб жабҳалрига кириб бормоқда, уларнинг кўлами тобора кенгаймоқда.

Хусусан, республикамизда 2013 йилдан жорий этилган «E-SUD» ахборот тизими - жисмоний ва юридик шахсларга фуқаролик ишлари бўйича судларга ариза ва даъво аризалари билан электрон равишда мурожаат қилиш имконини беради.

«E-SUD» ахборот тизимининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали фуқаролик ишлари бўйича судларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш;

– судлар фаолияти ҳақида маълумот тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш;

– суд тизимида интерфаол хизматларни тақдим этиш;

– фуқароларнинг судларга мурожаат этиш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан кенг фойдаланиш учун имкон яратиш;

– судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

– одил судловни кенг жорий этиш учун шарт-шароит яратиш;

– фуқаролик судларида ортиқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш;

– судларда қоғозсиз ҳужжат айланишини жорий этиш.

Ҳозирги даврда илмий адабиётларда "электрон ҳукумат" концепциясига нисбатан ўзига хос ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, россиялик политолог Ю.А. Нисневичнинг ёзишича, "Аввало шуни таъкидлаш керакки, "электрон ҳукумат" атамаси тавсия этилаётган концепциянинг тўлиқ мазмунини ифода этмайди ва "government" атамасини "ҳукумат" деб эмас, балки "бошқариш", ёки "давлат" маъносида таржима қилиш керак. Бинобарин, *биринчидан*, мазкур концепция нафақат ҳукумат ва ижро ҳокимияти органлари тизимини, балки бутун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимини қайта қуришни тақозо этади; *иккинчидан*, у нафақат ҳокимиятнинг ички ташкилий ва ахборот тузилишини, балки ҳокимиятнинг фуқаролар ва иқтисоднинг хусусий сектори билан ўзаро муносабатининг ташқи инфраструктурасини ҳам

қайта ташкил этишни назарда тутди. ...Шу боис, “электрон ҳукумат” концепцияси ҳақида эмас, балки “давлатни электрон бошқариш”, ёки қисқароқ қилиб, “электрон давлат” концепцияси ҳақида гапириш аниқроқ бўлади.[6,Б-198] Хуллас, ҳозирги кунга келиб, республикамизда “электрон ҳукумат” атамаси ҳаётга анча киришиб, ўз ўрнига эга бўлиб қолганлиги, қонун ҳужжатларида ҳам мустақамланганлигини эътиборга олган ҳолда ушбу атамани кенг маънода, яъни барча давлат ва жамият ҳаётини электронлаштириш маъносидида тушуниш самарали.

Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда “электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш учун амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш билан бир қаторда, яна қуйидаги вазифаларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– ҳозирги замон давлатлари механизмида, бир томондан бозор муносабатлари шароитида бошқарув аппарати ҳажмини, давлат хизматчилари сонини қисқартиришга бўлган интилиш билан бир қаторда, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, ихтисослашув жараёни ҳамда давлат ва жамият олдида турли хил муаммоларни тезкор ҳал этиш зарурати янги давлат тузилмаларига бўлган эҳтиёжни вужудга келтириши ўртасидаги муносабат масаласини оптимал ҳал қилиш;

– электрон давлат хизматларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун, ушбу тизимдан фойдаланувчиларнинг ҳам интеллектуал даражалари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

– юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бир неча хориж тилларини биладиган, ахборот-коммуникация технологияларини чуқур даражада ўзлаштирган ва қўллай оладиган, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга инновацион ёндашадиган, электрон ҳужжатлар билан самарали ишлай оладиган мутахассисларни давлат хизматига ишга олиш;

– давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва кучли жамоатчилик назорати остида ишлашини таъминлаш ҳамда инсон ва фуқароларнинг муносабатларини ҳал этишга устувор аҳамият бериш кўникмаларини тўлиқ шакллантириш.

– электрон иш юритишнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини, жумладан, нафақат ижро этувчи ҳокимият, балки қонун ва ҳуқуқ ижодкорлик ҳамда суд органлари фаолиятига ҳам жадал кириб келаётгани боис электрон тафаккурни шакллантириш масаласи кун тартибига чиқади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси маълумотлари // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь. №11. (6194).

2. Ягона портал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги 1920-сон Фармони билан тасдиқланган “Обод турмуш йили” Давлат дастурига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига асосан яратилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарори./ Lex.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарорига 1-илова // [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)

5. Нисневич Ю.А. Государство XXI века: тенденции и проблемы развития: Монография. – М.: КНОРУС, 2012. (С.288). –С.198.

6. Нисневич Ю.А. Государство XXI века: тенденции и проблемы развития: Монография / Ю.А. Нисневич. — М.: КНОРУС, 2012. (С.288). –С.198.

О.Х.Нарзуллаев,  
ТДЮУ тадқиқотчиси

## ЗАМОНАВИЙ ҚОНУНЧИЛИК[ҲУҚУҚ]ДА БИОЛОГИК РЕСУРСЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРДАН ҲОИДАЛИНИШИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

**Аннотация:** экология бўйича янги қонунчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида, кейинги ўн йилликда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида экология ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим атамалар, тушунчалар, устувор йўналишлар, институтлар қўйидагилар бўлиб ўрганилган.

**Калит сўзлар:** экология, экологик барқарорлик, биологик хилма-хиллик, биологик ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий захиралар, инновация, тенденция, ген инженерияси, чиқиндилар, генетика, гибрид.

**Аннотация:** в результате реформ в области нового природоохранного законодательства в последующие десятилетия были изучены наиболее важные термины, концепции, приоритеты, учреждения и институты, которые способствовали дальнейшему развитию права окружающей среды в области сохранения и использования биологических ресурсов.

**Ключевые слова:** экология, экологическая устойчивость, экологическая безопасность, биологическое разнообразие, биологические ресурсы, вода, флора и фауна, природные ресурсы, генная инженерия

**Annotation:** as a result of reforms in the field of new environmental legislation in the following decades, the most important terms, concepts, priorities, institutions and institutions were studied that contributed to the further development of environmental law in the field of conservation and use of biological resources.

**Keywords:** ecology, environmental sustainability, ecological security, biological diversity, biological resources, water, flora and fauna, natural resources, genetic engineering.

Дунёнинг барқарор ривожланишида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Экологик муаммолар инсоният тарихининг бирон-бир босқичида ҳозирги даврдагидек долзарб аҳамият касб этмаган. Биологик хилма-хиллик, биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат ва жамият олдидаги энг муҳим вазифалардандир.

XXI аср юқори технолгиялар ва ахборот асри ҳисобланади. Цивилизация тарихида самарали технолгияларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Халқаро миқёсида аҳолининг ўсиши табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, барқарор ривожланиш шароитида илм-фан ютуқлари инновацион технолгияларини жорий этган ҳолда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш орқали тараққиётга эришиш талаб этилади.

Сўнги йилларда [тез суратларда] биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни

таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш соҳасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июнь 484-сонли “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги [1] қарори, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги [2] қонунлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ушбу қонунчилик ҳужжатларида таъкидланганидек, жонли табиат [3] бошқа табиий ресурсларга нисбатан инсонга жуда яқин, чунки инсоннинг ўзи, табиатнинг бир қисми ҳисобланади. Сайёраимиздаги ҳайвонот дунёси объектлари ва ўсимлик дунёси объектларининг мавжудлиги ҳаётнинг барқарорлигини таъминлайди, чунки улар озиқ-овқат манбаларидир ва шу маънода табиатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларда қўлланилган “биологик хилма-хиллик”, “биологик ресурслар” тушунчасининг вужудга келиши масаласида юридик адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд эканлигини қайд этиш лозим [4]. Айрим олимларнинг таъкидлашича, мазкур тушунча биринчи марта 1892 йилда Г.Бейтс томонидан қўлланилган [5]. Бошқа гуруҳ олимларнинг фикрларига кўра [6], “биологик хилма-хиллик” атамаси биринчи марта В. Розен томонидан 1968 йилда “Биологик хилма-хиллик муносабатларига нисбатан АҚШ стратегияси” миллий анжуманида ишлатилган. “Биологик ресурслар” атамаси бир ёки турли турдаги қуруқликда, денгизда ва хилма-хил экосистема ҳамда экологик комплексларда яшовчи тирик организмларнинг бир-биридан фарқлиниш ҳолатига нисбатан қўлланилади.

Биз шундай тасаввур қиламизки, биологик ресурслар-бу генетик ресурслар, организмлар ва уларнинг қисмлари, инсоният учун потенциал фойдали бўлган экотизмлар мажмуаси ҳисобланади.

Биологик хилма-хиллик – умуман олганда тирик модданинг мураккаблиги, ўз функцияларини ўзи тиклаш қобилияти ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини акс эттирувчи биологик объектларнинг фарқланадиган турлари ёки ҳодисалари сони, ҳамда уларнинг фазо ва вақтнинг қайд этилган оралиғида учрашининг тақрорийлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон қарорига кўра, биологик хилма-хиллик – жами ҳайвонот дунёси [ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар] турларининг хилма-хиллиги бўлиб, тур доирасидаги, экотизмлар турлари ва ранг-баранглиги ўртасидаги хилма-хилликни ўз ичига олади [7].

Боголюбов С.А. Биологик хилма-хиллик тушунчасига қўйидагича таъриф беради, биологик хилма-хилликбарча ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар, микроорганизмлар ва экотизмлар ҳамда уларда кечаётган жараёнларни ўз ичига олади [8].

Бизнингча, биологик хилма-хиллик деганда генетик, турлар, экотизимлар мажмуаси тушунилади. Биологик хилма-хиллик уч даражага бўлинади: генетик хилма-хиллик, турлар хилма-хиллиги, ҳамда экотизимлар хилма-хиллиги. **Генетик** хилма-хиллик, ер ёки конкрет худуднинг тирик моддасида жамланган генетик ахборотни акс эттиради. **Турлар** хилма-хиллик конкрет худудда тарқалган турларнинг сони ва учрашининг такрорийлигини акс эттиради. **Экотизимлар** хилма-хиллик туркумлар маконларининг ҳар хил турлари ва экологик жараёнларининг сонини акс эттиради.

Биологик хилма-хилликтабиатнинг умумий хилма-хиллиги феноменининг хусусий ифодаларидан биридир. Лекин, ер куррасининг биосфера қобиғида яшовчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турли шакллари, кўринишлари ва хиллари экотизимларда ранг-баранглигидан кўра, хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Чунки, экологик тримисимда организмлар нафақат ранг-баранглиги, балки каттаю-кичиклиги, маълум бир ишларни, функцияларни бажара олиши, муайян табиий жараёнларда қатнашиши билан ҳам бири-бирдан фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири, рангидан қатъи назар, биосферада маълум бир экологик функцияни бажаради.

Ҳозирги даврда илм-фан ютуқлари [биотехнологиялар] натижасида юзага келаётган маҳсулотлар ва хизматлар кўламини тасаввур қилиш қийин. Инсонлар 7000га яқин ўсимликларни озиқ-овқат учун ишлатадилар, 90 фоиз жаҳон озиқ-овқат маҳсулоти 20 тур ҳисобига яратилади, шулардан 3 тури [буғдой, маккажўхори, шоли] озиқ-овқатга бўлган жаҳон аҳолиси эҳтиёжининг ярмисини қоплайди. Биологик ресурслар саноат ва тиббиёт учун муҳим хом-ашё манбаси ҳам ҳисобланади [9].

Таъкидлаш лозимки, биз тирик организмлар табиий муҳитнинг таркибий қисми, ресурсларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритмаяпмиз, бу жиҳат тез-тез юридик адабиётда кўриб чиқилаётган мавзу эмас ва қонунчиликда етарлича акс эттирилмаган. Бугунги дунёда биологик ресурсларнинг қиймати сезиларли даражада ошади. Чунончи, аҳолининг ўсиши, иқлим ўзгариши, ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар, биоёқилғи, биотехнология кенг тарқалди.

Ўсимликларнинг 1500 тури доривор ўсимликлар туркумига киради. Ўзбекистоннинг умумий биологик хилма-хиллиги 27000 дан ортиқ турга тўғри келади. Флора [юқори ўсимликлар, кўзқоринлар, сув ўтлари] – 11 мингдан ортиқ тур, шу жумладан: 2000 дан ортиқ кўзқорин тури. Тахминан 400 турдаги эндемик, кам учрайдиган ва қолдиқ бўлган 4300 турдаги ўсимликлар мавжуд. Ўзбекистон Қизил китобида 321 турдаги юқори ўсимликлар ва кўзқоринларнинг уч тури мавжуд. Ҳар йили республикада доривор, озиқ-овқат ва техник ўсимликларнинг 65 турига яқини етиштирилади.

Ҳайвонот дунёси 15000 дан ортиқ турларни ўз ичига олади, улар орасида 11000 турдаги артропод ва 4000 турдаги моллюскалар, қуртлар ва бактериялар мавжуд. Ўмуртқали ҳайвонларнинг улуши 688 тур.

Ўзбекистоннинг Қизил китоби таркибига 184 та ҳайвон тури киради. Улардан 26 таси умуртқали ҳайвонлар Халқаро Қизил китобга [IUCN] киритилган [9].

Таъкидлаш лозимки, ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва фойдаланишнинг ҳуқуқий тартибига бағишлаб ёзилган адабиётларда ҳайвонот дунёси тушунчаси тушунарсиз, кўп ҳолларда умумий

маънода талқин қилинган. Р.Х.Гиззатуллин таърифига кўра, ҳайвонот дунёси деганда, табиий эркин шароитда бўлган, келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган тирик ёввойи ҳайвонларнинг барча кўринишлари мажмуаси тушунилади [10]. Н.Н. Веденин ҳайвонот дунёсини-мамлакат худудидоғи сув, тупроқ, атмосферада табиий шароитда ривожланаётган ёввойи ҳайвонлар, тирик организмларнинг йиғиндисидир, деб тушунади. Б.В. Ерофеев фикрига кўра, ҳайвонот дунёси табиатнинг ажралмас таркибий қисми сифатида, атроф муҳитнинг ҳолатини, сувнинг биологик хусусияти ўсимликларнинг шаклланиши, тупроқнинг унумдорлиги ва табиатда модда алмашинуви жараёнларига ўз таъсирини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлар айнан ҳайвонот дунёси тушунчасига таъриф беришга қаратилган бўлиб улар турли хилдир. Россиялик ҳуқуқшунос олим Р.Х.Гиззатуллиннинг ҳайвонот дунёси тушунчасига берган таърифига кўшилиш мумкин. Лекин, Н.Н. Ведениннинг берган таърифига кўшилиб бўлмайди. Чунки, у ҳайвонот дунёси тушунчасига таъриф беришда ҳайвонот дунёси объектлари атмосферада ривожланиши ҳақида фикр билдирган.

Ҳайвонот дунёси деганда биз ҳайвонот дунёсида мавжуд бўлиб, табиий эркин шароитда яшаётган ҳайвон галаларини, шунингдек сув ва чўлда яшовчи барча ёввойи ҳайвонларнинг мажмуасини тушунаимиз.

Ҳайвонот дунёсига берилган бу таъриф “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмунидан келиб чиқади. “Ҳайвонот дунёси тушунчасига бошқа назарий қарашлар ҳам мавжуд. Масалан; “Ўрмон бу- экологик комплекс сифатидаги барча ўрмон муҳити яъни ўтлар, буталар, мевалар, кўзқоринлар ўрмонларда истиқомат қиладиган ҳайвонлар, қушлар ва бошқалардир”, деган мазмундаги тушунча ишлатилган.

Ф.С.Намазовнинг фикрига кўра, ўрмон тушунчасига ҳайвонларни киритиш мумкин эмас [11]. Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ муносабатлар ўрмон қонунчилиги тартибга соладиган муносабатлар доирасига кирмадан, балки бошқа ҳуқуқ соҳаси билан тартибга солинади.

Биз шундай тасаввур қиламизки, дейди ҳуқуқшунос олим Р.Х.Гиззатуллин қонунлар “ҳайвонот дунёси” тушунчасига аниқ таъриф бера олмайди [12]. Юқорида олдинга сурилаётган қарашда “ҳайвонларнинг” тушунчаси ноаниқлигича қолмоқда. Шуниси равшанки, бундай тушунчалар нафақат “ҳайвонот дунёси” тушунчасини, балки “ўрмон” тушунчасини ҳам чигаллаштириб юборади.

Ҳозирги кунда Республикаимизда биологик ресурслардан фойдаланиш биринчи навбатдаги масала эмаслиги, биологик ресурсларни энг аввало муҳофаза этиб, ундан кейингина оқилона тарзда фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида сўз юритиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдирмоқда. Бу борада эколог ҳуқуқшунос олим Ш.Х.Файзиев “Бугунги кунда давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида, биринчидан атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, иккинчидан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ...” лозим деб эътироф этади.

Ж.Т.Холмўминов фикрига кўра, ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш деганда қонунда белгиланган ва кенг ўрин олган унинг экологик аҳамиятини сақлашга, жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий, эстетик, табиий, тарбиявий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналти-

рилган давлат ва ижтимоий ҳуқуқий экологик тадбирларнинг уйғунлиги тушунилади деб эътироф этади.

Бизнингча, ҳайвонот дунёсидан оқилона асраб авайлаб самарали фойдаланишда икки усул аҳамиятли ҳисобланади. Бу ижтимоий-ҳуқуқий усул ҳақида фикр юритишдан аввал ушбу тушунчаларга тўхталиб ўтсак, 1] Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш; 2] Ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш. Бу тушунчалар кўринишидан бир хилдаги мақсад яъни муҳофазани назарда тутсада, аммо маъно ва мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади.

Юқорида келтириб ўтилган тушунчалардан ташқари, янги қонунларда ишлатилаётган биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ асосий тушунчалар ҳам бор. Чунончи, “Барқарор фойдаланиш”, “Ёввойи ҳайвонлар”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш”, “Генетик ресурсларнинг келиб чиқиш ҳудуди”, “Генетик ресурслар таъминланадиган ҳудуд”, “Хонакилаштирилган ёки маданийлаштирилган турлар”, “Муҳофаза этиладиган ҳудуд”. “Барқарор фойдаланиш” биологик хилма-хилликнинг таркибий қисмларини узоқ муддатда биологик хилма-хилликка барҳам беришга олиб келмайдиган тарзда ва тез суръатда фойдаланиш орқали, ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг интилишларига жавоб беришни англатади.

Ёввойи ҳайвонлар – қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда яшайдиган, хонакилаштирилмаган умуртқасизлар, балиқлар, ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш – ёввойи ҳайвонларнинг барқарор яшаш шароитларини таъминлашга, уларнинг табиий галалари ва популяцияларини сақлаб қолишга, уларнинг йўқ қилиб юборилишининг ёки уларга бошқача зарарли таъсир кўрсатилишининг олдини олишга қаратилган фаолият.

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш – ўсимлик дунёсининг яшаш фаолияти учун қулай шароитларни таъминлашга, унинг йўқ қилиб юборилишининг ёки унга бошқача зарарли таъсир кўрсатилишининг олдини олишга қаратилган фаолият.

Муҳофаза этиладиган ҳудуд – бу биологик хилма-хиллиқни қўллаб-қувватлаш ҳамда табиий ресурслар ва улар билан боғлиқ маданият элементларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган, бундай мақсадга хос бўлган қонуний ва маъмурий бошқарув тартибига бўйсунган қуруқлик ва денгиз қисми.

Таъкидлаш лозимки, қонунлар биологик ресурслар билан боғлиқ тушунчаларга қатъий таъриф бермаслиги керак. Акс ҳолда қонунлар аниқ таъриф берса, у ҳолда назарий олимлар томонидан берилаётган таърифлар қонунга зид бўлиши мумкин. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида, “жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш” экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш; экология хавфсизлигини таъминлаш; табиат объектлари билан боғлиқ моддий маданий мерос объектларини асраб қолишдир. Дарҳақиқат, замонавий илмий тушунчаларга кўра, қўзиқоринлар ўсимлик ва ҳайвонларга қарамадан, уларнинг иккаласига ҳам эга бўлган белгиларга эга бўлган алоҳида жонзотдир. Бироқ уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси одатда ўсимлик дунёси

объектларини муҳофаза қилиш доирасида амалга оширилади.

Замонавий дунёда микроорганизмлардан фойдаланишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда – фан, тиббиёт ва биотехнологиялар. Биотехнология миллий иқтисодиётнинг истиқболли сектори ва молекуляр биология, биокимё, ген инженериясининг энг сўнги усулларига асосланган ҳолда илмий муаммоларни ҳал этишда муҳим рол ўйнайдиган биотехнология ҳисобланади. Иқтисодий, озиқ-овқат, экологик ва биологик хавфсизликни таъминлаш, инсон ва биологик ресурсларни барқарор кўпайтиришни кафолатлаш, иқтисодий ўсиш ва тараққиёт жамиятни ривожлантириш, сайёрадаги экологик мувозанатни сақлаб қолиш. Давлатларaro мақсадли дастур микроорганизмларнинг миллий жамғармалари, ўсимлик ва ҳайвонот ҳужайралари маданияти ва ген инженерияси асосида биологик ресурсларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантиришни назарда тутди.

Хулоса қилиб айтганда, экология бўйичаянги қонунчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида, кейинги ўн йилликда биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида экология ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим атамалар, тушунчалар, фойдаланишни тартибга солиш масалалари долзарб бўлиб қолади. Шунингдек, биологик ресурслар ишлаб чиқариш тизими доирасида биосаноат катта мажмуасининг хомашё қисми бўлиб, у агросаноат, ўрмонсаноат, балиқсаноат ва бошқа мажмуаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири биологик ресурсларнинг у ёки бошқа туридан фойдаланиш билан боғлиқдир. Биологик ресурслар табиий ва ижтимоий тизимлар доирасида эса биоэкологик инфратузилманнинг асосий элементи дир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 27 октябрь, 43-сон, 530-модда
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2016 йил, 9-сон, 273-модда
3. Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар. “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси”, 1993 й., N 1, 39-модда.
4. Лебедева Н.В., Дроздов Н.Н., Биоразнообразие и методы его оценки. –М.: МГУ, 1999. –94 с.
5. Бейтс Г.У. Натуралист на реке Амазонке: рассказ о тропических картинах природы, о нравах животных, о жизни бразильцев и индейцев и о путевых приключениях автора во время его одиннадцатилетних странствий. — М.: Географгиз, 1958. — 430 с.
6. Адрианов А. В. Современные проблемы изучения морского биологического разнообразия // Биология моря. 2004. Т.30. № 1. – С. 3-19.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси [www.lex.uz], 2018 йил 7 ноябрь.
8. Боголюбов С.А. Правовое регулирование использования и охраны биологических ресурсов: науч.-практич. пособие / отв. ред. Е.Л. Минина. –М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации: ИНФРА-М, 2018. — 123 с



9. Биохилмахиллик Ўзбекистоннинг келажаги учун қай даражада муҳим? <http://sgp.uz/uz/gef-thematics/biodiversity>

10. 2019 йил Биохилмахиллик <http://www.uznature.uz/>

11. Гиззатуллин Р.Х. Правовая охрана животного мира законодательством Республики Бошкортостан. Автореф. к.ю.н. "Уфа", 1998. –36 с.

12. Намазов Ф.С. Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Т.Н.П.О "Восток" 2000. 13-б. ушбу эколог ҳуқуқшунос олимнинг фикрига кўра қонунларда "ҳайвонот олами тушунчаси"га таъриф бериш тўғри эмас.

**Д.Атажанова,**  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

### ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солишда ижтимоий ҳимоянинг муҳим жиҳатлари ёритилган ва таҳлил қилинган. Муаллиф бу масалада хорижий мамлакатлар тажрибасига алоҳида эътибор қаратиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларини берган.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, ижтимоий ҳимоя, имтиёзлар, давлат хизматчиси, мажбурият, маош, ижтимоий таъминот.

**Аннотация:** в настоящей статье освещены и проанализированы важные аспекты социальной защиты, посвященные правовому регулированию государственной службы. Автор уделяет особое внимание на практику зарубежных стран по данному вопросу, а также выдвигает свои предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** государственная служба, социальная защита, льготы, государственный служащий, обязательство, зарплата, социальное обеспечение.

**Annotation:** this article highlights and analyzes important aspects of social protection on the legal regulation of public service. The author pays special attention to the practice of foreign countries on this issue, and also puts forward her suggestions for improving legislation.

**Key words:** civil service, social protection, benefits, civil servant, commitment, salary, social security.

Давлат хизматчилари фаолиятининг спецификаси табиий равишда улар ҳуқуқий мақомида ўз ифодасини топади. Давлат хизматчилари баъзи ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ўрнатилган қонуний чекловлар дунё амалиётида давлат хизмати масаласида тўғри қарор деб ҳисобланади. Бироқ бу ҳолат давлат хизматининг ижтимоий мавқеъига салбий таъсир ўтказди. Шу жиҳатдан давлат хизматчилари ижтимоий ҳимояси вазифа ва функциялари ҳам ўзига хос бўлиши лозим деган хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Ўртача меҳнат ҳақини математик усулда олиб таҳлил қилинса, давлат хизматчилари таъминланмаган тоифага кирмайди. Шунга қарамасдан давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси даражаси оддий мезонлар билан ўлчанмаслиги лозим. Давлат хизматчилари меҳнат фаолиятларини ошириш жараёнида давлатнинг вакиллари ҳисобланадилар. Шунга боғлиқ равишда давлат хизматига ишга қабул қилишда ва фаолиятларини амалга ошириш жараёнида уларга алоҳида талаблар қўйилади [1, 258-бет].

Ижтимоий ҳимоя масаласи азал-азалдан давлат сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб келади. Бунда аҳоли эҳтиёжманд тоифаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши билан биргаликда барча учун ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари мақбуллиги каби принциплар амалда бўлади. Ижтимоий ҳимоянинг субъектларга йўналтирилганлиги доирасида унинг давлат хизматчиларига нисбатан тадбиқ этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Давлат хизматчиларининг

ижтимоий ҳимояси уларнинг ижтимоий таъминоти ва улар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Давлат хизматчиларининг алоҳида ижтимоий ҳимоясига алоҳида сабаблар мавжуд. *Аввало*, давлат хизматчилари ходимларга нисбатан фаолияти давомида маълум бир чекловларга амал қилишга мажбурлар. Давлат хизматчиларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари бошқа даромад келтирувчи лавозимларни эгаллаш ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланади. Давлат хизматчиларининг баъзилари хорижга чиқишларида алоҳида рухсат олиш тартиб-таомилига бўйсундилар. Давлат хизматчиларининг ахлоқи ҳам доимо «эътибор»да бўлади. Шу каби чекловлар ҳисобига уларнинг ижтимоий ҳимояси бошқа фуқароларникидан фарқланиши қайсидир маънода компенсация сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Чунки ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чеклов ва ижтимоий ҳимояда мутаносиблик бўлиши адолатдандир. *Иккинчидан*, давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси ўзига хос тарзда кафолатланиши мазкур лавозимларнинг жозибдорлигини оширишга хизмат қилади. Аксарият ҳолларда давлат хизматчилари фаолияти стрессли вазиятларга тўла бўлади. Одатдаги ижтимоий кафолатлар эвазига бу каби «юкни кўтариш» оддий фуқарога малол келиши мумкин. Ижтимоий пакетларнинг ранг-баранглиги мазкур фаолиятга шахсларни қизиқтиради. *Учинчидан*, давлат хизматчилари фаолиятида салбий мазмунда мафтун этувчи иқтисодий омиллар (пора олиш, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) учраб туради. Бу каби иллатларнинг олдини олиш учун ҳам давлат хизматчиларининг таъминотини одатдагидан яхшилаш зарурияти бор. Давлат хизматчилари ижтимоий ҳимоясининг тўғри йўлга қўйилганлиги коррупциянинг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси хориж давлатларида ҳам қонунчилик доирасида йўлга қўйилган. Масалан, Италияда давлат хизматчилари алоҳида ҳолларда ўз иш жойларининг сақланиши (хизматчиларнинг бир хил малака вазифаларига кўра ҳаракатланиши фақат бир маъмурий бўлинма доирасида ёки мавжуд ташкилотнинг ўзидагина амалга оширилади. Оддий ва маъмурий магистратлар, университет ўқитувчилари каби маълум хизматчилар учун ҳаракатланиш чегараланган), ўз касбий малакаси доирасида ваколатларни амалга ошириш, хизмат бўйича кўтарилиш (иш сифати ва хизмат муддатини инobatта олган ҳолда ёзма ва оғзаки имтиҳонлар асосида маъмуриятга ҳавола қилинган ҳолда овоз бериш натижаларига кўра), маълум иқтисодий таъминотга эга бўлиш (хизмат даврига кўра ҳар икки йилда хизматчиларга 8 фоиздан 64 фоизгача (16 йил давомида) қўшимча тўловлар тўланади) ҳуқуқига эгадирлар [2, 39-бет].

Давлат хизмати механизми идеал йўлга қўйилган мамлакатлардан бири бўлмиш Сингапурда ҳам давлат хизматчилари ижтимоий ҳимоясида бир қатор афзалликлар бор. Сингапур вазирлар ва мансабдор шахсларга меҳнат ҳақини белгилашда бозор нархларини инobatта оладиган саноқли давлатлардан биридир. Шу туфайли мазкур давлатда иш ҳақи жуда юқори. Вазирлар ва ҳукуматнинг юқори мансабдорлари ишлари меъёрлари ўрнатилган бўлиб, улардан мақсад қуйидагиларда ифода этилади: давлат хизмати ва бошқарувнинг барча даражаларига

иқтидорли шахсларни жалб қилиш ҳамда уларни қайта тайёрлаш; инсофсизлик ва коррупцияни рағбатлантирувчи омиллар сонини камайтириш; шаффоф сиёсатни олиб бориш ва бошқалар. Сингапур бош вазири иш ҳақи энг юқориларидан саналган 1.9 миллион сингапур долларини ташкил этади [2, 71-бет].

Давлат хизматчилари фаолияти ўзига хослигини тавсифлаганда унинг спецификаси сифатида иш берувчи ўрнида давлат бўлишини таъкидлаш лозим. Давлат хизматчисининг фаолияти меҳнат ҳуқуқи нормалари эмас, балки маъмурий ҳуқуқ ва унинг таркибий қисми саналган давлат хизмати ҳуқуқи билан тартибга солинади. Бу ҳуқуқ соҳаси ўз навбатида тарафларнинг нотенглиги, меҳнат низоларини ҳал қилишнинг алоҳида тартиби, маънавий (ҳокимиятнинг «ўзи»га хизмат қилиш имконияти) ва моддий компенсация эвазига ходимга қўшимча чекловлар ўрнатишни тақозо қилади [3, 60-бет].

Давлат хизматида ижтимоий ҳимояни таъминлаш кўп ҳолларда иқтисодий ресурслар билан боғлиқ бўлгани ҳолда мазкур меъёрлар пухта ўйлангани ҳолда қонунчиликда мустаҳкамланади. Ҳозирги кунда кўп хорижий давлатларда давлат хизматчилари фаолиятини соддалаштириш, улар сонини қисқартириш масаласи кўтарилмоқда. Масалан, АҚШда ҳозирги кунда давлат хизматчиларининг 10 фоизи масофавий ходимлардир. Маълумки масофавий ишлар ўзининг камхаржлиги (яъни унда ташкилот электр-энергияси тежаллади, иш самарадорлик ва натижадорлиги яққол кўринади) билан характерланади. Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Токаев ҳам мамлакатда 2020 йилдан бошлаб давлат хизматчилари сони секин-аста қисқартирилиши, ортган маблағлар эса энг кўп фойда келтирадиган ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши, 2024 йилга келиб давлат хизматчилари ва миллий компания ишчилари сонини 25 фоизга қисқартирилишини маълум қилган [4]. Мазкур мисолларнинг ўзидеёқ давлат хизматчилари ижтимоий ҳимояси давлат аҳамиятидаги жиддий масала эканини кўрсатади.

Давлат хизматчилари ижтимоий ҳимояси деганда сўнги пайтларда аёллар томонидан раҳбарлик лавозимларига интилишни шакллантиришга қаратилган компанияни кузатишимиз мумкин. Бунда давлат хизматида жинсига кўра аёлларга алоҳида имконият берилгани ҳолда уларнинг ижтимоий ҳимояга олинишини кўришимиз мумкин. 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун [5] да алоҳида бобда давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари берилган бўлиб, унда давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, бунда бошқа асослар қаторида давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир белгинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилиши, квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилиши ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкинлиги каби нормаларнинг белгиланиши давлат хизматида аёллар ижтимоий ҳимоясини англатади.

Мазкур бобда, шунингдек давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг равишда иштирок этиши белгиланган бўлиб (17-модда) унга кўра, давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак. Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади. Шунга ўхшаш маълумотлар хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш учун давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизмат бўйича кўтариш масалаларини ҳал қилишда давлат органларининг кадрлар хизматлари томонидан тақдим этилади. Аёллар ва эркеклар ўртасида азалдан бу борада ҳуқуқий асосларда нотенглик белгиланмаганлигига қарамадан, мазкур чора-тадбирларнинг қонунчиликда мустаҳкамланиши давлат хизматида ижтимоий гуманизм принциплари амал қилишини аниқлатади.

Давлат хизматчилари ижтимоий ҳимоясини биз шартли равишда куйидаги турларга ажратсак мақсадга мувофиқ бўлади:

хизматни амалга ошириш жараёнидаги кафолатлар (меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар, озиқ-овқат таъминоти, меҳнат таътили ва ҳ.к.);

пенсия таъминоти;

оила аъзолари учун имтиёзлар.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг 69-моддасига кўра, давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилди, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини ва Сенатида доимий асосда ишлаган Сенат аъзоларини ваколатлари муддати тугаганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилган тақдирда ишга жойлаштириш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилди, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилди[6]. Мазкур кафолат Ўзбекистон Республикаси «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 38-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳарбий хизматдан бўшатилган тақдирда уларга ҳарбий хизматга қабул қилингунига қадар эгаллаб турган

аввалги иш ўрни (лавозими) берилди, аввалги иш ўрни мавжуд бўлмаганда эса давлат органларида ва бошқа ташкилотларда уларнинг мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда бошқа тенг иш (лавозим) биринчи навбатда берилди [7].

Юқоридаги қонунчилик меъёрлари давлат хизматида ўтган ходимларнинг умумий ижтимоий ҳимоясини аниқлатади. Республикада давлат хизматчилари учун мавжуд нормалар умумий ва соҳаларга тааллуқли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган турларга бўлинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги 339-сон қарори [8] га кўра давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатига мувофиқ 1997 йил 1 июлдан бошлаб бюджетдан маблағ билан таъминланадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва судларнинг давлат хизматчилари лавозим маошларига 20 фоизли устама ҳақ (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) белгиланиши барча давлат хизматчиларини кўзда тутди. Шунингдек, кўрсатиб ўтилган Рўйхатга мувофиқ 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб прокуратура органлари давлат хизматчиларининг лавозим маошларига 25 фоизли устама ҳақ (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) белгиланиши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 9 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси судьяларини, адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 343-сон қарори [9]га асосан малака даражалари учун судьяларнинг лавозим маошларига қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорлари, судлар ва адлия органлари ва муассасаларининг малака даражалари ва мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари (лавозим маошига нисбатан фоизларда), судлар ва адлия органлари ва муассасалари ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдорлари белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарори [10]га асосан тасдиқланган Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга кўра, тижорат банки томонидан бериладиган ипотека кредити миқдори ипотека кредити олиш учун буюртманомга берилган кунда республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваридан ортиқ бўлмаган сўммада ипотека кредитлари берилди. Мазкур кредит судьяларга, суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига камида 10 йил муддатга берилди. Мазкур имтиёзлар давлат хизматчиларининг уй-жой билан таъминланишига оид имтиёзлар ва ўз навбатида ижтимоий ҳимояни аниқлатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда давлат хизматчиларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳолда мавжуд.

Айрим соҳаларнинг ўз идоравий меъёрий ҳужжатлари бор. Давлат хизматчисининг ҳуқуқий мақомидан тортиб ижтимоий ҳимоясигача алоҳида меъёрий ҳужжатда акс эттириш лозим. Бу ҳолат соҳага тегишли нормаларни яхлитлаштиришдан ташқари вужудга келиши мумкин бўлган коллизияларнинг ҳам олдини олади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Матвеев С. Задачи и функции социальной защиты государственных служащих. Общество и право. – М., 2009. №4(26). – С.257-261.
2. Зенков М.Ю. Зарубежный опыт управления: Государственная служба: Учебное пособие. –Н.: НГАУ, 2004. – С.130.
3. Оболонский А.В. Государственная служба во Франции // Государство и право. –М., 2000. №11. –С.60-64.
4. <http://protoday.uz/uz/archives/256563>.
5. <http://www.lex.uz/docs/4494849>.
6. <http://lex.uz/docs/142859>.
7. <http://www.lex.uz/docs/3610935>.
8. <http://lex.uz/docs/1191841>.
9. <http://lex.uz/docs/831781>.
10. <http://lex.uz/docs/4040285>

**В.Давлятов**

ТДЮУ мустақил изланувчиси

### АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЮРИДИК МАСЛАҲАТХОНАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

**Аннотация:** мақолада адвокатура институтини такомиллаштириш, юридик маслаҳатхонанинг бугунги кундаги ҳолати, хорижий мамлакатлар тажрибаси, мазкур соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** адвокатура институтини такомиллаштириш, юридикмаслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун, ҳуқуқий база, адвокат, хорижий мамлакатлар тажрибаси.

**Аннотация:** в статье освещаются вопросы совершенствования института адвокатуры, сегодняшнее состояние юридической консультации, зарубежный опыт, существующие проблемы в данной области и пути их решения.

**Ключевые слова:** совершенствование института адвокатуры, правовой статус юридической консультации, закон прямого действия, правовая база, адвокат, опыт зарубежных стран.

**Annotation:** the article highlights the issues of improving the institution of advocacy, the current state of legal advice, foreign experience, existing problems in this area and ways to solve them.

**Key words:** improving the institution of advocacy, the legal status of juridical consultation, the law of direct action, the legal framework, a lawyer, the experience of foreign countries.

Сўнги уч йил мобайнида мамлакатимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар адвокатура институтини ҳам замон билан ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки адвокатура тизими фуқаролик жамиятининг узвий қисми сифатида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан, хусусан суд-ҳуқуқ тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлардан бевосита манфаатдордир [4; 239-6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сон Фармони адвокатура институтини такомиллаштиришда янги даврни бошлаб берди десак, айти ҳақиқатдир.

Айни пайтда, адвокатура институтини тартибга солувчи қарийб 100 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Уларнинг аксарияти қонуности ҳужжатларидан иборатдир. Давлатимиз раҳбари конституция қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида [1] ва 2019 йил учун белгиланган Давлат дастурида [6] қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, тўғридан-тўғри амалиётга қўлланадиган қонунлар қабул қилиш лозимлигини таъкидлаган эдилар.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги

2419-III/КҚ-523-III-сон Қўшма қарори билан тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси”нинг 45-бандида 2021 йилда адвокатурага оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида акс эттирган **“Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини** ишлаб чиқиш белгиланган.

Ўйлаймики, мазкур лойиҳа нафақат адвокатура соҳасидаги мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларини бирлаштириш, балки мамлакатимизда адвокатура институтини такомиллаштиришга қаратилган илғор ғоялар, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган нормалар билан тўлдирилади.

Зеро, ҳуқуқшунос олимлар Рустамбаев М.Х., Тўхташева У.А. таъкидлаганларидек: “Адвокатура бу жамиятда барча шахсларнинг, яъни фуқаролик жамиятининг, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган жамият фаолияти самарасидир. Адвокатуранинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини эса қонун чиқарувчи ҳокимият орқали давлат белгилайди, яъни адвокатура бу қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида фаолият олиб борадиган ҳуқуқий институтидир” [3; 440–441-б].

Таъкидлаш жоизки, илмий тадқиқот давомида жорий йилнинг июнь-июль ойларида мамлакатимизда адвокатлик фаолиятини олиб бораётган **1 540** нафар адвокатлар ўртасида ўтказилган аноним сўровга кўра, “адвокатура институтининг бугунги кундаги фаолияти замон талабларига жавоб берадими?” деган саволга респондентларнинг **20,7 %** “жавоб беради”, **8,4 %** “жавоб бермайди”, **70,1 %** “қисман жавоб беради”, деб жавоб қайтаришган<sup>1</sup>.

Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда адвокатуранинг ташкилий-ҳуқуқий бирликлари – адвокатлик тузилмаларининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабига кўра, белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, яқка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокат (шерик)лар билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Адвокатура жамоат ташкилоти сифатида ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. К.Яневский ёзганидек, «...жамоат ташкилотлари дейилганда бирор бир ижтимоий гуруҳ томонидан тузиладиган ва шу ижтимоий гуруҳга кирувчи фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тушунилади. Масалан, сиёсий партиялар шу партия тарафдорларининг, касаба уюшмалари ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари учун хизмат қилади. Адвокатура эса ўз аъзоларининг эмас, балки бутун жамият миқёсида барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади» [7; 15-с].

<sup>1</sup>Муаллифнинг (В.Д.) Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда ўтказган социологик тадқиқот ҳисоботи.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмаси, адвокатлик бюроси ва юридик маслаҳатхона адвокатлик тузилмасидир. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда **1 660 та** адвокатлик тузилмалари мавжуд бўлиб, улардан **71 та** адвокатлар ҳайъатлари, **435 та** адвокатлик фирмалари, **1 154 та** адвокатлик бюралари фаолият кўрсатмоқда. Уларда **3 946 нафар** адвокат ўз фаолиятини амалга оширмоқда [5].

Маълумки, **юридик маслаҳатхона** адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган адвокатлик тузилмасидир. Юридик маслаҳатхона тегишли ҳудудда юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун адвокатлик тузилмаларининг сони етарли бўлмаган ҳолларда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилади.

Демак, мазкур адвокатлик тузилмаси адвокатлар томонидан ташкил этилмайдиган адвокатлик тузилмасининг **ягона шаклидир**. Бироқ ҳозирда адвокатлик тузилмасининг ушбу шакли мамлакатимизда фаолияти ташкил этилмаган. Бунинг сабаби, бизнинг назаримизда, тегишли ҳудудда юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун адвокатлик тузилмаларининг сони етарли бўлиш ёки бўлмашиқ ҳолатларининг аниқ мезонлар асосида белгиланмаганлиги билан боғлиқдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият давлатлар қонунчилигида юридик маслаҳатхонани ташкил этиш мезонлари қатъий белгилаб қўйилган. Хусусан, Россия Федерациясида юридик маслаҳатхона бир маъмурий-ҳудудий бирликда адвокатларнинг сони ҳар бир федерал судьяга камида икки нафардан кам бўлган [2] ҳолатларда ташкил этилади. Беларусия Республикасида ҳудудий адвокатлар ҳайъати томонидан ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси жиноят ишларида адвокат иштирокисини таъминлашдир.

Шунингдек, Россияда юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий табиати нодавлат нотижорат ташкилот шаклида бўлиб, мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли равишда алоҳида юридик шахс ҳисобланади. Россияда Юридик маслаҳатхонанинг ҳуқуқий мақоми “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Россия Федерациясида адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Юридик маслаҳатхона маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг тақдимномаси асосида ҳудудий адвокатлар палатасининг кенгашида кўриб чиқилади. Бунда юридик маслаҳатхона ташкил этилиши кўзда тутилаётган туман, ундаги судьялар сони, зарур бўлган адвокатлар сони ва юридик маслаҳатхонани моддий-техник таъминлаш масалалари назарда тутилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда юридик маслаҳатхонага бўлган заруратни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳардаги жиноят, маъмурий ва фуқаролик, иқтисодий суд ишларидаги иш ҳажмларини аниқлаш, улар асосида ҳар бир судьяга тўғри келадиган иш ҳажми асосида уларнинг

юкламасини белгилаш, бу асосида эса, ҳудудлардаги адвокатларнинг сонини белгилаш лозим.

Мазкур таклифларни ҳаётга татбиқ этиш мамлакатимизда адвокатура институтини янада такомиллаштиришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг малакали юридик ёрдам олиш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Билмли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. *Қаранг //Халқ сўзи//* 2018 йил 8 декабрь, № 253 (7211)

2. “Россия Федерациясида адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги 2002 йил 31 майдаги 63-сон Федерал қонун. Федеральный закон от 31.05.2002 N 63-ФЗ (ред. от 29.07.2017) "Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации"

3. Рустамбаев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009, – Б.440-441.

4. Саломов Б. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг роли. // Инсон ҳуқуқларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 239 -бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг маълумоти.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” ПФ–5635-сон Фармони. <http://lex.uz/docs/4168749>

7. Яневский К. Адвокат и адвокатура в России. – М.: Юрид. лит., 1992. - С. 15.

**Б.Қосимов,**  
ТДЮУ ўқитувчиси

### ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган суд ҳокимияти мустақиллиги кафолатининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Шунингдек, суд ҳокимиятининг назарий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Суд ҳокимияти мустақиллигини янгича асосда таснифлаш таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** суд ҳокимияти, судлар, судья, суд ҳокимиятининг мустақиллиги.

**Аннотация:** в статье проанализированы особенности гарантий независимости судебной власти, предусмотренные Конституции Республики Узбекистан. Также, особое внимание уделено теоретическим основам независимости судебной власти. Предлагается новая классификация независимости судебной власти.

**Ключевые слова:** судебная власть, суды, судья, независимость судебной власти.

**Annotation:** the article analyzes the peculiarities of ensuring judicial independence by the Constitution of the Republic of Uzbekistan. In addition, theoretical aspects of judicial independence are scrutinized. It is suggested to classify judicial independence based on a new approach.

**Keywords:** judicial authority, courts, judge, judicial independence.

Ҳар бир демократик давлатда инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларининг қайта тикланиши ва давлатнинг бузилган қонунлари ҳимояси суд ҳокимиятининг мустақиллиги бўлмиш қатъий принципга таянган одил судлов ёрдамида амалга оширилиши талаб этилади. Агар суд ҳокимияти том маънода мустақил бўлса, одил судловнинг рўёбга чиқишига шу даражада имкон туғилади.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги аслида фақатгина конституциявий ҳуқуқ соҳасининг нормалари ва конституциявий ҳуқуқ фани доирасида ўз ечимини топадиган масала эмас. Ривожланган демократик давлатларда суд ҳокимиятининг мустақиллиги масаласи нафақат турли ҳуқуқшунослик фанлари, шунингдек, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва социология ҳамда бошқа шу каби ижтимоий фанларнинг ҳам доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш, суднинг мустақиллиги тамойилини ҳар томонлама тадбиқ этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Конституциявий ҳуқуқ фанида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда суд ҳокимиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрнатиш ва такомиллаштириш, бунда энг аввало, суд ҳокимияти тармоғининг бошқа ҳокимият тармоқларидан,

судьяларнинг эса низоларни кўриб чиқиб ҳал қилишда ҳар қандай шахслар, биринчи навбатда, бошқа ҳокимият тармоқларида фаолият олиб боровчи мансабдор шахсларнинг аралашуvidан мустақил бўлиб қолишларига эътибор қаратилади.

Баъзи ғарб олимлари “мустақиллик” тушунчаси аслида нисбий тушунча эканини таъкидлайдилар. Уларнинг таъкидлашича, ҳар қандай индивид ёки ташкилот аслида мутлақ мустақил бўла олмайди. Индивид ўзининг моддий фаолиятида мустақил бўлган тақдирда ҳам руҳан бошқа кимсаларга таяниши, бусиз эса ҳаёт кечира олмаслиги ёки фаолиятдан тўхташи мумкинлигини келтирадилар. Аммо бундай назарияни илгари сурган олимлар кўпроқ ҳуқуқнинг фалсафий жиҳатларига таянганларини пайқаш мушкул эмас.

Хусусан, америкалик профессор Жон Ферезоннинг фикрича, “Мустақиллик камида икки маънога эгага ўхшайди. Биринчи маънода мустақиллик шуни англатадики, унга кўра шахс агар бошқалардан кўрқмай ёки ўзгаларнинг аралашувисиз бирон хатти-ҳаракат қила олса уни мустақил деса бўлади. Бу маънода суд ҳокимиятининг мустақиллиги судьянинг ўз юритувидаги ишни кўрқувсиз ёки ноқонуний жазолар ёхуд мукофотларни кутмай ҳал этишда эркин бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоядир”[1]. Олим яна бошқа фикрни келтириб ўтади. Унга кўра “Агар бир инсон ёки ташкилот ўз юритувидаги ишни ўзга шахс ёки ташкилотга таянмасдан ҳал этишга қодир бўлмаса, биз бундай инсонни ёки ташкилотни бир-бирига қарам деб ҳисоблаймиз. Бу маънода федерал суд тизими конгрессга ва президентга юрисдикция ва суд қарорларини ижро этиш масалаларида институционал жиҳатдан тобеъдир”[1]. Шунинг учун, олим суд тизимини мустақил судьялардан иборат қарам тузилма, дея ҳисоблаш тарафдори.

Назаримизда олимнинг юқоридаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Бунинг боиси шундаки, “давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида тийиб туриш ва мувозанат сақлаш” принципи “суд ҳокимиятининг мустақиллиги” тушунчасини инкор этмайди. Америка Қўшма Штатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам суд ҳокимиятининг юрисдикция масаласида қонун чиқарувчи ҳокимиятга боғлиқ экани аслида қонун чиқарувчи ҳокимият тармоғининг суд ҳокимияти тармоғини тийиб туришини англатади. Америка Қўшма Штатларининг Олий суди, Ўзбекистонда эса Конституциявий суднинг парламент томонидан қабул қилинган қонунларни конституцияга мос эканини аниқлаш ваколатига эга экани суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятни тийиб туришини англатади. Бундай тийиб туриш ҳокимият тармоқларини ўзаро бир-бирига қарам қилиб қўймайди, балки ҳокимиятнинг яқка субъект ихтиёрида жам бўлишининг олдини олади.

Профессор Ғ.Абдумажидовнинг аниқлашича, “Судьяларнинг мустақиллиги тамойилининг моҳияти суднинг ташқаридан аралашувисиз, қандайдир тазйиқсиз ёки бошқача таъсир кўрсатишсиз, қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда масъул қарорлар қабул қилиши учун реал имконият берадиган шароитларни таъминлашга интилишдан иборат”[8]. Олим суднинг мустақиллиги иккита элементнинг бирлашмасидан иборатлигини кўрсатиб ўтади. Улар:

#### 1. Суд ҳокимиятининг ташкилий мустақиллиги.

Бу суд ҳокимияти тармоғининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларига бўйсунмаслиги ва унинг мустақиллиги ва ҳолислигини англатади. Бошқа

ҳокимият тармоқлари суд ҳокимиятига тегишли масалалар юзасидан қарор қабул қилолмайди.

#### 2. Судьяларнинг функционал мустақиллиги.

Бу судьяларнинг ишни кўриб ҳал қилишда фақат қонунларга риоя этишларини билдиради.

Профессор М.Рустамбоев ва Е.Никифорова ўз тадқиқотларида олим Ғ.Абдумажидов томонидан илгари сурилган ғояларни қўллаб-қувватлайдилар [3]. Профессор Ҳ.Бобоев “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги судларнинг мустақиллигини ҳам англатади”, дея таъкидлайди [10]. Олима Ф.Муҳиддинованинг фикрига кўра “Судларнинг мустақиллиги Конституция билан судларга юклатилган вазифаларни ҳал этишда бошқа ҳокимият тармоқларининг аралашмасликларини талаб этади” [2]. Профессор О.Хусановнинг таъкидлашича, “Суд мустақиллиги судьянинг мустақиллиги ёки унинг аксини ҳам англатади. ...Суд ҳокимиятининг таъсирчанлиги, аввало, судлар ва судьяларнинг мустақиллигига боғлиқ. ...Судьялар мустақил ҳисобланадилар. Улар сиёсий партиялардан ҳолидирлар. Улар бирон органга ёки мансабдор шахсга бўйсунмайдилар. Судьялар фақат қонунга бўйсунмайдилар. Одил судловни амалга оширишда судларнинг фаолиятига бирон тарзда аралаштириш таъқиқланади” [8]. Яна бир бошқа тажрибали амалиётчи Б.Жамоловнинг тадқиқотида кўра суд ҳокимиятининг мустақиллиги ташқи ва ички томонларга эга. Ташқи томон судларнинг бошқа ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларидан мустақиллигини билдиради, ички томон суд ҳокимияти ва судьяларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги мустақиллигини англатади [2].

Бизнингча, суд ҳокимиятининг мустақиллиги *структуравий* ва *индивидуал* хилларда бўлиши мумкин. Структуравий мустақиллик суд ҳокимиятининг бутунлигича бошқа давлат ва нодавлат тузилмалардан мустақиллиги ва суд ҳокимияти доирасидаги суд органларининг ўзаро бир-бирдан мустақиллигини англатади.

Фикримизча, **суд ҳокимиятининг структуравий мустақиллиги** қуйидаги белгилар билан характерланади: 1) суд ҳокимиятининг яхлит тарзда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақиллиги; 2) суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тармоқларининг бирортасига мансуб бўлмаган, бироқ ҳозирда алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларидан мустақиллиги; 3) суд ҳокимиятининг фуқаролик жамиятининг ҳар қандай институтларидан мустақиллиги; 4) суд ҳокимиятининг олий органларининг ўзаро бир-бирдан мустақиллиги; 5) қуйи турувчи судларнинг ўзидан юқори турувчи судлардан мустақиллиги.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 106-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”[7]. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида акс этган мазкур норма суд ҳокимиятининг айтин структуравий мустақиллигига мос келади. Бу нормада структуравий мустақилликнинг юқоридаги келтирилган барча белгилари қамраб олинмаган. Улардан суд ҳокимиятининг яхлит тарзда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақиллиги ва суд ҳокимиятининг фуқаролик жамиятининг ҳар қандай

институтларидан мустақиллиги каби биринчи ва учинчи белгилари кўзга ташланади.

Аммо суд ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тармоқларининг бирортасига мансуб бўлмаган, бироқ ҳозирда алоҳида мақомга эга бўлган давлат органларидан мустақиллиги масаласи очиқ қолгандек кўринади. Ҳозирда давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоби палатаси, Прокуратура органлари, Миллий хавфсизлик хизмати органлари каби шундай субъектлар борки, улар давлат ҳокимиятининг бирорта тармоғига мансуб эмас. Ҳозирда ушбу давлат органлари алоҳида мақомга эга бўлган давлат органлари сифатида талқин этиб келинмоқда.

Конституция суд ҳокимиятининг жамоат ташкилотининг бир тури бўлган сиёсий партиялардан мустақил эканини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, “*бошқа жамоат бирлашмаларидан*” деган сўзлар билан жамоат бирлашмаларининг сиёсий партиялардан ташқари бошқа хиллари назарда тутилади. Бироқ Конституциянинг мазкур нормасида давлат ҳокимиятининг бирор тармоғига мансуб бўлмаган *бошқа давлат ҳокимияти органлари*, яъни алоҳида мақомга эга давлат органларидан мустақиллиги масаласи эътибордан четта қолгандек.

Юқорида келтирилган таҳлилдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 106-моддасини давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этишнинг ҳозирги замон тенденциясидан келиб чиққан ҳолда қайта қўриб чиқиш суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтишга хизмат қилган бўлар эди.

Суд ҳокимиятининг структуравий мустақиллигини таъминлашда суд ҳокимияти олий органларининг ўзаро бир-бирдан мустақиллиги ва қўйи турувчи судларнинг ўзидан юқори турувчи судлардан мустақиллиги муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, илмий манбаларда суд ҳокимияти структуравий мустақиллигининг мана шу жиҳатига камроқ эътибор қаратиб келинмоқда.

Суд ҳокимияти олий органлари – Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик судининг ўзаро бир-бирдан мустақиллиги Конституция ва қонунларнинг умумий мазмунидан келиб чиқади. Улар ўзларига тегишли юрисдикция доирасидаги ишларнигина ҳал этишда ваколатлидирлар.

Қўйи турувчи судларнинг ўзидан юқори турувчи судлардан мустақиллиги масаласи, фикримизча, ҳар бир замон ва маконда судлар фаолиятида энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабат бўлгани сабабли қонун нормаси даражасида мустаҳкаманиши керак. Бироқ бу муносабат қонунда эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги қарори 9-бандининг биринчи хат бошисида ўз ечимини топган. Унда келтирилишича, “...Республиканинг туман, шаҳар, вилоят, ҳарбий, хўжалик судлари ва Қорақалпоқистон Республикаси Олий суди юқори судларга фақат процессуал жиҳатдан бўйсундилар”.

Қонун устуворлиги шароитида суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида Пленум қарорида келтирилган бундай тушунтиришни ҳуқуқ нормаси шаклида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида акс эттириш мақсадга

мувофиқ. Шундай қилинганда суд ҳокимиятининг нафақат бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил экани, шунингдек, суд ҳокимияти тармоғидаги қўйи ва юқори судларнинг одил судловни амалга оширишда ўзаро бир-бирдан мустақиллиги ҳам қонун даражасида ўз аксини топган бўлар эди.

**Суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллиги** судьяларнинг бошқа давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан, оддий фуқаролар ва, hatтоки, бир суд доирасидаги судьялар ёки юқори инстанция судьяларидан мустақиллигини англатади.

Суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллиги қўйидаги белгилар билан характерланади: 1) судьяларнинг бошқа республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларидан мустақиллиги; 2) судьяларнинг суд раисларидан мустақиллиги; 3) судьяларнинг юқори турувчи суд судьяларидан мустақиллиги; 4) суд ҳайъатларида судьянинг бошқа судьялардан мустақиллиги; 5) судьяларнинг бошқа ҳар қандай фуқаролардан мустақиллиги.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 112-моддасига кўра “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашигга йўл қўйилмайди ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади” [7].

Мазкур норма суд ҳокимиятининг айна индивидуал мустақиллиги мазмунига мос келади. “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар” жумласи билан шундай маъно англашиладики, одил судловни амалга оширувчи судья юқорида келтирилган суд ҳокимияти индивидуал мустақиллигининг белгиларида келтирилган барча субъектлар – республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари, суд раислари, юқори турувчи суд судьялари, суд ҳайъатидаги бошқа судьялар, фуқаролар ва юридик шахслардан мустақилдир ва шунинг учун бундай субъектлар томонидан судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралаштишлари мумкин эмас.

Суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллигини таъминлашда судьяларнинг суд раислари, уларнинг ўринбосарлари ва юқори суд органларининг судьяларидан мустақил бўлиб қолишларига доимий эътиборни қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги қарори 9-бандининг иккинчи хатбошисида бу борада шундай дейилади: “Туман, шаҳар, вилоят, ҳарбий, хўжалик судларининг судьялари шу судларнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларига, Олий суднинг ва Олий хўжалик судининг судьялари эса тегишлича Олий суднинг Раиси ва унинг ўринбосарларига, Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарларига фақат ишларни ташкиллаштириш масалалари бўйича бўйсундилар”.

Суд ҳокимиятининг структуравий ва индивидуал мустақиллиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 106 ва 112-моддаларида алоҳида-алоҳида келтирилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида эса



битта модда, яъни “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги” деб номланган 4-моддада ўз аксини топган.

Суд ҳокимиятининг структуравий ва индивидуал мустақиллигини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Улардан бирининг ўз пайтида мақсадга мувофиқ тарзда таъминланмаслиги иккинчисига путур еткази. Пировард натижада одил судловга путур етади. Ҳўш, суд ҳокимиятининг структуравий ва индивидуал мустақиллигини таъминлаш бир хил усуллар билан амалга ошириладими ёки алоҳида-алоҳида турли хил усуллар билан амалга ошириладими?

Суд ҳокимияти тармоғининг структуравий мустақиллиги, одатда, давлатнинг асосий қонуни ҳисобланмиш конституцияда алоҳида қайд этиб ўтилади. Бунда суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқлари ва давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил эканига алоҳида эътибор қаратилади. Хорижий мамлакатларнинг конституциявий амалиётида бундай норма одатда конституциянинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларига тегишли нормаларида учрамайди. Бундан асосий мақсад суд ҳокимиятининг мустақиллигига урғу бериш ва уни кучайтириш бўлса ажаб эмас. Шунингдек, суд ҳокимиятининг структуравий мустақиллиги суд ҳокимияти ва бошқа давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида тийиб туриш ва мувозанат сақлаш принципини самарали тарзда ташкил этиш йўли билан таъминланади.

Суд ҳокимияти тармоғини минимал даражада мустақил деб баҳо бериш учун, у камида ижро этувчи ҳокимият тармоғидан мустақил бўлиши керак. Бу борада мустақиллик йилларида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [4] суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканини белгилаб берди.

Судьялар ваколат муддатининг қанчалик даражада давомий экани уларнинг мустақиллигига шу даражада таъсир кўрсатади. Фармон билан қонунчиликда судья лавозимида бўлишнинг биринчи маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш назарда тутилди. Фармон асосида кейинчалик “Судлар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган сўнгги ўзгартиришга кўра “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади” (111-модда) [1]. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида Кенгашнинг ваколатлари мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, Судьялар олий кенгаши суд ҳокимияти мустақиллигини

таъминлашга кўмаклашишда қуйидаги ваколатлари муҳим ўрин тутди:

1. Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш.

2. Судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш.

3. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш[2].

Бундай вазифаларнинг Судьялар олий кенгашига берилиши уларнинг аксарият қисми судьялардан иборат бўлган ҳамжамият томонидан кўриб чиқилишига сабаб бўлади. Шунингдек, судьяларнинг индивидуал мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган изчил, тизимли ва кенг кўламдаги ислохотлардан пировард мақсад — бу суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашдир. Ушбу ислохотларнинг суд ҳокимиятининг структуравий ва судьяларнинг индивидуал мустақиллигини таъминлашга қаратилиши эса муҳим аҳамиятга эга.

#### Адабиётлар рўйхати

1. John Ferejohn. Independent judges, dependent judiciary: explaining judicial independence. Southern California Law Review. Vol. 72:353. 1999. – Б.355.
2. Б.Жамолов. Суд ҳокимияти. HUUQUQ va BURCH. N 11, 2008. – Б.35.
3. Рустамбоев М.Ҳ., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ZAR QALAM, 2005. – Б.94.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.60.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.64.
8. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври / Муаллифлар: А.А.Полвон-зода, Г.А.Абдумажидов ва бошқалар. – Т.: Адолат, 2002. – Б.35.
9. Ф.Муҳиддинова. Суд мустақиллиги – адолат кафолати. HUUQUQ va BURCH. N 3, 2007. – Б.34.
10. Ҳ.Бобоев. Судья мустақилми? //Жамият ва бошқарув.–N 2// 2000. – Б.24.
11. Ҳусанов.О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Адолат, 2013. – Б.527.

**Б.А.Норматов,**  
ТДЮУ катта ўқитувчиси

## СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ (ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА)

**Аннотация:** муаллиф ушбу мақолада хорижий давлатларда солиқ текширув органлари, солиқ текширувларининг турлари ва шакллари, солиқ текширувларига оид тушунчалар, солиқ текширувлари бўйича қонунчиликнинг ривожланишини таҳлил қилиб ёритган.

**Калит сўзлар:** солиқ назорати, солиқ текшируви, солиқ текшируви шакли, солиқ текшируви усули ва солиқ органлари.

**Аннотация:** в данной статье автор анализирует развитие законодательства о налоговых проверках, понятие о налоговых проверках, виды и формы налоговых проверок, налоговых проверок в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** налоговый контроль, налоговая проверка, форма налоговой проверки, метод налоговой проверки и налоговые органы.

**Annotation:** in this article the author analyzes the development of legislation on tax audits, the concept of tax audits, types and forms of tax audits, tax audits in foreign countries.

**Keywords:** tax control, tax audit, form of tax audit, method of tax audit and tax authorities.

Хорижий давлатларда солиқ текширувларининг кенг тарқалган ўхшаш турлари мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси умумий қоида тариқасида ўтказиладиган камерал текширув, иккинчиси солиқ органининг жойлашган жойи бўйича (office audit) текширув ва учинчиси солиқ тўловчининг ҳудудига чиққан ҳолда (field audit) сайёр текширув ҳисобланади [1]. Солиқ назорати солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини, солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва ушбу қонунчилик бузилганда тегишли жазо чоралари қўлланилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди [2, 122-бет].

Солиқ органлари томонидан ўтказиладиган текширувларни турли хил мезонлар асосида таснифлаш мумкин. Солиқ текширувлари ўтказиладиган жойига қараб: камерал ва сайёр текширувлар; текшираладиган масалалар ҳажмига қараб: комплекс, тематик, мақсадли; солиқ текширувларини ташкил этиш усулларига қараб: режали ва тасодифий; текшириладиган ҳужжатларнинг ҳажмига қараб: ёппаси ва танловли турларга бўлинади, шунингдек назорат ва қайта солиқ текширув турлари ҳам мавжуд [3, 66-67-бетлар].

Баъзи давлатларда солиқ органлари тизими турли хил ҳисобланади. Масалан, Австралия, Китай ва Японияда солиқ органлари алоҳида мустақил статусга эга бўлса, Италия, Франция, Швеция ва АҚШда солиқ органлари молия органларининг таркибий тузилмаси ҳисобланади [4, 99-бет].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар (Европа ва осиёнинг 36 га яқин давлатлари)да солиқ назоратининг асосий шакли солиқ текширувлари ҳисобланади ва солиқ органларининг 30-40 фоиз ходимлари солиқ текширувлари билан банд ҳисобланади [5].

Солиқ назорати босқичлари: солиқ рўйхатига ёки ҳисобига қўйиш, солиқ ҳисоботларини топшириш; камерал текширув; текширувдан олдинги таҳлил; сайёр текширув; солиқ ҳисоботларини йиғиш ва судгача ва суд тартибида иш юритиш [6, 109-бет].

Солиқ назоратининг асосий самарали шакли сайёр солиқ текширувлари ҳисобланади, чунки кўпгина солиқ ҳуқуқбузарликлари айнан ушбу жараёнларда аниқланади [7, 104-бет]. Сайёр ва ҳужжатли солиқ текширувлари синоним ҳисобланади. Сайёр солиқ текширувлари солиқ тўловчининг ҳудудида амалга оширилади. Ҳужжатли текширув дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари ва рўйхат регистрларини текшириш ҳисобланади [8, 116-бет].

**Ўзбекистон Республикаси.** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига кўра солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текшириш ҳисобланади. Солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади. Солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш ҳисобланади. Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ҳисобланади.

Солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади: тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар; тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар қиради: солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш); жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари тўғрисидаги муносабатлари асосида ўтказиладиган текшириш ёки таваккалчиликни таҳлил этиш натижаларининг яқунлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари ташаббусига кўра текшириш.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар қиради: юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текшириш ҳамда фаолияти тугатилаётганда ягона солиқ тўловчини тўловчи бўлган яқка тартибдаги тадбиркорни текшириш; тегишли рухсатномаларсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилинишини текшириш; қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ёки реализация қилинишини текшириш;

тақиқланган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши фактларига барҳам бериш бўйича текшириш; ўз фаолиятини расман тўхтатиб турган давр мобайнида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни давом эттираётган жисмоний шахснинг фаолиятини текшириш [9].

**АҚШ.** АҚШда солиқларни йиғиш вазифаси Молия вазирлиги таркибига кирувчи федерал орган 1862 йилда ташкил этилган Ички даромад хизмати (Internal Revenue Service, IRS) томонидан амалга оширилади. АҚШда куйидаги турдаги солиқ текширувлари мавжуд: сиртдан текширув (ҳужжатларни Ички даромад хизмати бўлимларига почта орқали юбориш); камерал текширув (Ички даромад хизмати органининг жойлашган жойи бўйича ўтказиш) ва сайёр текширув (солиқ тўловчининг жойлашган жойи бўйича текшириш) [10].

Солиқ текширувларини тартибга солувчи асосий ҳужжат Ички даромад кодекси (Internal Income Code) ҳисобланади. АҚШ қонунчилигида солиқ текшируви тушунчасини “audit”, “examination”, “check” ва “checking” каби терминлар билан ифодалади. Камерал текширув икки хил усулда амалга оширилади: биринчиси, correspondence audit – солиқ органининг сўрови бўйича солиқ тўловчи ҳужжатларни почта орқали алмашади; иккинчиси face to face audit – солиқ органи офисида солиқ тўловчини чақирган ҳолда учрашади. Бундан ташқари, солиқ органи ходими ҳолатни шахсан тасдиқлаш учун солиқ тўловчининг худудида солиқ кўригини ўтказиши.

Сайёр текширувлар field audit – солиқ тўловчининг асосан тадбиркорлик субъектининг худудига борган ҳолда унинг бухгалтерия ҳужжатларини комплекс текширишни назарда тутди [11].

**Франция.** Францияда солиқ текширувларини ўтказиш тартиби солиқ кодекси билан тартибга солинади. Солиқ текширувларининг 2 тури: камерал ва сайёр текширувлар мавжуд. Камерал текширувда солиқ тўловчиларнинг декларациялари дастлабки текширувдан ўтказилади. Агар солиқ тушумларида хато ва камчиликлар аниқланса, солиқ тўловчига хабар берилади ва тегишли тушунтириш сўралади. Тақдим этилган тушунтиришлар етарли бўлмаганда, сайёр текширувлар тайинланади. Сайёр текширув ўтказилиши тўғрисида солиқ тўловчи хабардор қилинади [12, 124-бет].

**Германия.** Германияда солиқ текширувларини ўтказиш учун солиқ тўловчиларни танлаб олиш процедураси белгилаб берувчи асосий ҳужжат Германиянинг Молия вазирлиги томонидан 1981 йил 8 мартдаги “Назорат текширувларини ўтказиш учун солиқ тўловчиларни танлаб олиш рационализацияси тўғрисида”ги буйруғи ҳисобланади [13, 76-бет].

Германияда солиқ органлари тизими молия вазирлиги таркибига ҳисобланади ва Федерал солиқ маъмурияти деб номланади. Солиқ текширувларининг турлари: ҳужжатли, тасодифий ва махсус. Солиқ текширувларининг муддатлари турли хил, хусусан, йирик тадбиркорлик субъектлари учун – 25-30 кунгача, ўрта тадбиркорлик субъектлари учун – 15 кунгача; кичик тадбиркорлик субъектлари учун 6-8 кунгача [14, 17-бет].

**Қирғизистон Республикаси.** Қирғизистон Республикасида солиқ текширувлари солиқ кодекси билан тартибга солинади. Солиқ текширувлари солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Солиқ текширувларининг икки тури мавжуд: сайёр текширув

ва камерал текширув. Сайёр текшируви икки турга бўлинади: режали ва режадан ташқари. Режали текширув йилда кўпи билан бир марта текшириш режасига мувофиқ ўтказилади. Текшириш режаси солиқ органи томонидан хавфни таҳлил қилиш натижалари ва тасодифий танлов асосида шакллантирилади. Режадан ташқари текширув – ташкилот қайта ташкил этилганда, ташкилот тугатилаётганда, солиқ тўловчининг мурожаати асосида, солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг солиқдан қочиш бўйича ишончли маълумот бўлганда. Қарши текширув – солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг айрим операциялари билан боғлиқ маълумотларни олиш учун учинчи шахсларни текшириш. Қайта текширув – режали текширувда аниқланмаган, лекин солиқ тўловчининг солиқни нотўғри ҳисоблагани бўйича ҳужжат билан тасдиқланган ҳолатда ва тегишли солиқ органи бошлиғининг олдин ушбу ҳолат текширилмаганлиги сабаби кўрсатилаган аризасига мувофиқ ва солиқ тўловчи томонидан олдинги сайёр текширув даврини қамраб олувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи топширилганда ўтказилади [15].

Қирғизистон Республикасида солиқ текширувларининг турлари	
Сайёр текширув	Камерал текширув
<b>Сайёр текширув</b>	
<b>Режали</b>	<b>Режадан ташқари</b>
-Риск таҳлил натижаси -Тасодифий танлов	-солиқ тўловчининг аризаси; -солиқ тўловчи қайта ташкил этилганда; -солиқ тўловчи тугатилаётганда; -солиқ органи томонидан ишончли маълумот асосида.
<b>Текшириш муддати</b>	
30 кунгача; йирик солиқ тўловчилар 50 кунгача	30 кунгача; йирик солиқ тўловчилар 50 кунгача
Қарши текширув 10 кунгача, Қайта текширув 15 кунгача.	
<b>Камерал текширув</b>	
Камерал текширув солиқ органининг жойлашган жойида солиқ тўловчини жалб этмган ҳолда солиқ ҳисоботлари ва маълумотларни асосида кўриб чиқилади ва ушбу текширувга алоҳида қарор билан расмийлаштирилмайди.	

**Қозоғистон Республикаси.** Солиқ текширувлари солиқ кодекси билан тартибга солинади. Солиқ текширувлари – солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилиги нормалари ижросини назорат қилиш ҳисобланади. Солиқ текширувлари ишлтирокчилари сифатида солиқ органлари, солиқ тўловчилар ва бошқа мутахассислар белгиланган. Солиқ текширувларининг шакллари –комплекс, тематик, қарши текшириш, хронометраж кўздан кечириш ҳисобланади. Комплекс солиқ текширув – солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг барча турлари бўйича солиқ мажбуриятларини ижро этиш учун ўтказилади. Тематик солиқ текшируви – солиқларнинг айрим турлари бўйича солиқларнинг тўланганлиги, рўйхатдан ўтиш ва лицензиянинг мавжудлиги, назорат касса машинасининг мавжудлиги ва бошқа ҳолатлар бўйича ўтказилади. Қарши текширув – комплекс ва тематик текширув бўйича ҳолатларни тасдиқлаш учун учинчи шахслардаги маълумотларни текшириш учун ўтказилади. Хронометраж кўздан кечириш – солиқ

тўловчининг маълум вақт оралиғидаги даромадлари ва харажатларининг аниқ ҳисоблаш учун ўтказилади.

Солиқ текширувларининг турлари – танловли солиқ текширува ва режадан ташқари солиқ текширувлари ҳисобланади. Танловли солиқ текшируви солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг ҳисоботлари ва бошқа органлардан олган маълумотларининг таҳлили натижасида амалга оширилади. Режадан ташқари текширувлар – солиқ тўловчининг аризаси, жиноят процессуал кодекси бўйича, солиқ тўловчи тугатилаётганда ёки қайта ташкил этилаётганда ва бошқа ҳолатларда ўтказилади. Солиқ текширувлари 30 кундан ошмаслиги лозим [16].

Камерал назорат солиқ назорати бир тури сифатида риск бошқариш тизимининг таркибий қисми ва солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари асосида таҳлил қилинади.

**Туркменистон Республикаси.** Солиқ текширувлари камерал (дастлабки) ва ҳужжатли текширув тарзида ўтказилади ва 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатни қамраб олиши мумкин. Ушбу текширувлар жараёнида солиқ тўловчилар ҳақида учинчи шахслардаги маълумотларни текшириш зарурати пайдо бўлса, қарши текширув ўтказилиши мумкин. Такрор ҳужжатли текширув юқори турувчи орган томонидан текширув ўтказган солиқ органи фаолиятини назорат қилиш тартибида ўтказилиши мумкин. Солиқ органлари солиқ кўздан кешириш ва тадбирли солиқ текширувлари ўтказишлари мумкин. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирувчи солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқ текшириш “Кичик ва ўрта тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қўвватлаш тўғрисида”ги қонун талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Камерал солиқ текшируви – солиқ органининг жойлашган жойи бўйича солиқ тўловчининг декларацияси, молиявий ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари ва солиқ органида мавжуд бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Камерал солиқ текшируви солиқ органи томонидан солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳужжатларни тақдим этган санадан 30 кун ичида солиқ органи бошлиғининг махсус қарорисиз амалга оширилади. Камерал солиқ текшируви натижасида солиқларнинг нотўғри ҳисобланганлиги аниқланса, солиқ органи камерал солиқ текшируви бўйича далолатнома тузади ва ушбу ҳолат бўйича солиқ тўловчини хабардор қилади. Ҳужжатли солиқ текшируви солиқ органининг кўрсатмаси асосида амалга оширилади. Ҳужжатли солиқ текшируви тўғрисидаги кўрсатманинг шакли Молия ва иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади [17].

**Тожикистон Республикаси.** Солиқ текширувлари солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилиги ижросини назорат қилиш учун ўтказилади. Солиқ текширувлари – ҳужжатли ва тадбирли солиқ текширувига бўлинади. Ҳужжатли текширув комплекс, тематик ва қарши текширувга бўлинади. Комплекс текширув солиқларнинг барча турлари бўйича солиқ мажбуриятларининг бажарилиши ҳамда юридик шахсларни тугатиш ва қайта ташкил этиш жараёнларида ўтказилади. Тематик текширув солиқларнинг айрим турлари бўйича мажбуриятларни таъминлаш учун ўтказилади. Қарши текширув – солиқ тўловчининг айрим операциялари тўғрисидаги

маълумотларни учинчи шахслардан олиш зарурати юзга келганда ўтказилади.

Тадбирли текширув солиқ тўловчини ҳисобда турганлик ҳолатини, иш берувчининг йўлланма ходимларни ишга жалб этиш, назорат касса машинасини қўллаш ва акцис товарларни маркалаш ва сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ўтказилади [18].

**Россия.** Россия Федерациясида солиқ текширувининг икки тури мавжуд: камерал ва сайёр текшириш. Солиқ текширувининг мақсади солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга риоя этишини назорат қилишдан иборат. Камерал текширув солиқ органи жойлашган ҳудудда солиқ тўловчининг молиявий ва солиқ ҳисоботлари асосидан амалга оширилади. Камерал текширув солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботлари топширилган кундан бошлаб 3 ой ичида ўтказилиши лозим. Камерал текширув натижасида аниқланган камчиликлар бўйича 5 кун ичида солиқ тўловчи тушунтиришлар бериши ёки зарур қўшимча ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Шундан сўнг, камерал текширувлар натижасида солиқ ҳуқуқбузарликлари аниқланганда солиқ органлари солиқ ҳуқуқбузарлиги бўйича далолатнома тузади ва унда ҳуқуқбузарлик мазмунини акс эттиради. Далолатнома шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади. Далолатнома камерал текширув ўтказилган шахсга таништирилади ва имзоси олинади, имзо қўйишдан бош тортганда, далолатнома нусхалари почта орқали манзилига юборилади. Солиқ қонунчилиги бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

Сайёр солиқ текшируви солиқ тўловчининг ҳудудида ёки яшаш жойида ўтказилади. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида солиқ органи бошлиғи (ўринбосари) қарор чиқаради. Ушбу қарорда солиқ тўловчининг асосий реквизитлари ва текширув предмети кўрсатилади. Қарорнинг шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади. Сайёр солиқ текширувлари охиригача календарь йили қамраб олади ва битта солиқ тури бўйича қайта ўтказилмайди. Сайёр солиқ текширувларининг муддати 2 ойгача ва бу муддат 6 ойгача ўзайтирилиши мумкин. Қайта сайёр солиқ текширувлари ўтказилиши мумкин [19].

**Хитой Халқ Республикаси.** Хитойда солиқ текширувлари ўзга хос ва ушбу муносабатлар “Солиқларни ундиришни бошқариш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахс ҳисобланади. Солиқ тўловчи фаолияти учун лицензия олганидан сўнг 30 кун ичида солиқ органидан рўйхатдан ўтиши лозим. Солиқларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганда солиқ органи солиқ тўловчини хабардор қилади. Агар солиқлар ўз вақтида тўланмаса, кечиктирилган кун учун пеня тўланади. Солиқ органлари солиқ тўловчини текшириш ҳуқуқи эга, ушбу текширув жараёнида бухгалтерия, солиқ, молиявий ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқиш, бино ва омборхоналарни кўздан кечириш, зарур ҳужжатларни ва тушунтиришларни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланганда, жарима, ҳисоб рақамдан жарималарни инкассо қилиш ва ҳисоб рақамни тўхтатиб қўйиш каби жазолар қўлланилади [20].

Хорижий давлатларда солиқ текширувларининг турлари ва шакллари бўйича таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, барча давлатларда солиқлар ва бошқа тўловлар бюджетнинг асосий

даромад манбаи ҳисобланади ва давлат ушбу соҳани алоҳида солиқ назорати сифатида тартибга солади.

Ўзбекистонда солиқ текширувларининг ўзига хос томони шундаки солиқ текширувлари нафақат солиқ органлари балки прокуратура органлари томонидан ҳам амалга оширилади. Солиқ текширувларини турларга бўлиш махсус ваколатли орган билан келишиш ва хабардор қилиш тартибига асосланган. Камерал текширув камерал назорат сифатида солиқ назоратининг бир турига киритилган. Солиқ кодекси ва Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонунда белгиланган текшириш турларининг тушунчалари тўлақонли тартибга солинмаган.

Бундан ташқари, қайта солиқ текширувлари институти мавжуд эмас. Солиқ тўловчи сифатида тадбиркорлик субъектларининг турларига қараб (йирик, ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектлари) текширув ўтказиш тартиби ёритилмаган.

Хорижий давлатларнинг солиқ текширувлари бўйича қонунчилик қиёсий-таҳили ва Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувлари бўйича қонунчиликдаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги илмий-назарий, амалий ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар берилади:

биринчидан, солиқ текширувлари фақат солиқ органлари томонидан ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги принципдан келиб чиқиб, солиқ текширувига қуйидагича таъриф келтириб ўтиш лозим, *солиқ текшируви – давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.*

иккинчидан, солиқ назоратининг бир шакли сифатида камерал назоратни солиқ текширувининг бир тури сифатида белгилаш ва камерал текширувга қуйидагича таъриф келтириб ўтиш лозим, *камерал текширув – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи.*

учинчидан, солиқ текширувининг шакл ва турлари тўғрисидаги қонунчилик нормаларини тўғри тушуниш, шарҳлаш ва қўллашни таъминлаш мақсадида солиқ текширувлари турларини оптималлаштириш лозим. Хусусан, солиқ текширувларини режали ва режадан ташқари текширувлар сифатида катта икки гуруҳга бўлиш ва уларни қуйидагича таснифлаш лозим.

Солиқ текширувларининг турлари	
Сайёр солиқ текшируви	Камерал солиқ текшируви
Сайёр солиқ текшируви	
Режали	Режадан ташқари
Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувга кўра молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) шаклида ўтказилади.	Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибда ўтказиладиган текширув қисқа муддатли текширув шаклида ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг турларидан келиб чиқиб ва таваккалчиликни таҳлил этиш натижаларининг яқунлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан ишлаб чиқилган режага асосан ўтказилади. Режа текширишларин мувофиқлаштирувчи орган томонидан тасдиқланади ва электрон платформа шаклида юритилади.

**Режали солиқ текширувларининг даврийлиги:** кичик тадбиркорлик субъектлари учун 2 йилда 1 марта; ўрта тадбиркорлик субъектлари учун 4 йилда 1 марта; йирик тадбиркорлик субъектлари учун 6 йилда 1 марта тафтиш ўтказилади.

-Юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текшириш ҳамда фаолияти тугатилганда ягона солиқ тўловини тўловчи бўлган яққа тартибдаги тадбиркорни текшириш;  
 - тегишли рухсатномаларсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилинишини текшириш;  
 - қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ёки реализация қилинишини текшириш;  
 - тақиқланган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши фактларига барҳам бериш бўйича текшириш;  
 - ўз фаолиятини расман тўхтатиб турган давр мобайнида яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни давом эттираётган жисмоний шахснинг фаолиятини текшириш;  
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари тўғрисидаги муурожаатлари асосида ўтказиладиган текшириш;  
 - солиқ тўловчининг ўз ташаббуси билан солиқ текширувларини ўтказиш тўғрисидаги аризасига асосан;  
 - камерал текширув ва мавзули экспресс-ўрганиш натижасида молия йили давомида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қонунчилигининг мунтазам бузилиши ҳолатлари ва энг кам иш ҳақининг юз баробаридан ортиқ миқдорда солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланганда.

**Камерал солиқ текшируви**

Камерал текширув – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи

Мавзули экспресс-ўрганиш камерал текширув натижалари бўйича жойига чиққан ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва боғжона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун амалга оширилади.  
 Солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг камерал назорат натижаларига доир талабномасига жавобан

	тақдим этилган ахборотнинг ишончилигини тасдиқлаш мақсадида ушбу ахборотни ўрганиш зарурлиги мавзули экспресс-ўрганишни тайинлаш учун асос бўлади.
--	--

тўртинчидан, солиқ текшируларини ўтказиш муддатларини аниқлаштириш учун режали солиқ текшируви учун 30 кунгача ва режадан ташқари текширув учун 10 кунгача муддат белгилаш лозим;

бешинчидан, солиқ текширувлари жараёнида иштирок этувчи солиқ органи ва солиқ тўловчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида ҳуқуқ нормалари билан белгилаш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати

1. [https://studme.org/31240/pravo/nalogovye\\_proverki\\_zarubezhnyh\\_stranah](https://studme.org/31240/pravo/nalogovye_proverki_zarubezhnyh_stranah)
2. Т.Г.Шешукова, Д.В.Баленко. Развитие налогового контроля: опыт зарубежных стран. Вестник Пермского университета. Экономика. Вып. 3(18). 2013.-С.122.
3. Курбатов Т.Ю. Правовые формы и методы налогового контроля. Дис.к.ю.н. –М., 2015. –С.66-67.
4. Курбатов Т.Ю. Правовые формы и методы налогового контроля. Дис.к.ю.н. –М., 2015. –С.99.
5. <http://www.oecd.org/site/ctpfta/taxadministrationdatabase.htm>
6. Хафизова А.Р. Институциональное развитие и эффективность деятельности налоговых органов в Российской Федерации. Дис. к.э.н. –Казань, 2018. –С.109.
7. Ефремова Т.А. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Дисс. д.ю.н. –Саранск 2017. –С.104
8. Налоговый контроль: налоговые проверки и производство по фактам налоговых правонарушений / под ред. Ю.Ф.Кваши. –М.: Проспект, 2008. –С.116.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-си, 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон
10. [https://studref.com/403921/buhgalterskiy\\_uchet\\_i\\_audit/vidy\\_formy\\_metody\\_nalogovogo\\_kontrolya\\_zarubezhnyh\\_stranah](https://studref.com/403921/buhgalterskiy_uchet_i_audit/vidy_formy_metody_nalogovogo_kontrolya_zarubezhnyh_stranah)
11. Осина Д.М. Налоговый контроль в США: что учесть. Налоговед. Журнал. Россия. №6 2019. <https://m.e.nalogoved.ru/735144>
12. Шешукова Т.Г., Баленко Д.В. Развитие налогового контроля: опыт зарубежных стран. Вестник Пермского университета. Экономика. Вып.3(18). 2013. –С.124.
13. А.Ш.Кузулгуртова. Применение форм и методов государственного контроля за налоговыми правонарушениями в России и некоторых иностранных государствах.Статья.18(450) Финансы и кредит.-2011-С.76
14. Elena Mikhaseva. The ways of improvement of the tax control system in Russia in the new geopolitical conditions based on historical experience and world practice.Article.Economics, econometrics and finance “EUREKA” Social and Humanities, 2016.-P.17
15. Налоговый кодекс Республики Кыргызской Республики. от 17 октября 2008 года № 230. 29 июля 2019 года N 103 <http://cbd.minjust.gov.kg/>
16. Налоговый кодекс о налогах и других обязательных платежах в бюджет Республики Казахстан. 25.12.2017. [http://kgd.gov.kz/ru/content/nalogovyy\\_kodeks-rk](http://kgd.gov.kz/ru/content/nalogovyy_kodeks-rk)
17. Налоговый кодекс Туркменистана. 25.10.2004. [http://minjust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc\\_view.php?doc\\_id=8381](http://minjust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc_view.php?doc_id=8381)

18. Налоговый кодекс Таджикистана. 15.09.2012. <http://minfin.tj/downloads/files/NalKodexTJ.pdf>

19. Налоговый кодекс Российской Федерации. 31.07.1998 (29.10.2019). <https://legalacts.ru/kodeks/NK-RF-chast-1/>

20. Закон об управлении взимании сборов налогов Китая. 28.02.1995. <http://law.uglc.ru/charge.htm/2>

**Х.С.Хайитов,**  
ю.ф.д., доц.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ОДОБ-АХЛОҚИ –КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАЪСИРЧАН ОМИЛИ СИФАТИДА

**Аннотация:** мақолада давлат хизматчиси одоб-ахлоқи мазмуни, унинг назарий-ҳуқуқий асослари, давлат хизматида қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашда давлат хизматчиси одоб-ахлоқининг тутган ўрни таҳлил этилган. Шунингдек, давлат хизматчиси одоб-ахлоқига оид қонунчилик ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** давлат хизмати, давлат хизматчиси, мансабдор шахс, қонунийлик, одоб-ахлоқ, жавобгарлик, коррупция, манфаатлар тўқнашуви.

**Аннотация:** в статье рассматриваются содержание этики государственного служащего, его теоретические и правовые основы, роль этики государственного служащего в обеспечении законности и борьбе с коррупцией. Также были разработаны предложения по совершенствованию правовых основ этики государственного служащего.

**Ключевые слова:** государственная служба, государственный служащий, должностное лицо, законность, этика, ответственность, коррупция, конфликт интересов.

**Annotation:** the article considers the content of public servant ethics, theoretical and legal foundations, the role of public servant ethics in ensuring the rule of law and fighting against corruption. Moreover, proposals were developed to improve the legal bases of public servant ethics.

**Key words:** civil service, public servants, officials, legality, ethics, responsibility, corruption, conflict of interests.

Мамлакатимизда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш давлат бошқарувини самарали ташкил этишнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Амалда давлат хизматини тартибга солувчи ягона қонун бўлмаса ҳам бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат-хизматига оид муносабатларни тартибга солувчи нормалар ўз аксини топган. Давлат-хизмат муносабатларида давлат хизматчиси, унинг одоби ва ҳуқуқий мақоми марказий ўрин эгаллайди. Зеро давлат хизматчисининг шахсий ва профессионал қобилиятларини ривожлантирмасдан туриб, улардан сифатли фаолият кўрсатишини кутиб бўлмайди.

Давлат хизматида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Қонунчиликда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, унда давлат хизматчисининг хатти-ҳаракатлари асосини белгилайдиган ахлоқ қоидаларига риоя этилиши улар фаолиятининг етуклик кўрсаткичи ҳисобланади. Бинобарин, “Ахлоқ ижтимоий муносабатлар замида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатларда уларга хос бўлган

маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир” [11; 38-б].

Давлат хизматчиларининг фаолияти давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлганлиги сабабли уларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданияти улар фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг муҳим шартидир. Бундан ташқари, уларнинг ахлоқий қараш ва кадриятлари уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда муҳим асос ҳисобланади. Мазкур хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида У.Таджихонов ва А.Саидовлар шундай фикр билдиради: “Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқи орасидаги боғланишга эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда касбий ва сиёсий хислатлар билан бир қаторда ахлоқий фазилатларини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир” [9; 19-б].

Бу ҳақда Л.А.Мухаммадждонова шундай фикр билдиради: “Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун қонунларга риоя этиш мажбуриятга эмас, фазилатга айланмоғи лозим. Бунинг учун одамларни демократияга ўргатиш зарур, токи киши шахсий жавобгарлик ҳиссини туйсин, ахлоқ меъёрларига риоя этиш унинг учун ички заруратга айлансин” [7; 6-б]. Ушбу фикрда етарли асослар мавжуд. Чунки етарли ахлоқий фазилатга эга бўлмаган, қонунийликнинг заруратини англамаган шахсда қонунийликка риоя этиш сифатлари етарлича шаклланмайди. Немис файласуфи Ницше ахлоқийлик ҳақида шундай деган эди: “Ахлоқийлик аввал қатъи талаб шаклида қўйилади. Унга риоя қилиш шартлиги учун бўйсунма бошлайдилар. Бироз ўтган бу ихтиёрий одатга айланади ва охири у инстинкт даражасида оддий ва табиий, одамга ҳузур берувчи фазилатга айланади” [8; 735-с]. Афсуски, айрим ҳолларда давлат хизматчиларининг ахлоқий сифатлари ривожламаганлиги сабабли улар фаолиятида турли қонунбузилишлар учраб туради. Бунинг олдини олишда ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия асосий ўринни эгаллайди.

Давлат хизматчиси одоб-ахлоқи давлат-хизмат муносабатларида кенг қўлланилса-да, унга ҳуқуқий таъриф берилмаган. Одоб-ахлоқ тушунчаси илмий муомалада “этика”, “одоб”, “ахлоқ” каби тушунчар орқали ҳам кенг қўлланилади. Айниқса этика тушунчаси халқаро муносабатларда махсус атама сифатида кенг қўлланилади. Этика [лот. ethica юн. ethos - урф-одат, хулқ-атвор] ахлоқ ва унинг шахс ҳамда жамият ҳаётидаги ўрнини, ахлоқнинг шаклланиш шарт-шароитларини ва шакллариини ўрганувчи фалсафий таълимот сифатида тушунилади. Шунингдек, у бирор синф, ижтимоий гуруҳ ёки бирор касб эгаларига хос одоб-ахлоқ, унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуини ҳам ифода этади [10; 61-б].

Шахсга тегишли ахлоқнинг икки турини фарқлаш лозим. Биринчиси, универсал ахлоқ бўлиб, у шахснинг ёши ёки жамиятда тутган ўрнидан қати назар барча шахсларда бўлиши лозим. Иккинчиси, касбий одоб бўлиб, унга шахснинг касби ёки жамиятда эгаллаган муайян ижтимоий мавқеи сабабли эга бўлиши талаб этилади. Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи ҳам унинг давлат хизмати лавозимларини эгаллаши билан боғлиқ ҳисобланади. Умуман олганда, “Ахлоқ одамларни бирлаштиришга, жипслаштиришга, жамиятда барқарор ва адолатли муносабатларни таъминлашга қаратилган кадриятларда намоён бўлади” [5; 9-б].

Давлат бошқарув органлари томонидан давлат функция ва вазифаларини амалга ошириш жараёнида

аҳолига турли хизматлар кўрсатилади. Мазкур давлат хизматларини кўрсатишжараёнида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқилоҳида аҳамият касб этади. Чунки ахлоқ инсоннинг шахсий қадрияти сифатида унинг фаолиятига кўчади ва уни натижага йўналтирувчи кучга айланади.

Давлат хизматчиси қонунларда белгиланган кўплаб ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Шунга мувофиқ, давлат хизматчиси муайян ахлоқий сифатларга эга бўлиши талаб этилади ҳамда давлат хизматида ахлоқий мажбуриятларни бажариш давлатхизматчиси фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабли давлат хизмати одоби ўзининг ҳуқуқий асосларига эга.

Давлат хизматчиларининг муайян ахлоқий талабларни бажариши ҳақидаги талаблар нафақат миллий балки халқаро ҳужжатларда ҳам белгилаб қўйилган. Уни биз қуйидаги универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам кўришимиз мумкин:

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси;

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган Давлат мансабдор шахсларининг одоб-ахлоқи тўғрисидаги Халқаро Кодекс;

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган 34/169-сонли Резолюция;

Хорижий давлатларнинг мансабдор шахсларига пора беришга қарши кураш тўғрисида Конвенция (1999 йил 27 январь);

Жинойт қурбонлари учун ва ҳокимиятни суиистеъмом қилишга қарши одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Декларация (1985 йил 29 ноябрь);

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) кабиларни келтириш мумкин.

Миллий қонунчилигимизда давлат хизматчиси одоб-ахлоқига оид нормалар доираси кенг бўлиб, улар қаторида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари, **2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси(2017)**, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари (2016) кабиларни қайд этиш ўринлидир.

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходим муайян ташкилотда ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя этиш мажбуриятига эга. Унга кўра, корхонанинг меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади. Бундан ташқари, халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар ҳам амал қилади.

Умуман олганда, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт.

Меҳнат кодексига мувофиқ ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Шу билан бирга, давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонун билан белгиланиши ҳам назарда тутилган (Меҳнат кодексининг 18-моддаси) [4].

Меҳнат қонунчилигини таҳлил қилганимизда унда давлат хизматчиси одоб-ахлоқига оид талаблар батафсил белгилаб берилмаганлиги ҳамда мазкур муносабатни тартибга солиш бошқа қонунчиликка ҳавола этилганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли, ушбу соҳада махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат –яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 2 мартда тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларига мурожаат қиламиз. Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат эканлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда давлат хизматчилари қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт эканлиги белгиланган.

Мазкур ҳужжатда давлат хизматчиларига тегишли бўлган ва уларнинг махсус тоифаси раҳбарлар учун белгиланган ахлоқий талаблар белгиланган. Одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланганидек, давлат хизматчилари қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив- ҳуқуқий ҳужжат ва идоровий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш ва бошқалар [2].

Одоб-ахлоқ қоидаларида коррупцияга қарши курашга оид муҳим талаблар белгиланган. Яъни, ушбу ҳужжатнинг 14-бандида белгиланганидек, давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда



манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак. Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф қўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак эканлиги белгиланган. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар қўриши шарт.

Афсуски, амалиётда мазкур нормаларни ижро этишда бир қатор муаммолар кузатилади. Яъни, ҳамма давлат хизматчиси ҳам манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ўз раҳбарини хабардор қилмайди. Бизнингча бунга бир қатор сабаблар мавжуд:

Биринчидан, айрим хизматчилар манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарлик мавжуд эканлигини билмайдилар ёки билса ҳам яширишга ҳаракат қилади;

Иккинчидан, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ўзининг ёки ташкилот манфаатига зарар келтиради, деб ҳисоблайдилар.

Мазкур салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни қўриш лозим. Аввало, давлат хизматчиларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш лозим. Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ва маъмурий жавобгарликни янада кучайтириш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш лозим.

Дунё амалиётида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқига риоя этиши устидан нафақат ички идоравий назорат балки ташқи назорат амалиёти ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Жанубий Кореяда Кадрлар бошқаруви вазирлиги давлат хизматчиларининг меҳнат этикаси ва интизоми назорати масалалари билан шуғулланади [6; 3-6].

Қозоғистон Республикасида эса 2002 йилдан буён Президент ҳузурида фаолият юритадиган Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Комиссия фаолият юритади. Шунингдек, давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид масалалар билан Давлат хизмати ва коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Агентлик ваколатли орган ҳисобланади [12]. Эътиборлиси, барча вилоят ва туман (шаҳар)ларда мазкур агентлик томонидан фаолияти мувофиқлаштирилдиган Этика комиссиялари фаолият юритади.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш масаласи бугунги улкан ислохотлар даврида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик,

жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар қўришимиз зарур” [1], деб алоҳида таъкидлайдилар. Бинобарин, коррупция жамият ва давлат ҳаётидаги кўплаб ислохотларни самарасиз ҳолатга келтиради.

Айтиш жоизки, миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши курашга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилди. 2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди. 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган ушбу йўналишдаги ишларнинг манткий давоми бўлди. Қонунда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустаҳкамланди.

2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга мувофиқ, 2017-2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди. Қайд этиш жоизки, Дастур ижроси доирасида кўплаб ижобий натижаларга эришилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар давлат хизматида қонунийлик ва очиқликни таъминлаш, коррупциянинг турли кўринишларига чек қўйишга замин яратади. Фуқаролар ва давлат органлари мансабдор шахслари ҳуқуқий маданиятининг ошишига, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик таҳлилидан маълумки, давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи коррупцияга қарши курашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Буни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни нормалардан ҳам англаш мумкин. Масалан, қонунда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, унда давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, давлат хизматчисининг қонунда белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш орқали унинг фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олди олинади [3].

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос яратди. Бу давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шакллари нисбатан муросасиз муносабат қарор

топади. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, 2019-2021 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш ва унда давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни назарда тутиш жоиз. Шунингдек, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқига оид масалаларни кўриб чиқадиган махсус ваколатли органи белгилаш лозим;

Иккинчидан, давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш;

Учинчидан, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасаларида давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид махсус ўқув курслари ўқитилишини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш механизми мустақамланиши ва самарадорлиги ҳар бир раҳбар, ҳар бир давлат хизматчисининг ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан, ҳалол адо этишини талаб этади. Бу мамлакатимизда соғлом муҳит қарор топишига, ижтимоий-сиёсий барқарорлик янада мустақамланишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз / Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Манба: president.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-модда.

5. Алимардонов Т. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. – 80 б.

6. Ким Пак Сок. Давлат бошқарувида инсон ресурслари. 2018 йил нигоҳида. Ministry of Personnel Management. 2018. – 126 б.

7. Муҳаммадҷонова Л. А. Давлат хизматчиси этикаси ва имижиси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2017. – 46 б.

8. Ницше Ф. Сочинения в 2т. т.1. -М., Мысль, 1990. – 980 с.

9. Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 246 с.

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати // А.Мадвалиев таҳрири остида. Бешинчи жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2007. – 126 б.

11. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент: «Университет», 1998. – 80 б.

12. <http://kyzmet.gov.uz>

А.Бабаджанов,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

#### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ФАОЛИЯТИДА ИШТИРОКИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ (ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА)

**Аннотация:** муаллиф ушбу мақолада сиёсий партияларнинг тарихи, сиёсий партияларни молиялаштириш тартиби, сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгаш фаолиятида иштирокининг шакллари ва хорижий давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** сиёсий партия, сиёсий партияни молиялаштириш, маҳаллий вакиллик органи ва маҳаллий ижроия органи.

**Аннотация:** в этой статье автор проанализировал историю политических партий, порядок финансирования политических партий, формы участия политических партий в деятельности местного совета и опыт зарубежных стран.

**Ключевые слова:** политическая партия, финансирование политической партии, местное представительство и местное исполнительный орган.

**Annotation:** in this article, the author analyzed the history of political parties, the procedure for financing political parties, the forms of participation of political parties in the activities of the local Council and the experience of foreign countries.

**Keywords:** political party, financing of political party, local representation and local executive body.

Сиёсий партияларнинг тарихи. Биринчи сиёсий партиялар Қадимги Грецияда пайдо бўлган. Улар оз сонли ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилмаган эди. Шунга ўхшаш партиялар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Замонавий тўшунчадаги сиёсий партиялар Европада буржуа инқилоблари даврида мазкур инқилобларга бошчилик қилган илғор кучлар ўз умрини ўтаб бўлган тузум билан кураш воситаси сифатида ўз бирлашмаларини тузишлари билан пайдо бўлган. Мисол учун, 1660 йилда Англияда дворян партиялари вужудга келди. Тори партияси мамлакатда мутлақ монархия ўрнатиш тарафдори эди. 1680 йилда Виглар партияси пайдо бўлди, у мамлакатда парламент тизимини ўрнатиш учун кураш олиб борди. [1] Дастлабки партияларнинг вужудга келиши Англияда XVII асрда Виглар ва Торлар партиясининг алоҳида ажралиши билан боғлиқ ва бу жараёнлар ҳокимиятнинг ўзаро вакиллик институти орқали шаклланишининг дастлабки белгилари эди. Кейинчалик Англияда партиялар фаолияти жадаллашиб борди. [2]

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг тарихи. Дастлабки сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар ушбу ҳудудда собиқ шўро ҳукуматининг қуролли истилоси натижасида Туркистонда XX асрнинг 20 йилларида таъқибга олиниб, тугатилган “Турон”, “Иттиҳоди тараққий”, “Бирлик”, “Шарқ озодлиги”, “Ёш бухороликлар” ва “Ёш хиваликлар” каби кўплаб партия ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолият кўрсатган.

Ҳозирда мамлакатимизда Ўзбекистон халқ-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон миллий тикланиш

демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси [3] ҳамда Ўзбекистон экологик партияси [4] жами бешта сиёсий партия фаолият юритмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси 1991 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил этилган. [5] Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда таъсис қурултойида ташкил этилган. [6] Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси 1995 йил 3 июнда таъсис қурултойида ташкил этилган. [7] 2000 йил 14 апрелда Ўзбекистон “Фидокорлар” партияси Ўзбекистон “Ватан тараққиёти” партияси ўзаро бирлашиб, Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси ташкил этилган. [8] 2008 йил 20 июнь куни Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва “Фидокорлар” миллий демократик партиясининг бирлашув қурултойи бўлиб ўтиб, ушбу икки партия негизда янги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташкил этилди. [9] 2003 йил 3 декабрда – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди. [10] 2019 йилнинг 8 январь куни Ўзбекистон экологик партияси таъсис йиғилиши бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон экологик партиясини ташкил этилди [11].

Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари давлат бюджети, сиёсий партияга аъзолик бадаллари асосида ўзини-ўзи молиялаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳайриялари қиради. Умуман олганда сиёсий партияларни молиялаштиришни икки гуруҳга бўлсак бўлади, биринчиси жорий молиялаштириш ва сайловолди молиялаштириш. Хорижий давлатларнинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, сиёсий партияларни жорий молиялаштиришнинг манбалари хусусий (аъзолик бадаллари, ҳайрия, кредит шартномалари, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) ва оммавий (давлатнинг тўғри ва эгри молиялаштириши) ҳисобланади [12].

Масалан, АҚШда 1974 йилда қабул қилинган қонунга кўра бир шахс томонидан сиёсий партияга ҳайрия сифатида молиялаштириш суммаси йилига 25 минг доллардан ошмаслиги лозим. Францияда сиёсий партияга ҳайрия сўммаси жисмоний шахсларга 50 минг евро, юридик шахсларга 500 минг евродан ошмаслиги лозим. Германия ва Австрияда сиёсий партияга берилаётган 20-30 минг евродан ошаётган сумма оммавий очилганини лозим [13].

Хорижий мамлакатларда сиёсий партияларни молиялаштириш бир неча усулларда амалга оширилади: биринчи усул, сиёсий партиянинг парламент, президентлик ва маҳаллий кенгаш сайловларида олган овозларининг сонига қараб молиялаштириш (Боливия, Бразилия, Германия ва Колумбия); иккинчи усул, тенг улушларда рўйхатдан ўтган умумий сиёсий партияларнинг сонига қараб (Афғонистон, Жазоир, Марказий Африка Республикаси); учинчи усул аралаш, сиёсий партияларнинг депутатлик ўрни сони ва сайловлардаги овозлар сонига қараб (Аргентина, Венгрия, Мексика, Албания, Македония, Швеция).

Бундан ташқари, айрим давлатларда сиёсий партияларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳайрия кўринишида молиялаштирилгани учун солиқлардан имтиёзлар мавжуд (Австралия,

Озарбайжон, Канада, Мексика, Франция, Чехия, Чили, Швейцария, Япония) [14].

Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларни молиялаштириш тартиби. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш партияларнинг сайловларда тўплаган овози ва депутатлик ўринларига боғлиқ равишда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига кўра сиёсий партияларни молиялаштириш манбаларига: биринчиси, кириш ва аъзолик бадаллари, иккинчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар; учинчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва тўртинчиси Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан бериладиган ҳайрия ёрдами қиради. Бундан ташқари, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фракция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган, муайян сиёсий партия аъзоларидан иборат бўлган, партия сиёсатини парламентда амалга оширувчи депутатлар бирлашмасидир [15]. Сиёсий партияларнинг уставада назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охири сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади [16].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган “Сиёсий партияларнинг уставада назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра сиёсий партиялар янги қақриқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ўзларининг уставада назарда тутилган фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши ҳуқуқини оладилар ва янги қақриқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўхтатилади [17].

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг фаолиятини молиялаштириш уларнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида ўрин олиши ва сайловларда иштирок этувчи номзодларнинг сонига мутаносиб равишда давлат бюджети томонидан амалга оширилади. Аммо, ушбу жараёнларда сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органларида яъни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида партия гуруҳи тузиш ёки ўринлар сонига қараб молиялаштириш тўғрисида бирор-бир норма мавжуд эмас. Бунинг натижасида сиёсий партияларнинг фаоллиги ва уларнинг асосий фаолияти Қонунчилик палатасига йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли,

сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашларга сайловларда фаоллигини ошириш учун улар фаолиятини молияштиришни маҳаллий кенгашдаги ўринлар сони ва овозлар сонидан келиб чиқиб, молиялаштириш тўғрисидаги институтни қонунчиликка киритиш лозим.

Жорий йилги сайловларни молиялаштириш ҳажмлари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод учун – 10 832 000 (ун миллион саккиз юз ўттиз икки минг) сўм; Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод учун – 2 000 000 (икки миллион) сўм; Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига номзод учун – 1 000 000 (бир миллион) сўм. 2014 йилда бўлиб ўтган сайловларда давлат бюджетидан харажатлар сметаси учун ажратилган пул 30 млрд сўмдан ошган. Жорий йилги сайловларда бу сумма 230 млрд сўмдан ошиши кўзда тутилган [18].

Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 15 октябрдаги 963-сон қарорининг 2-иловасига кўра Ўзбекистон Республикасида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир харажатлар сметаси жами 83 млрд 880,2 млн сўмни ташкил қилади [19].

Хорижий давлатларда маҳаллий вакиллик органлари.

Албания унитар давлат сифатида 308 коммуна ва 65 муниципалитетдан ташкил топган. Маҳаллий вакиллик органи Keshilli Bashkiak тўғридан-тўғри 4 йилга сайланадиган депутатлардан иборат. Асосий вазифаси маҳаллий солиқлар ва тегишли қарорларни қабул қилиши. Маюг (ҳоким – kryetari) маҳаллий вакиллик органнинг ижро органи ҳисобланади ва тўғридан тўғри 4 йилга сайланади [20].

Австрия федерал давлат сифатида 2357 муниципалитет ва 9 региондан иборат. Туман кенгаши (Gemeinderat) тўғридан тўғри пропорцияли сайлов асосида 5 ёки 6 йилга сайланади. Туман ҳокимияти ижроия аппарати таркибини тайинлайди. Маюг (ҳоким-Bürgermeister) туман кенгаши томонидан 5 ёки 6 йилга сайланиши ёки тўғридан тўғри аҳоли томонидан сайланиши мумкин. Федерал бирликлар Landtag ҳисобланади, улар вилоят кенгаши тенглаштирилади ва тўғридан-тўғри сайлов асосида 5 ёки 6 йилга сайланади. Аммо Австрия федерал давлат бўлганлиги учун, ушбу федерал бирликлар анча мустақил ва ижроия ҳокимият таркибини ўзлари шакллантиради [21].

Дания унитар давлат сифатида 98 муниципалитет ва 5 региондан иборат. Вилоят ва туман кенгашлари тўғридан-тўғри пропорцияли сайлов асосида 4 йилга сайланади ва ушбу кенгашлар ижроия органи таркиби ва раисини (маюг – ҳоким) сайлайди [22].

Финляндия унитар давлат сифатида 336 муниципалитет (туман) ва Kainuu региони ва Aland оролларида иборат. Маҳаллий кенгаш (kunnanvaltuusto) тўғридан-тўғри пропорцияли сайлов асосида 4 йилга сайланади ва маҳаллий ижроия ҳокимиятини тайинлайди ва маюг (ҳоким)ни сайлайди [23].

Франция унитар давлат сифатида 36682 муниципалитет (туман), ўрта бўғин туман сифатида 96 департамент ва 5 денгизбўйи департамент ва вилоят миқёсида 22 регион ва 4 денгиз бўйи регионлардан иборат. Ҳар бир маҳаллий кенгашларди вакиллик органи мавжуд ва 6 йилга тўғридан-тўғри сайланади ва маҳаллий ижроия (ҳоким)раисини сайлайди [24].

Германия федерал давлат сифатида туман миқёсида 11500 муниципалитет, вилоят миқёсида 330 дан зиёд канти (Kreise) ва федерал бирлик сифатида 16 та Lander (федерал вилоят)дан иборат. Маҳаллий кенгашлар 4 йилдан 6 йилгача тўғридан тўғри сайланади ва ижроия ҳокимият (ҳоким) раисини сайлайди [25].

Бундан ташқари, Европанинг кўпгина давлатлари (Португалия, Италия, Туркия ва бошқа давлатлар)да уларнинг маҳаллий кенгашлари вилоят ёки туман миқёсида халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида 4-6 йилга сайланади ҳамда умумий қоида тариқасида маҳаллий ижроия органи яъни маҳаллий ижро ҳокимияти аппарати таркиби ва ҳокимни сайлайди ёки тайинлайди, айрим давлатларда ҳоким тўғридан-тўғри сайланади.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида партия гуруҳларини шакллантириш учун белгиланган миқдордаги депутатларига ҳамда туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бўлган сайловда энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган сиёсий партиялар ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партияга туман ва шаҳар ҳокими номзодини тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимига тавсия этиш ҳуқуқи берилиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунга сабаб, давлат ҳокимиятининг қўйи бўғинлари раҳбарлари номзодларининг сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши жамиятда партиялар мавқеининг кўтарилишига, сайлов жараёнида улар ўртасида ўзаро рақобат муҳити ривожланишига, энг муҳими кўппартиявийлик миллий моделининг истиқболи таъминланишига хизмат қилади [26].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий кенгашлардаги иштироки бўйича қўйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Сиёсий партияларнинг вакиллари, депутат ва сенаторлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижроичиси бўлиши, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда, бундан буён вилоят ва республика миқёсидаги ижроия ҳокимияти юқори лавозимларига тайинлашда партиялар фикрини албатта инобатга олиш тартибини жорий этиш лозим. Шунингдек, сиёсий партиялар ташкилотлари, айниқса, уларнинг жойлардаги бўлимлари фракцияларда кўриб чиқилаётган масалалар, қонун лойиҳаларидан етарлича хабардор бўлмапти. Шу маънода, сиёсий партияларнинг ўз фракциялари билан узвий алоқасини кучайтириш лозим [27].

Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг давоми сифатида сиёсий партияларнинг нафақат парламентда, балки маҳаллий кенгаш фаолиятида иштирокини ривожлантириш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш учун қўйидаги таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилади:

Биринчидан, сиёсий партиялар маҳаллий ижроия органларини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиши лозим. Бу ўринда маҳаллий ижроия органларининг мансабдор шахсларига сиёсий партияларга аъзолик ёки партияда тегишли иш тажрибасининг мавжудлиги каби талаблар белгилаш лозим;

иккинчидан, сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашга сайловларда иштирокини фаоллаштириш учун улар фаолиятини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш лозим. Қонунчиликка кўра партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ўрнига мутаносиб ва сайловолди номзодлар учун маблағлар ажратилади. Маҳаллий кенгашда тегишли ўринни олган номзод ва унинг сиёсий партия аъзоларини молиялаштириш тартибини белгилаш лозим;

учинчидан, сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгаш сайловларида иштирокини такомиллаштириш учун маҳаллий кенгаш сайлов натижалари бўйича энг кўп ўринни олган ёки бир неча партия томонидан партия гуруҳлари томонидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларини сайлаш ёки тайинлаш механизмларини белгилаш лозим;

тўртинчидан, сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгаш сайловларида иштирокини такомиллаштириш учун маҳаллий кенгаш сайлов натижалари бўйича энг кўп ўринни олган ёки бир неча партия томонидан партия гуруҳлари томонидан вилоят, туман ва шаҳар ижроия органларининг аппарат таркибини шакллантириш тартибини белгилаш лозим;

бешинчидан, маҳаллий кенгаш сайловларида етарли ўринни олган партия гуруҳлари томонидан маҳаллий ижроия органи раҳбари (ҳоким)га нисбатан импичмент (ишончсизлик вотуми) бериш институтини белгилаш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Джавакова К.В. Президент сайлови ва сиёсий партиялар. Рисола. –Тошкент, Ўзбекистон, 2016. -Б.5.
2. Wilbur C. Abbot. The origin of English Political Parties. The American Historical Review. Vol.24, No.4 (July, 1919), 25.10.2019. [www.jstor.org/stable/1835809](http://www.jstor.org/stable/1835809).
3. Odilqoriyev X.T., Razzoqov D.X. Siyosatshunoslik: Darslik.-T.: O`zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. -B.135.
4. <http://eco.uz/uz>.
5. <http://old.xdp.uz/oz/partiya-a-ida/partiya-tarixi>.
6. <http://elections.uz/uz/events/political-parties>.
7. <http://www.mt.uz/uz/partiya/istoriya-parti>.
8. <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>.
9. <http://www.mt.uz/uz/partiya/istoriya-parti>.
10. <https://www.uzlidep.uz/history-of-the-party>.
11. <http://eco.uz/uz>.
12. Н.И.Платонова. Правовое регулирование финансирования текущей деятельности политических партий в Российской Федерации и зарубежных странах: сравнительно-правовой анализ. Автореферат. дисс. к.ю.н. Ростов-на-Дону-2015-С.21.
13. [https://lawbooks.news/konstitutsionnoe-pravo\\_821/finansirovanie-politicheskikh-partiy.html](https://lawbooks.news/konstitutsionnoe-pravo_821/finansirovanie-politicheskikh-partiy.html).
14. Меликян А.Б. Правовое регулирование государственного финансирования деятельности политических партий. Автореф. дис. к.ю.н.-Москва, 2011. - С.10-11.
15. Янгибаев А.К. Сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши. Автореферат, ю.ф.д (PhD) диссертация. –Тошкент, 2019 -Б.17.
16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., №21-сон, 248-модда; 2015 й., №52-сон, 645-модда).

17. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., №10-11-сон, 75-модда; 2016 й., №3-сон, 24-модда.

18. <http://xs.uz/uzkr/post/deputatlik-saylovlari-uchun-davlat-byujetidan-qancha-pul-sarflanishi-ma'lum-boldi>.

19. <http://elections.uz/uz/lists/view/755>.

20. [www.aam-al.com](http://www.aam-al.com).

21. [www.gemeindebund.at](http://www.gemeindebund.at); [www.staedtebund.gv.at](http://www.staedtebund.gv.at).

22. [www.kl.dk](http://www.kl.dk); [www.regioner.dk](http://www.regioner.dk).

23. [www.kunnat.net](http://www.kunnat.net).

24. [www.afccre.org](http://www.afccre.org).

25. [www.rgre.de](http://www.rgre.de); [www.staedtetag.de](http://www.staedtetag.de); [www.dtsqb.de](http://www.dtsqb.de); [www.landkreistag.de](http://www.landkreistag.de).

26. С.Н.Бердикулов. Ўзбекистонда кўппартиявийлик миллий моделини ривожлантириш истиқболлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016, -Б.88.

27. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак”. 12.07.2017. <http://uza.uz/oz/politics>.

3. Эсанова,

ТДЮУ кафедра профессори, ю.ф.д.

### НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ВА ИЖРОНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕДИАЦИЯНИНГ ЎРНИ (МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ)

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мустақамланган медиация институтини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, уни амалиётга қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш, суд ва ижро амалиётида медиацияни қўллаш афзалликлари ҳамда бу борадаги миллий ва хорижий тажрибани қиёслаш масалалари таҳлили қилинган, таҳлил натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** суд, Мажбурий ижро бюроси, медиация, оилавий медиация, медиатив келишув, медиация принциплари.

**Аннотация:** в статье на основе анализа широкой пропаганды среди населения института медиации, закрепленного в законодательстве Республики Узбекистан, разработки механизмов их применения в судебной практике и исполнительном производстве, а также анализа национального и зарубежного опыта были разработаны соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** суд, Бюро принудительного исполнения, медиация, семейная медиация, медиативное соглашение, принципы медиации.

**Annotation:** in the article based on the analysis of wide promotion among the population of mediation Institute in the legislation of the Republic of Uzbekistan, development of mechanisms for their application in practice, the advantages of the use of mediation in litigation and enforcement proceedings, and also analyse national and foreign experience were developed proposals and recommendations

**Key words:** court, Bureau of enforcement, mediation, family mediation, mediation agreement, principles of mediation.

Республикада медиация институтини ҳали вужуда келганига кўп вақт бўлмаса-да, аммо ёш институт сифатида ўтган муддат давомида тан олинди, бу борада миллий қонун қабул қилинди, юриспруденция йўналишида мавжуд ихтисосликлар қаторига “ҳакамлик жараёни ва медиация” йўналиши қўшилди, медиаторларни тайёрлашнинг замонавий усуллари ва дастурлари ишлаб чиқилди ва ушбу жараён яна давом этмоқда [7].

Кейинги йилларда тарафларни келиштириш, мажбурий ижро жараёнига медиация институтини жорий этиш, ишларни тинч процессуал воситалар билан ҳал қилишнинг мақсади ҳам аслида тинчлик, холислик, тезкорлик, самарадорлик ва келиштириш принципларини амалда қўллашга қаратилган. Ҳозирги замон фуқаролик ва бошқа судлар фаолиятининг асосий тенденцияси ҳам юқоридаги мақсадларни кўзлайди.

Ақсарият юридик адабиётларда низоли масалалар (муаммолар) ни ҳал қилишда тарафларни мurosага келтириш (яраштирув) натижалари келишув битими, медиатив келишув, даъвогарнинг даъводан воз

кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши каби процессуал ҳаракатларда кўринади [3; 130-с]. Масала (муаммо) нинг бундай ҳал қилиниши суд қарор (ажрим) ижросини таъминлашда деярли қийинчилик туғдирмайди, ижрони мажбурий таъминлаш чораларини қўллашга ҳолат қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4236-сон қароридан [2] ҳам суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади;

томонлар ўртасида ижро предметида доир келишувга келмаслик, шунингдек, томонлардан бирининг медиацияни давом эттиришдан воз кечиши ёки уни амалга ошириш муддатининг тугаши ижро иши юритишни қайтадан тиклаш учун асос ҳисобланади. Бунда медиация тартиб-таомилини такроран амалга оширишга йўл қўйилмайди;

томонлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича ижро предметида доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда, давлат ижрочиси ижро иши юритишни тугатади;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнига давлат ижрочиси ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланади.

Давлат ижрочиси ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланиши ҳақида шундай дейилган: “Қонунда назарда тутилган ҳолларда, ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин [7]. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви тақиқланади”. Ижродаги медиация давлат ижрочиси фаолиятини алмаштирмайди, балки қўшимча имконият саналади. Аммо ижро амалиётида суд қарорларини ижро этиш жараёнида тарафлар ўз муддаоларини асосан давлат ижрочисига айта олади, аммо уларнинг масала ва муаммоларини ҳал қилиш ваколати (давлат ижрочисига берилган ваколатлар бундан мустасно) давлат ижрочисига берилмаган. Масалан “Алимент тўлаётган ота мен оиламни тиклайман, болаларим билан яшайман”, “Уй-жойининг маълум қисмини бузиш ҳақида суд қарори чиқарилган қарздор, қўшим билан келишдик, қўшимга бошқа тарафдан кириш-чиқиш имконияти яратилади”, “Суд қарори билан алимент тўлаётган ота, хотиним билан келишдик, катта фарзандимни ўз қарамоғимга олдим, хотинимда кичик ўғлим қолди, алимент миқдорини камайтиришим ёки ҳар иккалаимиз қарамоғимизда болалар борлиги учун алимент тўлашдан озод бўлишим керак”, мазмунидаги оғзаки мурожаат (ёзма ариза) лар келиб тушмоқда. Шундай ҳолларда давлат ижрочиси уларга судга мурожаат қилиши ва ёки қонун ҳужжатларида медиация тартиб-таомиллари борлигини, улардан фойдаланиш мумкинлигини (истаса-истамаса) тушунтиради<sup>2</sup>. Бу борада хориж амалиёти нима

<sup>2</sup>2018 йил давомида МИБнинг Тошкент шаҳар Яшнобод туман бўлимига фуқароларни қабул қилиш жараёнида билдирилган арз-шикоятлардан. Мурожаатларнинг махфийлигини

дейди? Хорижий мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Финляндия) қонунчилиги ва амалиётида медиатив келишувнинг икки босқичи мавжуд, яъни консилиатор (ингл “conciliator”) ва медиатор (лот. “mediare”). Аммо консилиатор медиатор эмас, фақат ишни ҳал қилиш бўйича муайян маслаҳат (йўналиш) лар беради. Медиатор эса тарафлар билан юзма-юз кўришиб, суҳбат, тренинглар ўтказди, масала (муаммо) ни ҳал қилишга кўмаклашади. Масаланинг моҳияти шундаки, давлат ижрочиларига консилиатор бўла олиш мақоми ва ваколатини бериш таклиф этилади. Шунда уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам қонуний қафолатлаган бўлардик.

Айтиш мумкинки, Республикамиз миллий қонун ҳужжатларида ва амалиётда низоларни ҳал қилишнинг самарали усул ва воситалари, суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилари қатор органларнинг ваколатлари мавжуд [8]. Шу билан бирга ҳакамлик судлари, нотариат, ФХДЁ, адвокатура, ҳокимият органлари, маҳалла кенгашлари ва йиғинлари, “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва бошқаларни келтириш мумкин. Аммо медиатор қай даражада ва қанча миқдорда низоларни тугата олади, тарафларни муроасага келтира олади, унинг устулиги ва афзалликлари ниҳада кўринади?

Бу борада Европа давлатлари (АҚШ, Буюк Британия)да оилавий медиация йўналиши низоларни ҳал қилишда, тарафларни келиштиришда муҳим натижаларга эришаётганлигини кўрсатмоқда. Аммо бизнинг шарқ одат ва анъаналарида “оилдан ташқарига чиққан жанжаллар”ни оилавий медиация усуллари билан тузатиш имконияти бўлармикан? Албатта қийин кечиши табиий, суд ва мажбурий ижро бўлимига келаётган мурожаатлардан медиация усуллари ҳам низоларни муайян миқдорда бўлсада, тугатиши мумкин. Чунки оилавий муносабатлар билан боғлиқ низолар маълум вақт, ишонч, ҳурмат, характерлар ўзгарувчанлиги, руҳий омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Медиацияни қўллаш жараёнида қуйидаги принциплар амал қилади: Қонуннинг 5-моддасида медиациянинг асосий принциплари кўрсатилган бўлиб, медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқчилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари асосида амалга оширилади [7]. Ушбу тартибнинг амалга ошириш механизмлари кучайган сари, мазкур принциплар ҳам келгусида такомиллашиб бораверади. Россия қонунчилигида “вақтни тежаш” принципи ва яна бошқа давлатларда “процессуал тежамкорлик”, “шаън ва қадр-қимматни ҳурмат қилиш”, “ҳалоллик” принциплари берилган [11]. Принциплар ичида энг диққатга сазоворлари “ихтиёрийлик”, “махфийлик” принциплари оилавий низоларни ҳал қилишда муҳим атрибутлардан бири саналади. Чунки **ихтиёрийлик принципи** мазмунида медиация тарафларнинг медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилади [7]. Медиация тарафлари медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли. Тарафлар ўзаро мақбул келишувни муҳокама қилиш учун масалаларни танлашда эркиндир. Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш вақтида ярашишга мажбурлаш тақиқланади каби қоидалар мустаҳкамланган. Ихтиёрий

таъминлаш мақсадида тарафларнинг ФИО келтирилмай, мурожаат мазмуни берилмоқда.

медиаторни танлаш, ихтиёрий медиатордан воз кечиш; ихтиёрий медиация хизматидан воз кечиш медиацияга мурожаат қилишга шароит яратади, аммо тақрорий медиацияга рухсат этилмайди.

**Махфийлик принципида** медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас [2]. Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек, улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳолатлар мустасно. Медиация тартиби тарафлар сирини сақлашга, ёпиқликни таъминлашга, муддаолар ташқарига чиқмаслигини таъминлашга қафолат беради.

Медиация хизмати (медиатор) нинг мустақил ва холис бўлиши медиациянинг ишончли қафолатларидан бири саналади ва бу тарафларнинг эркинлик, ишонч принципига имконият яратади.

Хорижий давлатлар (Голландия, Бельгия, Швеция, Молдова, Белоруссия ва бошқ) қонунчилик амалиёти ва тажрибасида медиациянинг мажбурийлиги ва муайян ишлар бўйича чегараланганлиги, жумладан болани олиб бериш, бола билан учрашув белгилаш, ер участкасини бўлиш, етказилган зарарни ундириш ва бошқ ишларга татбиқ этилади [4]. Мазкур давлатларда давлат ижроси (суд пристава) йўналиш беради, судда эса мутахассис (психология, конфликтология) бўйича маслаҳат ва йўналишлар беради.

Ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австрия, Норвегия, Россия, Козоғистон) қонунчилигини ўрганиш натижаларига кўра, медиацияга мурожаат қилиш процедурасини иккига ажратиш мумкин:

**Фаол форма (шакл)** – судьянинг ўзи медиаторга мурожаат қилиш ҳуқуқини тарафларга тушунтиради.

**Пассив форма (шакл)** – тарафларнинг ўзи буклетлар, маълумотлар, хабарлар, интернет-сайтлар орқали танишиб, тушуниб оладилар.

Хорижий тадқиқотларда хорижий олимлар оилавий низоларни ҳал қилишда оилавий медиациянинг ролини зарурий босқич сифатида таърифлайди [12; 128-с]. Ҳар бир инсон бетоб бўлганда тиббий муолажа олгани каби, низо (хаттоки айрим келишмовчилик) лар келиб чиққанда медиация процедурасини олишга ҳақли. Масалан, 15 йил бирга яшаган оила ажрашиб кетиш арафасида, ўртада турли ёшдаги учта фарзандлари бор, эр-хотин бирга яшамасликка қарор қиладилар. Перу давлати қонунчилиги бўйича судда медиатор хулосаси бўлмаса, суд масалани ҳал қилмай, медиатор тайинлайди. Медиатор эса камида олти ойга қадар тарафлар билан алоҳида –алоҳида, биргаликда, фарзандлари билан алоҳида ёки биргаликда жуда кўп процедуралар (процессуал-ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий, психологик муолажа) ўтказди ва натижаси бўйича судга хулоса беради.

Перу давлати қонунчилигида барча ишлар бўйича тарафлар медиация босқичини дастлабки босқич сифатида ўташи шарт [1].

Яна шуниси эътиборлики, айрим ривожланган давлатлар (АҚШ, Австрия, Буюк Британия, Финляндия) тажрибасида икки турдаги медиаторлар: “ко-медиатор” ва “со-медиатор” фаолият юритади. Ко-медиаторда тиббиёт ходими: психолог, психотерапевт, со-

медиаторда юрист, адвокат, нотариус иштирок этади. Улар алоҳида ёки биргалликда процедуралар ўтказишади.

Оилавий медиацияда никоҳ муносабатлари (тугалланиши ҳам мумкин бўлган жараён), ота-оналик муносабатлари (бир умр давом этувчи жараён) сифатида қаралади ва шунга биноан таъсирчан медиатив процедуралар ўтказилади. Баъзи давлатларда ишнинг турига қараб, масалан Дания, Ирландия қонунчилигида оилавий ажримлар бўйича бепул маслаҳат олиб борилади. Медиация тартиб-таомиллари, хаттоки мактаб, коллеж ва лицейларда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этишда ҳам яхши самара бераётганлиги турли манбалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар орқали ҳам кенг тарғиб қилинмоқда [10]. Таъкидланишича, бир ўқитувчи мисолида ўқитувчи (тажрибали, пенсия ёшида, физика ўқитувчиси) ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар педагогик бўйсунушни талаб этса, иккинчи ўқитувчи (ёш, иқтидорли, инглиз тили ўқитувчиси, гуруҳ мураббийси) ўзаро ишончга бўйсунушни талаб этади. Натижада ўқитувчи ва ўқитувчи, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ота-оналар медиацияга мурожаат қиладилар.

Оилавий низоларни ҳал қилишда медиация процедурасини қўллаш борасида медиаторнинг ролини куйидагиларга қаратилади [15; 202-б]:

- низони вужудга келтирувчи бош сабабни топиш;
- тарафларнинг ўзини иш бўйича бир қарорга келтириш;
- тарафлар билан “уларнинг тилида” гаплашиш, ҳамфикр бўла олиш;
- 2-4 соат мобайнида норасмий (дўстона, ишчи тартибда) суҳбатлар ўтказиш;
- оқибатни (исталган босқичда медиатордан воз кечиш ва медиация хизматидан воз кечиш) англаган ҳолда таваккалчиликка йўл қўйиш ва ишонччи йўқотмаслик;
- тарафларга медиатив келишув оқибатларини тушунтириш ва бошқ.

Медиация тартибининг **бахсли жиҳати** шундаки, медиация процедураси учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмайди, учинчи шахслар билан боғлиқ низоларга татбиқ этилмайди. Таҳлилларга кўра, аксарият низолар учинчи шахслар манфаати билан боғлиқ ёки чиқарилган суд қарори учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатади. Медиация жараёнида медиаторнинг ўзи учинчи шахс, ҳолис шахс сифатида қатнашади.

Республикамизда эълон қилинган Президент қарори [6], амалга оширилаётган тадқиқотлар (миллий ва хорижий) [12; 129-с], бўлиб ўтган конференция<sup>3</sup> қарори ва эълон қилинаётган мақолаларда таъкидланишича [14; 30-с], медиатор ижро ишини юритишда яқин кўмакчи эканлиги айтилмоқда. Масалан, МИБнинг Самарқанд шаҳар бўлимига Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 18 апрелдаги қарорига асосан Самарқанд шаҳар Нодирабегим кўчаси 4-уй бузилаётганлиги сабабли мазкур хонадонда яшовчи қарздорларнинг яшаб турган

жойларига тенг қимматли миқдорда бошқа турар жойни мулк қилиб топшириш вазифаси қўйилган. Фаол қаршилик сабабли ҳамда тарафларнинг узлуксиз равишда юқори судлов инстанцияларига мурожаат қилиши оқибатида ижро ҳаракатлари бир неча марта бошқа кунга қолдирилган. Қарздорлар М.Г., С.Э., С.Г.лар ундирувчи “ТСТ” МЧЖтомонидан бузилаётган уй-жойлар ўрнига қурилаётган янги уй-жойлардан уй бериш ёки олдинги уйдан каттароқ кнгликдаги уй бериш таклифини рад этиб, ўрнига янада кўпроғини талаб этишган. Олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида медиатор А.И.тарафларни ўзаро келиштириб, масалани ҳал қилишга эришган ва шу асосга кўра ижро иши тугатилган.

Таклиф ва тавсиялар. Биринчи, Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлиги ва кучга кирганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва бошқа соҳавий қонунларга медиатив келишув йўли билан ишларни ҳал қилиш ва тугатиш институти киритилиши, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тарафларга ҳар томонлама кўмак бериш (юридик, психологик ва бошқ), улар ўртасидаги ижобий оилавий муносабатларни тиклаш, эр-хотин (ота-она) ва болалар ўртасидаги мулкий ва номулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган маслаҳатлар бериш ва натижада судсиз тартибда тинч йўл билан ҳал қилиш чораларини кўриш, оналик ва болалик муҳофазасини таъминлаш мақсадида **медиатив келишувни** никоҳни тугатиш, оталикни белгилаш, эр-хотиннинг мол-мулкни бўлиш, болалар тарбияси билан боғлиқ барча низолар, шунингдек алимент ундириш тўғрисидаги низолар бўйича амалга ошириш самарали натижа беради. Кўпгина хорижий давлатлар (АҚШ, Россия, Финляндия, Австрия, Нидерландия, Дания, Ирландия, Норвегия ва бошқ) қонунчилиги ва амалиётида татбиқ этиб келаётганлиги ҳамда ўзини оқлаётганлиги асос бўлмоқда. Шу муносабат билан **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 11-моддаси учинчи қисм билан тўлдирилиши таклиф этилади:** “Ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида кўрсатилган низоларни ҳал қилишда медиация тартиб-таомилларини қўллаш мумкин” [9].

Иккинчи, ижро ишларини юритиш амалиётида давлат ижрочиси тарафлар (қарздор ва ундирувчи) га судга мурожаат қилиши ва ёки қонун ҳужжатларида медиация тартиб-таомиллари борлигини, улардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётида медиатив келиштирувнинг икки босқичи: яъни “консилиатор” ва “медиатор” тушунчалари мавжудлигини инобатга олган ҳолда ҳамда консилиатор фақат ишни ҳал қилиш бўйича муайян маслаҳат (йўналиш)лар бера олишини инобатга олиб, давлат ижрочиларига “консилиатор” бўла олиш мақоми ва ваколатини бериш таклиф этилади. Шунда уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам қонуний кафолатлаган бўлардик.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Институт медиации в зарубежных странах и его применение в сфере исполнительного производства // Филипов В.В. Использование процедуры медиации в сфере исполнительного производства в зарубежных странах, применение данного института в России: за и против. /Электронный ресурс/.

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.03.2019 й., 07/19/4236/2762-сон.

<sup>3</sup>2019 йил 22 майда ТДЮОда Грант тадқиқотлари доирасида “Ижро иши юритиш соҳасини янада такомиллаштириш масалалари: назария ва амалиёт уйғунлиги” мавзусида республикаллий-амалий конференцияси ўтказилган.



3. Лукьянчикова Е.Ф., Верещагина Е.А. Применение процедуры медиации в исполнительном производстве/ Международный научный журнал "Инновационная наука", – 2016 – №2. – С. 128–131. – URL <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11769/>.

4. Плахов А. В. Обзор законодательства Швеции о медиации // Ресурсный центр Медиации [Электронный ресурс]. URL: [http://mediators.ru/rus/about\\_mediation/foreign\\_law/sweden/text1](http://mediators.ru/rus/about_mediation/foreign_law/sweden/text1).

5. Сулаймонов Д. Медиатор: ижро иши юритишда яқин кўмакчи. /Хуқуқ газетаси –2019 2 май – № 18 (1163). – Б. 3-7.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4236-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонуни //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 03/18/482/1447-сон.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонуни.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон); Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон.

9. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Тошкент: Адолат, 2018. 11-модда (Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш) икки қисмдан иборат.

10. Шашкина Е. А. Применение института медиации в области семейного права // Молодой ученый. -2017. - №2. - С. 345-349. - URL <https://moluch.ru/archive/136/38206/>.

11. Федеральный закон РФ от 27 июля 2010 года № 193-ФЗ «Об альтернативной процедуре урегулирования споров с участием посредника (процедуре медиации)».

12. Федоров П. Р., Бобылева А. П. Медиация в сфере исполнительного производства [Текст] Право: современные тенденции: материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). - Краснодар: Новация, 2017. - С. 128-131.-URL <https://moluch.ru/conf/law/archive/225/11769/>.

13. Федоров П.Р., Бобылева А.П. Медиация в сфере исполнительного производства [Текст] // Право: современные тенденции: Материалы IV Междунар. науч. конф. (г. Краснодар, февраль 2017 г.). - Краснодар: Новация, 2017. - С. 128-131.

14. Филипов В.В. Использование процедуры медиации в сфере исполнительного производства в зарубежных странах. Применение данного института в России: за и против // Практика исполнительного производства. М., –2014. –№ 3. –С. 26–39.; Носырева Е. И. Медиация в исполнительном производстве // Принудительное исполнение актов судов и иных органов в отношении юридических лиц (организаций и предпринимателей). Проблемные аспекты: Сборник материалов Международной научно-практ. Конференции, 4–8 июня 2012 г., Воронеж. М.: Статут, – 2013. –С. 156–159.

15. Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. – Тошкент, 2010. – 289 б.

Д.Ю.Хабибуллаев,  
ТДЮУ кафедра мудири, ю.ф.н., профессор

### КОММУНАЛ ҚАРЗДОРЛИКНИ УНДИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД БУЙРУҒИ ВА УНИ ИЖРО ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада коммунал қарздорликни ундириш бўйича суд буйруғи чиқариш тартиби, ижро этишда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** судья, суд буйруғи, мажбурий ижро, коммунал хизматлар, ундирувчи, қарздор, давлат ижросиси.

**Аннотация:** в этой статье проанализированы порядок выдачи судебных приказов о взыскании коммунальных задолженностей, проблемы, возникающие при исполнении, а также даны предложения и рекомендации по их решению.

**Ключевые слова:** судья, судебный приказ, принудительное исполнение, коммунальные платежи, взыскатель, должник, государственный исполнитель.

**Annotation:** this article analyzes the procedure for issuing court orders for the recovery of utility debts, problems encountered in the execution, as well as offers and recommendations for their solution.

**Keywords:** udge, court order, enforcement, utility bills, recoverer, debtor, state executor.

Қундалиқ ҳаётни коммунал хизматларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви каби неъматлар турмушнинг муҳим омилига айланган. Бироқ сўнгги пайтларда ушбу табиий бойликларни етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар билан истеъмолчилар ўртасида ўзаро қарздорлик юзасидан келишмовчиликлар келиб чиқмоқда, судларга даъво аризалари киритилмоқда.

Ана шундай ҳўжалик хизматлари бўйича ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларни шу йўсинда тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5059-сон Фармони эса етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни тартибга солишда яна бир муҳим қадам бўлди. Унга кўра, электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизимини, назорат ҳамда ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жавобгарликни кучайтириш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди. Ушбу буру энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ҳамда газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш, олдини олишга, шунингдек суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул этиб белгиланди.

Мазкур Фармонда яна ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, шунингдек, энергия ресурслари учун қарздорлик мавжуд бўлганда истеъмолчиларни тармоқдан узиш тартибига аниқлик киритилди. Унга кўра, 2017 йилнинг 1 июлидан истеъмолчилар ҳар ойнинг 10 санасигача ўтган ойда фойдаланилган энергия ресурси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шартлиги белгиланди. Акс ҳолда тармоқдан мажбурий узилади. Жисмоний шахслардан энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан, юридик шахслардан эса 10 баробар миқдоридан тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланишга рухсат берилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролик ва иқтисодий судлар томонидан суд буйруғи тартибидан кўрилатган ишларнинг аксарият қисмини коммунал хизматлар бўйича қарзларни ундириш, яъни электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув-оқова коммунал тизимидан фойдаланиш, иссиқлик энергияси, алоқа хизматлари кўрсатиш ҳақидаги ишлар ташкил этади. Жумладан, 2017 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан коммунал ташкилотларнинг истеъмолчиларга нисбатан коммунал қарзларни ундириш бўйича жами 13467 та даъво аризаси кўриб чиқилган. Шундан 11335 таси қаноатлантирилган, 592 таси рад этилган, 1121 таси иш юритувдан тугатилган, 419 таси кўрмасдан қолдирилган. Ўтган йилда коммунал қарздорликни ундириш бўйича жами 318507 та суд буйруғи чиқарилган [5].

Шунингдек, биргина Тошкент шаҳар ва Тошкент туманлараро иқтисодий судлари томонидан электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сувоқова коммунал тизимидан фойдаланиш, иссиқлик энергияси, алоқа хизматлари кўрсатиш шартномаларига доир бир қатор низолар кўриб чиқилган. Ана шундай ўзаро келишмовчиликлар билан боғлиқ кўрилган даъволар таҳлил қилинганда бу борадаги ишлар қанчалик олдинга силжиганини яққол кўриш мумкин.

Биргина электр энергияси бўйича 2016 йилда жами 445 та муаммо ҳал этилган бўлса, жорий йилнинг дастлабки 3 ойининг ўзида 493 та низо судлар томонидан кўриб чиқилди. Бошқа коммунал хизматлар учун тўловларни ундиришда ҳам ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин [4].

Бундан кўринадики, тўловларни ундириш йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилган ёки бошқа омиллар сабаб етказиб берилган энергия ресурслари учун ҳақлар ўз вақтида ғазнага келиб тушмаган.

Ушбу муаммони келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири аҳолига кўрсатилган коммунал хизматларга оид тўловлар ҳамда бошқа қарздорликлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслигидир.

Ҳозирги вақтга келиб суд ҳужжатлари асосида биргина Сурхондарё вилояти бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг сўндирилмаган қарздорликлари жами 1 трлн. 655 млрд. 508 млн. 400 минг сўмни, шундан электр энергия ва табиий газ тўлови бўйича қарздорлик 21 млрд. 664 млн. 100 минг сўмни, ер ва кўчмас мулкга оид қарздорлиги эса 5 млрд. 124 млн. сўмни ташкил этган ҳолда, ижрода 16 989 та алимент тўловларини ундиришга доир ижро ишлари мавжуддир [6].

Амалдаги қонунчиликда суд ҳужжатлари асосида қарздорликларни ундириш механизми ишлаб чиқилган бўлсада, амалиётда уни қўлланилишида катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бунинг

натijasида суд ҳужжатларининг ижроси таъминланмасдан, қарздорларда қонунга нисбатан бепасандлик муносабати шаклланиши учун замин яратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5059-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилигидаги суд буйруғини чиқариш бўйича процессуал механизмларни такомиллаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

Коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб бўйича суд буйруғи чиқариш масаласи эса бошқа давлатлар қонунчилигида турлича ифодаланган. Масалан, Россия Федерацияси, Беларусь ва Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексидан, агар талаб оддий ёзма шаклда амалга оширилган битимга асосланса, суд буйруғи чиқариш назарда тутилади [3]. Қозғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексидан мазкур масала бошқача ҳал этилган, яъни ушбу кодекснинг 135-моддаси 2-бандига кўра, агар мажбуриятни бажариш тўғрисидаги талаб ёзма битимга асосланган ижро муддати яқун топган ва мажбуриятнинг ижро этилмаганлиги қарздор томонидан тан олинган, шу жумладан низоли судга қадар ҳал этиш тартибидан қарздорга юборилган талабномага нисбатан жавобга асосланган бўлса, ушбу талаб юзасидан суд буйруғи чиқарилиши назарда тутилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддаси 3-бандида назарда тутилган коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб бўйича суд буйруғи чиқариш масаласи белгиланган. Лекин, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 276-моддаси иккинчи қисмида алоҳида бандда мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, “агар турмушда ишлатилган табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли бўйича пул тўланиши билан боғлиқ талаб билан арз қилинса” деган тахрирда баён этилган [1]. Бундан кўриниб турибдики, уларда аниқ белгиланган.

Бизнинг фикримизча ҳам коммунал тўловларга аниқлик киритиш мақсадида мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддаси 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилиши таклиф қилинади:

“3) агар турмушда ишлатилган табиий газ, электр, иссиқлик энергияси ва сув таъминоти истеъмоли бўйича пул тўланиши билан боғлиқ талаб билан арз қилинса”.

Шунингдек, мазкур модданинг 3-бандидаги “алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни ундириш” бўйича суд буйруғини чиқариш талаби эса алоҳида бандда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, жойларда юзага келаётган муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида бизнинг фикримизча қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

**Биринчидан,** келажакда суд буйруқларини ижро этиш жараёнида муайян муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олиш мақсадида суд буйруқлари чиқариш бўйича талабларни кенгайтириш мақсадга

мувофиқ. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексиижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддасига суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини кенгайтириш ва унда “телефон ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи хизмати, кабель телевиденияси, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматидан оммавий шартнома асосидаги қарздорликни ундириш тўғрисидаги талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилиши”ни белгилаш таклиф қилинади.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари ўғрисида”ги ПФ–5059-сон Фармонида кўрсталишича, Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий тузилмаларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкассо топшириқномалари қўйиш, етказиб берилган энергия ресурслари учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходим – истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш ҳуқуқи берилган. Лекин суд амалиётида коммунал тўловларни ундириш масаласида энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлган суммаларни ундириш бўйича ҳам ариза бериш ҳолатлари мавжуд. Шунинг учун ҳам коммунал ташкилотлари мазкур масалада давлат ижрочилари билан ҳамкорликни кучайтириш, судсиз ундириш масаласини ҳал этишлари лозим. Сабаби кам миқдордаги тўловларни ундириш ҳақидаги талабларни судда қариб чиниш харажати, суд буйруғини жиро этиш вақтидаги чиқимлар қарздорлик суммасидан ошиб кетиш ҳолатлари амалиётда тез-тез учраб туради. Бу эса ўз навбатида суд буйруқларини жиро этиш босқичида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

**Учинчидан,** Мажбурий ижро бюроси жойларда муқим истиқомат қиладиган қарздорларнинг электрон тарзда маълумотлар базасини юритиш ишларини янада такомиллаштиришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қарздорлик сўндирилганда маълумотларни янгилаб бориш, қўлланилган чекловни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида киритиб боришга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

**Тўртинчидан,** асосий фаолияти йўловчи ташиш бўлган ташувчилар (ҳалқаро аэропортлар, минтақавий темир йўл узели) билан биргаликда қарздорларни ҳаво кемаси борти ва темир йўл воситаларидан туширилиши ёки улар томонидан амалга оширилган бронлаштиришни бекор қилиш ҳолатларда қарздор-йўловчиларнинг ҳуқуқларини поймол этилишини олдини олиш мақсадида қарздорлар ҳақида маълумотлар алмашиш тўғрисида келишув тузиш амалиёти тадбиқ этилиши таклиф қилинади.

**Бешинчидан,** жойлардаги ички ишлар, бошхона бошқармалари, давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда қарздорларнинг муайян ҳудуддан чиқиш ҳуқуқларини вақтинча чеклаш тўғрисидаги

маълумотлар алмашувини йўлга қўйишлари керак ҳамда ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари таклиф қилинади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // <http://base.spininform.ru>.
2. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // <http://www.frmf.kz/cgi-bin/index>
3. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // <http://pravo.kulichki>; Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики // <http://base.spininform.ru>
4. Саидов М. Хамроев И. Истеъмолчи масъулияти ижрода билинади // <http://mahallagzt.uz/uz>.
5. <http://uza.uz/oz/society/2017-yilda-kommunal-arzdorlikni-undirish-b-yicha-318507-ta-s-05-04-2018>.
6. <http://www.regulation.gov.uz/uz/documents/1512>.

Қ.Мехмонов,

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти  
в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори**ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ШАРТНОМА ТУЗИШНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** мақола интернет орқали шартнома тузишнинг хусусиятларига бағишланган. Унда интернет тушунчаси ва ҳуқуқий моҳияти, интернет тармоғидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик, шартнома тузишда оферта ва акцептнинг намоён бўлиш хусусиятлари, интернет орқали шартнома тузишга доир хорижий тажриба ўрганилган. Таҳлил натижасида муайян хулосаларга келинган ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** Интернет, шартнома, оферта, акцепт, фуқаролик ҳуқуқи.

**Аннотация:** статья посвящена особенностям заключения договора через сеть Интернет. Изучены понятия и правовая сущность Интернета, законодательство, регулирующее отношения в сети Интернет, особенности заключения договора, оферты и акцепта, зарубежная практика по заключению договора через сеть Интернет. В результате проведенного анализа автор предлагает определенные заключения и предложения по совершенствованию законодательства.

**Ключевые слова:** Интернет, договор, оферта, акцепт, гражданское право.

**Annotation:** The article is devoted to the peculiarities of concluding an agreement via the Internet. The concepts and legal nature of the Internet, legislation governing relations on the Internet, the specifics of a contract, offer and acceptance, foreign practice on the conclusion of a contract through the Internet have been studied. As a result of the analysis, the author offers certain conclusions and suggestions for improving the legislation.

**Key words:** Internet, contract, offer, acceptance, civil law.

Бутун дунёда замонавий ахборот коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши интернет орқали ўзаро алоқа ўрнатиш, маълумотлар алмашиш, турли хизматлар кўрсатиш орқали ўзига хос виртуал алоқа майдонини вужудга келтирди. Ушбу виртуал ахборот жамияти жуда кўплаб фойдаланувчилар иштироки этишини, ўзаро боғланган турли шахслар, субъектлар мавжуд бўлишини талаб қилади.

Бугунги кунда интернет тармоғидан нафақат зарур ахборотларни олиш, қайта ишлаш балки ҳуқуқий тарғибот мақсадларида ҳам кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мутасадди идоралар томонидан амалга ошириладиган қонунчилик тарғиботи ҳам тизимли йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳуқуқий билимларни, қонунларнинг мазмун-моҳиятини таълим масканлари, оммавий ахборот воситалари, интернет ресурсларидан, адабиёт, санъат, диний муассасалар имкониятларидан фойдаланган ҳолда, самарали усуллар билан тарғиб қилишимиз зарур” [1].

Интернет замонавий воқелик сифатида ҳаётимизнинг барча жабҳасига кириб борар экан,

ундан ҳуқуқий восита сифатида товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш борасида шартнома тузиш жараёнида ҳам фойдаланилади. Керагини олиб, зарарлисидан воз кеча олиш интернетнинг муҳим қويدаси ҳисобланади. Чунки, интернет тармоғи ўзида жаҳон дурдона асарлари, илмий манба, чексиз илмий муносабат, фойдали ахборот, ўзаро фойдали мулоқот ўрнатиш макони бўлиши билан бирга айрим ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган ҳудудлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Интернет тармоғи – ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар бирлашмаси) ҳисобланади [2]. Илгари фақат юзма-юз ўтирган ҳолда шартнома тузилган бўлса, эндиликда тарафлар бевосита учрашмаган ҳолда электрон аукцион ёки интернет орқали шартнома тузиш амалиёти кенг тарқалмоқда.

Интернет орқали шартнома тузишнинг икки усули мавжуд:

1. Веб-сайтлар орқали тузиладиган (интернет дўкон орқали шартнома тузиш, интернет орқали хизматлар кўрсатиш);

2. E-mail орқали шартнома тузиш.

Интернет орқали шартнома тузишда тарафлар аввало одатдаги шартномада бўлгани каби шартнома тузиш тартибига риоя қилиш масаласига дуч келади. Яъни, оферта ва акцептлаш масаласи юзага келади.

Бу борада Европа иттифоқида “Электрон тижорат тўғрисида” директива (E-Commerce Directive, 2000 й.) [3], Буюк Британияда эса, “Электрон тижорат қоидалари (E-Commerce Regulations, 2002 й.) [4] мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага (бундан буён матнда электрон тижоратдаги шартнома деб юритилади) мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир.

Ақсарият ҳолларда интернетда оферта жойлаштириш ҳолатларига дуч келамиз. Бу ўринда савол туғилиши мумкин. Интернет сайтида жойлаштирилган таклиф оферта ҳисобланадими? Ушбу саволга жавоб беришда иккита ҳолатга эътибор қаратилади. Биринчидан, бу оммавий оферта бўлиши мумкин яъни, шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киригаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади. Иккинчидан, бу фақат реклама яъни, офертага таклиф бўлиши мумкин. Ушбу иккита ҳолатни тушуниш шартномани тўғри тузишда ва келгусида низолар юз беришининг олдини олишда муҳим.

Буюк Британияда ушбу масалага қуйидагича ёндашув мавжуд: сотувчи сайтида эълон қилинган товар оммавий оферта ҳисобланмасдан, балки фақат офертага таклиф ҳисобланади. Интернет дўконда сайтдан фойдаланиш шартлари бўлиб, унда таклифнинг оферта бўлиши кўрсатилади. Муаммоли вазиятлар юз бермаслиги учун сотувчи сайтдан

фойдаланишнинг барча шартларини атрофлича белгилаб қўяди.

Германия ва Буюк Британияда витринага қўйилган товар оферта сифатида белгиланмасдан балки, офертага таклиф сифатида баҳоланади (*invitatio ad offerendum*).

И.Рустамбековнинг фикрича, қонун ҳужжатларига асосан давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган шартномалар, хусусан, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар ёки патентдан ўзга шахс фойдасига воз кечиш шартномалари; нотариал тасдиқлашни талаб қилувчи битимлар, масалан, рента шартномаси; одатдаги тартибда васиятнома тузиш, шунингдек ўзининг алоҳида тузилиш тартибига эга бўлган биржа битимлари интернет тармоғи орқали электрон тижорат доирасида электрон шартнома шаклида тузилишига йўл қўйилмайди. Уларнинг электрон шартнома шаклида тузилиши шартноманинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши мумкин [5; 20-6].

Бу ўринда муаллиф интернет орқали тузилиши истисно этилган барча шартномаларни кўрсатмаган. Хусусан, қимор ва гаров ўйинларига асосланган ўйинлар. Биржа битимлари эса, биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияга эга бўлган биржаларда қўллаб бўлмайди. Бошқа ҳолларда бевосита интернет тармоғида тузилаётганлигига эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикасида Электрон тижоратни амалга ошириш қондаларидавлат харидларига, биржа фаолиятини амалга оширишга оид битимларга ҳамда кўчмас мулкни сотишга татбиқ этилмайди.

Интернет орқали шартнома тузиш одатдаги шартнома тузишдан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Жумладан:

Биринчидан, тарафлар юзма-юз ўтирмаган ҳолда онлайн муҳитида бўлиши ва интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Иккинчидан, оферта ва акцепт ҳам ўзига хос шаклда, яъни интернетга жойлаштирилган бўлади. Бунда ҳар қандай таклиф ҳам оферта сифатида қаралмаслиги зарур. Айрим ҳолларда оферент офертага қўйиладиган талабларни батафсил ўз веб-сайтида эълон қилади.

Учинчидан, интернет орқали тузилган шартнома электрон ҳужжат шаклида намоён бўлади. Яъни электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлиши шарт.

Тўртинчидан, аксарият фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни интернет орқали тузиш мумкин бўлсада, айрим истиснолар ҳам мавжуд. Бунда, аввало шартнома нарсаси ва моҳиятидан келиб чиқилади.

Бешинчидан, интернет орқали шартнома тузиш ягона қонун ҳужжати билан эмас, балки комплекс қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

“Электрон тижоратда оферта электрон ҳужжат тарзида тузилади. Электрон тижоратда товарларни (ишларни, хизматларни) сотувчиофертага қўйиладиган талабларни батафсил ўз веб-сайтида эълон қилиши шарт”.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига қуйидаги тўртинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Шартнома нарсаси ва моҳиятидан келиб чиқиб, электрон шаклда тузилиши мумкин бўлмаган бошқа битимлар электрон шаклда тузилиши мумкин эмас”.

Ушбу қўшимчаларнинг киритилиши интернет орқали шартнома тузишда офертага доир талабларнинг тўлақонли бўлиши, бу борада вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. //Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2018 й., 10/18/3038/1490-сон.

3. Directive 2000/31/EC of the European Parliament and of the Council of 8 June 2000. on certain legal aspects of information society services, in particular electronic commerce, in the Internal Market (Directive on electronic commerce). // <https://eur-lex.europa.eu>

4. The Electronic Commerce (EC Directive) Regulations 2002. <http://www.legislation.gov.uk>.

5. Рустамбеков И.Р. Интернет тармоғида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш. Юрид. фан. докт. дисс... автореф. – Т.: ТДЮУ, 2017. – 61 б.

**Д.Махмудов,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Харбий техник институти катта ўқитувчиси, PhD

### СУҒУРТА БОЗОРИДА ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ

**Аннотация:** мазкур мақолада суғурта соҳасида хусусий ҳуқуқ билан оммавий ҳуқуқ ўзаро нисбати, шунингдек, ихтиёрий суғурта билан мажбурий суғурта фаолиятларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш истиқболлари ўрганилиб, хорижлик цивилист олимларнинг фикрлари, ривожланган давлатларнинг қонунлари таҳлил қилинган ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** суғурта, суғурта шартномаси, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, суғурта қилдирувчи, суғурта зарари, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбурияти.

**Аннотация:** в статье рассматривается взаимосвязь между частным правом и публичным правом в сфере страхования, а также анализ нормативных документов, регулирующих добровольное и обязательное страхование, перспективы дальнейшего совершенствования этих правовых документов, анализ зарубежных ученых-цивилистов, а также законы развитых государств и на их основа предлагается внесение изменений и дополнений в национальное законодательство.

**Ключевые слова:** страхование, договор страхования, добровольное страхование, обязательное страхование, страховщик, страхование от убытков, права и обязанности страховщика.

**Annotation.** in the article, in order to further improve the protection of the rights and interests of policyholders, as the main participant in the insurance contract, the national legislation, the opinions of domestic and foreign scientists, civilists and the laws of developed states regulating insurance are analyzed and, on their basis, amendments and additions are proposed to the national legislation.

**Keywords:** insurance, insurance contract, voluntary insurance, compulsory insurance, insurer, loss insurance, rights and obligations of the insurer.

Ўзбекистон Республикасида суғурта соҳасини тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 4412-сонли қарорини алоҳида кўрсатиш керак. Унда бугунги кунда суғурта амалиётида амалда бўлган, аммо ўзининг ижобий самарасини бермаётган қонун ҳужжатларини амалдан чиқариб ташлаш, қонундаги бўшлиқларни тўлдириш ҳамда уларни янада такомиллаштириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунингдек, ушбу қарорда суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришнинг бешинчи йўналиши

сифатида “суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг суғурта саводхонлигини ва суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш” [14] белгилаб қўйилган. Бу эса қарорда белгиланган вазифанинг ижросини таъминлаш учун суғурта бозорини истеъмолчи манфаатларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Айни пайтда, суғурта бозорини истеъмолчи манфаатларини таъминлашда хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ қоидаларининг ўрни ҳамда уларнинг ўзаро нисбатини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш соҳани янада ривожлантиришга қаратилган хулоса ва таклифларни илгари суриш имконини беради.

Маълумки, **хусусий ҳуқуқ** ҳуқуқ субъектлари орасидаги фуқаролик, оила, тадбиркорлик, меҳнат ва ерга оид муносабатларни тартибга солса, **оммавий ҳуқуқ эса** фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни, бошқача айтганда конституциявий, жиноий, жиноий процессуал, молиявий ва маъмурий муносабатларни тартибга солади [19].

Айрим тарихий манбаларда “Хусусий ҳуқуқ” (jus publicum) ва “Оммавий ҳуқуқ” (jus privatum) қадимги Рим даврида пайдо бўлганлигини таъкидлаб, қуйидагича таъриф берилган. Оммавий ҳуқуқ – бу қадимги Рим давлатининг ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларини тартибга солган бўлса, хусусий ҳуқуқ эса – Рим фуқаролари ва жамоани фойдасига хизмат қиладиган ҳуқуқларни тартибга солган [7], деган фикрлар илгари сурилган. Бундан ташқари, илмий изланишлар олиб бориш жараёнида қадимги Рим хусусий ҳуқуқида “XII жадвал” қонуни амал қилганини, ушбу қонун “УЛПИАН”<sup>4</sup> ёндашувига асосланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ёндашувга кўра “оммавий ҳуқуқ” фақатгина Рим давлатидаги муносабатларни тартибга солса, “хусусий ҳуқуқ” эса алоҳида шахсларнинг муносабатларини тартибга солади [8]. “Улпиан” ёндашувига кўра, “**оммавий ҳуқуқ** - давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга ҳам солади [15; 7-с]. Папиниан<sup>5</sup> фикрича, “Бошқа мезонларга кўра – шахсларнинг ўзаро келишуви билан меъёрни ўзгартириш имкони йўқ. Шунингдек, у оммавий ҳуқуқ нормалари императив ҳуқуқ нормаларига тааллуқли [8], деган фикрни илгари сурган бўлса, баъзи бир манбааларда эса хусусий келишувни оммавий ҳуқуқ билан алмаштириш мумкин эмас” [6; 14-с], деган ғоя илгари сурилади.

Бошқа ҳуқуқшунос олимларда эса “Қадимги Рим ҳуқуқида хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ соҳалари иккига бўлинган ҳолда мавжуд бўлмаган” [1; 32-с], деган қарашлар мавжуд, чунки Европа мамлакатларида буржуа давлатларининг “хусусий мулкка аралашмаслик принципи” мавжудлиги аниқланган [8]. Бундан ташқари, XIX асрда ҳам хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ бўйича бир қанча цивилист олимлар ўртасида тортишувлар юзага келган.

Жумладан, Г.Ф.Шершеневич хусусий ва оммавий ҳуқуқни икки ҳолатга бўлади: **мулкий** (бу йўналиш тарафдорлари Домиций Ульпиан, К.Малышев,

<sup>4</sup> *Изоҳ:* Домиций Ульпиан римлик олим бўлиб, у табиий ҳуқуқ тарафдори бўлган.

<sup>5</sup> *Изоҳ:* Эмилий Папиниан (лат. *Aemilius Papinianus*) – таниқли римлик юрист, давлат арбоби, ҳуқуқшунослик фаолиятини ривожланишига катта ҳисса қўшган олим.

С.В.Пахман и Е.В.Васьяковскийлар ҳисобланган) ва **расмий**, яъни бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташаббуси кимга тегишлилиги (яъни, манфаатни ҳимоя қилиш) бўйича шахс ёки давлатнинг бузилган ҳуқуқи (бу йўналишнинг тарафдорлари С.А.Муромцев, Дювернуа, Ю.С.Гамбаров) [8].

Шу ўринда, Г.Ф.Шершеневич ҳуқуқ тизимини тузилишига қараб, **“бирлаштирувчи”** ва **“тарқоқ”** ҳуқуқ нормаларига бўлинади, деган ғояни ҳам илгари суради. Унинг фикрича, “фуқаролик ҳуқуқи фуқаролик жараёнидан ўз хусусиятини олмасдан, аксинча фуқаролик жараёни у билан ҳимояланган меъёрларнинг табиати билан боғлиқ”.

Шунингдек, Ю.А.Тихомировнинг таъбирича, **“Оммавий ҳуқуқ – давлат, давлатлараро ва умумий муносабатларни тартибга солса, хусусий ҳуқуқда – шахсий муносабатлар камраб олинди”** [11; 13-с]. Е.А.Сухановнинг фикрича, **“Оммавий ҳуқуқ – давлатнинг ижтимоий фаровонлигини ошириш учун давлат томонидан қабул қилинадиган бир қатор чоратadbирлар”**дир деса, **хусусий ҳуқуқ – бевосита субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ** [8] дир.

К.А.Сатонина эса **“хусусий”** ва **“оммавий”** ҳуқуқнинг ўзаро таъсири давлатни фуқароларнинг шахсий ҳаётида, иқтисодий, тadbиркорлик ва бошқа соҳаларида аралашш ҳуқуқини таъминлайди” [9], деган ғояни илгари суради. Шунингдек муаллиф, “ушбу бўлинишнинг асосий аҳамияти, унинг ёрдами билан бутун ҳуқуқий ҳолатнинг умумий тасвири, тавсифи, маълум бир мамлакатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этувчи қисмларнинг кенгайган гуруҳини, умуман ҳуқуқни кўришда қонунчиликлар асоси билан боғлайди. Дарҳақиқат, **хусусий ва оммавий ҳуқуқларнинг ўзаро таъсири сиёсий кучларнинг, ҳуқуқнинг, бошқарув механизмларининг, фуқароларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлашда манфаатлар мувозанатини акс эттиради. Хусусий ва оммавий манфаатлар ўртасидаги боғлиқлик масаласи турли ҳужжатларда кўриб чиқилади** [9].

Бугунги кунда жамиятда хусусий ва оммавий манфаатларнинг объектив мувозанатига эришиш учун фуқаролик жамияти ва қонун устуворлигини таъминлаш, айниқса, замонавий давлатларда хусусий ва оммавий ҳуқуқларда **“Мувозанатни таъминлаш принципи”** мавжудлиги асосий ҳисобланиб, ушбу принцип барча ривожланган давлатларда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларида ҳам ўз аксини топмоқда деган хулосани илгари суриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда суғурта хизматларини тартибга солувчи бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Ушбу қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролик, маъмурий, молиявий ва ҳалқаро ҳуқуқ тизимларини ўз ичига олган ҳолда шакллантирилган. Шу ўринда цивилист олимлардан Ю.А.Сплетухов ва Е.Ф.Дюжиковлар суғурта ҳуқуқини ҳуқуқ соҳасининг бир тармоғи эканлигини таъкидлаб ўтишган [10; 62-с]. И.Кузнецов эса фуқаролик ҳуқуқининг бир тармоғи ҳисобланган суғуртани **“хусусий суғурта”** ва **“оммавий суғурта”** соҳаларига бўлиб, уларга қуйидагича таъриф беради. **“Хусусий суғурта** бу – суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида суғурта шартномаси тузилганда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзага келишини”, **“оммавий суғурта – эса бирон-бир ҳуқуқий ҳужжат ёхуд қонуннинг кучга кириши**

муносабати билан тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишини” таъкидлайди [5].

Юқоридаги билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, оммавий суғуртанинг элементларини нафақат мажбурий суғуртада, балки суғурта фаолиятини назорат қилувчи давлат ташкилотларининг фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Мажбурий суғурта шартномасини тузиш даврида (мисол учун, мажбурий тиббий суғурта, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш) суғурта қилдирувчи (жисмоний ёхуд юридик шахс) суғурталовчи ташкилотни танлаш ҳуқуқи эга бўлади. Шу билан бирга, **суғурта қилдирувчи ташкилотни танлаш ҳуқуқи хусусий ҳуқуқнинг элементига тааллуқлидир** [9]. Шу ўринда, бугунги кунда мамлакатимизда мажбурий турдаги суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунларга “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”[13] ги, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”[13] ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”[13] ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”[13] ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги қарори[13] қабул қилинган.

Ушбу мажбурий тусдаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганда суғурта қилдирувчиларга қуйидаги ҳуқуқлар берилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида **“...суғурта шартнома бўйича суғурталовчини танлаш”**, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида **“...суғурта шартномаси тузиш учун суғурталовчини танлаш”** ҳуқуқи берилган. Шу ўринда, К.А.Сатонинанинг “Суғурта қилдирувчининг танлаш ҳуқуқи хусусий суғуртанинг элементига хосдир”, деган ўринли фикри мавжуддир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги қарорида [13] эса Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита суғурталовчилар ҳисобланади”, деб аниқ белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ривожланган давлатларнинг тажрибасига назар ташласак, **Молдова Республикасининг** “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” [3]ги, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”[3]ги, **Беларусь Республикасининг** “Ташувчининг йўловчи олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” [2]ги, шунингдек **Россия Федерациясининг** “Хавфли объектлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”[4]ги қонунларида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқларига қаторига “...

шартнома тузиш учун суғурталовчини танлаш” ҳуқуқи кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатларининг “Истеъмолчилар уюшмаси” собиқ вице-президенти ва муҳаррири лавозимларида хизмат қилган **Julia Kagan** фикрича, **Америка Қўшма Штатларининг Нью-Гемпшир штатида** “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш”, шунингдек **Монтана, Нью-Гемпшир и Вашингтон** каби штатларида эса “Мотоцикл ҳайдовчиларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги каби қонунлар қабул қилинмаган [18].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда суғурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган турли ҳил ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ушбу ёндашувлар суғурта соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонунларни қабул қилинганлигида кўришимиз мумкин. Хусусан, ихтиёрий суғурта хусусий суғуртани, мажбурий суғурта эса оммавий суғуртани ривожлантиришга туртки бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларда мажбурий суғурта бу нафақат суғурта институтининг тарақиётини жадаллаштиради, балки ихтиёрий суғурта хизматларини таклиф қилувчи суғурта компанияларини ҳам ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан, **Италия** давлатида суғурта бозори замонавий шаклда автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси жорий этилганидан сўнг суғурта соҳаси аниқ шакллана бошлади, бу эса соҳанинг жадал ўсишига олиб келди. Кўп тажриба ва молиявий кучга эга бўлган суғурта компаниялари мажбурий суғуртани тақдим этиш орқали ихтиёрий турдаги хизматлар турларини фаол равишда кенгайтира бошладилар. Уларнинг аксарияти Италия суғурта бозорларида етакчилик қилмоқда. **Германия Федератив Республикасининг** суғурта бозорига назар ташласак, бугунги кунда ушбу давлатда 1934 йилда қабул қилинган “Овчининг учинчи шахс олдидаги мажбурий суғурта жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонун, **Буюк Британияда** эса “Улоқ ва хавфли хайвонлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун амалда эканлигини таъкидлаш жоиз [17]. Фикримизча, мазкур қонунлар фуқароларнинг суғуртага бўлган ишончини орттиришга хизмат қилган, шунинг учун улар бугунги кунда ҳам амал қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта соҳасини ривожлантиришга қаратилган юзга яқин қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, буларни ўз навбатида қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин. Буларга:

- а) суғурта соҳасига оид умумий қоидалар йўналишида – 23 та;
- б) давлат томонидан тартибга солинадиган ва назорат қилинадиган йўналишдаги ҳужжатлар – 7 та;
- в) суғурта бозори иштирокчилари ва суғурта ташкилотлари билан боғлиқ йўналишдаги ҳужжатлар – 40 та;
- г) қурилиш таваккалчиликлари суғуртаси қилиш йўналишидаги ҳужжатлар – 2 та;
- д) алоҳида тадбиркорлик тузилмаларида суғурта йўналишдаги ҳужжатлар – 8 та;
- е) ҳарбий хизматчилар ва айрим тоифадаги ходимлар суғуртаси билан боғлиқ йўналишидаги ҳужжатлар – 9 та;

ё) автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш билан боғлиқ йўналишдаги ҳужжатлар – 11 та;

ж) йўловчиларни суғурта қилиш билан боғлиқ йўналишдаги ҳужжатлар – 5 та;

з) суғурта захиралари билан боғлиқ йўналишдаги ҳужжатлар – 4 та.

Бугунги кунга қадар суғурта соҳасидаги ҳужжатларга 7 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган, ўз кучини йўқотган ҳужжатлар эса 9 тани ташкил қилган [16]. Ушбу қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий вазифаси ихтиёрий (хусусий суғурта) ва мажбурий (оммавий суғурта) суғурта турларини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда расмий статистик маълумотларга [12] кўра мамлакатимизда суғурталовчи (суғурта компаниялари) билан суғурта қилдирувчилар ўртасида тузилган “*ихтиёрий*” ва “*мажбурий*” суғурта шартномаларининг 2016, 2017 ва 2018 йилларга нисбатан статистик маълумотларига кўра 2016 йилда 3883181 та ихтиёрий ва 2240320 та мажбурий, 2017 йилда 4220370 та ихтиёрий ва 2393471 та мажбурий, 2018 йилда 3936130 та ихтиёрий ва 2773869 та мажбурий суғурта тузилган.

Ушбу кўрсаткичлардан билиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ихтиёрий ҳам мажбурий суғуртанинг айрим тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бўлса, айрим тармоқларининг ривожланиши сустдир [12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суғурта соҳасида хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқда “*Мувоозанатли таъминлаш принципи*”га қатъий амал қилган ҳолда мамлакатимизда амалда бўлган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бир тизимлик йўқлигини инобатга олиб, амалдаги “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида кўрсатиб ўтилган “...шартнома бўйича суғурталовчини танлаш”, шунингдек, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида “... шартномаси тузиш учун суғурталовчини танлаш” ҳуқуқи деган жумлаларни қонунчиликдан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятимизда фуқароларнинг суғуртага бўлган ишончини орттириш учун суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини замон талабига мос равишда босқичма-босқич ўзгартириш, суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бугунги кун давр талабига айланмоқда.



**Адабиётлар рўйхати:**

1. Алексеев С.С. Частное право: Научно-публицистический очерк. – М., 1999. - 180 с.
2. Закон Республики Беларуси “Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчика перед пассажирами”. № 88-3 от 09.01.2002 г.
3. Закон Республики Молдавии “Об обязательном страховании гражданской ответственности перевозчиков перед пассажирами”. № 553 от 25 февраля 1998 года.
4. Закон Российской Федерации “Об обязательном страховании гражданской ответственности владельца опасного объекта за причинение вреда в результате аварии на опасном объекте”.
5. Кузнецова И. Юридическая природа норм страхового права, соотношение частноправовых и публично-правовых начал. <http://minjust.org>.
6. Омельченко О.А. Римское право. – М., 2000. – 340 с.
7. Публичное и частное право. Исследователи утверждают, что исторически первым в праве сложилось именно разграничение на публичное и частное право. Портал: Helpiks.org. <https://helpiks.org>.
8. Савина В.С. Соотношение частных и публичных начал в управлении акционерными обществами по законодательству России. диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ставрополь - 2004. [https:// Hozyaystvennoe-pravo-rossii.html](https://Hozyaystvennoe-pravo-rossii.html)
9. Сатонина К.А. Публичное и частное право: вопросы теории и практики : Становление и развитие в условиях правовой системы: дис. ... канд. юрид. наук. – Уфа, 2005. <http://www.lib.ua-ru.net/diss/cont/218120.html>
10. Сплетулов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. – М.: «Инфра», 2002 г. – 468 с.
11. Тихомиров Ю.А. Публичное право. Учебник. – М.: Издательство БЕК, 1995. – 128 с.
12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 11 май ва 2018 йил 12 апрель кунларидаги чиқиш рақами № 01/3-13-16/2-63 ва № 01/3-07-16/2-50 ҳамда № 01/1-01-17-210-сонли «Суғурта ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари» номли маълумотномалари.
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси. Lex.uz.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожланишини таъминлаш чора тadbирлари тўғрисида”ги 4412-сонли. Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон.
15. Хутъп М.Х. Римское частное право. Краснодар, 1993. – 568 с.
16. <https://buxgalter.uz>.
17. [https://vuzlit.ru.obyazatelnoe.strahovanie\\_rubezhom](https://vuzlit.ru.obyazatelnoe.strahovanie_rubezhom)
18. <https://www.linkedin.com/in/julia-kagan-4118147>.
19. <https://yandex.uz/images/search>.

**Э.Ахунджанов,**  
ТДЮУ катта ўқитувчиси

**ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ВЕНЧУР  
МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** в данной статье были проанализированы вопросы правового регулирования венчурного финансирования инновационной деятельности, были даны выводы и рекомендации по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** инновация, деятельность, венчурное финансирование, государство, бизнес.

**Аннотация:** мазкур мақолада инновацион фаолиятнинг венчур молиялаштириш масалалари таҳлил этилган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** инновация, фаолият, венчур молиялаштириш, давлат, бизнес.

**Annotation:** this article analyzed the issues of legal regulation of venture financing of innovative activity, gave conclusions and recommendations for improving the legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** innovation, activity, venture financing, government, business.

Ўзбекистонда сўнги йилларда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Замонавий саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, фан ва техниканинг ғоят муҳим илмий ва технологик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлар соҳасидаги 25 давлат илмий-техника дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Юртбошимиз мамлакатимизда илм-фаннинг ҳозирги аҳволи ҳақида фикр юритар экан, “Иқтисодиётимиз барқарорлиги, ҳар бир соҳанинг сифати ва самарадорлиги, аҳолига қулайликлар яратиш ахборот технологиялари билан боғлиқ. Шунинг учун бу соҳага янада кенг имконият, зарур инфратузилма яратиш, мутахассисларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қобилиятли ёшларни тарбиялаш керак. Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда ўзини намоен этмоқда. Ўз вақтида ахборот технологияларига эътибор қаратганимиз яши натижалар бермоқда. Битта дастурий маҳсулот давлатимизга қанча наф келтиради, коррупция, бюрократияни бартараф этади, одамларга қулайлик яратади. Ҳар доим ёдда тутинглarki, сизларнинг ишингиз жудаям муҳим” [3], – деб таъкидлайди.

Инновацион фаолият муайян муваффақиятга эришиши ушбу фаолиятни яхши ташкиллаштириш ва албатта молиялаштириш билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда инновацион фаолият нафақат давлат, шу билан бирга хусусий шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштирилади. Венчур фондлари ёки алоҳида шахсларнинг маблағлари ҳисобидан венчур молиялаштириш инновацион фаолиятни

молиялаштиришнинг турларидан бири сифатида кўринади.

Венчур тажриба-конструкторлик фаолияти ёки катта илмий тажрибага асосланган ишларни амалга оширадиган кичик бизнес корхонаси ҳисобланади. Уларнинг фаолияти таваккалчилик хавфига асосланган бўлади. Венчур ички ва ташқи венчур турларига бўлинади. Ички венчур инновацион ташкилотнинг муқобил ва мустақил бўлими сифатида ташкил қилинади. У муайян муддатга тузилган, мустақил бюджетига эга бўлган ҳамда аниқ инновацион дастур бўйича фаолият юритадиган бўлинма сифатида намоён бўлади. Ташқи венчур эса катта корпорацияларнинг мустақил бўлмаган ички ёки шўба корхоналари ҳисобланади. Ташқи венчур ташкилотга мустақил ҳаракат қилиш, инновацион фаолият йўналишини ва уни ташкиллаштириш методларини белгилаш имконияти берилган. Катта фирма бўлишига қарамадан ташқи венчур ташкилот ўзида ташкилий егилувчанлик, қарорларни қабул қилишда тезкорлик ҳамда ресурс ва персоналдан фойдаланишда ҳаракатчанлик каби ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолган. Ўзининг бу даражада мустақил бўлишига қарамадан ташқи венчур ташкилотлар бош ташкилотнинг молиявий, илмий-техникавий, кадр ва бошқа соҳага алоқадор ёрдамига доимий равишда таянади [4].

Венчур сармоя инновацион имкониятларни шакллантириш, тадбиркорларнинг фаоллигини ошириш ва катта миқдорда фойда олишда муҳим аҳамият касб этади. Инновация соҳасида кичик бизнеснинг ривожини жалб қилинадиган инвестициялар ва уларни тўғри сарфлаш билан боғлиқ. Венчур сармояга эга бўлган хусусий инвесторларнинг иқтисодий аҳамияти янги ташкил топган ташкилотларни дастлабки босқичда қўллаб қувватлашда кўринади.

Хозирги вақтда давлатнинг кичик инновацион компаниялар инфратузилмасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги роли ошиб бормоқда. Давлатнинг венчур молиялаштиришни қўллаб қувватлашдан асосий мақсади венчур сармоя бир вақтнинг ўзида икки хил функцияни бажаради: иқтисодиётнинг инновацион сектордаги ривожини қўллаб қувватлайди ва инновацион технологияларни мамлакатнинг ишлаб чиқариш тизимига жорий қилади. Интеллектуал сармояни ишлаб чиқариш эса давлат учун энг муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Венчур инвесторлар пул маблағларини сармоя сифатида киритганларидан 5-7 йил ўтгандан сўнггина фойда олишлари мумкин бўлади. Шунинг учун улар йиллик дивидентларни тақсимлашдан манфаатдор ҳисобланмайдилар, балки олинган барча фойдани тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қайта молиялаштиришни афзал кўрадилар. Бундай қараш инновацион фаолиятни венчур молиялаштиришнинг банк кредитидан фарқини кўрсатиб беради. Агарда 5-7 йил ичида венчур молиялаштирилган ташкилотлар тижорат ютуғига эришса ва унинг қиймати биринчи қийматга нисбатан бир неча маротабага ошса венчур иштирокчиларнинг қилган таваккалчилиги ўринли (асосли) ҳисобланади. Халқаро патент ва технологиялар бозорига чиққанда эса уларнинг олган фойдаси сарфланган маблағлардан бир неча маротаба, ҳатто ўн маротаба кўп бўлиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, венчур сармоядорнинг инновацион соҳани молиялаштириши ҳамда ташкилот

ва ихтирочилар билан биргаликдаги фаолияти иккала томонга ҳам катта миқдорда фойда олиб келиши мумкин. Молиялаштирилган компаниянинг тегишли ютуққа эришмаслиги ва венчур инвесторнинг сарфланган маблағларининг қайтмаслиги ёки у томонидан ўз маблағларини қайтариб олиши ҳолати венчур молиялаштиришнинг муваффақиятга эришмаганидан далолат беради [1; 544-р].

Келиши мумкин бўлган фойдани бой бермаслик ва таваккалчилик хавфини камайтириш мақсадида венчур сармоядорлар ва уларнинг ваколатли вакиллари Директорлар кенгаши таркибига кирган ҳолда ташкилотнинг бошқарувида бевосита иштирок этадилар. Таваккалчилик хавфини минималлаштириш мақсадида венчур сармоядорлар ўз маблағларини бир неча лойиҳаларга тақсимлайдилар ёки бир неча инвесторлар фақатгина бир катта лойиҳани молиялаштирадилар. Бундай ҳолларда ҳар бир давр катта бўлмаган траншлар орқали босқичма-босқич молиялаштирилиб борилади. Ташкилот фаолиятининг кейинги босқичлари фақатгина олдинги даврда яхши натижаларга эришгилгандагина молиялаштирилади. Банк кредитидан фарқли ўлароқ венчур инвестиция инновацион лойиҳанинг юқори натижаларга эришишига етарли имкониялар мавжуд бўлган ҳолдагина ҳеч қандай гаровсиз ва кафолатларсиз тақдим қилинади. Венчур молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти инвестор ҳеч қачон инвестиция киритилаётган компаниянинг назорат пакетини қўлга киритишга ҳаракат қилмайди. Бу эса унинг венчур инвесторнинг “стратегик инвестор” ёки “шерик иштирокчи”дан фарқини кўрсатиб беради. Янги компанияни ташкил қилаётганда венчур инвесторлар оддий ва имтиёзли акцияларни харид қиладилар. Бу эса уларга компаниянинг танг аҳволга тушиб қолганда имтиёзли акцияларни оддий акцияларга алмаштириш ва компания бошқарувини назорат қилиш имкониятини беради. Бундай ҳаракатларни амалга ошириш венчур компанияни таназзулдан сақлаб қолишга ёки унинг таваккалчилик хавфини минималлаштиришга ёрдам беради [2; 201-р].

Компания назорат пакетидан кам бўлган акциялар пакети ёки улушини сотиб олган венчур сармоядор табиий равишда компаниянинг шерик мулкдорига айланади. Венчур сармоядор томонидан киритилган пул маблағлари инновацион ғояларни қисқа муддатларда ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва унинг бозор қийматини оширишга сарфланади. Бундай ҳолатларда венчур сармоядор ва унинг вакиллари фақатгина молиявий таваккалчилик хавфи учун жавобгар ҳисобланса, ижрочи шериклар эса (ташкилот ходимлари ва ғоя муаллифлари) бошқа таваккалчилик хавфлари (техник, бозор, бошқарув ва ҳ.к.) учун жавобгар ҳисобланади. Узоқ муддат биргаликдаги фаолияти даврида венчур сармоядор ва тадбиркор ўртасидаги биргаликдаги таваккалчилик хавфини ажратиб олиш ва иккала томоннинг ҳам ўз мақсадларини очиқ ва ошқора элон қилиши келажақда инновацион фаолиятда муайян ютуқларга эришишига кўмаклашади.

Сармоядорлар 5-7 йилдан сўнг ўз сармояларининг 5-10 баробардан кам бўлмаган миқдорда ошишини назарда тутган ҳолда венчур компанияларга пул маблағларини сарфлайдилар. Бу даврда компанияга сарф қилинган венчур капитал қадрсиз ҳисобланади. Фойданинг миқдори эса фақатгина компаниянинг фонд

биржасига чиққанда аниқ бўлади. Бундан келиб чиқадики, венчур сармоядор фақат муайян акциялар пакетига эга бўлади. Фонд биржасида унинг инновацион ғоясига бўлган талаб ошган тақдирда, ўзига тегишли бўлган акциялар пакетини биринчи олинган қийматга нисбатан сезиларли миқдорда қиммат нархга сотиш имкониятига эга бўлади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, венчур сармоядор сармоя киритилаётган компания билан унинг акциялари фонд биржасига чиққан давргача ҳамкорлик қилади. Венчур сармоядорлар компания янги маҳсулот яратган ва унинг сармоясини оширган холда бозорга олиб чиққан вақтдан бошлаб ўзларига тегишли бўлган акцияларни сотиб юборадилар ва янги фойда келтириши мумкин бўлган бошқа ғояларга ўз эътиборларини қаратадилар. Қутилаётган фойдани олиш мақсадида сармоядорнинг венчур компаниясиндан чиқиши уч хил усулда амалга оширилади:

- фонд биржасида акцияларни сотиш. Бу усулда акциялар олдин фонд биржасида бирламчи очик обунага қўйилади;

- автоматик котировка тизими ставкалари бўйича акцияларни сотиш;

- инвестор режалаштирилган миқдордаги фойдани таъминлаб берадиган баҳода компанияни тўғридан-тўғри сотиш [1; 203-р].

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан хулоса қилган холда инновацион фаолиятни венчур молиялаштиришининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин бўлади:

1. Венчур капитал янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мавжуд бўлган ёки янги юкоритехнологик компанияларга йўналтирилади. Лойиҳа муваффақиятли амалга оширилганда венчур сармоядорлар жуда юқори миқдорда фойда оладилар. Бироқ бу фаолиятда юқори таваккалчилик хавфи яширинган бўлади.

2. Венчур капитал ўрта ва узоқ муддатларга тақдим қилинади ҳамда компания муайян натижага эришмагунча қайтариб олинмайди.

3. Венчур капитал акциялари фонд биржасига қўйилмаган компанияларга тақдим қилинади.

4. Венчур сармоялар юқори фойда келтириш имкониятига эга бўлган инновацион компанияларга 5-7 йил муддатга тақдим қилинади.

5. Венчур инвестициялар лойиҳа тугалланмагунча компания фаолиятдан қайтариб олинishi мумкин эмас. Шунингдек у қайтариш кафолатлари мавжуд бўлмаган узоқ муддатли, гаровсиз кредит сифатида тақдим қилинади.

6. Венчур молиялаштириш фонд биржасида акциялари баҳоси белгиланмаган ривожланаётган компанияларга пай маблағлари киритиш фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам банк муассасалари бундай лойиҳаларни молиялаштиришдан ўзларини тийиб турадилар.

7. Венчур капитал бевосита компаниянинг ўзига эмас, балки унинг акциядорлик капиталига киритилади.

8. Венчур молиялаштириш ноанъанавий компанияларни қўллаб қувватлаш мақсадида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида таваккалчилик хавфини ошириш билан бирга келажакда жуда юқори бўлган фойда олиш имкониятини беради.

9. Компания таъсисчилари билан сармоядорларнинг янги бизнеснинг муваффақияти ва динамик ривожланиб боришидаги ўзаро манфаатлари нафақат фойда олиш билан, балки илмий-техник

ривожланишни рағбатлантирадиган илғор янги технологияни яратишда иштирокчи бўлиш имконияти билан ҳам боғлиқ ҳисобланади.

10. Венчур компаниясининг муваффақиятли ривожланишида инвесторнинг аҳамияти компаниянинг фаолиятини кенгайтириш имкониятини берадиган ўзининг тажрибаси ва ишчи алоқаларини тақдим қилишда кўринади. Бу эса венчур молиялаштирилган компания учун янги алоқалар, шериклар ва савдо бозорлари вужудга келишига олиб келади.

11. Инновацион компанияларга венчур сармояларни киритиш жуда юқори даромад олиш ва янги савдо бозорларини яратиш ҳамда ушбу бозорларда устун мавқени эгаллашни мақсад қилган холда амалга оширилади.

12. Венчур сармоядор янги инновацион компанияга инвестициясини киритиш пайтида инвестицияларни акциялар пакети ёки инновацион компанияни сотиш орқали олиб чиқиб кетиш усулини белгилаб олиши лозим.

13. Венчур компания ривожланишининг муваффақиятга эришганлигини унинг акциялари қийматининг ошишида, компанияни катта фойда билан сотишда, шунингдек инновацион компанияни фонд биржасида рўйхатга қўйиш ва акцияларини сотиш имкониятига эга бўлганлигида ифодаланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Cooke P., Morgan K. The network paradigm: new departures in corporate and regional development // Environment and Planning. 1993. - Vol. 11. - P. 543-564.

2. Ketels C. Clusters of Innovation in Europe // Structural Change in Europe 3 – Innovation City and Business Regions. -Bollschweil: Hagbarth Publications, 2003. 280 p.

3. <https://president.uz/uz/lists/view/3083>

4. [socialeconom.academic.ru](http://socialeconom.academic.ru)

Н.Ғаниев,  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва олимлар фикрлари асосида телекоммуникация хизматлари соҳасидаги ҳуқуқий нормалари таҳлили амалга оширилган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** телекоммуникация, соҳа, алоқа, хизмат, тармоқ.

**Аннотация:** в настоящей статье был проведен анализ правовых норм в сфере телекоммуникационных услуг на основе законодательства Республики Узбекистан и мнений ученых, были разработаны соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** телекоммуникация, отрасль, связь, услуга, сеть.

**Annotation:** in this article the analysis of legal norms in the sphere of telecommunication services on the basis of the legislation of the Republic of Uzbekistan and opinions of scientists was carried out, the corresponding offers and recommendations were developed.

**Key words:** telecommunications, industry, communication, service, network.

Телекоммуникация хизматлари, умуман, телекоммуникация соҳаси ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида белгиланганлиги ҳамда бу борадаги қонун нормалари шакллантирила бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Асосан ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва янги асрнинг бошларида телекоммуникация соҳасининг ҳуқуқий зарурати ва уни тартибга солишнинг эҳтиёжи мавжудлиги хусусида ҳаракатлар бошланганлигини қайд этиб ўтиш лозим [3; 3-с]. Дастлаб ахборотни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ муносабатлар ахборот коммуникация технологиялар сифатида талқин этиш ва уни алоқа ва ахборот муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида 1992 йил 13 январдаги 512-ХII-сон “Алоқа тўғрисида”ги Қонунида алоқа Ўзбекистон Республикаси хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлиб, аҳолининг, хўжалик субъектларининг, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди, деб белгиланган.

Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, алоқа сифатида “ахборотни узатиш ва қабул қилиш” каби аънавий функция билан бирга “алоқа тармоғи орқали жўнатиладиган ашёларни етказиб бериш” вазифаси ҳам белгиланганки, бу ҳолат почта орқали юбориладиган нарсалар, жўнатмалар, хатлар назарда тутилади. Қайд этиш ўринлики, алоқа хизмати кенг тушунча бўлиб, нафақат ахборотни узатиш ва қабул қилишни ифодалайди, балки бир манзилдан иккинчиси нарсаларни етказиб бериш, маълумотларни моддий элтувчи жўнатиш каби комплекс фаолиятни қамраб

олади. Шу сабабли “алоқа” тушунчаси нисбатан кенг тушунчадир. Мазкур терминга ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича изоҳ берилади: алоқа (арабча сўздан олинган бўлиб, боғланиш, муносабат) – турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш, халқ хўжалигининг почта, телефон, радио, телевидение ва бошқалар орқали ахборотларни узатиш ва қабул қилишни почта орқали буюмларни юборишни таъминлайдиган тармоғи [10; 74-с].

Алоқа термини кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, боғлиқлик каби тушунчалар билан бирга узоқ масофага ахборотни етказиш ва бевосита эмас билвосита мулоқотни, ахборот алмашувини таъминлаш маъноларини англатадики, қонунчиликда алоқа айнан шу маънода қўлланилади. Шу сабабли телекоммуникациялар ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида белгиланишидан олдин, дастлаб алоқа тўғрисидаги қонунчилик шакллантирилганлиги ўзига хос мантиққа эга албатта.

“Алоқа тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг хусусий ва оммавий шаклларига асосланган, шунингдек хорижий юридик шахслар ва фуқаролар эгалигида бўлган аҳолига алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналар фаолият кўрсатиши мумкин.

Ушбу нормадан англашиладики, алоқа соҳасида фаолият хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар томонидан ҳам амалга оширилишига йўл қўйилади ва бугунги кунда мамлакатда алоқа хизматининг катта қисми хусусий корхоналар томонидан амалга оширилмоқда.

“Алоқа тўғрисида” ги Қонуннинг 13-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тезкор бошқарув ва диспетчерлик алоқа тизимида хизматга оид муомала, шунингдек почта ва телеграф ёзишмаларини йўллаш “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Халқро ахборот ва жўнатмалар почта ва электр алоқа орқали икки томонлама битимларда, шунингдек халқро келишув ва битимларнинг қоидаларида белгиланган тилларда жўнатилади.

Маълумотларни узатишнинг технологик жараёнларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисобга олиш ва ҳисоботга оид ягона вақт — маҳаллий вақт белгиланади.

Маълумотларни узатишнинг халқро технологик жараёнларида ахборотлар узатиш ва почта жўнатмаларини юборишда ҳисобга олиш ва ҳисоботга оид вақт халқро келишув ва битимларга мувофиқ белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, телекоммуникация соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда ахборотни олиш алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, ахборотни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш телекоммуникация хизматларининг асосий объекти саналади. Шу сабабли ахборотни олишнинг эркинлиги ва бу борадаги кафолатларни ҳуқуқий тартибга солинишига эътибор қаратиш бу борада муҳим ўрин тутди. Қолаверса, телекоммуникация фаолияти ҳам мамлакатда ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлик даражаси билан боғлиқ. Шахсларнинг ахборот олишга бўлган эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра “ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга”. Мазкур қоида

1997 йил 24 апрелда қабул қилинган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги 400-1-сон Қонунда янада ривожлантирилган. Ушбу қонунда белгиланишича, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир (3-4-моддалар).

Бундан ташқари, мазкур қонунда ахборот олишга доир сўровнома ва унинг муддатлари, ахборот олишни таъминлаш, ахборот бериш ва унга ҳақ тўлаш, ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик каби масалаларни белгилайди. Албатта, мазкур қонунда тўғридан-тўғри ахборотни телекоммуникация тармоқлари орқали узатишни назарда тутмасда, ахборотни олиш ва беришга оид ҳуқуқий қоидалар, шартлар ва талабларни назарда тутати ва уларга риоя этмаслик эса муайян ҳуқуқий жавобгарликни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солишда шахсларнинг ахборот олиш кафолати ва эркинлигига риоя этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда энг асосий ҳужжат бу – “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун ҳисобланади. Мазкур қонун 1999 йил 20 августда қабул қилинган бўлиб, 28та моддадан иборат тарзда тузилган. Қонунда телекоммуникация соҳасига оид асосий тушунчалар, ушбу соҳадаги мулкчилик ва ерлар, тармоқлар, телекоммуникация соҳасини давлат томонидан тартибга солиниши, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг телекоммуникациялар соҳасидаги мажбуриятлари, ушбу соҳадаги фаолиятни лицензиялаш ва сертификатлаш, телекоммуникация тармоқларини аттестациядан ўтказиш, мазкур тармоқларни рақамлаш тизими ва режаси, домен номлари тизими, рақобатни ривожлантириш каби масалалар белгиланган.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуннинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан эътиборли жиҳатларидан бири унда телекоммуникация соҳасидаги универсал хизматларга оид қоидаларнинг белгиланганлигидир. Қонуннинг 13-моддасида белгиланишича, умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларининг операторлари ва провайдерлари лицензия асосида барча фойдаланувчиларга чекланмаган тарзда телекоммуникацияларнинг универсал хизматларини белгиланган сифатда кўрсатадилар.

Таъкидлаш лозимки, телекоммуникация фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда хизмат кўрсатиш ҳамда телекоммуникация объектларини ўрнатишга оид шартномалар алоҳида ўрин тутати. Бу эса Ўзбекистонда кейинги йилларда телекоммуникация тармоқларининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Мутахассисларнинг фикрича, мустақиллик йилларидан Ўзбекистонда телекоммуникация тармоғи фаол ривожланди ва бу кўплаб экспертлар томонидан собиқ иттифоқ республикалари ҳудудидаги телекоммуникациялар тизимли ва динамик ривожланиши юқори бўлган давлатлар сирасига кириши қайд этилди. Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича бир қатор истиқболли

лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида бутун мамлакат бўйлаб эскирган аъъанавий телефон тармоқлари ўрнига рақамли алоқа воситалари ўрнатилди [8; 280-с].

Шу муносабат билан “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунда бозор иштирокчиларига телекоммуникация тармоқларини ва хизматлар бозорини яратиш ва ривожлантиришдан тенг асосда фойдаланиш кафолатлари, телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон суҳбатлари, телеграф ва бошқа хабарлар сирини сақлаш бўйича мажбуриятлар белгиланган [4; 8-б]. Энг эътиборлиси, мазкур Қонунда бир қатор асосий тушунчалар қўлланилади. Жумладан, телекоммуникация, телекоммуникациялар тармоғи, телекоммуникация воситалари, телекоммуникация иншоотлари, охириги (терминал) асбоб-ускуналар, тармоқлараро уланишлар, телекоммуникация оператори, телекоммуникация хизматлари провайдерлари, телекоммуникация хизматлари, рақамлаш тизими, рақамлаш режаси, телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчи, универсал хизмат ва бошқалар [11; 48-б].

Шу жиҳатдан мазкур қонуннинг мақсади сифатида телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш белгиланган бўлиб, унда учта йўналиш белгиланган, яъни а) телекоммуникацияларни яратиш; б) ишлатиш; в) ривожлантириш.

Ушбу йўналишлардан келиб чиқиб, қонунда белгиланган нормаларни туркумлайдиган бўлсак, телекоммуникацияларни яратиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга оид нормалар сифатида телекоммуникация тармоқларига нисбатан оммавий ва хусусий мулкчиликнинг жорий этилганлиги, бу соҳадаги мулкдорларнинг тенг ҳуқуқлар ва бир хилдаги кафолатларга эгаллиги (4-модда), телекоммуникация тармоқлари ерлари мақоми белгиланганлиги (5-модда), мақсадига кўра телекоммуникация тармоқларининг умумий фойдаланишдаги, идоровий ва ажратилган телекоммуникациялар тармоқларига бўлинишини (6-модда) киритиш мумкин. Бундан ташқари, телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш асослари, тартибга шартларига оид қоидаларни (9-модда) ҳам телекоммуникацияларни яратиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга тааллуқли деб ҳисоблаш лозим. Чунки, фаолиятни лицензиялаш асосида телекоммуникацияларни яратиш бошланади. Шу маънода телекоммуникациялар соҳасида сертификатлаштириш (10-модда) ҳам уларни яратишга оид муносабатлар ҳисобланади.

Қонуннинг телекоммуникацияларни ишлатиш муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид нормаларига телекоммуникациялар тармоқларини аттестациядан ўтказиш (10<sup>1</sup>-модда), телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси, домен номлари тизими (11-модда), телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари (13-модда), телекоммуникация хизматларига доир тарифлар (14-модда), телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир тутилиши (15-модда), тармоқлараро уланишлар (17-модда), телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш чоғидаги имтиёзлар ва устунликлар (25-модда) каби қоидаларни киритиш мумкин.

Қонуннинг телекоммуникацияларни ривожлантириш муносабатларини тартибга солишга бағишланган нормалари сифатида телекоммуникациялар соҳасида рақобатни ривожлантириш (12-модда), телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта куриш (16-модда) каби қоидалар назарда тутилган.

Телекоммуникация тармоқлари белгиланган мақсадга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- умумий фойдаланишдаги;
- идоравий;
- ажратилган.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатишнинг ягона принциплари, уларни тақдим этиш ва ҳақ тўлашнинг тартиби асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғи умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларига киради. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телекоммуникация хизматлари кўрсатиш қоидалари телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш ва махсус эҳтиёжлари учун мўлжалланган, уларнинг ихтиёрида бўлган ва улар томонидан фойдаланиладиган телекоммуникациялар тармоқлари идоравий телекоммуникациялар тармоқларига киради. Идоравий телекоммуникация тармоқлари бошқа фойдаланувчиларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

Ажратилган телекоммуникация тармоқлари жумласига фойдаланувчиларнинг муайян доирасига хизматлар кўрсатиш учун юридик шахсларнинг тижорат мақсадларида яратган телекоммуникация тармоқлари киради.

Идоравий ва ажратилган телекоммуникация тармоқларининг операторлари томонидан хизматлар кўрсатиш қоидалари ушбу телекоммуникацияларнинг операторлари ёки провайдерлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Қонунда белгиланишича, Телекоммуникациялар соҳасида инвестиция фаолиятини амалга оширувчи операторлар, провайдерлар, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек асбоб-ускуналарни тайёрловчилар ва етказиб берувчилар телекоммуникация тармоқларини ҳамда хизматлар бозорини ташкил этиш ва ривожлантиришда қатнашишнинг тенг имконини қўлга киритадилар.

Телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган монополияга қарши давлат органи билан биргаликда телекоммуникациялар соҳасида рақобатни ривожлантиришга кўмаклашади, инсофсиз рақобат ва рақобатни чеклаш ҳолларига барҳам бериш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни кўради (“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси).

Телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси алоҳида ўрин тутди. Гарчи мазкур кодексда телекоммуникация атамаси қўлланилмасда, телекоммуникация хизматларини ўзида ифодаладиган алоқа хизмати ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг объекти сифатида назарда тутилган. ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисмида ҳақ эвазига хизмат кўрсатишга оид қоидалар алоқа

хизмати кўрсатиш шартномасига нисбатан тадбиқ этилиши белгиланган. Шу жиҳатдан кодексда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тушунчаси, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномани бекор қилиш ва жавобгарликка оид қоидалар белгиланган. Айти пайтда телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солишда ФКнинг 37-бобида назарда тутилган пудрат шартномасига оид нормалари ҳақ қўлланилишини назарда тутиш лозим. Чунки, телекоммуникация тармоқларини яратиш, уларни ишга тушириш ҳамда ушбу тармоқларни қуриш ва таъмирлаш билан боғлиқ ишлар пудрат шартномаларининг объекти саналади.

Таъкидлаш лозимки, ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисмида телекоммуникация соҳасининг моҳиятига мос келадиган икки турдаги хизмат тури, яъни “алоқа хизмати” ва “ахборот хизматлари” келтирилган. Телекоммуникация фаолиятининг ҳамда ушбу хизмат турининг “алоқа” ёки “ахборот” хизматидан қайси бирига мансублиги масаласи бир қадар баҳслидир.

Т.Н.Скорикова адабиётларда телекоммуникация ҳуқуқи комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида ахборот ҳуқуқининг бир қисми сифатида тавсифлаш учрашини таъкидлаган ҳолда, ахборот ва телекоммуникацияга нисбатан “ҳуқуқ соҳаси” термини қўллаш номақбуллигини таъкидлайди ҳамда мазкур иккала соҳа қонунчилигининг мустақил институти сифатида бир-бирдан ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра ажратилиши лозимлигини билдиради [9; 94-с].

Ю.В.Волков ушбу фикрга ўз муносабати билдирар экан, телекоммуникация ҳуқуқини комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида талқин этиш фикрини қувватлайди. Унинг ёзишича, телекоммуникация ҳуқуқини комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида ҳисоблашнинг яна бир асоси телекоммуникация соҳасидаги ҳуқуқий режимнинг ўзига хослигидир. Бунда хизматларни технологик жараёндан ажратиш мумкин эмас. Телекоммуникация ҳуқуқининг комплекс характери, шунингдек телекоммуникацияларни ахборотни замонавий элтувчиси эканлиги билан ҳам белгиланади. Бунда ташқари, телекоммуникация хизматларининг комплекслиги ва ўзига хос ҳуқуқий режими телекоммуникация операторининг вазифалари билан боғлиқ, яъни оператор дастлаб фаолият юритиш учун лицензия, ресурслар учун рухсат олиши, сўнгра тармоқни яратиши ва уни эксплуатацияга киритиши, кейин тармоқни қувватлантириши ва хизмат кўрсатиши лозим бўлади [1; 8-с].

Фикримизча, бу баҳсда Ю.В.Волковнинг нуқтаи назари ўринлидай кўринади. Чунки телекоммуникация соҳасидаги қонун ҳужжатларининг кенг қамровли эканлиги ҳамда телекоммуникация муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда турли ҳуқуқ соҳаларининг методларидан фойдаланилиши телекоммуникация ҳуқуқини комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этиш учун асос ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, технологик муҳитда ахборотни замонавий техник воситаларни қўллаган ҳолда узатиш билан боғлиқ бўлган телекоммуникация фаолиятини инсон фаолияти сифатида тартибга солиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлардан биринчиси, замонавий телефон тизимлари ахборотни электрон рақамли шаклда узатишга мослаштирилганлиги ва мураккаб физик-техник қурилмаларни ифодалаши билан боғлиқдир. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб инсон ҳаёт маконидаги бундай техник объект қурилмаларининг ўзига хос

хусусиятлари махсус техник нормаларда ифодаланган [2; 34-с].

Иккинчи ўзига хос хусусияти шундаки, телекоммуникацияни яратиш бўйича фаолияти, яъни ахборотни узатиш, шунингдек уларни эксплуатация қилиш ва хизматлар секторидан фойдаланиш ушбу мураккаб қурilmаларни бевосита қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар мажмуини ифодалайди. Ижтимоий (ҳуқуқий) нормалар ва техник қоидаларни тавсифлаш механизми уларни интеграция қилиш билан узвий боғлиқдир. Бироқ юриспруденцияда бундай интеграция жараёни ҳали етарли даражада тадқиқ этилмаган ва юридик техника бу вазиятда такомиллашмаган. Шу боис П.У.Кузнецованинг қуйидаги фикрларга қўшилиш мумкин: ахборот қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштирилиши босқичида техник-технология терминологиясини [7; 18-с] ахборот соҳасидаги ҳуқуқий категориялар ва ахборот ҳуқуқи тушунчасига [6; 44-с] мослаштириш учун юридик техниканинг махсус қоидаларидан ижодий фойдаланиш лозим [5; 22-с].

Телекоммуникация соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик фанда ишлаб чиқилган абстракт-мантикий ёндашувлари агар улар компьютер семантикаси қоидалари билан уйғунлашганда янада самарали фойдаланиш мумкин [12; 99-с].

Мазкур ўзига хос хусусиятлар телекоммуникация фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Шу боис телекоммуникация соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришдаги дастлабки ва айтиш мумкинки, энг муҳим қадам тегишли атамалари ва асосий тушунчаларни аниқ ифодалаш ҳисобланади. Бироқ амалдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунда мазкур соҳадаги техник-технологик терминларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган айримлари ўз ифодасини топмаган ва бу терминлар рўйхатини тўлиқ деб бўлмади.

Хулоса ўрнида, айтиш лозимки, телекоммуникация тўғрисидаги қонунчиликда қўлланиладиган техник-технологик атамаларни тўғри ифодалаш ҳамда шу орқали қонун нормалари қоидаларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Волков Ю.В. Отдельные вопросы телекоммуникационного права. Сборник статей. – Lambert Academic Publishing. 2013. – 128 с.
2. Волков Ю.В. Субъекты телекоммуникационного права: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: 2007. – 48 с.
3. Ефанов А.В. Развитие телекоммуникационного рынка и проблемы совершенствования его регулирования в России: автореф. дис. ... канд экон. наук. – М. 2008. – 56 с.
4. Иминов А.А., М.Х.Джаматов. Бошқарувда ахборот технологиялари. Маърузалар курси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2017. – 240 б.
5. Исаков В. Б. Подготовка и принятие законов в правовом государстве: российские проблемы и решения //Российская юстиция. –1997. – № 7 – С. 23-25.
6. Кузнецов П. У. Теоретические основания информационного права. Автореф. дис....докт. юрид. наук.Екатеринбург, 2005. – 68 с.

7. Мардер Н. С. О терминологии в электросвязи // Вестник связи. 2005. № 3. С. 17–20.

8. Мэтякубов А.Д. Становление информационного общества в Узбекистане: вопросы совершенствования законодательства в сфере телекоммуникаций // Вестник ЧГПУ. – 2011. – № 11. – С 279-282.

9. Скорикова Т. Н. Информационное и телекоммуникационное право в современном гражданском обороте // Вестник Томского государственного университета. – 2008. – №307. –С. 94-97.

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент, 2006. – 820 б.

11. Хурсанов Р.Х. Телефон алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2011. – 62 б.

12. Шемякин Ю. И., Романов А. А. Компьютерная семантика. –М.,1995. – 234 с.

Г. Мамараимова,  
ТДЮУ катта ўқитувчиси

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ ВАСИЯТ ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада муаллиф интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши, хусусан мазкур ҳуқуқларни васият қилиб қолдириш, васият қилиб қолдириш билан боғлиқ амалий муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечимларини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** интеллектуал мулк объектлари, интеллектуал фаолият натижаси, интеллектуал фаолият натижаси, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, интеллектуал фаолият натижаси, муаллифининг мулкӣ ҳуқуқлари ва мутлақ ҳуқуқлари, мерос, васиятнома.

**Annotation:** in this article, the author analyzes the practical problems associated with the inheritance of rights to the results of intellectual activity, in particular, the testamentary legacy and their legal solutions.

**Keywords:** intellectual property, personal non-property rights of the author of intellectual activity, property rights of the author of intellectual activity, result of intellectual activity and exclusive rights of the author of intellectual activity, inheritance, inheritance, succession, well.

**Аннотация:** в данной статье автор анализирует практические проблемы и правовые решения вопросов наследования прав на результаты интеллектуальной деятельности, в частности, завещания завещателя.

**Ключевые слова:** интеллектуальная собственность, личные неимущественные права автора интеллектуальной деятельности, имущественные права автора интеллектуальной деятельности исключительные права автора интеллектуальной деятельности, наследование, завещание.

Интеллектуал мулк объектлари деганда биз ақлий меҳнат натижасини ҳамда шахсийлаштириш воситаларини тушунамиз. Мазкур объектларнинг муаллифлари ва эгаларининг интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқлари билан бирга вақтинчалик мулкӣ ҳуқуқлари мавжуд бўлади.

Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқлар бу муаллифнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни муаллифдан бегоналштиришнинг имкони йўқ. Мисол учун, муаллиф сифатида эътироф этилиши ҳуқуқи.

О.Оқюловнинг таърифича интеллектуал фаолият натижаси муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқи – бу мулкӣ мазмунга эга бўлмаган, объект яратувчисининг ижодий мақомини белгиловчи ва ушбу мақомдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни мустақамлашга ва ҳимоя қилишга қаратилган мутлоқ ҳуқуқлар бўлиб, у фақат ҳуқуқ эгасига тегишли ва ҳуқуқ эгасидан бегоналштирилиши мумкин эмас [6; 374-б]. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан шахсий ҳуқуқлар мазмуни ва ҳажмлари ҳар бир интеллектуал фаолият натижаси бўйича алоҳида белгилаб қўйилган. Мисол учун, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан муаллифнинг шахсий

номулкий ҳуқуқлари доираси ҳажми нисбатан кенг ва чуқур характерга эга (муаллиф сифатида эътироф этилиши ҳуқуқи, муаллифнинг номга бўлган ҳуқуқи, муаллиф нуфузини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ, асарни муомаладан қайтариб олиш ҳуқуқи ва х.к.).

Мулкӣ ҳуқуқлар – бу интеллектуал фаолият натижаларига эгалиқ қилиш, ундан фойдаланиш, фойдаланиш ҳуқуқини ҳақ эвазига бошқага ўтказиш ёки ҳақ эвазига фойдаланишга рухсат бериш, шунингдек интеллектуал фаолият натижаларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун етказилган зарарларни ундириш ҳуқуқлари. Кўплаб мутахассислар мулкӣ ҳуқуқларни вақтинчалик деб эътироф этишади [2]. Ҳақиқатда, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар мазкур объектларга нисбатан амал қилиш муддатидагина мавжуд бўлади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1065-моддасига асосан муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти ва вафотидан кейин, у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан 50 йил давомида амал қилади. Мазкур муддат тугагандан сўнг муаллифлик ҳуқуқи объекти ижтимоий мулкка айланади. Ижтимоий мулк ҳисобланган асардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда **эркин фойдаланиши** мумкин [2]. Муаллифлик, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи **муддатсиз** муҳофаза қилинади.

Россия Федерациясининг 1230-моддасига асосан, интеллектуал фаолият натижаларига ҳамда шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлар **маълум бир даврга берилади** [3]. Асар бўлган **мутлоқ ҳуқуқ** муаллифнинг бутун умри давомида ва муаллиф вафот этган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб 70 йил давомида амал қилади [3].

Яна бир бошқа мамлакат Грузия қонунчилиги бўйича ҳам муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари муайян муддатга берилишини кўришимиз мумкин. Хусусан, “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Грузия Республикасининг Қонунининг 31-моддасига асосан муаллифлик ҳуқуқи асар яратилиши билан бошланади ва муаллифнинг ҳаёти ва унинг вафотидан кейин 70 йил давомида амал қилиши белгиланган. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 33-моддасига асосан муаллифнинг қўйидаги ҳуқуқлари доимий ҳимоя қилинишини кўришимиз мумкин:

- исмига бўлган ҳуқуқ, асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф нуфузини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлар;

- муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугагандан кейин ҳам бошқа муаллиф томонидан асар номидан худди шу жанрдаги асар учун фойдаланишга йўл қўйилмайди, агар бундай фойдаланиш муаллифнинг шахсини аниқлашга ва шу билан жамоатчиликни чалғитишга олиб келса;

- илгари чоп этилган асар муаллифи таҳаллуси билан бир хил таҳаллус остида, у жамоатчиликни чалғитадиган бўлса асарни чоп этишга рухсат этилмайди [4].

Юқорида келтирган хорижий мамлакатлар ва миллий нормалармазмуни интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларнинг вақтинча амалда бўлишидан далолат бермоқда. Бироқ интеллектуал фаолият натижаси муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқлар муддатсиз бўлиб, улар



муаллифнинг вафоти ёки мутлоқ ҳуқуқнинг амал қилиш даврининг тугаши билан боғлиқ эмас.

Интеллектуал фаолият натижалари турли хил ҳуқуқлар билан ҳимоя қилинади. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, патент ҳуқуқи, шахсийлаштириш воситалари, ошкор этилмаган ахборот ва бошқалар билан.

Интеллектуал фаолият натижаларининг фан, адабиёт ва санъат асарлари, шунингдек электрон ҳисоблаш машиналарининг дастурий таъминотлари ва маълумотлар базаси муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1042-моддасида муаллифлик ҳуқуқи объектлари келтирилган.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради: адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар); драматик ва сценарий асарлар; матнли ва матнсиз мусиқа асарлари; мусиқали-драматик асарлар; хореография асарлари ва пантомималар; аудиовизуал асарлар; рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари; манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари; архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари; фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар; жўрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар; барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари; бошқа асарлар.

Муаллифлик ҳуқуқи бўйича айнан қайси ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтишини таҳлил қиладиган бўлсак, муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади. Фуқаролик кодексининг 1057-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибда ўтиши белгиланган. Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 1035-моддасига асосан интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтади.

Мазкур нормалардан кўришимиз мумкинки, муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан мулк ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтади.

Муаллифнинг интеллектуал фаолият натижасига нисбатан айнан қайси ҳуқуқларининг мерос бўлиб ўтиши тўғрисида турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, С.А.Судариков интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши таъкидлаган. Унга кўра қонунчилик интеллектуал мулк ҳуқуқини тижоратлаштириш ва ҳақ эвазига топширишдан ташқари уларнинг меросхўрларга ёки ҳуқуқий ворисларга ўтишини ҳам белгиланган. Кўпгина давлатларнинг қонунчилиги фақат мол-мулкнинг мерос бўлиб ўтишини эмас, балки мулк ҳуқуқларнинг ҳам, жумладан интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтишини белгилаб қўйган [7; 621-б]. Бу борадаги миллий қонунчилигимиз мазмуни билан танишадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 1113-моддасида мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос таркибига кириши белгилаб қўйилган. С.А.Судариков фикрини давом эттириб аксарият мамлакатлар

қонунчилигида интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулк ҳуқуқлар фақат муаллифга ёки ижрочига тегишли бўлиб, улар мерос сифатида ўтмаслиги, фақат мулк ҳуқуқларига мерос бўлиб ўтишини таъкидлаган.

Шу ўринда белорус олими В.А. Дозорцевнинг фикрлари билан танишадиган бўлсак, у ҳам интеллектуал фаолият натижаси муаллифининг мулк ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтишини эътироф этади. Мутлоқ ҳуқуқни тушунишда турли хил қарашлар мавжудлигини ҳам эътироф этади. Мисол учун, АҚШ ва шу қатори айрим мамлакатлар қонунчилиги интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий номулк ҳуқуқларни мутлақ ҳуқуқлар деб аталишини, сабаби шахсий номулк ҳуқуқлар муаллифнинг шахси билан мутлақ боғлиқ бўлиб ундан ажралмас бўлгани учун шундай номаланиши эътироф этади [5; 417-б]. Хусусан, О.Оқюлов ҳам муаллифнинг шахсий номулк ҳуқуқларини мутлақлигини айтиб ўтган [6; 374-б]. Мулк ҳуқуқлар таркибидеги, бошқаларга ўтказилиши мумкин бўлган, бизнинг қонунчилигимизда мутлақ ҳуқуқлар [1] номи билан машҳур бўлган ҳуқуқларни истисно ҳуқуқлар деб аташ мақсадга мувофиқлигини ҳам эътироф этишади.

Бироқ тадқиқотчи Н.Назарованинг фикрлари бироз бошқача. Унга кўра интеллектуал мулк объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтади. шунингдек, яна бир ҳолат мавжудки унда муаллифнинг мулк ҳуқуқи бўлмаган шахсий номулк ҳуқуқи мерос бўлиб ўтиши мумкин. Хусусан, асарни эълон қилиш ҳуқуқи. Мисол учун, муаллиф ўзининг кенг жамоатчилиikka маълум бўлмаган бирор-бир асарини нашр қилдириш тўғрисида васият қолдирган бўлса, ворислар бундай асарни эълон қилиши мумкин. Назарованинг фикрига кўра бундай вазиятда меросхўрлар асарнинг жанри ёки шаклини ўзгартиришга ҳақлари бўлади, агар бу ҳақида васиятда ҳеч қандай чеклов ёки бирор-бир махсус кўрсатма бўлса [8]. Миллий қонунчилигимизда асарни эълон қилиш ҳуқуқининг мерос қолдирилиши, хусусан васият қилиб қолдирилиши ҳақида қоидалар мавжуд эмас.

Миллий қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқи объектларига нисбатан умумий қоидаларга кўра мутлоқ ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши белгиланган. Юқорида айтганимиздек, Фуқаролик кодексининг 1035-моддасига асосан, интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасига тегишли **мутлақ ҳуқуқлар** мерос бўлиб ўтиши, 1057-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, **асардан фойдаланиш ҳуқуқи** бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибда ўтиши белгиланган. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг мазмунига қарайдиган бўлсак, интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулк ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан **ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи** тегишли бўлади. Мутлақ ҳуқуқ бу интеллектуал фаолият натижасидан **фойдаланиш ҳуқуқи** ҳисобланади. Бундан хулоса шуки, миллий қонунчилигимизга кўра муаллифлик ҳуқуқий режими билан ҳимоя қилинадиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқларнинг таркибий қисми бўлган мутлақ ҳуқуқларига мерос бўлиб ўтади. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқларини мутлақ ҳуқуқлар эмас балки истисно ҳуқуқлар деб номлаш

тўғрисидаги В.А. Дозорцев ва О.Оқюлов фикрларини қўллаб қувватлаймиз. Сабаби, ҳақиқатда, кўплаб мамлакатларда мутлақ, абсolut ҳуқуқлар бу муаллиф шахсидан ажратилмайдиган унинг шахсий номулкий ҳуқуқлари тушунади.

Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 1034-моддасидаги интеллектуал мулк объектларига нисбатан **мутлақ ҳуқуқлар** тушунчасини интеллектуал мулк объектларига нисбатан **истисно ҳуқуқлар** деб қайта номлашмакдир қиламиз. Ва мазкур нормаларда мазкур ҳуқуқларнинг вақтинчалик характерга эканлигини ҳам алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Яъни, юқорида таҳлил қилганимиздек, муаллифнинг шахсий-номулкий ҳуқуқлари муддатсиз, унинг мулкый ҳуқуқларигина, жумладан унинг таркибий қисми бўлган интеллектуал фаолият натижасидан фойдланиш ҳуқуқи (миллий қонунчилигимизга кўра мутлақ ҳуқуқлар, бошқа мамлакатлар қонунчилигига кўра истисно ҳуқуқлар) вақтинча. Яъни, муаллиф ҳаёти ва унинг вафотидан кейин 50 йил, кўплаб мамлакатлар қонунчилиги бўйича 70 йил давомида амал қилади.

Мулкый ҳуқуқларнинг амал қилиш даврида муаллифнинг мазкур ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтади, жумладан, улар васият қилиб қолдирилиши мумкин. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддаси – васиятнома предметини белгиланган нормасида булар назарда тутилмаган. Унга кўра, фуқаронинг ўзига тегишли **мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини** вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 1120-моддаси мазмунини, **фуқаронинг ўзига тегишли номоддий бойликлар ва уларга нисбатан мулкый ҳуқуқлари** деган мазмун билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Интеллектуал фаолият натижасига тегишли бўлган мулкый ҳуқуқлар муаллифга тегишли бўлмаслиги мумкин. Муаллиф уни буюртма асосида яратиб мулкый ҳуқуқларни буюрмачида бўлиши тўғрисида келишуви бўлиши мумкин. Ундан ташқари муаллиф ўзининг интеллектуал фаолият натижасига бўлган мулкый ҳуқуқларини ҳақ эъзига ёки текинга бошқага ўтказган бўлиши мумкин. Демак, муаллифнинг вафоти мазкур ҳуқуқларга нисбатан мерос очилишига сабаб бўлмайди. Бу ҳуқуқларга нисбатан мерос унинг эгаси вафот этган тақдирда очилади.

Муаллифлик шартномасига асосан муаллиф асарга нисбатан барча мулкый ҳуқуқларини тўлиқ ёки чекланган тарзда бошқага ўтказиши мумкин [1]. Агар мулкый ҳуқуқлар бошқа шахсларга тўлиқ ўтказилган бўлса, мазкур ҳуқуқларни қўлга киритган шахс вафоти билан очилган мерос таркибига ушбу ҳуқуқлар киритилади. Интеллектуал фаолият натижасини яратган шахс вафотидан сўнг очилган мерос таркибига унинг асарларига бўлган мулкый ҳуқуқларнинг киритилиши ёки киритилмаслигини амалий аниқлашнинг имкони йўқ. Шу сабабли муаллифлик шартномалари шаклига қўйилган талабларга мазкур шартномаларнинг ягона реестирини юритиш мақсадида уни рўйхатдан ўтказиш шартини тақдир қилмоқчимиз. Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси ва “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасини **лицензия шартномаси ва муаллифлик шартномаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим деган мазмун билан тўдириш лозим**. Мазкур шартномаларни

ягона реестирини юритишни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги зиммасига оқлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бугун ҳуқуқ олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Интеллектуал фаолият натижаси муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари ва мутлақ ҳуқуқлари мазмунини ва номланишини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги, васиятнома предмети таркибига интеллектуал мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларни киритишдан иборат тақдирларимиз мазкур соҳадаги қонунчиликнинг такомиллашувига хизмат қилса, лицензия шартномаси ва муаллифлик шартномасидан давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги тақдирларимиз уларнинг реестирини юритиш интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкый ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши жараёнидаги амалий муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 38-моддаси// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
3. Гражданский кодекс Российской Федерации. // Официальный сайт компании «Консультант Плюс». [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW).
4. Закон Грузии “Об авторских и смежных правах”. 09.09.1999 г. // [https://www.internet-law.ru/law/int/nation\\_sng/doc004.pdf](https://www.internet-law.ru/law/int/nation_sng/doc004.pdf).
5. Дозорцев В.А. Интеллектуальные право. – Москва, Статут, 2003. – 580 с.
6. Оқюлов О. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-жилд. – Тошкент, Вақтрия Press, 2013. –Б. 374.
7. Судариков С.А. Интеллектуальная собственность. – Москва, Издательство деловой и учебной литературы, 2007. – 720 с.
8. <https://zuykov.com/ru/about/articles/2017/04/11/nasledovanie-isklyuchitel'nogo-prava-na-objekty-inte>

Н.М.Сулаймонова,  
ТДЮУ ўқитувчиси

### ФУҚАРОЛИК СУДЛАРИДА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ: АМАЛИЁТ ВА НАЗАРИЯ

**Аннотация:** мазкур мақолада фуқаролик судларида суд харажатларини ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган бўлиб, амалиёт ва назариядаги афзаллик ва камчиликлар, суд харажатлари билан боғлиқ умумий қоидалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик процесси, фуқаролик суди, суд харажатлари, давлат божи, даъво баҳоси.

**Аннотация:** в этой статье освещаются особенности судебных издержек в гражданских судах, анализируются преимущества и недостатки практики и теории, а также общие правила, связанные с судебными расходами.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, гражданский суд, судебные расходы, государственная пошлина, цена иска.

**Annotation:** this article highlights the specifics of court costs in Civil Courts, analyzes the advantages and disadvantages of practice and theory, and general rules related to litigation costs.

**Key words:** civil procedure, civil court, court expenses, state duty, cost of claim.

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг замирида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва бу борада суд ҳокимиятининг ролини ошириш устувор вазифага айланди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашма-ларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди ва кафолатланди [1].

Шунингдек, юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ўсиши, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларининг суд тартибда ҳимоя қилишнинг ривожланиши ва кенгайтиришига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида [2] “Суд ҳокимияти мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилиниши кераклигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари бўйича зудлик билан чоралар кўриш, суд фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллашга эътибор қаратилиши

алоҳида таъкидлаб ўтилди”. Бу билан Ўзбекистон Республикасида судларнинг ихтисослашуви, жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий судларга бўлиниши баробарида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилишда катта қадам босилди. Ҳозирги кунга келиб, фуқароларнинг фуқаролик судларига мурожаатлари кўпайганлиги, бу ҳолатлар эса фуқароларда судга нисбатан фикри ижобий тарафга ўзгарганлигида кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 1-ярмидаги иш фаолияти бўйича ҳисоботи тингланганида ярим йиллик фаолият 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган берилган вазифалар ижросини таъминлашга, одил судловни амалга оширишда фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилганлиги айтиб ўтилди. Ҳисоботлар натижалари бўйича 2019 йилнинг 1-ярим йилида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 35 мингдан зиёд фуқаролик иши сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилгани таъкидланди. Шунингдек, 91 минг 744 иш судларда кўриб чиқилганлиги, ҳисобот даврида 42 миллиард сўмдан зиёд мажбурий тўловларни ундириш ҳақида 38 минг 630 суд буйруғи чиқарилганлиги, кўриб чиқилган фуқаролик ишлари бўйича 79 минг 420 ҳал қилув қарори чиқарилганлиги, ушбу қарорлар бўйича талабларнинг 84,4 фоиздан ортиғи қаноатлантирилганлиги таъкидланди [3]. Бу эса кўрсаткичларнинг қай даражада юқори эканлигини кўрсатади.

Умумий қоидаларга кўра, фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикландирилган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда ёзма равишда даъво ариза (ариза, шикоят) асосида мурожаат қилади.

Ушбу даъво ариза, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун суд уларни қабул қилиш, фуқаролик ишини кўзга тушириш, ишни кўришга тайинлаш, керакли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва иш натижаларига кўра ҳал қилув қарори чиқарилиши билан яқунланади. Бундай процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун, албатта, суд харажатлари учун давлат божи тўланганлигини тўғрисидаги тўлов ҳужжатини тақдим этилиши зарурлиги инobatга олинади.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда давлат томонидан сарфланадиган маблағларнинг муайян қисми ишдан манфаатдор шахслар томонидан тўланади.

Қонун бу шахсларга судларда фуқаролик ишларини юритишда сарф қилинадиган суд харажатларини, яъни давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларни қоплашни юклайди [4].

Фуқаролик процессуал кодексининг 128-моддасига биноан, суд харажатларининг турлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатдир.

Давлат божи судларга биринчи инстанция судига бериладиган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалардан, даъво аризаларидан, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, ҳакамлик суди ҳал қилув

қарорлари билан боғлиқ ишлар бўйича аризалардан, суд ҳужжатларига нисбатан апелляция, кассация шикоятлари, назорат тартибидоғи шикоятлардан, суд ҳужжатлари нусхаларини берганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда ундирилади.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XVII-бўлими, Фуқаролик процессуал кодексининг ўнинчи боби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3-ноябрдаги 533-сонли "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги ва 1993 йил 19-августдаги 423-сонли "Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида"ги қарорлари билан тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги 533-сонли қарорида айрим фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилганда қатъий сўммада тўланиши лозим бўлган давлат божи белгиланган (масалан, никоҳдан ажратиш тўғрисида судга бериладиган даъво аризалар учун биринчи маротаба энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорда, такоран никоҳдан ажратиш тўғрисида энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорда давлат божи тўланади[5]).

Одатда, давлат божи ариза, даъво аризаси, шикоят судга берилгунга қадар тўланади. Лекин қонунчиликда шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилиниши, давлат божини тўлаш кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин.

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак [6].

Фуқаролик судларида суд харажатларини ундиришда низонинг қандай турга мансублиги эътиборга олинади. Масалан, судга мурожаат қилинаётган талаб мулкий ёхуд номулкий тусдалигига қараб давлат божининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ставкалар бўйича аниқланади.

Агар судга берилган даъво аризаси мулкий тусга эга бўлиб, низо бўйича даъво баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган бўлса, давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар ва тартибда чет эл валютасида ундирилади.

Аризачининг талаби мулкий хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдори даъвогар томонидан кўрсатиладиган даъво баҳосидан келиб чиққан тарзда белгиланади ва судья томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 129 ва 130-моддаларига мувофиқ текширилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 129-моддаси „Даъвонинг баҳоси“ деб номланиб, унда қуйидагилар белгиланган:

1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – ундириладиган сўммага қараб;

2) мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича – талаб қилинаётган мол-мулкнинг қийматига қараб;

3) бир нечта мустақил талабдан иборат даъволар бўйича – барча талабларнинг умумий суммасига қараб;

4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;

5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган сўммага, лекин кўпи билан бир йиллик сўммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича – қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;

9) мол-мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича – шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг йиғиндисига, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича – иморатнинг бозор қийматига қараб, лекин бу миқдор кадастр қийматидан, бундай баҳо бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатлар бўйича эса – иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак [7].

Фуқаролик процессуал кодексига асосан, даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо талаб қилинаётган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди.

Даъво тақдим этилган вақтда унинг баҳосини белгилаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш чоғида суд белгилаган даъво баҳосига мувофиқ, давлат божининг тўланмаган қисми ундирилади ёки ортиқча олинган қисми қайтарилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 129-моддаси 4-бандига асосан алимент ундириш тўғрисидаги даъволарда даъво баҳоси қандай белгиланади деган ўринли савол пайдо бўлади. Унга кўра алимент ундириш ҳақидаги барча даъволардан яъни бунда алимент турларидан қатъий назар, бола, ота-она, эр-хотин ва бошқалар таъминоти учун тўланадиган алиментлар учун бож 12 ой учун алимент тўловлари жами сўммасидан ҳисоблаб чиқилади. Тўловлар миқдори жавобгарнинг охириги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда албатта агар алимент ундирилган муддат 12 ойдан ошмаса, шу давр учун алимент тўловлари умумий сўммасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади [8].

Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, бунда жавобгар ишламайди ёки муқим иш жойига эга эмас. Бундай

вазиятда давлат божини ҳисоблаш учун тўловлар миқдори ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Айрим ҳолатларда тарафларнинг мулкӣ ҳолати инobatга олиниб судья томонидан алимент қарзини тўлашдан озод қилиш, алимент миқдорини ўзгартириш (бунда камайтириш ёки кўпайтириш назарда тутилади) ҳақидаги даъволар бўйича давлат божи тўловлар камайган, кўпайган ёки бекор қилинган, лекин бир йилдан ортик бўлмаган давр учун белгиланган сўммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва даъвогардан ундирилади.

Фуқаролик ишларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида ҳам мулкӣ характердаги ҳам номулкӣ характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалар билан муурожаат қилиниши мумкин. Бундай ишлар бўйича давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида, яъни мулкӣ ва номулкӣ характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади. Масалан, никоҳдан ажратиш ва мол-мулк ҳақидаги талаб битта даъво аризасида қўйилганда ёки битта ишга бирлаштирилганда, давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида ундирилади.

Даъво сўммаси кўпайтирилганда, давлат божининг етишмаётган сўммаси даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инobatга олинган баҳосига мувофиқ ундирилиши лозим, даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 133-моддасига асосан, давлат божини тўлашни кечиктиришга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда йўл қўйилади. Бунда суд тарафларнинг мулкӣ аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Ишнинг якуни бўйича суд харажатлари тарафлар ўртасида тақсимланади. Бундай ҳолатда ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга, иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлсада, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган сўммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд томонидан қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Даъвогарнинг талаблари у судга муурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилганда суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Агар даъвогар томонидан неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли равишда арз қилиниб, бироқ унинг миқдори суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатлари неустойканинг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка сўммасидан келиб чиққан ҳолда, жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Давлат божини тўлашдан озод этилган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг

манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Агар юқори турувчи инстанция суди ишларни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёки янги ҳал қилув қарорини қабул қилса, у суд харажатлари тақсимотини тегишинча ўзгартиради.

Ушбу қоидалар апелляция, кассация ва назорат шикоятларини берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуққидир.

Амалиётда суд харажатларининг тахминан 95 % суд қарори билан ундирилади, яъни бунда суд харажатлари олдиндан тўланмайди.

Шунингдек, суд харажатларини ундиришда фуқаронинг молиявий ҳолати инobatга олиниши лозим. Лекин амалиётда фуқаронинг молиявий ҳолатини тасдиқловчи умумий мезонлар ва қийин молиявий аҳволни тасдиқловчи ҳужжатларнинг тахминий рўйхати мавжуд эмас, шунинг учун ҳам бундай ҳолатларни инobatга олишда судья фуқаронинг молиявий аҳволини ўзи томонидан баҳоланиши билан кифояланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб суд харажатлари юзасидан айрим таклиф ва тавсияларга келинди:

- суд харажатларидан озод қилиш жараёнини стандартлаштириш лозим;
- суд харажатларини тўлашдан озод қилиш борасида стандартлар қабул қилиш ва улар ҳақидаги маълумотларни кенг тарғиб қилиш;
- суд харажатларини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги аризининг ҳамда суд ажримининг намунавий шакллари ишлаб чиқиш;
- суд харажатлари бўйича Солиқ кодекси ва Фуқаролик процессуал кодекси нормаларини уйғунлаштириш лозим;
- даъво аризасини (аризани) судга топширишда тўланиши керак бўлган давлат божи миқдорининг энг кам қийматини белгилаш ва бу ҳақида процессуал қонунчиликка ўзгартириш киритиш;
- ишни тайинлашда тўланиши керак бўлган бошқа хил суд йиғимлари миқдорининг энг кам қийматини белгилаш ва бу ҳақида процессуал қонунчиликка ўзгартириш киритиш.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2019 йил. 10-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 1-ярмидаги иш фаолияти бўйича ҳисоботи // [www.oliysud.uz](http://www.oliysud.uz)
4. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент, “Адолат”, 2001 й. 80-б.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақидаги”ги 533-сон қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 14-сон қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: “Адолат”. 2018 йил.

8. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар). Ўқув қўлланма. Тўлдирилган ва қайта ишланган 4-нашр.–Тошкент, ТДЮУ нашрети, 2018 йил. –320 б.

**Н.И.Аскарлов,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура  
Академияси марказ бошлиғи

### НОМЛАНМАГАН ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ

**Аннотация:** қонунчиликда кўрсатилмаган янги шартномалар шакллари қидириш фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг доимий шартномалар шакллари соддалаштириш фаолияти билан боғлиқ. Ушбу мақолада номланмаган шартномаларни вужудга келиши ҳамда мазкур шартномаларнинг турлари ва таркиби таҳлил қилинган. Бундан ташқари, мақолада номланмаган шартномаларнинг замонавий турларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада номланмаган шартномаларнинг қонунчиликнинг ўшашлик тамойили бўйича қўллашнинг ўзига хос тарафлари таҳлили қилинади. Шартноманинг мазкур тури бўйича хорижий ва миллий олимлар фикрлари таҳлил қилинади. Мақолада номланмаган шартномаларни юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё фуқаролик ҳуқуқининг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилган.

**Калит сўзлар:** номланмаган шартномалар, ҳуқуқий муносабатлар, фуқаролик ҳуқуқи, аралаш шартномалар, аналогия, нотипик битимлар, тартибга солинмаган муносабатлар, қонун ижодкорлиги

**Аннотация:** поиск новых конструкций договоров, не описанных в законодательстве, связан с непрерывным поиском участников соглашений упрощённых и взаимовыгодных условий договоров. В данной статье описан ход возникновения непоименованных договоров с проведением анализа типологии и структуры таких соглашений. Кроме этого в статье уделено особое значение современным типам заключаемых непоименованных договоров. Также в статье проанализирован вопрос применения аналогии права к непоименованным договорам. Изучены мнения зарубежных и отечественных учёных по данному вопросу. Отмечено, что изучение вопроса правильных и юридически грамотно составленных непоименованных договоров на сегодняшний день является одной из приоритетных отраслей гражданского права не только в Узбекистане, но и во всём мире.

**Ключевые слова:** непоименованные договора, правовые отношения, гражданское право, смешанные договора, аналогия, нетипичные соглашения, не установленные правовые отношения, правотворчество

**Annotation:** The search for new constructions of contracts not described in the legislation is connected with the continuous search for participants of agreements of simplified and mutually beneficial contract terms. This article describes the course of the emergence of unnamed contracts with the analysis of the typology and structure of such agreements. In addition, the article attaches special importance to modern types of non-named contracts. Also, the article analyzes the application of the law analogy to unnamed treaties. The opinions of foreign and domestic scientists on this issue have been studied. It is noted that the study of the issue of correct and legally well-written unnamed contracts is one of the priority branches of civil law not only in Uzbekistan but throughout the world.

**Key words:** unnamed contracts, legal relations, civil rights, mixed contracts, analogy, atypical agreements, not established legal relations, law-making

2017 йил давомида мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳаларда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳуқуқий соҳада ҳам ушбу йил давомида янгиликлар ва мавжуд муаммоларни очиқ ифода этиш ва уларни ечимини аниқлаш бўйича муайян ҳаракатлар амалга оширилди. Ушбу ўзгаришлар асосан мавжуд қонунчиликни либераллаштириш ҳамда фуқароларга ижтимоий фаол бўлишлари учун қўшимча имкониятлар яратишдан иборат бўлди. Мисол учун, хорижий валютанинг конвертациясининг соддалаштирилиши, фуқароларнинг мулкдор бўлишга доир ҳуқуқларининг кенгайтирилиши жамият учун қўшимча имкониятлар яратиш берди. Қўшимча имкониятлар яратилиши эса қўшимча мажбуриятлар ва янги турдаги, олдин қонунчиликда тартибга солинмаган муносабатларнинг вужудга келишини тақозо этади.

Бу каби муносабатлардан бири сифатида номланмаган шартномаларни кўрсатиш мумкин. Номсиз деб амалда жамиятда мавжуд бўлган, бироқ қонунчилик нуқати назаридан тартибга солинмаган муносабат тушунилади. Номланмаган шартномаларни тузиш бўйича қонунчиликда бирор бир чеклов мавжудми, номланмаган шартнома концессуал шартномалар тоифасига кирадимми ёки ҳақиқий шартномалар тоифасигами мазмунидаги саволлар бугунги кунда долзарбдир.

Мавжуд қонунчилигимизни такомиллаштириш ҳамда давлат томонидан мазкур соҳани тартибга солишни такомиллаштириш учун ушбу саволларга жавоб топиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги матнларда ФК) 354-моддаси 3-бандида номланмаган шартномаларни тузиш мумкинлиги белгиланган бўлиб, унинг моҳияти фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун қонун ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳамда кўзда тутилмаган шартномани тузиш имкониятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқи назариясида шаклланган номланмаган шартномаларнинг мазмун-моҳияти айнан қонунда белгиланган “Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин” деган қоида асосида очиб берилган Бундан номланмаган шартнома деганда амалдаги фуқаролик қонунчилигида мустақамланмаган (номланмаган) шартнома деб хулоса чиқариш мумкин.

Юридик адабиётларда, кўпинча, фақат ФКда мустақамланмаган номланмаган шартномаларни аниқлашга доир қўшимча асослашлар эътиборни ўзига тартади.

Хусусан, Р.Д.Рўзиев лизинг шартномасини таҳлил қилар экан, ушбу шартномада мулкни сотиб олишдаги ижарага берувчи ва ижарага олувчининг иштирокидан ташқари, кодексда тартибга солинган ижара шартнома муносабатлари, яъни мулкни ҳақ эвазига топшириш шартнома муносабатлари ҳам акс этганлигини, шартноманинг йўналтирилганлик мазмуни лизинг тушунчасидан кенроқ бўлганлиги боис қонун чиқарувчи лизинг шартномасини ижара шартнома муносабатларига асосли равишда киритган ва ушбу шартнома ФКнинг 354-моддасига риоя қилинган ҳолда тузилган деган хулосага келган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг (ФК) 364-моддасига кўра шартноманинг нарсага тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларидан бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.

Қонунчиликда мустақамланмаган шартномалар предмети ва мазмунини ташкил этувчи муносабатларни қонунчилик билан тўғридан-тўғри тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги битим матнини тузаётганда баҳсли, зиддиятли вазиятларда қандай меъёрлардан фойдаланиш бўйича кўпинча тартибсизлик тасаввурини пайдо қилади.

ФК тўғридан тўғри бўлмасда, номсиз шартномалар тўғрисида фақатгина иккита моддада эслатгани боис, меъёрларнинг қолган асосий қисми, гўёки ушбу меъёрлардан четлаштирилгандек. Номланмаган шартномани ФК ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида моддаларига, параграфларидан бирида аниқ берилмаганлиги сабабли, қулай қонидани топиш учун бутун қонунчилик бўйича “излашга” мажбур қилади. Бу эса суд амалиётини таҳлил қилганда аниқ кўринади.

Номланмаган шартномаларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари номланмаган шартномани тузиш ҳуқуқини амалга оширишнинг чекланганлиги муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Шундай ёки бошқача бўлганда ҳам, агар номланмаган шартномалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, шартлашувчи томонларнинг ўзаро шартнома салоҳиятини амалга оширишни чеклайдиган қоидалар фуқаролик қонунчилигида мустақамланган бўлиб, муаммо қай тарзда ва қандай тартибда ушбу қоидаларни ҳамда бошқа тартибдаги қоидаларни уларга нисбатан қўллаш лозимлигидан иборат.

Шубҳасиз, бунга ўхшаш масалаларни ҳал қилаётганда, албатта, камчилик ва ўхшашлик тушунчаларига дуч келамиз. Фуқаролик ҳуқуқиде камчилик тушунчасининг турлича изоҳлари учрайди. Айримлар камчилик деб “амалдаги қонунчилик тизимида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб этадиган масалани ҳал этувчи ҳуқуқий қоидаларнинг мавжуд эмаслигини”, бошқалар эса – “ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқ ёки қисман мавжуд эмаслиги, ҳақиқатдан, тартибга солишни талаб этадиган ва бажариш учун мажбурий бўлган ҳуқуқий қоидаларсиз муносабатларнинг тегишли соҳаси нормал ҳолатда фаолият юрита олмаслигини” айтишади. Ҳақиқатдан, у ёки бу масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги ҳар доим ҳам шунга ўхшаган муносабатларнинг нормал фаолияти йўлида қандайдир тўсиқ бўлавермайди; исталган, айниқса, фуқаролик қонунчилиги муносабатларининг тартибга солишининг турли-туманлиги таъсирида мунтазам равишда ривожланади. Шунинг учун камчиликлар ҳуқуқни ҳам, шунингдек қонунчиликни ҳам табиий ва ажралмас таркибий қисми бўлиб қолаверади.

Замонавий фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назаридан камчилик бўлиб, қачонки муносабатлар тўғридан-тўғри қонунчилик ёки томонлар битими билан тартибга солинмаган ва уларга нисбатан қўлланиладиган тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси мавжуд бўлмаган вазият ҳисобланади. Исталган ҳуқуқий ечим ҳуқуқий асосга ҳам эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда, шунга ўхшаш

вазиятларни ҳал этиш воситаси бўлиб қонунчиликни ўхшаш бўйича қўллаш аналогия ҳисобланади.

Айрим фуқаролик ҳуқуқи мутахассислари илмий ишларида қуйидаги фикр ҳам учрайди. Унга кўра ҳавола этилган меъёрлардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ меъёрларини қўллаш, “қонун чиқарувчининг ўзи томонидан киритилган” меъёрларни аналогия бўйича қўллашдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бу фикрнинг асоси эканлигини исботлаб, таниқли рус олими М.И.Брагинский шундай дейди “..ҳавола қилинган меъёр ва унинг олувчиси ўзи билан қонунга киритилган ягона ҳатти-ҳаракатлар қонунда ифодалайди”, бундан фарқли равишда аналогия “қонунда аниқланган камчиликни тўлдириб вазифасини бажаради”; “ҳавола меъёрини аналогия бўйича қонунни қўллашдан фарқи шундан иборатки, охири ҳолатда шунга ўхшаш меъёрни томонлар ёки юзага келган баҳсни кўриб чиқувчи суд, биринчи – ҳавола меъёрида – қонун чиқарувчининг ўзи белгилайди”. Рус олимининг юқоридаги фикрларига қўшилган ҳолда қонун аналогисини номланмаган шартномаларга қўллаш доим ҳам қўрилган самара бермаслигини таҳкидлашимиз лозим.

Масалан, бирор маҳсулотни олди берди шартномаси доим ҳам олди сотди шартномаси асносида тузилиши ва кўриб чиқилиши мумкин эмас. Электрон домен, яъни веб сайтларнинг номини сотиш тўғрисидаги битимга назар солайлик. Бу битимга асосан бир юридик шахс иккинчи тарафга – юридик ёки жиҳмоний шахсга муаян домен исмини (мисол учун [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)) ни сотади, иккинчи тараф эса сотиб олади. Албатта, ушбу “сотиб олиш” бир икки ёки ўпи билан беш йилга ушбу домендан фойдаланишни назарда тутаяди. Ушбу битимни олди сотди ёки ижара шартномаси сифатида баҳолашимиз мумкинми? Олди сотди шартномасида сотилаётган маҳсулот сотувчи тегишли бўлиши ва шартномадан сўнг тўлиғича сотиб олувчига берилиши лозим. Бу ҳолатда домен исми, на сотувчига тўлиқ мулк ҳуқуқи асосида тегишли, на сотиб олувчи уни ўзи истаганича тасарруф эта олади. (мисол учун қайта сота олмайди). Ижара шартномасининг асосий шартларида бири бу ижара объектнинг ижара олувчига унинг табиий амортизацияси билан боғлиқ ҳаражатларни инобатга олган ҳолда муаян ҳақ эвазига ёки текин фойдаланиш учун топшириш. Доменни сотиб олиш шартномаси ижара шартномасига яқиндек кўринсада, бироқ унда ҳеч қандай табиий амортизация ҳақида гап йўқ. Демак, биз ушбу шартномани номсиз, номланмаган шартнома сифатида баҳолашимиз мумкин бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан номланмаган шартномаларни аналогия ёрдамида тартибга солиш лозим ва муҳим деган ушбу далил тасдиқланади. “Қонун аналогияси аввалгидек қонунчилик билан тартибга солинишдан ташқарида қолган шартномаларга нисбатан қўлланилиши мумкин, масалан, сақлаш шартномаси ҳисобланмайдиган мулкни кўриқлаш бўйича шартнома”

Қонунчилик билан мустаҳкамланмаган шартномалар билан умумий хусусиятга эга бўлмаган номланмаган шартномаларни ўзига хос хилдаги унитар номланмаган шартномалар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига мурожаат этамиз.

Номланмаган шартномаларга нисбатан қандай меъёрлар ва қандай тартибда қўлланилиши тўғрисидаги баҳслар олдинги давридаги фуқаролик ҳуқуқи мутахассислари ўртасида ҳам мавжуд эди.

Масалан, цивилист олим О.С.Иоффе шундай тахмин қилган, “қонун билан мустаҳкамланган типик шартномалардан бирини қамраб олган ўзига хос шартномани тузганда, у ушбу типдаги шартнома тўғрисидаги қоидаларга бўйсунган бўлади. Қачонки қонунга зид келмайдиган, аммо у билан назарда тутилмаган ҳам янги типдаги шартнома мажбурияти шаклланданда, уни меъёрлаш қонун аналогияси бўйича ёки лозим бўлган ҳолатларда ҳуқуқ аналогияси бўйича амалга оширилиши лозим”. Моҳияти бўйича муаллиф турли номланмаган шартномалар учун турли қоидалар ўрнатишга уринган. Бошқа шартномалар билан ўхшаш хусусиятларга эга биринчи шартномаларга ушбу шартномаларга тааллуқли қоидалар қўлланилиши лозим. Бундан ташқари муаллиф ушбу таъриф билан қуйидагини бевосита ўрнатди, яъни номланмаган шартнома бўлиб нафақат ҳуқуққа маълум бўлган шартномаларнинг биронта типига тўғри келмайдиган шартномалар, балки қонун билан мустаҳкамланган шартнома типларининг бири билан қамраб олинган шартномалар ҳам ҳисобланади. Шу тарзда, номланмаган шартномалар деганда бу – нафақат маълум бўлган шартномалардан биронтаси билан умумий хусусиятга эга бўлмаган шартномаларни, балки ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган, қандайдир тартибга солинган шартнома типига (хилига, турига) кирадиган шартномалар деган хулосаларнинг тўғри эканлигига яна бир маротаба ишонч ҳосил қиламиз.

Аммо, О.С.Иоффе томонидан қилинган хулоса саволлар ҳам туғдиради. Агар ушбу “типдаги” шартнома меъёрлари ўз хусусияти, хоссаси, моҳияти бўйича қўлланилиши мумкин бўлмаса, қандай меъёрларни номланмаган шартномаларга нисбатан қўллаш мумкин? “Янги типдаги” номланмаган шартномалар учун эса аввал аналогиянинг қайси туридан фойдаланиш лозим, шунингдек умуман мажбурият ҳуқуқининг умумий меъёрларини қўллаш лозимми?

Аралаш ва типик бўлмаган шартномаларга диссертация тадқиқотини бағишлаган В.А.Писчиков шундан келиб чиқадики, яъни “шартномалар тизимида ўрин эгаллаш эҳтимолига қодир исталган шартномада, унда мавжуд шартнома конструкцияларининг аломатларини (таркибий қисмларини) аниқлаш мумкин, аммо, шунга қарамаздан қонунчиликда мавжуд бўлмаган бўшлиқни фақатгина маълум шартнома конструкцияси меъёрлари ёрдамида тўлдириб зарур, деб ҳисоблайди. Муаллиф, биринчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш учун номланмаган шартнома шартларини ўрганиб чиқишни таклиф этади. Шу муносабат билан, унинг фикрича, аввал битимлар кейин мажбуриятлар тўғрисидаги ва фақат шундан сўнг – шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилиши лозим. Иккинчидан, “ФК назарда тутилган шартнома моделлари таркибий қисмларига ўхшаш аломатларни аниқлашни таклиф этади. Агар янги шартнома типик шартноманинг турдош аломатлари билан таърифланса, унда бу унга нисбатан тегишли меъёрларни қўллаш учун асос бўлади”, Улар номланмаган шартноманинг ўзига хос хусусиятига зид келмайдиган қисмида қўлланилиши лозим. Шу билан бирга муаллиф тахминича, шунга ўхшаш шартномалар тўғрисидаги меъёрларни янги ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўллаш, ҳуқуқ аналогиясини қўллаш имконини йўққа чиқаради. Шунингдек, “уларнинг



шакланмаганлиги таъсирида” тадбиркорлик тажрибасини қўллаш тўғрисидаги барча мақсадлар истисно этилади. Бир вақтнинг ўзиде номланмаган шартномалар тадбиркорлик муомала қоидалари билан, шунингдек, уларнинг мажбурият ҳуқуқи умумий қоидаларига зид келмаслиги шароитида томонлар билан келишилган бевосита унинг шартлари билан тартибга солиниши мумкин.

ФК матнига мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмини ўз-ўзидан қўшилиши, нафақат, кодекснинг алоҳида қисмида мустаҳкамланган аниқ бир шартномалар учун, балки номланмаган шартномалар учун ҳам улкан аҳамиятга эга. Биринчилар учун – бу ҳуқуқий воситаларнинг муҳим тежаллиши. Чунки уларнинг қўлланилиши “қонун чиқарувчини алоҳида типдаги шартномаларга бағишланган ФК бобларида умумий қоидадан қайтадан ҳосил қилишдан озод этади”. Ундан ташқари, улар турли хил, турдаги шартномаларни ягона тарзда тартибга солишни таъминлайди. Номланмаган шартномалар учун умумий қоидалар уларнинг ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқни йўқотишга имкон беради. Умумий қоидаларнинг мавжуд эмаслиги шароитида қонунчиликка ноъмалум бўлган шартномаларни тузган шартлашувчи томонлар, шубҳасиз уларни тартибга солиш муаммоси билан тўқнашган бўлар эди. Чунки барча ҳуқуқ ижодкорлиги ҳам шу қадар юқори даражага эга эмаски, янгидан ташкил этилган шартнома унинг мазмуни бўйича мукамаллиги ва тўғрилиги нуқтаи-назаридан ФК умумий қоидаларига мувофиқ келади деб таъкидласак. Янги шартнома моделини мустаҳкамлайдиган меъёрлар “унинг етарли даражада индивидуаллаштириши таъминлангандан сўнг ва шу билан бирга тегишли моделдан фойдаланишда пайдо бўладиган алоҳида масалаларни ҳал қилишнинг мақбул усуллари аниқлангандан сўнг пайдо бўлади; ...янги моделларнинг етарли даражадаги амалиёти шаклланиши лозим. Натижада махсус ҳуқуқий тартибга солиш амалиётдан ортада қолиши мумкин. Ва ушбу камчиликларни бартараф этиш усулларида бири бўлиб умумий меъёрларга мурожаат этиш хизмат қилиши мумкин”.

Мажбуриятларни бажариш умумий қоидалари мажбурият шартлари ва қонун талабларига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тегишли тарзда бажаралиши лозим деган қоидадан ўз ичига олади. Бундай шартлар ва талаблар мавжуд бўлмаганда тадбиркорлик тажрибасига ёки бошқа тақдим этиладиган талабларга мувофиқ бажарилиши лозим.

Қонун чиқарувчи “махсус қонун умумийни сиқиб чиқаради” деган тамойилни ҳисобга олган ҳолда, шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар ушбу бобнинг қоидаларида ва ушбу Кодексда шартномаларнинг айрим турлари тўғрисида баён этилган қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ФК 234-352-моддалари) қўлланилади. Ўз навбатида, бир томонлама битимларга нисбатан мажбурият ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар қай даражада қонунга, битимнинг бир томонлама хусусиятига ва моҳиятига зид келмаса, шу даражада қўлланилади. Битимнинг бир томонлама хусусияти билан шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги қоида зиддиятга киришади, агар бу ҳаракатлар икки ёки ундан кўп томонлар хоҳиш-иродаси бўйича амалга оширилса. Шартнома ва битимлар тўғрисидаги умумий қоидаларга

бағишланган боблар ўз мазмуни бўйича бир-бирига нисбатан рақобатдош ҳисобланмайди; Тартибга солишнинг умумий предмети эга масалаларга, масалан 107 (“Битимнинг ёзма шакли”) моддасининг битим (шартнома) шаклида уларнинг ўзаро тўлдириши кўринади. Номланмаган шартномалар эркинлигини чекловчи сифатида кўриб чиқилган, аввалги параграфларда таҳлил этилган императив қоидалар, шунингдек, шартномалар, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидаларга ҳам ва битимга бағишланган бобга, ҳам фақатгина қўшимча ҳисобланади.

Кўринадики, бошқа шартномалар билан умумий аломатга эга бўлмаган номланмаган шартномаларни тартибга солиш учун, уларни тартибга солиш предмети нисбатан мос равишда ФК битимлар, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги бобларидан фойдаланиш зарур. Қандайдир саволлар бўйича қарама-қаршиликлар аниқланганда – қонун талабларига амал қилиш лозим: бир томонлама номланмаган битимлар, мажбуриятлар ва шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар билан тартибга солинади, агар бу қонунга бир томонлама хусусиятга ва битим моҳиятига зид бўлмаса. Номланмаган шартномаларга нисбатан шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади. Мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар эса агар бошқаси (“Шартнома тушунчаси ва шартлари”) қоидалари билан назарда тутилмаган бўлсагина қўлланилади. Ўз навбатида, битим тўғрисидаги бобнинг қоидалари мутлақ номланмаган шартномаларга нисбатан қўлланилиши лозим, агар бу қонунга, шартноманинг икки томонлама хусусияти ва моҳиятига зид келмаса.

ФК умумий қисмидаги ушбу барча меъёрлар, қонун аналогиясидан фойдаланилмаган ҳолда мутлақ номланмаган шартномаларга нисбатан тўғридан-тўғри қўлланилади. Чунки мажбурият ҳуқуқининг умумий қисми қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган шартномаларга ҳам, шунингдек ўз “қонунчилик рўйхатидан ўтмаган” янги шартномаларга ҳам тегишли.

Қонун аналогиясини қўллаш талабларидан бири бўлиб ўхшаш муносабатнинг мавжудлиги ҳисобланади. Шартномаларнинг аниқ хил ва турларини тартибга солувчи меъёрларда мутлақ номланмаган шартномалар учун ўхшаш аломатларни топишнинг имконияти йўқлиги туфайли, мажбурият ҳуқуқининг махсус қисмида ушбу “ўхшаш” аломат мавжуд бўлган меъёрни излаш жуда қийин ёки бунинг умуман иложи йўқ. Шундан хулоса: мутлақ номланмаган шартномаларга ФК махсус қисмининг, бошқа қонунларнинг меъёрларини қонун аналогиясидан фойдаланган ҳолда қўллашнинг имкони йўқ ҳисобланади.

Қонун аналогияси ишлатилмаслигини ҳисобга олган ҳолда, агар қонунчилик билан тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан тадбиркорлик тажрибаси қўлланилса, ҳуқуқ аналогияси фақат, қонун аналогиясини ишлатиш учун шароит бўлмаса тадбиқ этилади. Бундан тадбиркорлик тажрибаси мавжуд бўлса, аналогияни қўллаш умуман мақбул эмас деб хулоса қилиш мумкин.

Агар муносабатлар тадбиркорлик муносабатлари тажрибаси, томонлар келишуви, мажбурият ҳуқуқининг умумий қисми билан тартибга солинмаган бўлса, мутлақ номланмаган шартномаларга нисбатан ҳуқуқ аналогиясини қўллаш лозим. Яъни, томонлар, суд ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашнинг қарор

қабул қилиш механизми ва фуқаролик қонунчилиги моҳиятидан, ҳалоллик, ақл-идрок, адолат талабларидан келиб чиқиб тартибга солишнинг бошқа усули мавжуд бўлмаганда амалга ошириши зарур бўлади. Ҳуқуқ аналогияси ҳавола қилган нарса ўзи билан битимлар мажмуининг асосий тамойилларини акс эттиради, улардан бири ФК моддаларида аниқ мустақамланган, бошқалари у ёки бу меъёр матнига бавосита киритилган. Моҳияти бўйича ФК ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг исталган моддаси умумий тамойиллардан келиб чиқиб, субъектларнинг ҳатти-ҳаракатларини белгилайди, яъни қайд этилган тамойиллар кўринмаса ҳам, аммо улар қонунчиликнинг барча хусусиятларида мавжуд бўлади”, ҳеч бўлмаганда бу тахмин қилинади [2; 110-с]. “Ўрнатилган қоидалар ва қонунчилик моҳияти – бу аналогияда бевосита тартибга солувчи вазифасини бажарувчи ва ҳуқуқни қўллаш қарорининг ягона ҳуқуқий-меъёрий асоси сифатида ифодаланган ҳуқуқий тамойиллардир” [5; 166–167-с].

Ҳуқуқ аналогияси амалда жуда ҳам кам қўлланилади ва шундай фикр ҳам мавжудки, номланган шартнома конструкцияларининг ва мажбурият ҳуқуқи умумий қисмининг салмоқли даражада кўпайиши шароитида унинг ривожланиши ҳақиқатдан анча йироқ [1; 136-с]. Аммо, номланмаган шартномалардан ҳосил бўладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солишда зарурий, ҳатто “ўхшаш” меъёрнинг мавжуд бўлмаслиги, фуқаролик ҳуқуқининг умумий тамойиллари тартибга солиши учун ягона имконият ва баҳсни ҳал қилувчи кафолатга айланади.

Тартибга солишнинг бошқа усули қонунчиликка маълум бўлган шартнома конструкцияси аломатларидан бирига эга номланмаган шартномаларга нисбатан қўлланилиши лозим [4; 123-с]. Шу билан бирга қуйидаги тамойилдан келиб чиқиш лозим: агар номаълум мажбурият қонунчиликда назарда тутилган шартнома типига (хил, тур) ўхшаш аломатга эга бўлса, бундай мажбурият тегишли номланган шартноманинг номланмаган турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бундай ноаниқ мажбуриятга нисбатан типик тизимли аломат билан боғлиқ “бирхиллаштирилган” меъёрларни қўллаш лозим” [4; 72-с], бошқача айтганда, ўхшаш шартномада шундай муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни қўллаш лозим (қонун аналогияси).

Ўхшаш ҳуқуқий муносабатлар меъёрларидан фойдаланиб, яъни шартномани қонун доирасидан чиқариб ташлаган аломатлари бўйича, қай даражада ушбу меъёрлар номланмаган шартномаларнинг ўзига хос хусусиятларига мос келишини қиёслаш лозим. Ушбу ҳолатда ўхшаш муносабатлар меъёрлари мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидаларига нисбатан махсус қоидалар кучига ва таъсирига эга бўлади. Қўлланилаётган меъёрга, меъёрлар гуруҳига муносабатларнинг қарама-қаршилиги аниқланганда ёхуд шунга ўхшаш муносабатлар улар томонидан тартибга солинмаганлиги сабабли ушбу меъёрларни қўллашнинг имконияти йўқлигида, бундай усул билан камчиликни бартараф этишдан воз кечиш лозим. Бунда мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмига, битимлар, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидаларга мурожаат этиш лозим. Шу тарзда, ўхшаш муносабатларда умумий тизимли аломат билан бирлаштирилган, мос келадиган меъёр мавжуд бўлмаганда, шунингдек, тартибга солинувчи ва

ҳақиқий муносабатлар бир-бирига ҳақиқатдан тўғри келмаганда мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидаларига мурожаат этиш керак.

Аниқланган тартибга солиш тартибига нисбатан, нима учун биринчи навбатда мажбурият ҳуқуқининг умумий меъёрларини эмас, балки қонун аналогиясини қўллаш лозим деган асосли савол туғилиши мумкин. Чунки биринчиси янги муносабатларга нисбатан бевосита таъсирга эга бўлиши мумкин, яъни тўғридан-тўғри ва биринчи навбатда қўлланилиши мумкин. Ҳақиқатда, лаёқатлилик, битимлар, шартномалар ва мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидаларни писанд қилмаган ҳолда, бир қарашда қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси ўртасига мажбурият ҳуқуқининг умумий қоидаларини қўллаш тўлиқ аналогия ва унинг янги қўллаш тартибини киритиш кўриниши мумкин. Шунга қарамасдан, ушбу тартибни энг мақбул деб ҳисоблаймиз.

Ўхшаш шартномалар тўғрисидаги меъёрларни янги шартнома ҳуқуқий муносабатларига (типик бўлмаган шартномаларга) нисбатан қўллаш ҳуқуқ аналогиясини қўллашни истисно этади. Ўхшаш шартномалар меъёрларига мурожаат этиш фуқаролик қонунчилигида аналогия институтини, хусусан, қонун аналогиясини амалга ошириш ҳисобланади. Ўхшаш шартномалар меъёрлари, яъни ўхшаш шартнома муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар, ҳеч бир шароитда номланмаган шартномаларга нисбатан тўғридан-тўғри таъсир этувчи меъёр сифатида баҳоланмайди ва баҳоланш мумкин эмас. Чунки ушбу меъёрлар билан бошқа, гарчи маъноси бўйича яқин бўлган шартлашувчи томонларнинг муносабатлари тартибга солинади. Маълум бўлган шартномага тааллуқли қоидалар, шунингдек, бўшлиқсиз бўла олмайди. Чунки қонун чиқарувчи томонидан кўрсатилган муносабатлар доираси мукамал ҳисобланади деб ҳеч ким таъкидлай олмайди. Шунинг учун фуқаролик қонунчилигининг ўрнатилган қоидалари, ҳалоллик, ақл-идрок ва адолат талаблари, уни яқунловчи таркибий қисми сифатида номланмаган шартномаларни (тип, хил, турлар бўйича шартномалар таснифига кирувчи) тартибга солувчи занжирдан чиқариб ташлаб бўлмайди.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда тадбиркорлик соҳасида тажрибанинг шаклланмаганлиги сабабли тадбиркорлик муносабатлари тажрибасини номланмаган шартномаларга нисбатан қўллашнинг имконияти йўқ деган В.А.Писчиковнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Шартнома ФК 354-моддаси мазмунига кўра, номланмаганлик аломатларига жавоб беришини ёдга олиш етарли, ҳатто агар у қонунчилик билан тартибга солинган шартнома тип, хили, турининг қонун билан тартибга солинмаган бир тури ҳисобланса ҳам. Шунинг учун қонуннинг (ҳуқуқнинг) ҳақиқий аналогияси ҳаракатини истисно этиб, тадбиркорлик муносабатлари тажрибасидан шартлашувчи томонлар фойдаланиши учун ҳеч нарса ҳалақит бермайди.

Барча ҳолатда, масалани бундай тарзда назарий жиҳатдан ҳал қилиш қонун меъёрлари билан зиддиятга киришмайди, шунинг учун тақиқланган деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Тажриба шаклланганми ёки йўқ, уни “тадбиркорлик хусусиятига эга” номланмаган шартномаларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидан чиқариб ташлаш мумкин эмас [6; 523-с]. Шунинг учун, агар шартнома, масалан, шартлашувчи томонлар ўртасида пайдо бўлган баҳсни

ҳал этиш имконини берадиган қондани ўз ичига олмаса, тадбиркорлик фаолиятининг тегишли соҳасида пайдо бўлган ва кенг қўлланилаётган ҳаракат аналогия бўйича меъёрларни қўллашни тўхтатиб қўяди, агар тажрибанинг мазмуни томонлар учун мажбурий бўлган қонунчилик қоидалари билан ёки ўз шартномалари қоидалари билан зиддиятга киришмаса.

Қонун аналогияси бўйича фуқаролик қонунчилигини қўллаш йўли билан номланмаган шартномани ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаганда, улар ўртасида тўқнашув пайдо бўлмаслиги учун меъёрий ҳужжатлар таъсирини мувофиқлаштириш зарур. Шу билан бирга қуйидаги қоидаларни назарда тутиш лозим. Агар ФК унинг тегишли моддаси таъсирга шундай шарт билан имкон берса, яъни, агар қонун (бошқа ҳуқуқий ҳужжат) бошқа нарсани назарда тутмаса, унда ФК меъёрларининг таъсири кўриб чиқилаётган масалага нисбатан фақатгина субсидиар, яъни ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиши лозим. Қонун меъёрлари амалда деб тан олинган ҳолатда, фақат агар бошқаси ФК кўрсатилмаган тақдирда – устунлик Фуқаролик кодекси томонида бўлади. Агарда Кодекс тегишли бобда мавжуд бўлган меъёрлар билан бирга бошқа (махсус) қонун меъёрларини ҳам қўллашни назарда тутса, аммо қайси бири кўпроқ таъсирга эга эканлигини кўрсатмаса, бундай ҳолатда ФК «primus inter pares» тенглар ўртасида биринчи сифатида тавсифловчи умумий қондани қўллаш лозим. ФК дан ташқарида номланган шартномадан қонун аналогияси йўли билан номланмаган шартномани тартибга солиш учун фойдаланиш мумкин, агар қонун чиқарувчи шунга ўхшаш турдаги шартномаларга бағишланган ҳужжатга ФК биринчи қисмида тартибга солинмаган “ва шу билан бирга қонунда (бошқа ҳуқуқий ҳужжатда) бошқа ечимнинг имконияти тўғрисида қўшимча изоҳ берилмаган ечимни қўшган бўлса” [2; 410–411-с].

Хулоса тариқасида мамлакатимиз қонунчилигини, айниқса фуқаролик муносабатлари соҳасидаги қонунчиликни доимий такомиллаштириб бориш, бугунги, ўзгаришларга бой бўлган давримизнинг талабларидан бири бўлиб, бу йўналишда янги, муқаддам қонунчиликда мавжуд бўлмаган муносабатларни “легаллаштириш” қонун ижодкорлигининг тегишли эътибор талаб қилидиган қисми эканлигини яна бир бор таъкидлаш лозим бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая: общие положения. М.: “Статут”, 2002. – 640 с.
2. Емельянов В.И. Разумность, добросовестность, незлоупотребление гражданскими правами. - М.: «Лекс-Книга», 2002. – 280 с.
3. Иванова Б.А. Некоторые проблемы реализации принципа социальной справедливости, разумности и добросовестности в обязательственном праве. ЭБД “Консультант Плюс”. – 386 с.
4. Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. - М.: Юрист, 2004. – 480 с.
5. Танага А.Н. Принцип свободы договора в гражданском праве России. - СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 410 с.
6. Шершеневич Г.Ф. Курс торгового права. Т.Н: Товар. Торговые сделки. - М.: “Статут”. 2003. – 920 с.

**Б.Исмоилов,**  
Мустақил изланувчи

### МЕҲНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада меҳнат мухофазаси ва унинг ҳуқуқий кафолатлари атрофлича таҳлил қилинди. Меҳнат мухофазасини ривожлантириш бўйича бир неча илмий-амалий тақлифлар билдирилди.

**Калит сўзлар:** меҳнат мухофазаси, корхона ва ташкилотлар, ишчи ходимлар.

**Аннотация:** в статье подробно проанализированы вопросы охраны труда и его правовые гарантии. Был внесен ряд научно-практических предложений по развитию охраны труда.

**Ключевые слова:** охрана труда, предприятия и организации, рабочие.

**Annotation:** the article analyzes in detail the issues of labor protection and its legal guarantees. A number of scientific and practical proposals were made for the development of labor protection.

**Keywords:** labor protection, enterprises and organizations, employees.

Юртимизда тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти меҳнат муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш миҳанизмини янада мукамаллаштиришни тақозо этмоқда. Меҳнат муносабатларининг меҳнат қонунчилиги асосида ташкил этилиши аҳоли даромадларининг кафолатланганлигини таъминлаб, уларнинг турмуш тарзи сифат даражасини ошишига хизмат қилади. Кейинги йилларда ҳужалик юритувчи субъектлар тадбиркорликка оид иш-фаолияти ҳуқуқий шакллариининг ўзгариб бориши оқибатида меҳнат бозори, шунингдек, меҳнат муносабатларини маълум ҳуқуқий норматив актлар билан тартибга солиш мамлакатимиз олдида турган муҳим масалалардан бирига айланди. Турли корхона ва ташкилотларда, шунингдек хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларида ёлланиб ишлаётган фуқароларнинг ҳаётини, саломатлигини ҳамда бошқа қонуний манфаатларини ижтимоий-иқтисодий мухофаза қилиш давлат сиёсатининг долзарб вазифаларидан бири хисоблана бошлади.

Меҳнатни мухофаза қилиш – меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиги, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизимидир) [1]. Ўзбекистон республикаси конституциясининг 13-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият хисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади) (2). Бош қомусимизда келтирилганидек, инсон ҳаёти, саломатлиги ва хавфсизлиги энг олий қадрият хисобланади. Меҳнат муносабатларида ҳам бу қоидаларнинг устувор эканлиги меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган қатор вазиятларни ижобий ҳал этилишида ёрдам беради.

Яъни корхоналар, ташкилотлар, хужалик юритувчи субъектлар фаолиятида ички ижтимоий муҳит мувозанатини сақланиб туришлигини таъминлади. Фикримизча, меҳнат қилиш эркинлигининг қонуний кафолатланиши адолатли меҳнат шарт-шароитларининг яратилиши меҳнат муҳофазасини ҳуқуқий тартибга солишнинг энг муҳим белгилари ҳисобланади. Зеро, Бош қомусимизнинг 37-моддасида келтирилганидек, (ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир).(1). Меҳнат қонунчилигимизда ишчи ходимларнинг хусусан, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсионерлар, ёш болали ва хомиладор аёллар меҳнатини ҳуқуқий ҳимоя қилинганлиги мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси комплекс равишда йулга қўйилганлигидан далолат бериб туради. Ўйлашимизча, меҳнатни муҳофаза қилишда қуйидаги жиҳатлар муҳим омил бўлиб саналади. А. Эркин меҳнат қилишнинг ҳуқуқий кафолатланганлиги; бу ерда барча шахсларнинг ўз жисмоний ва интеллектуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қулай иш жойи ва касбий турларини ихтиёрий тарзда белгилаш назарда тутилади. Б. Ишчи ходимларнинг шахсий дахлсизлик ва санитар-гигиен хавфсизлиги; бу ерда корхона, ташкилот ҳамда хужалик юритувчи субъектларда ўз иш-фаолиятларини олиб бораётган шахсларнинг иш вақтида жисмоний ва руҳий босимлардан ҳимоя қилиниши шунингдек, уларнинг санитар-гигиен ҳолатларини мунтазам назорат қилиб борилиши, иш жараёнларида техник хавфсизлик чоратadbирларини кўрилиши кўзда тутилади. В. Дам олиш ҳуқуқининг қонуний кафолатланганлиги; (ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади) [1]. Г. Ишчи ходимга иш вақтида етказилган зарарнинг моддий томондан қопланиб берилишлиги; (ходимни иш берувчи ҳудудида ҳам унинг ташқарисиди ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлиши ва соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига ёхуд касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки бутунлай юқотишига, вафот этишига сабаб бўлган ҳодисалар юз берганда етказилган зарар учун иш берувчи томонидан моддий қопланади) [2]. Д. Меҳнат муносабатларини меҳнат шартномалари билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишлиги; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 72-моддасида айтилганидек, (меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасидаги муайян мутахасислик, малака ёки лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига бўйсинган ҳолда тарафлар келишуви, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувидир) [3]. Бундай ҳуқуқий кафолатланган келишувларнинг шартномаларнинг иш берувчи ва ходим ўртасида тузилиши иккала тарафнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таъминланишини кўрсатади.

Миллий қонунчилигимизда меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиб турувчи қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари мавжуд. (Ўзбекистон

Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни) шулар жумласидандир. Меҳнатни муҳофаза қилиш (техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси) қоидалари уч турга бўлинади, улар:

- ишлаб чиқариш (хизматлар)нинг барча тармоқлари учунга бўлган қоидалар;
- тармоқлараро қоидалар;
- тармоқ қоидалари.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид йўриқномаларни намунавий (асосий касбдаги ходимлар учун давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган) ҳамда локал (корхона ва ташкилотнинг ўзида ишлаб чиқилган) [2] турларга бўлиш мумкин.

Меҳнат муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўз таъсир доирасига мувофиқ таснифланиши уларнинг соҳа амалиётида ортиқча хатолик ва тушунмовчиликларсиз тадбиқ этилишлигида ёрдам беради. Умуман олганда, иш берувчилар, корхона, ташкилот раҳбар аъзолари ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий сўғурта қилиш;

ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан таништириш;

касаба уюшмалари ёки бошқа ваколатли органлар билан келишган ҳолда ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

корхонанинг фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига тааллуқли меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига оид норматив- ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлиқ мавжудлигини таъминлаш.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириб боришлари зарур. Чунки корхона ташкилотлар раҳбар ходимларининг иш жараёнини ишонанинг ички тартиб қоидалари ҳамда соҳавий қонун ҳужжатлари асосида ташкил этмаслиги уша ерда ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган шахсларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашда маълум ноаниқликлар келтириб чиқаради ва турли кўринишлардаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишида сабаб бўлиши турган гап. Табиийки, бу корхонанинг жавобгарликка тортилишига олиб келади.

Раҳбар ходимлар ўз корхоналарида соғлом, хавфсиз ишчан муҳитни яратишларида кенг имкониятлар берилиши билан бирга қатъий белгилаб қўйилган талаблар ҳам мавжуд. Иш берувчилар олдида қўйиладиган энг катта ва муҳим масалалардан бири бу ишчи ходимларнинг саломатлигини бир маромда ушлаб туриш десак муболаға бўлмайди. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш ташкилот раҳбарияти ёки иш берувчи ва касаба уюшмаси, соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили амалга оширилиши шарт. Корхона мутасаддилари тегишли тиббиёт муассаса вакиллари билан ҳамкорликда даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиш ҳамда ходимларнинг тиббий кўриқка келишини таъминлаши, ташкилотларда ходимларнинг соғлигини назорат қилиш, ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш қонунлар билан

қатъий белгиланган. Бундай тиббий текширувларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар ишчи ходимлари миқёсида олиб борилишлиги бир томондан корхона иш-фаолиятини тўлақонли соғлом муҳитда олиб борилишлигини таъминласа, иккинчи томондан корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тулиқ санитар-гигиеник талабларга жавоб бера олишини истеъмоличилар учун бу товарларнинг хавфсиз ва ишончли бўлишлигини кафолатлайди. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда халқаро ҳуқуқий нормалар шунингдек миллий меҳнат қонунчилигимиз меъёрлари муҳим аҳамият касб этади. Меҳнатни муҳофаза қилишда давлат сиёсати асосий юналишларининг аниқ белгиланганлиги фикримизни мантиқан тасдиқлайди. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий юналишлари қуйидагилардан иборат: ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устиворлигини таъминлаш; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш; давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш; меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати текширувини амалга ошириш; ходимларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техник воситаларни ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини рағбатлантириш; ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш [2].

Кўриниб турибдики, давлат сиёсати асосий юналишларининг меҳнат муносабатлари масалаларини тўлиқ қамраб олишга қаратилганлиги бу соҳанинг мунтазам ўзгариб бориши натижасида доимий ислохотлар ўтказилиб турилишига талабдор эканлигини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мухтарам И.А.Каримов эътироф этиб ўтганларидек, “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади” [3].

Таъкидлаб ўтмоқчи бўлганимиз шуки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган корхона ташкилотлар вақт ўтиши билан технологик воситалар билан боғлиқ бўлган имкониятларини кенгайтириб боришади. Бу табиийки, корхоналарда ўз иш-фаолиятини олиб бораётган ишчи ходимларнинг технологик хавфсизликка бўлган талабини янада кучайтиради. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай техник восита киши саломатлигига қисман бўлсада салбий таъсир ўтказади. Бу эса, жойларда меҳнат қилаётган ишчи ходимларнинг соғлигини сақлаб қолишга, қолаверса уларнинг саломатлигида иш билан алоқадор ҳолатда юзага келган муаммоларни ҳал этиш бўйича зарурий чора тадбирлар кўрилишини тақозо этади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масаласида энг муҳим жиҳатлардан бири бу меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат ўрнатишдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат қилувчи махсус давлат органлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза

қилиш вазирлигининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, “Ўздавэнегронзорат” инспекцияси, “Ўсанэпидемназорат” идораларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги (янги тахрирдаги) қонуни 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунлар (жумладан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар)нинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Вазирликлар, идоралар ва ижро ҳокимияти органлари ўзиг бўйсунувчи ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига риоя қилиниши устидан ички идоравий давлат назоратини амалга оширадилар. Касаба уюшмалари меҳнатни ҳуқуқ ва техника бўйича инспекторлари билан ҳамкорликда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнатни муҳофаза қилишга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширадилар. Уйлашимизча, меҳнатни муҳофаза қилишда назорат функциясининг кенг қўлланилиши ишлаб чиқариш соҳаларининг барча жабҳаларида кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг бир қатор қонунсизликларсодир этилишининг олдини олади. Айрим корхоналарда жойларда ишлаётган ишчи ходимларнинг қулай техник хавфсиз шарт-шароитларда ишламаётганлиги; ишчи ходимларнинг махсус хизмат формаси ва иш ускуналари билан етарли таъминланмаганлиги; корхона ташкилотларда меҳнат қилаётган шахсларнинг ўз вақтида ойлик маош билан таъминланмаётганлиги шулар жумласидандир. Назорат – меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришдаги муҳим функция бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иш жойлари ҳолати ва уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги;
- меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қарорлар, норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари ва қоидаларига риоя қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришга оид вазифаларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри текшириш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга оид буйрқ, фармойиш, кўрсатмалар, ялпи, жорий ва тезкор режалардаги тадбирларни бажариш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағлар харажатларининг тўғрилиги. [4].

Юқорида қайд этилган фикрларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, меҳнат муҳофазасини ташкил этишда миллий ва халқаро меҳнат қонунчилиги ҳамда давлат стандартларига риоя қилинса, соҳада мажбурий давлат назоратининг олиб борилишлиги кафолатланса бир томондан орттирма касбий касалликларнинг олди олинган, иккинчи бир томондан эса, аҳоли орасида орттирилган ногиронликни олди олинган бўлар эди. Якуний фикр сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш масаласида қуйидаги таклифларни келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

1. Барча корхоналарда бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолли вазиятларни ўрганувчи ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил қилиш;

2. Ногиронлиги бўлган шахслар ёки хомиладор аёллар ишлаётган корхоналарда шахсларнинг жисмоний ҳолатидан келиб чиққан ҳолда махсус шарт-

шароитларни яратиб бериш механизмини мукамаллаштириш;

3. Меҳнатни муҳофаза қилишда назорат ва жавобгарлик механизми янада такомиллаштириш;

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

3. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш йўлида. —Т.: “Ўзбекистон”, 2008. Т. 16. – 368 б.

4. Исрайлов Б.А., Атажанова Д.С. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма —Тошкент: —2012. – 120 б.

**А.Матмуратов,**  
ТДЮУ катта ўқитувчиси

### АДВОКАТ СТАЖЁРИ ВА УНИНГ СТАЖИРОВКА ЎТАШИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МУАММОЛИ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

**Аннотация:** мақолада адвокат стажёри ва унинг стажировка ўташ тартиби ва муддатлари хориж тажрибаси асосида таҳлил этилган. Олиб борилган илмий тадқиқот натижасида адвокат стажёри фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** адвокатура, адвокат мақоми, малака имтиҳони, адвокат мақомига эга бўлиш тартиби, адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахсининг стажировка ўташи.

**Аннотация:** в статье проанализированы деятельность стажера адвоката, порядок и сроки прохождения стажировки на основе зарубежного опыта. В результате проведенных исследований даны предложения по совершенствованию законодательства, регулирующего порядок организации деятельности стажера адвоката.

**Ключевые слова:** адвокатура, правовой статус адвоката, квалификационный экзамен, порядок приобретения статуса адвоката, стажировка претендентов на приобретение статуса адвоката.

**Annotation:** the article analyses the activities of the advocate's trainee, the procedure and terms of the internship on the basis of foreign experience. As a result of the studies carried out, proposals were made to improve the legislation regulating the procedure for organizing the activities of an intern advocate.

**Keywords:** advocacy, legal status of the counsel, qualification examination, Procedure for obtaining the status of counsel, internship of applicants for the status of counsel.

Ўзбекистон Республикасида адвокат стажёри, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унга қўйилган талаблар ҳамда адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги 349-И-сон, 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги 721-И-сон Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мқ-сон буйруғига асосан тасдиқланган “Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом (2009 йил 27 март, рўйхат рақами 1928)да белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги 349-И-сон Қонунининг 3<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахсга бир неча талаблар қўйилган бўлиб, улардан бири адвокат стажёри сифатида стажировка ўташи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида”ги ЎРҚ–497-сон қонунига кўра, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими сифатида, судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахс адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сон Фармонида сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилгани, суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилгани, шу билан бирга адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмгани, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган етти та омил санаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, адвокат ўзининг ҳимоя остидаги шахсининг ҳуқуқлари ва эркинларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат мақомини олгунгача бўлган босқич, яъни адвокат стажерининг адвокат мақомига эга бўлиши учун пухта тайёргарлик кўриши, унинг касбий билимларини ҳамда кўникмаларини ҳосил қилувчи стажировка ўташ тартибини такомиллаштириш лозим.

Стажировка давомида адвокат стажери томонидан касбга доир олинган амалий ва назарий билимлари ҳамда кўникмалари адвокат мақомини олгач ўзининг ҳимоя остидаги шахсининг ҳуқуқ ва эркинларини ишончли ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида чиқаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпчилиги адвокат стажери ва унинг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли, ҳозирги кунда миллий қонунчилигимизда адвокат стажери ва унинг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 8<sup>1</sup>-моддасида адвокат стажери бўлиши мумкин бўлган шахсга қўйилган талаблар белгиланган бўлиб, унга кўра олий юридик маълумотга эга бўлган шахс адвокатнинг стажери бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур Қонунда адвокат стажери бўлиш учун талаблар орасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши шартлиги, шунингдек Ўзбекистонда юридик мутахассисликни битирган ҳуқуқшунослар бошқа давлатларнинг фуқароси адвокат стажери бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида аниқ бир қоида баён қилинмаган.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс адвокатнинг стажери бўлиши мумкин эмас.

Айрим хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатдики, фақат қасддан жиноят содир этган шахсларнинг судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса, ўша шахс адвокатнинг стажери бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормалари мавжуд. Мазкур ҳолатни синчиклаб, тўла ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш лозим ва лозим топилса миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш лозим.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонунига стажировканинг энг кам ва энг кўп муддати кўрсатиб ўтилмаган. МДХ давлатларининг қонунчилигида эса адвокат стажерининг стажировка муддати энг кам ва энг кўп муддати аниқ кўрсатиб ўтилган.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни 8<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида Камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажерга эга бўлишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу қоида бўйича икки хил тушуниш мумкин.

*Биринчи ҳолат:* Камида уч йиллик адвокатлик фаолияти билан шуғилланган адвокат стажерга эга бўлишга ҳақли.

*Иккинчи ҳолат:* Адвокат мақомини олгунга қадар мутахассислик бўйича тўплаган икки йиллик иш стажери олиш учун талаб қилинадиган камида уч йиллик иш стажига қўшилади деган фикр шаклланиб қолиши мумкин.

Шу сабабли, ҳар хил тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун қонунчиликда мазкур нормани аниқ ва ҳар хилда шарҳланадиган шаклда баён этиш лозим.

**Бешинчидан,** Стажировка якунлари бўйича стажировка давомида адвокат стажери томонидан касбга доир олинган амалий ва назарий билимлари ҳамда кўникмаларини синовдан ўтказиш юзасидан комиссия таркибига топширадиган имтиҳон жорий этиш лозим. Мазкур имтиҳон натижалари асосида комиссия кейинги босқич ҳисобланадиган малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки бермаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

**Олтинчидан,** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида стажировка ўтаб бўлганидан сўнг қанча муддат ичида (аниқ белгиланган муддат) малака имтиҳонини топшириш кераклиги, агар ушбу имтиҳонни қонунчиликда белгиланган муддатдан топширмаса умумий асосда такрорий стажировка ўташ тўғрисида қоидалар мавжуд эмас.

**Еттинчидан,** МДХ давлатлари қонунчилигида малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ёки топшира олмаган талабдорга стажировка ўташ давомида раҳбар бўлган адвокатга нисбатан рағбатлантириш ёки унинг икки йилгача стажер олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби баён этилган.

Мазкур қоида ни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилиши, бир томондан адвокат стажерига раҳбар бўлган адвокатларнинг масъулиятини оширади, иккинчи томондан адвокат

стажёрларининг стажировка ўташга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради.

Адвокат стажёри фаолияти билан боғлиқ юқорида санаб ўтилган муаммолар кўйида Ўзбекистон Республикаси ва МДХ давлатларининг адвокатурага оид қонун ҳужжатлари асосида таҳлил этилади.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 8<sup>1</sup>-моддасида адвокат стажёри бўлиши мумкин бўлган шахсга қўйилган талаблар белгиланган бўлиб, унга кўра олий юридик маълумотга эга бўлган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур Қонунда адвокат стажёри бўлиш учун талаблар орасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши шартлиги, шунингдек Ўзбекистонда юридик мутахассисликни битирган ҳуқуқшунослар бошқа давлатларнинг фуқароси адвокат стажёри бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида аниқ бир қоида баён қилинмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 8<sup>1</sup>-моддасида адвокат стажёри ва унга қўйилган талаблар баён қилинган бўлиб, унга кўра **олий юридик маълумотга** эга бўлган **шахс** адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мқ-сон буйруғига асосан тасдиқланган “Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомда белгиланишича, **олий юридик маълумотга** эга бўлган **Ўзбекистон Республикасининг фуқароси** стажёр бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида Олий таълим муассасалари чет эл фуқароларини қабул қилишни бошлади. Уларга дарс машғулотида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тузилган ўқув дастурларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Мазкур талабалар ОТМ ўқишга қабул қилдикми, бунинг мантиқий давоми сифатида уларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашиши бўйича зарур чораларни кўриш лозим. Хусусан, адвокат, адвокат стажёри ёки ёрдамчиси сифатида иш қабул қилиш асосий талаблардан бири сифатида қўйилган “Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши” талабини қонунчиликдан чиқариб ташлаш масаласини жиддий ўйлаб кўриш лозим.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин эмас.

Айрим хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатдики, фақат қасддан жиноят содир этган шахсларнинг судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса, ўша шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормалари мавжуд. Мазкур ҳолатни синчиклаб, тўла ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш лозим ва лозим топилса миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш лозим.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонунда стажировканинг энг кам ва энг кўп муддати кўрсатиб ўтилмаган. МДХ давлатларининг қонунчилигида эса адвокат

стажёрининг стажировка энг кам ва энг кўп муддати аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 3<sup>1</sup>-моддасида “Лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида уч ой муддат стажировка ўтаган бўлиши керак” деб баён қилинган. Аммо, ушбу Қонуннинг 8<sup>1</sup>-моддасида стажировка муддати ҳақида умуман маълумот берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мқ-сон буйруғига асосан тасдиқланган “Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра, стажировка камида уч ой давом этиши мумкин. Стажировканинг энг кўп муддати икки йил ҳисобланади.

**Тўринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 8<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида “Камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли.” эканлиги белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу қоида бўйича икки хил тушуниш мумкин.

*биринчи ҳолат:* камида уч йиллик адвокатлик фаолияти билан шуғилланган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли.

*иккинчи ҳолат:* Адвокат мақомини олгунга қадар мутахассислик бўйича тўплаган икки йиллик иш стажига олиш учун талаб қилинадиган камида уч йиллик иш стажига қўшилади деган фикр шаклланиб қолиши мумкин.

Шу сабабли, ҳар хил тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун қонунчиликда мазкур нормани аниқ ва ҳар хилда шарҳланадиган шаклда баён этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 8<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида “Камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли.” эканлиги белгиланган. Қонун нормалари ҳамма учун тушунарли ва аниқ баён қилинган бўлиши лозим.

Мазкур нормани икки хил таҳлил этиш мумкин, хусусан:

*биринчи ҳолат:* Камида уч йиллик адвокатлик фаолияти билан шуғилланган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли.

*иккинчи ҳолат:* Адвокат мақомини олгунга қадар мутахассислик бўйича тўплаган икки йиллик иш стажига олиш учун талаб қилинадиган камида уч йиллик иш стажига қўшилади деган фикр шаклланиб қолиши мумкин.

**Бешинчидан,** Стажировка яқунлари бўйича стажировка давомида адвокат стажёри томонидан касбга доир олинган амалий ва назарий билимлари ҳамда кўникмаларини синовдан ўтказиш юзасидан комиссия таркибига топширадиган имтиҳон жорий этиш лозим. Мазкур имтиҳон натижалари асосида комиссия кейинги босқич ҳисобланадиган малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки бермаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

**Олтинчидан,** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида стажировка ўтаб бўлганидан сўнг қанча муддат ичида (аниқ белгиланган муддат) малака имтиҳонини топшириш кераклиги, агар ушбу имтиҳонни қонунчиликда белгиланган муддат



топширмаса умумий асосда такрорий стажировка ўташ тўғрисида қоидалар мавжуд эмас.

**Еттинчидан**, МДХ давлатлари қонунчилигида малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ёки топшира олмаган талабгорга стажировка ўташ давомида раҳбар бўлган адвокатга нисбатан рағбатлантириш ёки унинг икки йилгача стажёр олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби баён этилган.

Қуйида хорижий мамлакатларда адвокат стажёри фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши баён қилинади.

**Россия Федерациясининг** 2002 йил 32 майдаги “Россия Федерациясида адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонун 5 боб ва 45 моддадан иборат бўлиб, тадқиқот ишига ушбу Қонуннинг 28-моддаси тааллуқли ҳисобланади.

Ушбу модда мазмунига кўра, беш йиллик иш стажига эга бўлган адвокат сатажёр олиш ҳуқуқига эга. Стажёр бўлиш учун талабгор шахсга олий юридик маълумотга эга бўлишининг ўзи кифоя эканлиги белгиланган.

Аммо, шуни эътиборга олиш керакки, қасддан содир этган жинояти учун судланганлиги тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар адвокат стажёри бўлиши мумкин эмас.

Стажировка ўташ муддати бир йилдан икки йилгача белгиланган.

Адвокатнинг стажёри ўз фаолиятини адвокат раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади. Стажёр адвокатлик фаолияти билан мустақил равишда шуғулланишга ҳақли эмас.

Адвокат стажёри адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокат стажёри ишга меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади [1].

М.С.Степашина, А.Б.Смушкин, В.Н.Барбаричларнинг фикрига кўра, “Беш йиллик адвокатлик иш тажрибасига эга бўлган адвокатнинг стажёрларга эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд” [2] деб айтиб ўтишган.

Россия Федерациясининг федератив қонунда адвокат стажёрини олиш учун беш йиллик иш стажига эга, балки адвокатлик фаолияти бўйича беш йиллик иш стажига ва малакага эга бўлишни талаб қилиниши белгиланган. Адвокатлик мақоми тўхтатилган вақт юқорида кўрсатилган беш йиллик муддатга кирмайди.

Адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланиш ва касбий билимларни ҳамда кўникмаларни ўзида ҳосил қилиш стажировканинг асосий мақсади ҳисобланади.

Бунинг учун эса қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- 1) олий юридик маълумотга эга бўлиши;
- 2) муомалага лаёқатли бўлиши;

3) қасддан содир этган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган бўлиши лозим.

Аввалроқ таъкидлаганимиздек, стажировкани ўташ адвокат стажёрининг адвокат бўлиши учун топширадиган малака имтиҳонига тайёргарлик кўриш ва адвокат стажёри мақомини олиш ҳисобланади. Шу сабабли Қонун тўғридан тўғри стажировка муддатини бир йилдан икки йилгача қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, қонунчиликка асосан адвокат мақомини олиш учун ва малака имтиҳонини топшириш

мақсадида камида икки йиллик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлишини белгиланган.

Стажировка энг кам муддати бир йил қилиб белгиланган.

Адвокат стажёри адвокат раҳбарлигида унинг алоҳида топшириқларини бажаради, шунингдек унинг мустақил адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Мисол учун, суриштирув, дастлабки тергов, суд инстанцияларида мустақил равишда иш юритишга ҳуқуқи йўқлиги қонунчиликда белгиланган.

Адвокат стажёри адвокатлик тузилмаси ходими сифатида мавжуд ҳужжатлар, иш ҳужжатлари, адвокатлик сирини ва адвокатлик этикаси қоидаларига риоя этиши лозим.

Адвокат стажёри бўлиши учун ариза билан адвокатлик тузилмасига мурожаат қилади. Ариза қаноатлантирилган бўлса у адвокат стажёри мақомини олади ҳамда унга стажировка муддати давомида адвокат-раҳбар тайинланади.

Адвокат стажёри бўлиш учун номзод адвокатлик тузилмасида аттестациядан ўтади.

Адвокат стажёри адвокатлик фирмасига низомда белгиланган ҳужжатларни тақдим қилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича адвокатлик тузилмаси адвокат стажёри сафига қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилади.

Адвокат стажёри адвокатлик тузилмаси билан меҳнат шартномаси асосида ўз фаолиятини олиб боради.

Адвокат стажёри билан муддатли шартнома тузилади ва унда стажёр билан келажақдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён қилинган бўлади.

Адвокат стажёрининг меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғурта адвокатлик тузилмаси томонидан амалга оширилади. Адвокат стажёри гувоҳномаси намунада белгиланган тартибда берилади.

Адвокатлик тузилмаларида адвокат стажёрининг иш ҳужжати алоҳида юритилади.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига асосан адвокат стажёри ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳисобланади.

Адвокат стажёри билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган асосларга кўра бекор қилиниши ҳам мумкин деб фикр билдиришган [2].

Адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларида адвокат стажёри мақомини алоҳида белгиланган. Адвокат стажёри жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиши мумкин [3].

Адвокат стажёри илмий иш, педагогик ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳуқуқ бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, адвокат стажёрининг стажировка ўташ муддатини узайтириш асосларини қонунчиликда белгилаш лозим.

Қозоғистон Республикасининг 2018 йил 5 июлдаги “Юридик ёрдам ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги ҚРҚ–176-VI Қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонун 4 бўлим, 7 боб, 98 моддадан иборат бўлиб, 38-моддаси адвокат стажёрига бағишланган.

Мазкур модданинг мазмуни шундан иборатки, адвокат ёрдамчи ва стажёрга эга бўлиши мумкин. Адвокат стажёри олий юридик маълумотга эга бўлган Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат стажёри бўлига талабгор шахс Қozoқистон Республикасининг 2018 йил 5 июлдаги “Юридик ёрдам ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 32-моддаси иккинчи бандида белгиланган талабларга жавоб берадиган ва стажировка ўташ истагини билдириб, адвокатлар ҳайъати президиумига Республика адвокатлар ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Адвокат стажёрларининг стажировка ўташ тўғрисидаги низомида келтириб ўтилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши лозим. Шундан сўнг, адвокатлар ҳайъати президиуми аризани ўрганиб чиқиш натижаси бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- стажировкага рухсат бериш тўғрисида;
- стажировкага рухсат беришни рад этиш тўғрисида.

Стажировка ўташга рухсат бериш тўғрисидаги ариза қабул қилинган вақтдан бошлаб беш иш куни ичида қарор қабул қилинади.

Адвокат стажёрларининг кўп миқдорда ишга қабул қилинганлигини сабаб сифатида кўрсатиб стажировка ўташга рухсат беришни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқаришга йўл қўйилмайди.

Стажировка адвокат сифатида камида беш йиллик тажрибага эга бўлган адвокатнинг раҳбарлиги остида амалга оширилади. Стажировка муддати олти ойдан бир йилгача давом этади.

Стажировка муддати юридик мутахассислик бўйича иш стажи ҳисобланади.

Адвокат стажировкаси стажировка ўташ давомида меҳнат шартномасига асосан адвокат ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилиниши мумкин.

Стажировка ўташ жойи адвокатлар ҳайъати президиуми ҳисобланганиб, Республика адвокатлар ҳайъати томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда ваколатли орган билан келишилган ҳолда Адвокат стажёрларининг стажировка ўташи тўғрисидаги низоми асосида амалга оширади.

Стажировка натижаси бўйича стажёр раҳбари томонидан хулоса тузилади ва адвокатлар ҳайъати президиумига тасдиқлаш учун юборилади.

Стажирока иш ҳужжатларини ўрганиш натижаси бўйича адвокатлар ҳайъати президиуми стажировкани ўташ тўғрисидаги хулосани тасдиқлаш ёки стажировкани ўташ тўғрисидаги хулосани тасдиқлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Стажировкани муваффақиятли яқунлаш тўғрисидаги хулоса адвокатлар ҳайъати президиуми томонидан тасдиқланган кундан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Стажировкани ўташ тўғрисидаги хулосани тасдиқлашни рад этиш ҳақидаги қарор асослаштирилган бўлиши ва Республика адвокатлар ҳайъатига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

Стажировка ўташдан ўтмаган шахс умумий асослар асосида яна стажировка ўташга рухсат этилади.

Қozoғистон Республикасининг “Судьялар мақоми ва суд тизими тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 34-моддаси 1-банди 1, 2, 3, 9, 10, ва 12 хатбошиларида назарда тутилган тартибда судьянинг ваколатлари тугатилган бўлса, у стажировка ўтамайди.

Адвокат стажёри адвокатлик фаолияти билан мустақил шуғулланишга ҳуқуқи йўқ.

Адвокатлар ҳайъати уставида стажировка вақтида бажарилган ишлар учун стажёрлар учун моддий рағбатлантирилиши мумкин [4].

Арманистон Республикасининг 2004 йил 14 декабрда “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонун 8 боб, 49 моддадан иборат бўлиб, 24-моддаси адвокат стажёри ва унга қўйилган талабларга бағишланган.

Беш ёки ундан ортқ муддат давомида ишлаган адвокат стажёр ёки стажёрларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

Адвокат стажёри бўлишга талабгор шахсга қўйилган талаблардан бири олий юридик маълумотга эга бўлиши ҳамда адвокатлар палатаси тузилмалари билан меҳнат шартномасини тузиши керак. Стажировка ўташ муддати бир йилган икки йилгача белгиланган.

Мазкур Қонуннинг 33-моддасида адвокатлик фаолиятини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга кўра:

- суднинг қарорига асосан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;
- қасддан содир этган жинояти учун судланган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд олиб ташланмаган шахслар.

Стажировка ўташ тартиби ва шартлари, шунингдек стажировка ўташни тугатиш адвокатлар палатаси кенгаши томонидан белгиланади.

Адвокат стажёри адвокатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган адвокатнинг алоҳида топшириқларини адвокат раҳбарлигида амалга оширади. Адвокат стажёри адвокатлик фаолияти билан мустақил равишда шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Адвокат стажёри адвокатлик сирини ошкор этиши мумкин эмас, Арманистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятлари тайёрланаётганлиги ҳақида хабар бермаслик ҳолати бундан мустасно.

Адвокатнинг стажёри ушбу адвокат ишлайдиган ташкилотда ишлаш учун қабул қилинади ёки яқка тартибдаги тадбиркор бўлган адвокат билан меҳнат шартномаси тузади.

Адвокат стажёрининг шахси адвокат стажёри гувоҳномаси билан тасдиқланади. Ушбу гувоҳнома шакли ва уни бериш тартиби адвокатлар палатаси кенгаши билан тасдиқланади [5].

Беларусь Республикасининг 2011 йил 30 декабрда “Беларусь Республикасида адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонун 8 боб, 55 моддадан иборат бўлиб, 10-моддаси адвокат стажёрига бағишланган.

Адвокатлик фаолияти билан яқка тартибда туғилланаётган адвокатлик бюроси ёхуд адвокат, ҳудудий адвокатлар ҳайъати хулосасига кўра, адвокат стажёри муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъати хулосаси асосида тузилган меҳнат шартномасида стажировка ўтаб бўлганидан сўнг адвокат стажёрининг мажбуриятлари кўрсатилиши ва лицензия олгани кейин икки йил давомида юридик маслаҳат бериш мажбурияти тузилган шартномада кўрсатилиши мумкин.

Камида беш йил бўлиб ишлаган адвокат адвокат стажёрини олиши мумкин. Адвокат стажёри адвокат раҳбарлигида стажировкани ўтади. Стажёр адвокат

ёрдамчиси ва меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

Адвокат бир вақтнинг ўзида фақат битта адвокат стажёри олиш ҳуқуқига эга.

Агарда адвокат стажёри стажировка ўташда раҳбар бўлган адвокатдан ижобий хулоса олган, аммо малака имтиҳонини топшира олмаса, ушбу адвокат адвокатлар ҳайъати худудий кенгаши томонидан қабул қилинган қарор асосида икки йилгача стажёр олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Адвокат стажёри адвокатлик сирини сақлаши шарт.

Стажировкани ўташ тартиби Беларусь Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади [6].

Грузия Республикасининг 2001 йил 20 июндаги “Адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Мазкур Қонун 10 боб, 46 моддадан иборат бўлиб, 16-моддаси адвокат стажёрига бағишланган.

Грузия қонунчилигига кўра адвокат стажёри бўлиш учун “Адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни 10-моддаси 1-банди “б” кичик бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган шахс адвокат стажёри ёки адвокатлик бюросига ариза билан мурожаат қилиши лозим.

“Адвокатлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни 10-моддаси адвокат бўлишга қўйилган талаблар баён қилинган бўлиб, унинг 1-банди, “б” кичик бандида Қоидаларга мувофиқ малака имтиҳонини амалдаги қонунда ўрнатилган тартибда топширган ёки судьялар (прокуратура) учун малака имтиҳонини топширган бўлса деб белгиланган.

Шундан сўнгра, адвокат ёки адвокатлик бюроси томонидан стажировкани ўташ ҳақида қабул қилинган қарор тўғрисида адвокатлар ассоциациясини беш кундан кечиктирмай хабардор этиши лозим.

Стажировка муддати умумий иш стаж ва профессионал фаолият стажига киритилган.

Грузия қонунчилигига мувофиқ адвокат стажёри адвокат ўз ваколатларини тегишли адвокатларнинг кўрсатмалари асосида амалга оширади.

Адвокат стажёри ўзининг профессионал фаолиятини амалга ошириши жараёнида ўзига маълум бўлиб қолган ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмас [7].

Туркменистон Республикасининг 2010 йил 1 июлда кучга кирган “Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги қонуни 6 боб, 48 моддадан иборат бўлиб, 12-моддаси адвокат стажёрига бағишланган.

Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисмига асосан адвокат стажёрига қўйилган талаблар кўрсатиб ўтилган:

- олий юридик маълумотга эга бўлиши;
- Туркменистон фуқароси бўлиши;
- Туркменистонда доимий яшаётган бўлиши лозим.

Адвокат стажёрининг стажировка муддати олти ойдан бир йилгачани ташкил қилади. Бунга асос сифатида адвокатлар ҳайъати президиуми қарори ҳисобланади. Адвокат стажёрига раҳбарликни амалга ошираётган адвокатнинг адвокатлик фаолияти камида беш йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Адвокат стажёри адвокатлик фаолияти билан мустақил шуғилланиши мумкин эмас ва у адвокатлик сирини сақлаши шарт.

Стажировкани ўташ вақти юридик мутахассислик бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Стажировка ўташ тартиби ва шартлари Туркменистон адвокатлар конференцияси томонидан белгиланади [8].

**Украина Республикасининг** адвокатура тўғрисида қонунининг 10-моддаси адвокат стажёри ва стажирока ўташга бағишланган.

Стажировка адвокат бўлишга талабгор шахснинг малака имтиҳонини топшириб, гувоҳнома олиши ҳамда адвокатлик фаолияти билан мустақил шуғиллана олишини текшириш учун ўтказилади. Стажировка туман адвокатлар кенгаши адвокати раҳбарлигида олти ой давомида амалга оширилади [9].

Малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлган шахс адвокат стажёри ҳисобланади.

Стажировка адвокат стажёри томонидан асосий иш жойидан бўш вақтида амалга оширилади.

Адвокат стажёрига раҳбар, албатта, камида беш йиллик адвокатлик фаолияти билан шуғулланган Украина Республикасидаги адвокати бўлиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида битта адвокатда уч нафардан ортиқ стажёр стажировка ўташи мумкин эмас.

Туман адвокатлар кенгаши адвокатлар сонидан келиб чиққан ҳолда стажировка раҳбарини тайинлайди. Раҳбар стажировка ўтаётган худуддан бўлиши лозим.

Стажировкани ўташ тартиби, стажировканинг дастур ва услубларини баҳолаш Украина адвокатлар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Охирги икки йил давомида бир йилдан кам бўлмаган муддат адвокат ёрдамчиси бўлиб ишлаган шахс, агарда малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни сўраб ариза билан мурожаат қилса, стажировка ўташдан озод қилинади.

Стажировка натижалари бўйича стажировка раҳбари томонидан стажировкани баҳолаш бўйича ҳисобот тузади ва уни туман адвокатлар кенгашига юборади.

Стажировка натижалари туман адвокатлар кенгаши томонидан ҳисоботларни олган кундан бошлаб ўттиз кун давомида баҳолаши керак.

Туман адвокатлар кенгаши томони стажировка натижалари баҳоланганидан сўнг қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) адвокатлик фаолияти билан шуғилланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш тўғрисида;
- 2) стажировка ўташни бир ойдан уч ойгача муддатгача давом эттириш тўғрисида.

Адвокат стажёри ва унинг стажировка раҳбарини қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб уч кун ичида ёзма тарзда хабардор қилиниши лозим.

Стажировкани узайтириш тўғрисидаги туман адвокатлар кенгаши қарори устидан адвокат стажёри ёки стажировка раҳбари томонидан қарорни қабул қилиб олган вақтдан бошлаб ўттиз кун давомида Украина Адвокатлар Кенгаши ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

Украина Адвокатлар Кенгаши ёки суд берилган шикоятни қаноатлантиришни рад қилиб, қабул қилинган қарорни ўзгартиришсиз қолдиради ёки адвокатлар кенгашига адвокатлик фаолияти билан шуғилланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш мажбуриятини юклайди [10].

**Тадқиқот натижаси юзасидан қуйидагича хулоса келиш мумкин:**

1. Адвокат стажёрига тайинланган адвокат-раҳбарга мотивация бўлиши учун уни рағбатлантириш

ёки унинг масъулиятини ошириш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Биринчиси: Адвокат стажёри стажировкани ўтаганидан сўнг малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтса стажёрнинг адвокат-раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси қарорига мувофиқ бир марталик моддий рағбатлантирилади.

Иккинчиси: Адвокат стажёри стажировкани муваффақиятли ўтаганидан сўнг малака имтиҳонидан ўта олмаса стажёрнинг адвокат-раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси қарорига мувофиқ икки йил давомида стажёр олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси адвокатнинг ваколатлари деб номланган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси “53-моддаси. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деган сўзлари “53-моддаси. Ҳимоячининг ваколатлари” деган сўзлар билан алмаштириш лозим.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги 349-1-сонли Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши таклиф этилмоқда:

1) 6-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилмоқда:

*“Адвокат бир вақтнинг ўзида кўпи билан уч нафар стажёрга эга бўлиши мумкин.”*

2) 8<sup>1</sup>-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилмоқда:

*“Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб, камида беш йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли.*

Олий юридик маълумотга эга бўлган *Ўзбекистон Республикаси фуқароси* адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин эмас.

Стажировка адвокатлик тузилмасида ўталади. *Стажировка муддати уч ойдан икки йилгача давом этиши мумкин.* Адвокатнинг стажёри ўз фаолиятини адвокат раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади. Стажёр адвокатлик фаолияти билан мустақил равишда шуғулланишга ҳақли эмас.

Адвокат стажёрининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

*Стажировкани муваффақиятли ўтаб чиққан адвокат стажёрлари стажировка муддати тамомланган вақтдан бошлаб икки йил ичида адвокат мақомини олиш учун малака имтиҳонини топшириши мумкин. Агарда ушбу муддат ўтказиб юборилса, у умумий асосларда яна стажировкани ўташи керак.*

*Агарда адвокат стажёри стажировка раҳбари бўлган адвокатдан ижобий хулоса олган, аммо малака имтиҳонини топшира олмаса, ушбу адвокат адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси малака комиссиялари томонидан қабул қилинган қарор асосида икки йилгача стажёр олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин”.*

4. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда:

115-модданинг биринчи қисми 2-банди “ҳимоячини” деган сўздан кейин “адвокат стажёри ва ёрдамчисини” деган сўзлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_36945/687e241a016c6f0e9b7d70595a06052dcff5a769/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_36945/687e241a016c6f0e9b7d70595a06052dcff5a769/)
2. Степашин М.С. под ред. Смушкина А.Б., Барбарича В.Н., ст. 28, «Комментарий к Федеральному закону от 31 мая 2002 года N 63-ФЗ «Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации».
3. <https://lexguide.ru/advokatura/status-advokata-organy-advokatury-advokatura/pomoshchnik-advokata-stazher-advokata-ponyatie-status-osobennosti-trudovyykh-otnoshenij.html>
4. [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=33024087#pos=3;-245](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=33024087#pos=3;-245).
5. <http://www.eurasian-advocacy.ru/respublika-armeniya/610-zakon-respubliki-armeniya-ot-13-yanvaryaya-2005-goda-ho-29-ob-advokature>.
6. <http://www.rka.by/content/zakon-respubliki-belarus>
7. <http://www.eurasian-advocacy.ru/gruziya/608-zakon-gruzii-ob-advokatskoj-deyatelnosti>
8. <http://www.eurasian-advocacy.ru/turkmenistan/616-zakon-turkmenistana-ob-advokature-i-advokatskoj-deyatelnosti-v-turkmenistane>
9. <http://pravoved.in.ua/section-law/128-zuoa.html>
10. <https://polupanova.com.ua/about/zakon.html>.

**Х.М.Абзалова,**

и.о. доцента кафедры “Уголовное право и криминология” ТГЮУ, к.ю.н.

## УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОБЪЕКТА ЭВТАНАЗИИ И УБИЙСТВА

**Аннотация:** в данной статье были проанализированы вопросы уголовно-правовой характеристики и юридического анализа объекта эвтаназии в качестве общественно опасного деяния, были даны выводы и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** преступление, убийство, субъект, жизнь, умысел, больной, сострадание.

**Аннотация:** мазкур мақолада ижтимоий хавфли қилмиш сифатида эвтаназия объектнинг жиноят-хуқуқий тавсифи ва юридик таҳлили масалалари таҳлил этилган, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, одам ўлдириш, субъект, ҳаёт, қасд, касал шахс, раҳм-шафқат.

**Annotation:** this article analyzed the issues of criminal legal characteristics and legal analysis of the object of euthanasia as a socially dangerous act, gave conclusions and recommendations for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** crime, murder, subject, life, intent, sick, compassion.

В уголовном праве зарубежных стран проблема эвтаназии достаточно часто рассматривается с позиции более широкого понятия, а именно, с согласия потерпевшего на причинение вреда. Уголовное право стран СНГ прежде всего исходит из того, что такое согласие не должно рассматриваться в качестве обстоятельства, исключающего преступность деяния. В начале 90-х годов XX века и при подготовке проекта Модельного Уголовного кодекса отдельные ученые выразили мнение о необходимости выделения убийства по просьбе потерпевшего в отдельный привилегированный состав [8,123-с]. Вместе с тем, сегодня позиция относительно эвтаназии осталась прежней и однозначной: это убийство - умышленное, неправомерное лишение жизни другого человека. Мотив сострадания, который не указан в перечне смягчающих обстоятельств, предусмотренных УК Республики Узбекистан[1], может быть учтён только при назначении наказания виновному лицу, но не при квалификации деяния. Эвтаназию по-прежнему необходимо квалифицировать по части первой статьи 97 УК Республики Узбекистан, то есть как простое убийство, или по смежным составам преступлений.

Таким образом, вопрос об индивидуализации и смягчении наказания в случае эвтаназии до настоящего времени остается актуальным и не решенным. Сложность заключается как в трудностях установления (выделения) самого состава преступления (речь идет об эвтаназии), так и понимании ее сущности и основного мотива в виде сострадания и применимости его к убийству. Ведь само слово «сострадание» означает сочувствие чужому страданию, участие, возмущаемое горем, несчастьем другого человека, участие в чужих боли и страдании [3, 45-с]. Это морально-

нравственная категория, и она носит в немалой степени оценочный характер, которой не придается доминирующего значения при оценке всех обстоятельств дела при квалификации таких убийств. Хотя при убийстве безнадежно больного, беспомощного человека, нуждающегося в постоянном уходе и внимании, тот, кто его совершает, зачастую руководствуется не совсем благородным мотивом избавления себя от переживаний, связанных с наблюдением за мучениями, и облегчением собственной жизни путем избавления от обузы [4, 66-с]. Это мотив мы неоднократно наблюдали, когда рассматривали древние культуры. Естественно такую ситуацию надо рассматривать как простое убийство.

Жизнь человека является высшей социальной ценностью, естественное неотъемлемое право на нее закреплено конституционными нормами. И простое убийство, и эвтаназия посягают на это право, однако между этими двумя деяниями при значительном сходстве существуют принципиальные различия [7, 45-с].

Характер преступления и его общественную опасность определяет объект посягательства, который в значительной степени определяет конструкцию конкретного состава преступления. Объект посягательства позволяет ограничить преступления, когда различную уголовно-правовую оценку получают составы преступления, совпадающие при этом, к примеру, по образу действия. Именно по степени защиты различных объектов уголовно-правовой охраны можно оценить систему приоритетов в уголовно-правовой политике и градуировать важность охраняемых государством благ.

В современной теории уголовного права выделена иерархия понятий родового, видового и непосредственного объектов преступления.

К родовому объекту убийства относятся общественные отношения, направленные на обеспечение безопасности личности, ее прав и свобод. Здесь следует рассмотреть представление о соотношении личности и человека. В структуру личности входят все признаки, характеризующие человека, в том числе и свойства организма (особенности конструкции тела, специфика нервных процессов и т.п.). При этом понятие личности определяется в первую очередь социальными свойствами. Личность человека возникает не в момент рождения, а формируется в процессе взаимодействия обществом путем обретения социального статуса, обучения, усвоения навыков и социальных ролей, то есть – в процессе социализации. При этом сущностью личности являются исключительно общественные отношения, созданная ими социальная основа.

Таким образом, личность как родовое понятие в объекте уголовно-правовой охраны – это определенный индивидуальностью, рассматриваемый единстве биологической и социальной сущности человек, как субъект общественных отношений, обладающий от рождения основными неотчуждаемыми правами и свободами, а также наделенный другими правами и свободами, охраняемыми уголовным законом. Отсюда следует, что посягательства на человеческую личность направлены на все ее проявления, а свойственные сущности любой личности психологические и биофизиологические признаки указывают на то, что родовым объектом эвтаназии является тот же круг общественных отношений, направленный в целом на обеспечение безопасности личности, ее прав и сво-

бод. Следовательно, родовой объект эвтанази́и совпадает с родовым объектом убийства.

Под видовым объектом убийства следует понимать общественные отношения, направленные на охрану жизни и здоровья. Понятие жизни определяется как «совокупность явлений, происходящих в организмах, особая форма существования материи». Здоровье – это обусловленное генетическими, социальными, в том числе экологическими и другими факторами состояние жизнедеятельности человеческого организма, обеспечивающее его существование в соответствии с естественными потребностями. Вместе с тем, при внешней схожести видового объекта убийства и эвтанази́и следует отметить, что эвтанази́я как разновидность убийства, являясь формально общественно опасным, противоправным, умышленным деянием, связанным с причинением смерти другому человеку, направлено одновременно на прекращение невыносимых страданий неизлечимо больного человека, чья смерть неизбежна.

Непосредственным объектом убийства, по мнению таких авторов как М.Х.Рустамбаев и Р.Кабулов, является жизнь человека. Они рассматривают право на жизнь как объективное право каждого человека, которому противостоит обязанность всех других лиц воздерживаться от посягательств на жизнь любого другого человека. Аналогично утверждает и Н.И.Коржанский, который указывает, что при убийстве объектом посягательства являются права лица, а не общественные отношения. Этот автор также понимает право на жизнь как непосредственный объект посягательства при убийстве [6, 78-с].

Поддерживая в определенной степени данное мнение, необходимо уточнить, что право на жизнь в качестве объекта преступления не может оцениваться качественно либо количественно. Именно это определяет принцип равенства правовой защиты жизни каждого человека, вне зависимости от социальной роли, возраста или состояния здоровья. Равноценность объекта преступления объясняет, почему при причинении смерти человеку, принятому за другого, ошибка в объекте посягательства не является существенной для квалификации. Наличие в Уголовном кодексе специальных норм, устанавливающих повышенную ответственность за посягательство на жизнь отдельных категорий лиц, не опровергает принцип равной защиты каждой человеческой жизни. Это связано с тем, что усиление ответственности вызвано не повышенной ценностью жизни каких-либо категорий потерпевших, а присутствием одновременно другого объекта посягательства [7, 99-с]. Таким образом, непосредственным объектом убийства являются общественные отношения, связанные с правом на жизнь.

Вместе с тем, согласно мнению ряда авторов, в человеке следует выделять от различать биологические и социальные стороны его существования и жизнедеятельности. В теории уголовного права эту идею поддерживал А.Ф. Кони, который считал, что «жизнь человека является двойкой – как жизнь физическая и как жизнь нравственно-разумная. Первая есть жизнь животного, вторая – жизнь человека по преимуществу. Она отличает человека от животного, возвышает его над ним и есть вообще жизнь сознательная» [5, 47-с]. С такой же позиции рассматривал проблему и Н.И.Коржинский, согласно которой биологическую сущность человека составляют физическое состояние, целостность и сохранение функциональности тела и внутренних органов, тогда как его социальные харак-

теристики – образование, вид деятельности, семейное и общественное положение, место жительства и работы – образуют его социальную сущность. Исходя из этого, формулировался вывод: «биологическое в человеке – это предмет преступления; социальное, его личность – объект» [6, 80-с].

Применительно к эвтанази́и право на жизнь в качестве непосредственного объекта преступления следует понимать с обеих этих сторон, то есть и как совокупность естественных физиологических процессов, и как охраняемую законом возможность существования личности обществе. С этой второй стороны она также как обычное убийство логически подчинена как родовому, так и общему объекту преступлений.

Однако при более детальном рассмотрении мы можем обнаружить различия. Убийство является противоправным актом, вызывающим в обществе однозначное осуждение. Причинами, ведущими к этому, являются определенные мотивы, цели и обстоятельства, сопутствующие большинству совершаемых убийств. В их числе движущие преступником, совершающим убийство, корыстные мотивы, негативные побуждения, совершение убийства однозначно против воли потерпевшего, поспраие его права и желания жить.

Что касается акта эвтанази́и, то он имеет формально техническое сходство с убийством, однако по мотивам, целям и обстоятельствам они различаются. Отличаются и последствия данного акта для общества. При этом, как уже отмечено, непосредственным объектом эвтанази́и является тоже жизнь, но испытывающего страдания, невыносимые муки неизлечимо больного человека, наступление смерти которого неизбежно. При этом само лишение жизни согласуется с волей потерпевшего, это его просьба и пожелание. Мотивом и определенным обстоятельством эвтанази́и может являться возникающая у родственников жалость, сострадание к близкому им человеку в связи с его страданиями.

По содержанию непосредственный объект эвтанази́и существенно отличается от объекта простого убийства, предусмотренного частью первой статьи 97 УК Республики Узбекистан. В качестве же аналога убийства, предусмотренного статьей 97 УК Республики Узбекистан, следует считать только принудительную эвтанази́ю, против воли личности. Также следует отметить, что не следует квалифицировать как акт эвтанази́и лишение жизни по просьбе лица, которое испытывает физические страдания, не вызванные течением смертельной болезни, поскольку подобные страдания могут быть следствием иного, обратимого болезненного состояния. Таким образом, непосредственным объектом эвтанази́и как убийства по мотиву сострадания, также, как и в случае убийства, является общественные отношения, непосредственно связанные с жизнью, но только неизлечимобольного человека, наступление смерти которого неизбежно. Дополнительным непосредственным объектом убийства, совершенного по просьбе потерпевшего, по мнению П.Константинова, является возможность человека находиться в живом состоянии. Но эту возможность можно рассматривать в качестве непосредственного объекта посягательства лишь в той степени и до того момента, насколько и пока ее обеспечение поддерживается обществом и государством. В случае, когда эта возможность исключается из круга обеспечиваемых благ, она автоматически перестает быть объектом преступления. Определение особенности непосред-

ственного объекта эвтаназию именно как возможности человека находиться в живом состоянии, облегчает его суть для понимания, а также позволяет более точно разглядеть сущность и характер как посягательства на него, так и причиняемого им общественно-опасного вреда [4, 37-с].

С учетом анализа точек зрения и аргументации высказанных дополнительных оснований, нами предлагается иная редакция данной уголовно-правовой нормы. Очевидно, что убийство по мотиву сострадания неизлечимо больного человека, испытывающего страдания, совершенное по его добровольной просьбе, должно быть выделено в отдельный привилегированный состав убийства, поскольку это деяние отличается по объективной и субъективной стороне и совершается при смягчающих обстоятельствах и должно наказываться более мягко, чем простое убийство.

Таким образом, мы приходим к следующим выводам:

Необходимо выделение эвтаназию в качестве самостоятельного привилегированного состава преступления, исходя из степени ее общественной опасности, особенностей причинно-следственных связей и механизма ее совершения. Это способствует реализации принципов справедливости и гуманизма, в соответствии с которыми наказание и иные меры уголовно-правового характера, применяемые к лицу, совершившему преступление, соответствовали характеру и степени общественной опасности преступления, обстоятельствам его совершения, личности виновного.

Особенности эвтаназию как разновидности убийства по мотиву сострадания заключаются в том, что объектом посягательства являются общественные отношения, непосредственно связанные с жизнью, но только неизлечимо больного человека, чья смерть неизбежна, основным мотивом является сострадание, целью является избавление неизлечимо больного человека от невыносимых физических страданий, вызванных имеющимся заболеванием.

Эвтаназия по ряду признаков совпадает с основным составом убийства (часть первая статьи 97 УК Республики Узбекистан). Вместе с тем эвтаназия обладает признаками, позволяющими отграничить ее от простого убийства. Эвтаназия выражается действием (бездействием) ненасильственного характера, направленного на причинение смерти неизлечимо больному человеку.

Мы также приходим к закономерному выводу о том, что до того периода времени, пока эвтаназия не будет разрешена законодательством Республики Узбекистан, необходимо ввести в Уголовный кодекс Республики Узбекистан норму, включающую привилегированный состав – убийство по мотиву сострадания (эвтаназия) в следующей редакции:

«Статья \_\_\_\_ . Убийство по мотиву сострадания (эвтаназия)

Умышленное лишение жизни неизлечимо больного человека по его добровольной просьбе, совершенное по мотиву сострадания с целью избавления от невыносимых физических страданий, вызванных имеющимся заболеванием, при отсутствии эффективных мер лечения, –

наказывается ограничением свободы на срок от одного года до трех лет либо лишением свободы на срок до трех лет.

То же деяние, совершенное лицом с использованием своего служебного положения, –

наказывается лишением свободы на срок до пяти лет с лишением определенного права».

#### Список литературы:

1. Уголовный кодекс Республики Узбекистан.
2. Закон Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан».
3. Курс уголовного права. Особенная часть / под ред. Г.Н.Борзенкова, В.С.Комиссарова. Т.3. –М.: Зерцало-М, 2012. – 782 с.
4. Константинов П. Объект убийства: проблемы теории и практики // Уголовное право. – 2005, № 2. – С. 36-38.
5. Кони А.Ф. О праве необходимой обороны. М.: Изд-во Остожье, 1996. – С. 47-48.
6. Коржанский Н.И. Объект и предмет уголовно-правовой охраны. М.: Изд-во Академии МВД РФ, 2010. – 190 с.
7. Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан. 2016. – 868 с.
8. Ткаченко В.И. Понятие и виды убийства. – Киров, 2001. – 320 с.

**Б.А.Мўминов,**

Судьялар олий мактаби ўқитувчиси, юридик  
фанлар бўйича фалсафа доктори

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД НАЗОРАТИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада ишни судга қадар юритиш жараёни устидан суд назоратини такомиллаштиришнинг халқаро тажрибаси қайд қилинган. Мулоҳазалар натижасида, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назорати инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати эканлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** жиноят процесси, хорижий тажриба, суд назорати, ишни судга қадар юритиш, такомиллаштириш.

**Аннотация:** в статье описываются международные стандарты судебного надзора над досудебным производством. По результатам рассуждений обоснована что судебный контроль в досудебном производстве является гарантом защиты прав человека.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, зарубежный опыт, судебный контроль, досудебное производство, усовершенствования.

**Annotation:** an article describes international standards of judicial control over prejudicial inquiry. By reasoning substantiated that judicial control on prejudicial inquiry is an effective tool in defense of human rights

**Keywords:** criminal procedure, international experience, judicial control, prejudicial inquiry, improvement.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъсосига айланиши, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон Республикасидаги суд-ҳуқуқ ислохотларига алоҳида эътибори, одил судловни амалга ошириш шу жумладан суд назоратини амалга ошириш бўйича халқаро стандартларни ўрганиш, мазкур тажрибанинг энг мукамал ва самарадор жиҳатларини қўллаш, имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида «Хабеас корпус» институтини қўллаш кўламини, жумладан судгача бўлган босқичда амалга ошириладиган процессуал қарорлар ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш институтини жорий этиш орқали кенгайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Конституцияси Муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликдан устун туришини тан олинади. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексига агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида қонунда назарда тутилган қоидалардан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидаларининг қўлланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга асосан, Ўзбекистон Конституцияси ва Жиноий-процессуал кодекси халқаро ҳуқуқни инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш давлат ички тизимининг манбаи деб тан олади, деган хулосага келиш мумкин [1; 13-с].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида “Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган

қоидалари ва нормаларига асосланиши” белгилаб қўйилган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган нормалари сифатида императив тусга эга ва халқаро ҳуқуқ барча субъектлари, хусусан давлатлар, томонидан олинган қоидалар тан олиними даркор [2; 66-б].

Аъзо, давлатлар инсон ҳуқуқларига тааллуқли мажбуриятлари ерга omnes мажбурияти тусини олиб, бу Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг розилик тусидан келиб чиқар экан, демак ҳар қандай давлат бошқа ҳар қандай давлат олдида пакт қоидаларини амалга оширишга мажбур [3].

Мажбуриятлар Вена конвенциясининг 26-моддасида ифодаланган *rasta sunt servanda* принципи асосида ҳурмат қилиниши керак. Бундай мажбуриятлар ҳокимиятни барча даража ва тармоқларда боғлаб, аъзо давлатлар ички қонунчилиқ қоидаларига ҳавола қилган ҳолда, ушбу шартномани бажаришдан бош тортишни оқлай олмайдилар [3].

Судга қадар юритишни бошланишида, кўпгина ҳолларда жиноят ҳақида аризасини қабул қилишни рад қилиш йўли билан жабрланувчининг ҳуқуқлари бузилиши, бошқа томондан гумон қилинувчининг айниқса ушлаб турилган гумон қилинувчининг ҳуқуқлари етарли даражада ҳимоя қилинмаганлиги пост-совет жиноят процессининг энг заиф нуқталаридан бири эканлиги умумэтироф этилган. Мазкур соҳадаги ислохотлар, суд назоратини аксарият ноошқора, шу жумладан тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси билан қамраб олинмаган тергов ҳаракатларига татбиқ қилишни ўз ичига олиши зарур [4].

Шуни таъкидлаш жоизки, суд назорати бўйича халқаро стандартлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига, яъни ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида қоидага асосланади. Бошқа халқаро ҳужжатлар мазкур қонунда янада кенгайтириб, айнан суд назоратининг предмети ва шакллари тўғрисида қоидаларни белгилаб берди.

Декларациянинг 8-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон унга конституция ёки ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1988 йил 9 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган ҳар қандай шаклда ушланган ёки қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш принципларининг 9 принципида шахсни қамоққа олган, ушлаган ёки унинг ишини тергов қилаётган ҳокимият вакиллари, фақат уларга берилган ваколатни амалга оширадиган ва ушбу ваколатларни амалга ошириш устидан суд ёки қонунда белгиланган бошқа органга шикоят қилиниши мумкин деб белгиланган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 4-моддасида қамоққа олиними ёки ҳибсда ушланиб туриши тўғрисида озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқиши ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган.

Пактнинг 14-моддаси 1-қисмида барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенглиги, ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчалари аниқланаётгани қонунга



мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очик ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари (БМТнинг 12 Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги еттинчи конгрессида қабул қилинган)да ҳар бир шахснинг иши ўрнатилган тартиб-тамомойилларни қўлловчи оддий судлар ёки трибуналларда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги кўрсатиб ўтилган.

Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига оид раҳбарий қоидалар (БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала тўғрисидаги саккизинчи конгрессида қабул қилинган)нинг 11-бандида одил судловни амалга оширувчи шахслар давлат вакили сифатида жиноят иши бўйича муҳомадада фаол иштирок этиб, терговнинг қонунийлиги ва суд қарори ижросини назорат қилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур ҳуқуқларни амалда таъминлашга қаратилган халқаро механизмлар ҳам мавжудлиги сабабли муайян давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимида суд назорати механизмларини мавжуд эмаслиги халқаро ташкилотлар томонидан қайд этилган ҳолатлар мавжуд. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир факультатив баённомага мувофиқ, (Ўзбекистон Республикаси мазкур баённомага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги “1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённомага қўшилиш ҳақида”ги қарорига асосан қўшилган) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Пактда алоҳида шахсларнинг баён қилинган бирор-бир ҳуқуқнинг бузилиши натижасида жабрланганлиги ҳақида хабарларини кўриб чиқиш ваколатига эга.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Филиппин фуқаролари Дженьювал М. Кагас, Уилсон Бьютин ва Хулио Астильеронинг шикояти юзасидан 2004 йил 23 октябрда қабул қилинган №788/1997-сонли қароридан тергов давомида айбланувчиларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги, унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлинганлиги ҳолати юзасидан судга берилган шикоят юзасидан, судья ҳеч қандай чора кўрмаганлиги қайд қилинган.

Худди шундай амалиётни Тринидад ва Тобаго фуқароси, ўлимга ҳукм қилинган Роле Кеннедининг иши бўйича 2002 йил 26 мартда қабул қилинган № 845/1998 қарорда ҳам кўришимиз мумкин [6].

Яъни, судга қадар иш юритuvi жараёнида мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи чекланишининг ўзи ҳам Пакт талабларини бузиш сифатида баҳоланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита 2007 йил 9-27 июлдаги умумий ҳарактердаги №32-сонли эътирозидан пактнинг 14-моддасида белгиланган одил судловга эришиш имкони барча ҳолларда қафолатланиши зарурлиги ва ҳеч бир шахс процессуал нуқтаи назардан одил судловни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслиги зарурлиги ҳақида қондан шарҳлар экан, шахснинг одил судловга эришишга қаратилган ҳаракати деюре ёки де факто амалга ошмаслиги мазкур моддада белгиланган қафолатларга зид эканлигини қайд қилган [7].

Халқаро жиноят судининг Рим статuti эса, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо чораси суднинг назорати остида ўталиши ҳақида қондан белгилаб берган. Яъни суд нафақат ишни судга қадар юритиш балки, жазони ижро этиш жараёнида ҳам назоратни амалга оширилиши ҳақида қондан мустаҳкамлаган.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенциясида суд назоратига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан Конвенциянинг 5-моддасида қамоққа олиниши натижасида озодликдан маҳрум қилинган ҳар бир шахс, қамоққа олинишининг қонунийлиги суд томонидан зудлик билан кўриб чиқилиши, агар унинг қамоққа олиниши суд томонидан ноқонуний деб топилган ҳолда озод қилиниши ҳуқуқига эгаллиги, 6-моддасида ҳар бир шахс унинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланаётган вақтда, унинг иши ошкора, оқилона муддатларда, қонунда белгиланган тартибда тузилган ҳолис ва беғараз суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Халқаро стандартлар қандай ҳолларда, одил судловга бўлган ҳуқуқлар чекланиши мумкинлигини ҳам белгилаб берган. Жумладан, Европа суди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси давлат бир шахс ёки шахслар гуруҳи ҳуқуқларини, улар томонидан бошқа шахслар ёки шахслар гуруҳи ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик мақсадида, чеклашга мажбур бўлиши мумкин. Агар давлат бундай чекловларни шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан қўлласа, у бу шахслар ҳуқуқлари бузилишини асослаб бериши учун, Европа конвенциясининг 17-моддасига ҳавола қилиши мумкин. Бироқ Европа суди ва Европа комиссияси бундай асослаб беришни чеклайди [5; 195-р].

Халқаро ҳужжатларда одил судловга эришиш ҳуқуқи айнан қандай ҳолларда ва шартларда чекланиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Жумладан, Одил судловнинг мустақиллиги ҳақида биринчи халқаро конференцияда қабул қилинган “Одил судловнинг мустақиллиги ҳақида декларацияда (Монреаль декларацияси 1983 йил) миллат ҳаётига хавф солувчи оғир фавқуллодда вазиятларда одил судловга эришишда айрим чекловларга йўл қўйилиши мумкинлиги, бироқ бунга фақат қонунда белгиланган ва халқаро минимал стандартларга мувофиқ бўлган ҳолатларда, кейинчалик суд назоратини амалга ошириш шarti билан йўл қўйилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган [8]. Шунингдек, мазкур декларацияда айблов қўйилмасдан маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг қонунийлиги habeas corpus ёки ўхшаш процедура воситасида текширилиши зарурлиги қайд қилинган.

Одил судловнинг мустақиллигининг халқаро стандартлари (MOUNT SCOPUS 2008 йил) га мувофиқ, маъмурий органларнинг қарорлари суд назорати объекти ҳисобланади [8].

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ишни судга қадар юритиш жараёнида суд назоратининг халқаро стандартларига мувофиқ, суд назорати ишни судга қадар юритувчи органлар ва манфаадор шахсларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари қонунийлиги ва асослигини текширишга қаратилган фаолият бўлиб, жиноят процессида суд назоратини кенгайтириш процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқларнинг ўз вақтида тиклашга хизмат қилади.

**Адабиётлар рўйхати**

1. Шейфер С.А. Следственные действия. Основания, процессуальный порядок и доказательственное значение. Самара, 2004. с.13
2. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар.-Т.,2006
3. Умумий тартибли мулоҳаза №31(80), 2004 йил 29 мартда қабул қилинган Пактга аъзо давлатларга нисбатан қўлланиладиган умумий ҳуқуқий мажбурият туси (2187 тўплам) 2-боб.
4. Предложения по концепции совершенствования системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан. file:///C:/Users/User/Desktop/Материал2/UNODC\_Crim\_Justice\_Uzb\_Background\_Paper\_June\_2018\_RU.pdf
5. J.Glimmerven and J.Hagenbeek v. the Netherlands(Nos. 8348/78 and 8406/78), Decision of 11 October 1979, ibid vol. 18 p.187, at pp 194-197
6. <https://www.ohchr.org/Documents/Publications/SDecisionsVol7ru.pdf>
7. <https://www.refworld.org/cgi-bin/texis/vtx/rwmain/opendocpdf.pdf?reldoc=y&docid=478b2b582>
8. <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2016/02/Montreal-Declaration.pdf>

**М.Т.Умматов,**  
преподаватель Академии МВД  
Республики Узбекистан

### **О ГАРАНТИЯХ СОБЛЮДЕНИЯ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА ПРИ ПРЕДЪЯВЛЕНИИ ЛИЦА ДЛЯ ОПОЗНАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ**

**Аннотация.** в статье рассматриваются особенности конституционных гарантий соблюдения прав человека при предъявлении лица для опознания в уголовном процессе, проводится правовой анализ процессуального порядка проведения опознания при расследовании преступлений.

**Ключевые слова:** уголовный процесс, опознание, предъявление для опознания, следственное действие, расследование, процессуальный порядок, права человека, конституционные гарантии.

**Аннотация.** мақолада жиноят процессида шахсни таниб олиш учун кўрсатишда инсон ҳуқуқларини конституциявий кафолатларга риоя этиш хусусиятлари кўрилиб, жиноятларни тергов қилишда таниб олишнинг процессуал тартиби ҳуқуқий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** жиноят процесси, таниб олиш, таниб олиш учун кўрсатиш, тергов харакати, тергов қилиш, процессуал тартиб, инсон ҳуқуқлари, конституциявий кафолатлари.

**Annotation:** in article features of the constitutional guarantees of observance of human rights are considered at a presentation of the person for an identification in criminal trial, the legal analysis of a remedial order of carrying out of an identification is carried out at investigation of crimes

**Keywords:** Criminal trial, identification, presentation for an identification, investigatory action, investigation, a remedial order, human rights, the constitutional guarantees

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев, указывая на приоритетные направления в деятельности ОВД отмечает, что сегодня вопросы, связанные с интересами человека должны решаться незамедлительно. Одной из проявлений последовательной политики государства по совершенствованию судебно-правовой системы страны, является задача реального обеспечения прав и законных интересов человека в уголовном процессе [3, 315-стр.].

В частности, Указ главы государства № УП-5005 «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан», предусматривает создания эффективных механизмов обеспечения законности, своевременного раскрытия, всестороннего, полного и объективного расследования преступлений.

Важнейшим условием обеспечения прав человека, вовлеченного в уголовно-процессуальные правоотношения является повышение эффективности деятельности правоохранительных органов в борьбе с преступностью, а также совершенствование процессуального порядка и криминалистической тактики производства следственных действий как основных доказательств в раскрытии и расследовании преступлений.

Одной из таких сфер деятельности, где соблюдение прав человека наиболее актуальны, является расследование преступлений. Непосредственными участниками уголовно-процессуальных отношений являются физические лица, которым следователем, дознавателем должны быть обеспечены конституционные гарантии прав и свобод граждан, что порождает требования об усилении законности при проведении следственных действий. В этом отношении, предъявление лица для опознания является тем самым действием, при производстве которого непосредственно затрагиваются права личности. При проведении указанного следственного действия могут быть добыты непосредственные доказательства причастности лица к совершению преступлению.

Необходимо знать, что отклонение от норм уголовно-процессуального законодательства приводит к осложнению процесса доказывания, так как результаты процесса опознания могут быть признаны недопустимыми на основании нарушения лица, предъявляемого для опознания.

Нормы уголовно-процессуального законодательства призваны обеспечить усиление конституционных гарантий прав лица, предъявляемого для опознания, включая право на неприкосновенность личности, что порождает требования об усилении законности при предъявлении для опознания в уголовном процессе. В этом отношении, предъявление для опознания являются тем самым следственным действием, при производстве которого приходится вторгаться в личную жизнь граждан.

Следует отметить, что предъявление для опознания – это процессуальное действие, осуществляемое в регламентированном уголовно-процессуальным законом порядке, состоящее в предъявлении лицом ответственным за расследование свидетелю, потерпевшему, подозреваемому или обвиняемому сходных объектов для решения вопроса о наличии или отсутствии тождества либо родовой (групповой) принадлежности с объектом, бывшим ранее предметом восприятия опознающего, о котором он сообщил на допросе.

Речь идет о специфической форме идентификации, осуществляемой путем мысленного сопоставления признаков предъявляемого объекта с образом, запечатлевшимся в памяти опознающего. Предъявление для опознания широко распространено в деятельности по раскрытию преступлений и проводится в случаях, когда необходимо выявление относимости к делу опознаваемого объекта.

Способность человека отождествлять материальные объекты путем сопоставления их признаков с теми, которые сохранились в памяти, многократно проверена психологическими экспериментами, подтверждена следственной практикой. Основой предъявления для опознания служат такие психические процессы, как восприятие, запоминание и воспроизведение, рассмотренные ранее применительно к тактике допроса. Специфика состоит в том, что первичное восприятие объекта при обстоятельствах, интересующих следствие, дополняется в ходе опознания повторным, осуществляемым в специально созданных условиях. В результате появляется возможность проверить устойчивость мысленного образа и достоверность признаков объекта, воспроизведенных на допросе.

Предъявление лица для опознания представляет собой сложное следственное действие, затрагивающее конституционные права личности, а любые разно-

чтения и различные толкования могут привести к существенным нарушениям прав граждан. В настоящее время предъявление для опознания является самостоятельным следственным действием и ему в УПК Республики Узбекистан выделена отдельная глава, где в ст. 127 УПК определяется порядок предъявления лица для опознания.

Для правильного понимания сущности рассматриваемого следственного действия приведем мнения ученых процессуалистов и криминалистов.

Многие юристы считают, что под предъявлением для опознания следует понимать следственное действие, состоящее в предъявлении следователем, дознавателем свидетелю, потерпевшему, подозреваемому, обвиняемому лица (его фотографии), трупа, предмета с целью установления его тождества с тем, о котором опознающий дал показания [2, 288-стр.].

Е.А. Зайцева высказывает мнение, что «предъявление для опознания заключается в предъявлении свидетелю, потерпевшему, подозреваемому или обвиняемому в предусмотренном законом порядке определенного объекта для того, чтобы они могли установить тождество или различие этого объекта с тем, который наблюдали ранее» [3, 320-стр.].

Г.П. Химичева же считает, что «идентифицируемыми объектами являются предъявляемые для опознания другие люди, имеющие аналогичный процессуальный статус ..., имеющие отличительные (идентификационные) признаки и особенности» [4, 299-стр.].

Л.Х. Ахмедова отмечает, что предъявление для опознания производится для проверки показаний участника уголовного процесса о каком-либо лице, когда требуется: 1) выяснить, относятся ли эти показания к конкретному лицу; 2) найти описанное в показаниях лицо среди известного дознавателю, следователю множества лиц [5, 361-стр.].

В свою очередь, А.В. Смирнов и К.Б. Калиновский также констатируют, что предъявление для опознания представляет собой следственное действие, имеющее своей целью отождествление лицом (свидетелем, потерпевшим, подозреваемым или обвиняемым) объекта – предмета или человека, – который оно могло воспринимать ранее. При этом идентификация (узнавание) происходит по мысленному образу, запечатленному в сознании опознающего лица [6, 417-418-стр.].

Предъявление для опознания, по определению А.П. Рыжакова, следственное действие, в результате которого следователь (дознаватель и др.) в присутствии понятых устанавливает тождество или различие опознаваемого с ранее наблюдавшимся лицом, предметом и т.п. Сведения, полученные в результате этого следственного действия, могут быть проверены путем допроса лиц, при нем присутствующих [7, 423-стр.].

Соглашаясь с выше изложенными мнениями, можно констатировать, что предъявление лица для опознания как разновидность процессуального порядка идентификации является самостоятельным следственным действием, заключающимся в установлении потерпевшим, свидетелем, подозреваемым или обвиняемым тождества наблюдавшего ранее человека или его отдельных признаков по мысленному образу. При этом должны быть неукоснительно, соблюдаться предусмотренные Конституцией гарантии.

Психологический процесс узнавания объекта по его мысленному образу, сохранившемуся в памяти, сам по себе не является характерным исключительно для данного следственного действия. Узнавание имеет

место при некоторых допросах, в ходе которых используется тактический прием «предъявление доказательств», а также при следственном осмотре, когда его участники делают заявления о характере и принадлежности обнаруженных объектов.

А.М. Зинин, А.А.Топорков отмечают, что принципиальным отличием предъявления для опознания от других следственных действий служит, прежде всего, то, что узнавание здесь главное, основа, тогда как для других оно – факультативный элемент. Кроме того, процесс узнавания при предъявлении для опознания введен в строгие процессуальные рамки, призванные обеспечить надежность получаемой информации. Для других следственных действий, где узнавание факультативно, специальных мер по его контролю не предусмотрено [8, 212-213-стр.].

Предъявление для опознания – сложное следственное действие, имеющее несколько видов, каждый из которых обладает специфическими особенностями. Вместе с тем теорией разработаны общие положения, приемы и правила, распространяющиеся на все его виды. Они охватывают подготовку, собственно предъявление для опознания, фиксацию полученных результатов и их оценку.

Для многих опознающих весьма трудна конкретизация признаков внешности человека, поскольку восприятие зачастую происходит непреднамеренно, кратковременно (например, ограбление на улице) и в затрудненных условиях (ночью, в туман и т.п.). Поэтому после фиксации в протоколе свободного рассказа допрашиваемого о внешнем облике человека, подлежащего опознанию, нужно уточнить особенности признака внешности и примет. Обычно приметы имеют средние показатели, но могут быть указаны и особые приметы, а именно татуировки, физиологические особенности внешности, шрамы, родимые пятна и др.

Предъявление для опознания, в том числе предъявление лица для опознания является одним из следственных способов получения доказательств в расследовании уголовного дела и при этом при его проведении затрагиваются права и свободы участников уголовного процесса. Своевременное, быстрое и эффективное предъявление для опознания, выполнение требований уголовно-процессуального законодательства, порядка производства и применения правильной криминалистической тактики способствует эффективному расследованию уголовного дела.

Вместе с тем, незаконное, неправомерное или несвоевременное предъявление для опознания наносят ущерб правам и законным интересам граждан, отстаивающим в уголовном процессе свои права, и осложняет процесс установления истины по уголовному делу. Поэтому проблемы, возникающие в связи с предъявлением для опознания, в значительной степени определяют актуальность и необходимость научного изучения их процессуального порядка и криминалистической тактики.

В частности, в ст. 125 УПК РУз указаны основания для опознания. Предъявление для опознания производится для проверки показаний свидетеля, потерпевшего, подозреваемого, обвиняемого или подсудимого о каком-либо лице или предмете, когда требуется выяснить, относятся ли эти показания к конкретному лицу или конкретному предмету. Ст. 126 УПК устанавливает требование, согласно которого опознающий предварительно должен быть допрошен о признаках, приметах, особенностях лица или предмета, подле-

жащего опознанию. А ст. 127 УПК определяет процессуальный порядок предъявления лица для опознания: «Лицо предъявляется для опознания в группе похожих по внешним признакам на него лиц, не причастных к расследуемому делу, в присутствии понятых. Общее число лиц, предъявленных для опознания, должно быть не менее трех.

До предъявления для опознания опознаваемому предлагается занять любое место в предъявляемой группе лиц.

Опознаваемый не должен явно выделяться среди других предъявленных для опознания лиц одеждой, стрижкой или иными признаками.

При невозможности предъявить лицо для опознания либо в целях обеспечения безопасности может быть использована его фотокарточка.

Фотокарточки в количестве не менее трех предъявляются для опознания прочно приклеенными к таблице, печатанными и пронумерованными, без обозначения фамилий и имен сфотографированных лиц.

После предъявления для опознания группы лиц или нескольких предметов опознающему предлагается указать лицо или предмет, о котором он ранее дал показания.

Если опознающий указал на одного из предъявленных лиц или на один из предметов, ему предлагается объяснить, по каким признакам и особенностям он узнал это лицо или этот предмет среди других предъявленных ему лиц или предметов.

Если опознающий заявит, что предъявленных для опознания лиц или предметов он раньше не видел, ему предлагается объяснить, чем отличается от них искомое лицо или искомый предмет (ст. 130 УПК РУз).

И, наконец, в ст. 131 УПК определяются условия закрепления факта предъявления для опознания. О предъявлении для опознания, произведенном на дознании или предварительном следствии, составляется протокол. Предъявление для опознания в судебном разбирательстве фиксируется в протоколе судебного заседания.

Предъявление для опознания человека проводится в случаях, когда опознающий с ним не знаком, но запомнил и может опознать; либо, когда он дает показания об одном из своих знакомых, но тот утверждает обратное, а также при необходимости установить личность человека, не имеющего документов или предъявившего такие, подлинность которых вызывает сомнения.

Таким образом, можно заключить, что при предъявлении лица для опознания как следственного действия вовлекаются различные участники, права которых затрагиваются и от того как они урегулированы в уголовно-процессуальном законе зависит их реальное обеспечение. Дальнейшее реформирование судебно-правовой системы оказывает положительное влияние соблюдение прав личности в уголовном процессе при проведении следственных действий, посредством которых собираются доказательства. В настоящее время возникает настоятельная необходимость в укреплении законности в деятельности органов государства ответственных за расследование уголовного дела. Последовательные реформы судебно-правовой системы позволяют совершенствовать процессуальный порядок проведения, а, следовательно, и криминалистической тактики предъявления для опознания.

## Список литературы:

1. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, 2017. – Б.315.
2. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под ред. В. П. Божьева. -М.: Спарк, 2000. – С.288.
3. Уголовный процесс: Учебник / Под ред. С.А. Колосовича, Е.А. Зайцевой. – ВА МВД России, 2002. – С. 320.
4. Уголовно-процессуальное право (Уголовный процесс): Учебник для вузов / Под ред. Г.П. Химичевой, О.В. Химичевой. – 3-е изд., перераб. и доп. – М., Закон и право, 2004. – С.299.
5. Уголовный процесс: (Общая часть): Учебник для студентов юридических вузов и факультетов (Под общ.ред. доц. Никифоровой Е.Н.) – Т. «Адолат», 2000. – 361с.
6. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / 2-е изд. Под общ.ред. А.В. Смирнова. –СПб.: Питер, 2006. – С.417-418.
7. Рыжаков А.П. Уголовный процесс: Учебник для вузов. – 3-е изд., перераб. – М.: Норма, 2004. –С.423.
8. Криминалистика: Учебник / Под ред. Е.П. Ищенко. – М.: Юристъ, 2000. – С.212-213.

Р.С.Алтиев,  
ТДЮУ катта ўқитувчиси

### ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада фирибгарликнинг олдини олиш, алдов ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни эгаллаш билан боғлиқ қилмиш содир этилишига йўл қўймаслик, фирибгар шахси масалалари статистик маълумотлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти орқали ёритилган, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** фирибгарлик, жиноят, олдини олиш, криминалогия, мулк, алдов, ишончни суиистеъмол қилиш, шахс.

**Аннотация:** в данной статье были освещены вопросы предупреждения мошенничества, недопущения совершения деяния, связанного с завладением чужим имуществом путем обмана или злоупотребления доверием, личности мошенника на основе статистических данных и правоприменительной практики, были разработаны соответствующие выводы и предложения.

**Ключевые слова:** мошенник, преступление, предупреждение, криминалогия, имущество, обман, злоупотребление доверием, лицо.

**Annotation:** this article covered the issues of fraud prevention, prevention of the act related to the acquisition of other people's property by deception or abuse of trust, the identity of the fraudster on the basis of statistical data and law enforcement practice, the relevant conclusions and proposals were developed.

**Key words:** fraudster, crime, prevention, criminology, property, deception, abuse of trust, person.

Ҳеч бир жамият кишиларсиз ҳамда мулксиз бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жамият асосида мулк ва мулк ҳуқуқи мавжуд бўлади. Демак, шахс ва мулк жамият асосини ташкил этадиган асосий элементлар, десак хато бўлмайди. Шахсни ва мулкни ҳимоя қилиш жиноят қонунининг устувор вазифаларидандир.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишнинг анча кўп тарқалганлиги ва унинг жамиятга кўп миқдорда зарар етказиши, унинг олдини олиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда фирибгарликнинг умумий динамикаси, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Ундан ташқари, ҳаёт кечириб учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, фуқароларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашувчи органларга масъулият юклайди. Зеро, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир” номли марузасида 2017 йилнинг 10 оyi мобайнида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга, шундан талончилик 16 – фоизга, босқинчилик – 19 фоизга, қотиллик – 21 фоизга,

товламачилик – 22 фоизга, безорилик – 34 фоизга камайишига эришилганлиги ва кўрилатган чораларга қарамасдан, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни кескин камайтиришга эришилмаётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай жиноятларнинг асосий сабаблари фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмасликка бориб тақалади. Оқибатда бу содда одамларнинг жиноят қурбони бўлишига олиб келмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раислигида 2017 йил 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида, давлатимиз раҳбари фирибгарлик жиноятчилигининг юқорилигига алоҳида эътибор қаратди.

Жиноятчилик 2017 йилда жиноятлар 2016 йилга нисбатан 16 фоизга, 2017 йил 6 ойида эса 39 фоизга камайган. Лекин қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилиқ ва фирибгарлик жиноятларининг сони юқорилигича қолганлиги таъкидланди.

Таҳлиллар натижасига кўра 2016 йилда фирибгарлик жинояти жами содир этилган жиноятларнинг 11,7 фоизини ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 13,1 фоизни ташкил қилган [7]. 2018 йил якуни бўйича республикада 6483 та фирибгарлик жинояти содир этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 32,78 фоизга камайган. 2018 йилда статистик кўрсаткичлар камайган бўлсада, фирибгарликнинг умумий жиноятдаги ҳиссаси 15,1 фоизни ташкил этмоқда. Фирибгарликнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри (1296 та ёки умумий жиноятчиликдаги нисбати 20 фоиз), Фарғона вилояти (840 та ёки умумий жиноятчиликдаги нисбати 13 фоиз), Самарқанд (632 та ёки умумий жиноятчиликдаги нисбати 9,7 фоиз) ва Тошкент вилояти (557 та ёки умумий жиноятчиликдаги нисбати 8,6 фоиз) ҳисобига тўғри келган. Энг ачинарлиси, 2018 йилда содир этилган фирибгарлик жиноятининг 7,4 фоиз (478 та)и фош этилмасдан қолган. Ушбу келтирилган статистик таҳлиллар фирибгарликка қарши самарали кураш чоралар дастурини ишлаб чиқиш лозимлигини, фирибгарликнинг кўпайишига шароит яратиб берувчи омилларни аниқлаб уларни бартараф этиш лозимлигини аниқлатади.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар, аввало, кенг жамоатчиликнинг иштироки билан 2018 йилда умумий жиноятчиликни 36 фоизга камайтиришга эришилди, 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади [2].

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 27 апрелда бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида таъкидланишича, 2019 йилнинг уч ойи давомида республика ҳудудида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан барча жиноятлар 31,6 фоизга, жиноят-қидирув йўналишида содир этилган жиноятлар 40,8 фоизга камайишига эришилди. Шунингдек, 78 фоиз маҳаллада умуман жиноят содир этилишига йўл кўйилмади [10].

Бундан ташқари, ушбу соҳада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жиноятчиликка қарши курашиш ва

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш” каби вазифалар белгиланди [3].

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асослари яратилди ва такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4075-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2833-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссия тўғрисида”ги низом, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби”, “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги низом, “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия таркиби”, “Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисида”ги низом, “Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3919-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–3528-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3786-сон қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш чиқариш тартиби тўғрисида”ги

низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 мартдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низоми, тегишли вазирликларнинг 2014 йил 4 ноябрдаги 5-сон қўшма қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома қабул қилинди. Шунга қарамайдан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш тизими ва механизмларида бир-қатор ташкилий ва ҳуқуқий муаммоларнинг мавжудлиги, ушбу масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида илмий изланиш олиб бориш ва тегишли тавсия ва хулосаларни ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблиги ва аҳамиятини ташкил этади.

Юқорида келтирилган қонун ҳужжатларида умумий профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу қонун ҳужжатлари асосида фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлигини билдиради.

Фирибгарлик жиноятларининг олдини олишдаги асосий йўналиш умумижтимоий миқёсдаги иқтисодийнинг бир маромда ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, иқтисодий самара ва ижтимоий адолатни мувофиқлаштириш, халқнинг маънавий анъаналарини юзага чиқариш ва ривожлантириш каби тадбирлар билан узвийдир [8; 26-б.].

Шу сабабли фирибгарлик жиноятини олдини олишда махсус профилактика чораларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Фирибгарлик жиноятининг мулкий муносабатлар билан узвий боғлиқлиги, уни содир этишнинг усуллари ва турларининг ранг-баранглиги сабабли, фирибгарликнинг олдини олишда махсус чораларни тўғри танлаш ва қўллашни тақозо этади. Фанда махсус чора-тадбирлар сифатида жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилишга қаратилган профилактик тадбирлар тушунилиши кўрсатилган.

Махсус профилактика тадбирлари доирасида ахборот-тарбиявий ва виктимологик чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- фирибгарлик жиноятларининг таркиби, динамикаси ва географиясини криминалогик таҳлил этиш ҳамда олинган натижалардан уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришда фойдаланишни йўлга қўйиш;

- айрим тоифадаги шахсларнинг фирибгарлик жиноятларини содир этилаётгани ҳусусида аҳолини огоҳ этишни йўлга қўйиш, ижтимоий тармоқларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида фирибгарлик жиноятлари, уларни содир этилиш усуллари ва фирибгарликни касб этиб олган шахслар ҳақида мунтазам хабарлар бериб бориш;

- фирибгарлар таъвоузидан сақланиш учун аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар, тарғиботлар бериб бориш, ишонч телефонлари ҳамда фирибгарликдан жабр кўрганларга хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

- ўзларига маълум бўлиб қолган фирибгарлик ҳолатлари юзасидан фуқаролар,

- адбиркорлар, корхона, муассаса ва бошқа тузилмаларнинг раҳбарларини фирибгарлар билан тўқнаш келиш ҳолатлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш тўғрисида хабардор қилиб бориш, мурожаат қилишнинг соддалаштирилган тартибини йўлга қўйиш;

- “Ёшлар иттифоқи” ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида фирибгарлик ҳолатларининг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини йўлга қўйиш;

- фирибгарлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахсларга мунтазам таъсир кўрсатиш ва уларни тўғри йўлга солиш (профилактик суҳбатлар ўтказиш, иш ва ўқиш жойларида хулқини назорат қилишни ташкил этиш ва зарур ҳолларда бошқа машғулотлар билан бандлигини таъминлаш).

Фирибгарлик жиноятлари усуллари ва турларининг кўпчилиги, замонавий усулларнинг қўлланилиши, жиноятчи шахсининг мослашувчанлиги ва профессионаллиги бу турдаги жиноятларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўшимча қийинчиликлар яратмоқда. Жамиятнинг барча соҳаларида фирибгарлик жиноятининг содир этилиши, кенг тарқалганлиги бу турдаги жиноятларнинг криминалогик тавсифини ўрганишни тақозо этади. Фирибгарлик жинояти сабаби, шарт-шароитлари ва фирибгар шахсини ўрганиш жиноятни тез очилишига кўмак бериш бир вақтда жиноят содир этилишини олдини олишга хизмат қилади.

Фирибгарлик жиноят содир этилишида кўп қўлланиладиган алдов усуллари қуйидагилар:

- фирибгар ўзини жабрланувчининг муаммосини ҳал қилишга ваколатли бўлган шахс сифатида танитади, жабрланувчи ишончига киради;

- фирибгар бирор предметни (масалан, товар) бошқа сифати юқори бўлган товар сифатида ўтказишга ҳаракат қилади;

- фирибгар олдиндан ҳақини тўламаслик мақсадида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришда, бунда жабрланувчи учун қулай ва фойдали таклиф киритиш орқали, битимни қонунийлаштирамайди;

- фирибгар жабрланувчига ҳақиқатда мавжуд бўлмаган фактларни маълум қилиш йўли орқали мулкни қўлга киритади (масалан ҳомийлик, эҳсон ва бошқалар);

- зарарли компьютер дастурлари орқали электрон савдода иштирокчининг пул маблағларини тасарруф этиш учун зарур бўлган реквизитларни қўлга киритади;

- фирибгар компьютер тармоқлари орқали лоторея ёки бошқа турдаги ўйинларда жабрланувчи ютуққа эришгани тўғрисида спам жўнатиш орқали, ушбу ютуқни қўлга киритиш учун банк реквизитларини маълум қилишни ҳамда хисоб рақамини муайян сўммага тўлдиришни сўрайди;

- фирибгар ваколатли мансабдор шахслар орқали жабрланувчи муаммоларини ҳал қилиб беришни ваъда қилиб, уни ишончига киради ва бошқалар.

Юқорида келтирилган алдов усуллари тугал бўлмай унинг замонавий усуллари кундан кунга кўпайиб бормоқда. Энг ёмони шундаки, интернет фирибгарлиги бўлиб, интернет фирибгарлигининг хавфлилиги унинг чегара танламаслигидадир. Яъни дунёнинг исталган жойидан туриб бошқа интернет фойдаланувчисини алдаш орқали унинг мол-мулкни талон-торож қилиш мумкин. Бунда қилмиш бир ёки бир

неча давлат юрисдикциясига тааллуқли бўлади. Аксарият ҳолатларда бундай жиноятлар латентлигича қолади.

Фирибгарлик жиноятининг криминалогик тавсифини таҳлил қилганда жиноятчи шахси муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчи шахсини ўрганиш жиноятга сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлашга кўмаклашади.

“Жиноятчи шахси” тушунчаси инсон шахси ва жиноят субъекти ўртасидаги тушунча бўлиб, жиноятчи шахсида аниқ бир жиноятни содир этган шахс тушунилади. Бунда инсон шахси жуда кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлади. Жиноят субъекти эса жиноят ҳуқуқида белгиланган талабларга жавоб берадиган (ақли расолик, ёш, жисмоний шахс) жиноят таркибининг элементидир. Жиноятчи шахси эса аниқ шароитларда, маълум ижтимоий жараёнда, руҳий ҳолатда ЖК махсус қисмида келтирилган қилмишни бажарган шахсдир.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахснинг криминалогик тавсифи бошқа турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг криминалогик тавсифидан фарқланади. Фирибгарлик жиноятини содир этган шахс киришимли, ҳар қандай ҳолатга тез мослашувчан, ташқи кўринишидан ишончли чақирувчи ҳар доим тоза-озода кийинувчи, диний либослар кийиб юривчи, нутқида муқаддас китоблардан ёки бошқа манбалардан иқтибослар келтирувчи, ибодатли шахс эканлигини билдириб турувчи), аксарият ҳолатларда зиёли, олий маълумотли бўлади.

Кўпчилик назариятчи олимлар жиноятчи шахсини криминалогик тавсифини аниқлашда қуйидаги детерминатларни санаб ўтишади.

1) ижтимоий-демографик белги (ижтимоий келиб чиқиши, яшаш ҳудуди ва бошқ);

2) шахснинг ижтимоий функциялари (ақлий ривожланиш даражаси, тарбиявий-ахлоқий ривожланганлик, билим даражаси, қобилиятлари) [8; 26-б.];

3) ахлоқий-психологик белгилари [6; 134-б.].

Фирибгар шахс криминалогик тавсифи умумий жиноятчи шахсидан бир қатор жиҳатларга кўра фарқланади. Фирибгарлик интеллектуал (ақл билан содир этадиган жиноят) жиноят бўлиб, уни содир этилиши жиноятчининг илм даражаси билан боғлиқ бўлади. Жиноят жабрланувчиси ўзининг мулкни ёки мулкрий ҳуқуқларини тўлиқ ишонилган ҳолда жиноятчига ихтиёрий топширади. Шунингдек, фирибгарлик жиноятида тайёргарлик босқичи мукамал даражада амалга оширилади. А.В.Швец ўз тадқиқот ишида 70% ҳолатда фирибгарларнинг қасди бир ой муддат давомида шаклланишини, 22% ида эса бу муддат олти ойни ташкил этишини маълум қилган [9; 24-б.].

О.Зокирова фирибгар шахси ҳақида тўхталиб, ақлу-заковатлилик (интеллект), мамлакатимиз ва чет элларда бўлаётган воқеалардан хабардорлик, фан ва техника ютуқларини билишлик ва ҳ.к. маълумотли жиноятчиларга хосдир. Уларнинг кўпчилиги доимий равишда матбуот билан танишиб борадилар, телевизор кўрадилар, радио эшитадилар. Буларнинг ҳаммаси жабрланувчининг ишончини қозониб, кўзланган мақсадга эришиш учун зарурдир [4; 48-б.].

Фирибгарлик жиноятини содир қилишда жиноятчи шахс ҳаракатлари тизими унинг ўзига хослиги ёрқинроқ намоён бўлади. Шунингдек, тегишли равишда жиноятчи шахсини ўрганиш жиноятни фош этиш,

тергов қилиш, олдини олиш воситалари, усул ва услубларини ишлаб чиқиш учун криминалогик ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш соҳасидаги сиёсат ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлмоқлиги лозим.

Фирибгарлик жиноятини олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда, газета ва журналларда содир этилаётган фирибгарлик жиноятлари ҳақида маълумотлар бериб бориш амалиётини ташкиллаштириш, фирибгарлик жиноятдан жабрланганлар учун ишонч телефонларини жорий этиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қиладиган сунъий тўсиқларни бартараф этиш, Жиноят кодексидаги фирибгарлик учун жавобгарлик белгилувчи нормадаги рағбатлантирувчи банд қўлланилишига чекловлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрдаги “Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир” номли марузаси. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).

2. Зокирова О.Ф. Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 248 б.

3. Криминалогия / В.Н. Бурлаков, В.П. Сальников таҳрири остида. СПб., –1998. – 356 б.

4. Криминалогия / Н.Ф. Кузнецова, Г.М. Миньковский таҳрири остида. – М., – 1998. – 260 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққётнинг кафолатидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // *Халқсўзи*// – 2018. – 8 дек.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-тадқиқотлар маркази маълумоти.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2017., – № 6, 70-м.

8. Фирибгарлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларни сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Б.Э.Закиров, Я.А.Абдулхаков, Ж.С.Мухтаров ва бошқ. Масъул муҳаррир ю.ф.д. Д.М.Мирзаев. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2017. – 87б.

9. Швец А.В., Состояние и динамика мошенничества, совершаемых женщинами // *Российский следователь*, – 2014–№ 9. – С. 23-27.

10. [www.mvd.uz](http://www.mvd.uz).



Ў.М.Давлетов,

Миллий гвардия ҳарбий-техник институти  
докторанти, майор**ҲАРБИЙ СУД КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ  
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳарбий суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартираф этишнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳарбий хизмат ва ҳарбий интизом, ҳарбий судлар, ҳарбий юридик кадрлар, ҳарбий суд мақоми, ҳарбий қонунчилик, ҳарбий омбудсман ҳамда хориж тажрибаси.

**Аннотация:** в статье изложены особенности дальнейшего реформирования военно-судебной системы, предупреждения правонарушений и устранения условий для защиты прав и законных интересов военнослужащих.

**Ключевые слова:** военная служба и военная дисциплина, военные суды, военная юрисдикция, военная юрисдикция, военное право, военный омбудсмен и зарубежный опыт.

**Annotation:** the article outlines the specifics of further reforming the military judicial system, preventing offenses and eliminating conditions for the protection of the rights and legitimate interests of military personnel.

**Keywords:** military service and military discipline, military courts, military jurisdiction, military jurisdiction, military law, military ombudsman and foreign experience.

Мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонунлар ҳалқимизнинг тинч турмуш фаровонлигини таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишига, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги салоҳияти ва нуфузини, одил судловга эришиш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, Қуролли кучларимиз жанговар шайлигининг энг муҳим омилларидан бири бу юқори даражали ҳарбий интизом ҳисобланади. Метин интизомсиз жанговар тайёргарлик бўлиши мумкин эмас. Бу тарихдан исботланган ҳақиқат [1]. Шу боис, Қуролли кучларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни, айниқса ҳарбий хизматни ташкиллаштириш, шахсий таркибни тарбиялаш, интизоми сушт бўлган баъзи ҳарбий хизматчиларнинг устидан назоратни ўрнатишдаги камчиликларни бартараф қилиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу вазифалар бекаму кўст бажарилишида ҳарбий судларнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлар фаолиятини мустаҳкамлашга катта эътибор берилиб, юксак ишончни оқлаш – ҳарбий судьяларнинг ва ушбу муҳим ишга дахлдор барча кишиларнинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Ўз навбатида, ҳарбий судлар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўғри ва ўз вақтида ҳимоя қилишда

ҳарбий суд судьяларининг нафақат юридик маълумотга эга бўлиши, шу билан бирга ҳарбий хизмат ва ҳарбий интизом билан яқиндан таниш бўлиши, ҳарбий билимларга эга бўлиши ҳам талаб этилади [2]. Шунинг учун ҳам аксарият давлатларда Ҳарбий-юридик академиялар фаолият кўрсатади ва уларнинг асосий вазифаларидан бири ҳарбий суд тизимига олий ҳарбий-ҳуқуқшунос маълумотига эга бўлган офицерларни тайёрлашдан иборатдир [3].

Шу ўринда, командирлар томонидан қўланилаётган интизомий жазо чораларининг объективлиги ҳарбий интизом ва устав талаблари асосида тартибнинг мустаҳкамланишига, бўйсунувчиларни тарбиялаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим. Зеро, ўзбек аскарларининг ота-боболари – Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур каби шонли ватан ўғлонларидан мерос бўлиб қолган буюк жасорат меросхўрларидир. Уларга довураклик ва ботирлик, ҳуқуқбузарликка ўрин бўлмаган Қуролли кучлардаги мустаҳкам биродарлик хосдир.

Қуролли Кучлардаги ҳуқуқбузарлик ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун ҳарбий хизматчилар, соф ҳарбий жиноятлардан ташқари, бошқа жиноятларни содир этаётганликларини эслатиш мумкин. Улар жумласига баданга шикаст етказиш, ўғирлик, талончилик ва ҳатто номусга тегиш кабилар бор. Ушбу жиноятларнинг асосида, уларни келтириб чиқарувчи омиллар мавжуд, лекин уларнинг улиши катта эмас. Умуман, бундай жиноятлар кам учрайди ва шунинг учун ҳам тамойил у ёки бу қонуният тўғрисида гапириш имкониятини берадиган тенденция ҳосил қилмайди. Умуман олганда, ушбу жиноятлар Қуролли Кучларга хос эмас ва жиноятчиликнинг умумий ҳолатига таъсир этмайди [4].

Фикримизча, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ҳарбий судьялар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита ҳарбий хизматчилар фаолиятининг у ёки бу йўналишини тартибга солишини ва у суд процессида муҳимлигини ҳисобга олиб, ҳудудий ҳарбий судлар девонхонасига ҳам ушбу ҳужжатларнинг бир нусхада топширилиши йўлга қўйилиши лозим ва бу судда ишларини тез ва сифатли ҳал этилишига, суд ва тарафларнинг вақти ва маблағларини тежашга хизмат қилади.

Шу ўринда ҳарбий суд аппарати ходимлари хизмат вазифалари тақсимотини белгилаш, бунинг учун эса суд аппарати ходимлари лавозим мажбуриятларини ўз ичига олган “Намунавий мансаб йўриқномаси”ни ишлаб чиқиш лозим.

Шу билан бирга ҳарбий суд штати (суд *раиси*, 2 *нафар суд аппарати ходими* – судья *ёрдамчиси* ва *девохона мудири*, *архивчи* ва *иш юритувчи* – *хўжалик мудири*, *хайдовчи* ва *фаррош*)даги иш юритувчи техник ходим штатидаги ходимнинг иш фаолияти бевосита юридик ҳужжатлар асосида олиб борилишини ҳисобга олиб, юрист штатида алмаштирилиши биринчидан, ҳарбий суд иш юритуви сифати ва самарадорлигига хизмат қилса; иккинчидан, шу штат бирлигида малакали юрист кадрлар билан ишлаш имконияти пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, ҳарбий суд корпусида малакали кадрларни шакллантириш учун хизматчилар албатта ҳарбий ва юридик маълумотга эга бўлишлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда тўғри

таъкидланганидек, ҳарбий хизматчиларга тааллуқли бўлган ҳуқуқ ва имтиёзлар ҳарбий суднинг мансабдор шахсларига ҳам татбиқ этилиши ва ҳарбийлар каби ҳарбий кийим кийиб юриши ҳарбий унвонларга эга бўлиши, ҳарбий хизматчилар қаторида орден ва бошқа унвонлар билан тақдирланиши лозим [5].

Бугун биз бу фикрларга қўшилиб, ҳарбий суд ходимларига ҳарбий кийим-кечақда юриш, фарқловчи нишонларни тақиш ва ҳарбий унвон бериш масаласини Олий суд ёки Судьялар олий кенгаши ваколати тизимига киритиш, шунингдек уларнинг ойлик маошлари амалдаги сеткалари ҳисобидан, қўшимча устамалар эса суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиши тартибини жорий этишимиз ҳарбий судлар мустақиллигига салбий таъсир этади.

Ўзингизга маълум, Умумҳарбий низом талабларида ҳарбий унвон бўйича бўйсунув тартиби белгиланган.

Биз шуни эътиборга олиб, ҳарбий суд судьяларига ҳарбий кийим-кечақда юриш ҳуқуқини бермаган ҳолда контракт бўйича ҳарбий хизмат турини жорий этишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Зеро, ҳарбий суд судьяларини ҳарбий хизматчилар орасидан танлаб олиниши уларнинг профессионал тайёргарлигини кафолатлашга, ҳарбий қисмларда ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашга ва армия ҳаётини яқиндан билишига хизмат қилади.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Ёшлар иттифоқининг ҳамкорликдаги фаолиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай ижобий фаолиятлардан бири уларнинг кафиллиги остида судланувчиларга суд томонидан тайинланган жазонинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги енгилроқ жазога алмаштирилиши ўзининг ижобий самарасини бериш билан бир қаторда, қайсидир маънода салбий деб баҳоланиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Бу борада, Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар оқибатларини юмшатиш билан чекланиб қолмасдан, балки улар томонидан содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг сабабларини ўрганиш асосида тегишли тарғибот ва ташвиқот ишлари сифати ва самарадорлигини янада ошириши лозим деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Ёшлар иттифоқининг кафиллиги фақат жазони енгиллаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳарбий хизматчиларнинг кейинги хизмат фаолиятини ҳам қайсидир маънода эътиборга олиши лозим. Чунки ҳарбий хизматчи Ёшлар иттифоқи кафиллиги остида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги тўғрисидаги суд қарорини олган ҳарбий қисм қўмондонлиги унинг шахсий субъектив хусусиятларини атрофлича ўрганмасдан хизматда қолиш ёки қолмаслик масаласини ҳал қилиб, деярли барча ҳолатларда “Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида ҳарбий хизматчи хизматдан Қуролли Кучлар резервиге бўшатилади.

Бизнингча, Ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги енгилроқ жазонинг тайинланиши ҳарбий хизматни давом эттириш учун ҳам асос қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу ўз

навбатида, Ёшлар иттифоқининг кафиллик масаласидаги масъулиятини янада оширишга ва содир этилиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Албатта, бунинг учун “Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомни қайта кўриб чиқиб, замон талаблари асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Қуролли Кучларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни, айниқса ҳарбий хизматни ташкиллаштириш, шахсий таркибни тарбия қилиш ва аскарларнинг шикоятларини назорат қилиш мақсадида, ҳарбий ва хизмат сирларини назарда тутиб, ҳарбий қисмларда ҳарбий омбудсман институтини жорий этиш лозим.

Норвегияда ҳарбий омбудсман 1952 йилда ташкил этилган. Биринчи ҳарбий омбудсман 1915 йилда Швецияда ташкил этилган. Ҳарбий судлар, ҳарбий қамоқхоналардаги шароитлар ва ҳарбий бошқарувнинг бошқа масалаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Бироқ, бу институт 1968 йилда бекор қилинди ва ҳарбийларнинг, шу жумладан аскарларнинг шикоятларини назорат қилиш парламент омбудсманига юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий суд тизимида юқорида илгари сурилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ҳарбий соҳадаги ислохотларни янада кучайтиришга, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб алмақдир фи тарихи Темур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), 1 китоб, –Т., 1992.
2. Военная юстиция России: история и современность / под общ. ред. В.В. Ершова, В.В. Хомчика, С.Н. Фридинского. – М.: Право, 2003. – С. 293.
3. Мамасиддиқов М.М., Давлетов Ў.М. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳарбий судлар тизимини ислоҳ қилиш: бугунги ва истиқболлари // МҒ Ҳарбий-техник институти ахборотномаси. Махсус сон. 2018. –Б. 53-58.
4. Мирзаев Т.К. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий одил судлови. – Т.: Ҳарбий нашриёт, 2004.
5. Петухов Н.А. Социальные и правовые проблемы становления, развития и функционирования системы военных судов в России: дис. д-ра юрид. наук. – М., 2003. –С. 199–200.

**И.Рустамбеков**

Доктор юридических наук, и.о. проф. ТГЮУ

### АРБИТРАЖ ВО ФРАНЦИИ: ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕЖДУНАРОДНОГО АРБИТРАЖНОГО СУДА ПРИ МТП В ПАРИЖЕ

**Abstract:** The article analyzes the activities of the International Court of Arbitration of the International Chamber of Commerce, which is the most famous and popular institutional international arbitration for the international commercial disputes resolution. Information about international arbitration and its activities is based on official sources and direct experience, as well as the author's participation in the Plenary Session of the International Court of Arbitration of the International Chamber of Commerce.

**Keywords:** international arbitration, institutional arbitration, arbitration rules, arbitration clause, commercial dispute.

**Аннотация:** В статье осуществлен анализ деятельности Международного арбитражного суда при Международной торговой палате в Париже, который является самым известным и популярным институциональным международным арбитражем по разрешению международных коммерческих споров. Информация о международном арбитраже и его деятельности основана на официальных источниках и непосредственном опыте, а также участии автора в Пленарном заседании Международного арбитражного суда при Международной торговой палате.

**Ключевые слова:** международный арбитраж, институциональный арбитраж, регламент, оговорка, коммерческий спор.

**Аннотация:** Мақолада халқаро тижорат низоларино хал қилишда дунёдаги энг машхур институционал халқаро арбитраж бўлган Парижда жойлашган Халқаро савдо палатаси қошидаги Халқаро арбитраж суди фаолияти таҳлил қилинган. Мазкур халқаро арбитраж ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар расмий манбалар ва бевосита муаллифнинг Халқаро савдо палатаси қошидаги Халқаро арбитраж судининг Ялпи мажлисидаги иштирокига асосланган.

**Калит сўзлар:** халқаро арбитраж, институционал арбитраж, регламент, хавола, тижорат низоси.

Расширение международных связей и активная глобализация привели к усилению значения и роли международного арбитража, как удобного, быстрого и выгодного способа разрешения международных коммерческих споров.

Как указывают зарубежные авторы: «Международный коммерческий арбитраж является одним из способов разрешения споров для международных коммерческих (торговых) договоров. Использование арбитража возросло вместе с ростом международной торговли и коммерции, сопровождая споры, возникающие из исполнения таких договоров... Арбитраж часто выбирается по причинам его конфиденциальности, скорости, способности быть принудительно осуществленным в судебном порядке по решению третейского суда, а также с целью снижения неопределенности при выборе арбитра и места рассмотрения. Арбитраж-

ные решения, за редким исключением, окончательны и имеют обязательную силу» [1].

На сегодняшний день в мире осуществляют свою деятельность более 100 постоянно действующих (институциональных) международных арбитражных институтов. Среди таких институтов самым известным и популярным является Международный арбитражный суд Международной торговой палаты (далее – МАС ICC) [2].

Созданный в 1923 году, Международный арбитражный суд Международной торговой палаты (далее – МАС ICC) за 92 года деятельности завоевал значительный авторитет во всем мире как наиболее беспристрастный, справедливый и добросовестный центр международного арбитража. Сегодня Международный арбитражный суд ICC является одним из самых уважаемых и эффективных институтов для разрешения коммерческих споров, в том числе вытекающих из международных контрактов.

Об эффективности и популярности деятельности МАС ICC свидетельствуют статистические данные, опубликованные на его официальном сайте, согласно которым в МАС ICC принято на рассмотрение в 2016 году 966 дел, в 2017 году 810 дел, в 2018 году 842 дел, с момента его создания рассмотрено более чем 23,000 арбитражных дел. Данный показатель является самым высоким среди всех постоянно действующих международных арбитражных центров.

Следует отметить, что МАС МТП, несмотря на то, что называется «Суд», не является судебным органом и не сама выносить суждения по основным аспектам спорных вопросов [3]. В соответствии с Положением, опубликовано в Приложении I к МТП Арбитражного, главная роль Международного арбитражного суда является обеспечение контроля арбитражного разбирательства в соответствии с Арбитражным регламентом МТП, с его ролью, включая проверки и утверждения арбитражных решений. Международный арбитражный суд следует своим собственным внутренним правилам, которые прилагаются в Приложении II к МТП Арбитражного.

Международный арбитражный суд состоит из Председателя, Заместители Председателя и его членов [4]. Члены назначаются на трехлетний срок Всемирным Советом МТП по предложениям национальных комитетов и групп [5]. Для текущего срока (2018-2021), Международный арбитражный суд имеет 176 Пользователи из 104 страны и территории, с точным соотношением полов 88 женщины и 88 люди [6]. Нынешний президент Международного арбитражного суда является г-н. Алексис Моурге Франции, который был назначен на второй, трехлетний срок, который начался 1 июля 2018.

В своей работе, Международный арбитражный суд помогает Секретариат МУС. Генеральный секретариат имеет Генеральный секретарь, ответственный за ход изо дня в день Секретариата Суда. Генеральный секретарь оказывает помощь заместителю Генерального секретаря, вместе с командой других сотрудников и специалистов планирования и контроля за повседневной деятельностью. Управление юрисконсульта и Генеральный секретарь и заместитель Генеральный секретаря всей помощи в управлении клиентурой. Управление юрисконсульта помогают командой, состоящей из двух или более заместителем юрисконсульта и двух или более секретарей.

Когда стороны согласовывают арбитражную оговорку со ссылкой на МТП Арбитражного регламента, они также назначают определенные полномочия для принятия решений в Международный арбитражный суд. Эти полномочия включают в себя, например: силы Международного арбитражного суда принимать решения в отношении арбитров (назначающий и замена арбитров, принятие решения о проблемах, выдвинутых против них); мониторинг арбитражного процесса, чтобы убедиться в том, что она выполнена правильно и с требуемой скоростью и эффективностью; рассмотрение и утверждение всех арбитражных решений, для того, чтобы обеспечить их качество и выполнимость; установка, управления и, если необходимо, корректировки платы и аванса на покрытие расходов; и контроль чрезвычайных процедур до начала арбитража [7]. Официальные и рабочие языки Международного арбитражного суда являются английский и французский.

Следует отметить, что МАС МТП создан для рассмотрения международных коммерческих споров. Статья 1 Регламента предусматривает, что Арбитражный суд (далее — Суд) обеспечивает арбитражное рассмотрение коммерческих споров международного характера, возникающих в сфере делового оборота, но не конкретизирует, какие споры относятся к «международным». На практике признак «международности» толкуется широко, как любой спор, каким-либо образом связанный с международной коммерческой деятельностью. В последнее время арбитраж достаточно часто принимал к своему рассмотрению и споры, не имеющие международного оттенка, что нашло отражение в ст. 1: Суд может распространять свою юрисдикцию на споры, не носящие международного характера, если его юрисдикция предусмотрена в арбитражном соглашении.

Обязательным условием юрисдикции Арбитражного суда МТП является наличие между сторонами арбитражного соглашения о передаче спора в этот арбитраж. Стороны могут обращаться к нему независимо от того, представлены ли их страны в МТП. При отсутствии документальных подтверждений существования арбитражного соглашения важно, чтобы ссылка на МТП была достаточно определена. Суд также примет к рассмотрению спор без наличия арбитражного соглашения, если ответчик недвусмысленно даст согласие на проведение разбирательства, рассматривая обращение истца и согласие ответчика как арбитражное соглашение. При отсутствии указания сторон все вопросы по организации слушаний и сбору доказательств решаются по усмотрению арбитров при условии соблюдения или строгой конфиденциальности. Арбитры вправе самостоятельно решать, какие правила подходят к конкретному делу.

Суд не рассматривает споры, он осуществляет определенные административные и контрольные функции при рассмотрении дел сформированным арбитражным составом с целью «обеспечения применения действующего Регламента». Суд возглавляется Председателем, функции которого могут осуществляться его заместителями. Помощь в деятельности Суда оказывает Секретариат Суда во главе с Генеральным секретарем. Арбитражный процесс начинается подачей искового требования в Секретариат Суда. Оно может быть подано через национальный комитет заявителя либо непосредственно по месту нахождения Суда. Суд устанавливает *prima facie* (в порядке

опровержимой презумпции) наличие арбитражного соглашения. Как и в любом международном коммерческом арбитраже, состав арбитров (единоличный арбитр или коллегия арбитров), сформированный для рассмотрения конкретного дела, вправе выносить решение о своей компетенции. Но если одна из сторон оспаривает существование или действительность арбитражного соглашения или ответчик не направляет отзыв на исковое заявление, Суд передает это соглашение на рассмотрение арбитров, если убедится, что есть достаточные основания для признания его существующим *prima facie*. Окончательное решение о компетенции примут арбитры (п. 2 ст. 6 Регламента).

Арбитров (единоличного арбитра) назначают стороны. Любой специалист, которому сторона доверяет, может быть арбитром без какого-либо согласования с Арбитражным судом. Если стороны (сторона) не назначили своих арбитров, включая суперарбитра, то члены арбитражного состава назначаются Арбитражным судом. Суд, как правило, не назначает конкретных арбитров, а лишь решает, к какому национальному комитету следует обратиться, и запрашивает его рекомендацию. Правда, Суд имеет право и самостоятельно назначить арбитров (п. 6 ст. 2 Регламента). Он может не согласиться с рекомендацией национального комитета, если считает, что предложенная кандидатура не обладает необходимыми профессиональными качествами и опытом в сфере международного коммерческого арбитража. В таком случае процедура повторяется до тех пор, пока не будет предложена приемлемая кандидатура. Арбитры, избранные сторонами, формально должны быть одобрены Судом, который требует от кандидатов в арбитры сообщить обо всех известных им обстоятельствах, способных повлиять на их независимость (п. 3–6 ст. 9 Регламента). Причины, по которым Суд одобрил или отверг кандидатуру арбитров, не сообщаются. До начала слушаний арбитры готовят акт о компетенции, в который включают перечень спорных вопросов, передаваемых на разбирательство, и основные процедурные правила его проведения. Акт подписывается сторонами и передается в Суд для утверждения.

Суд не вмешивается в вопросы существа спора, его рекомендации касаются только процессуальных положений. Важную контрольную функцию выполняет Арбитражный суд МТП и при вынесении арбитражного решения по спору. Проект решения, подготовленный арбитрами (или единоличным арбитром), до его окончательного подписания передается в Арбитражный суд для проверки. Суд может внести изменения по форме решения, не затрагивая свободу арбитров в принятии решения. Решение не подписывается, пока оно не было одобрено Судом по его форме. После утверждения Судом решение окончательно подписывается арбитрами и выдается сторонам. Подобная проверка решений Судом направлена на обеспечение возможности принудительного исполнения решения в той стране, где исполнение будет испрашиваться.

Основную часть споров составляют споры, связанные с неисполнением (в части или полностью) международных контрактов.

Одним из ключевых факторов роста числа обращений в МАС ICC является то, что решения этого Суда обладают самым высоким процентом исполнения [9].

Как отмечали специалисты в области международного арбитражного процесса [10], международный арбитражный процесс требует постоянного внимания и

корректировки не только процедур, но и механизмов разрешения коммерческих споров. Особую трудность представляет рассмотрение споров, вытекающих из заключенных международных контрактов.

Действительно, международная коммерческая сделка должна представлять собой точный и детально разработанный текст контракта с соблюдением норм международного права. Тем более что порой национальное законодательство дает более вольное толкование тех или иных норм и институтов договорного права. Поэтому, полагают ученые и практические работники - специалисты в области международного корпоративного права, самостоятельная подготовка международного контракта порой противоречит Типовому контракту ICC международной купли-продажи (ICC Model International Sale Contract).

Арбитражный суд играет также решающую роль при решении следующих вопросов:

— при определении места арбитражного разбирательства, если стороны не предусмотрели место проведения арбитража в соглашении. Суд вправе выбрать подходящее место проведения арбитражного разбирательства. Несмотря на то что штаб-квартира Арбитражного суда МТП находится в Париже, более 80% всех заседаний проводится в других государствах.

— при продлении процессуальных сроков. Так, Суд устанавливает окончательные сроки для представления сторонами своих первоначальных доказательств и замечаний по арбитражному соглашению или по исковым требованиям; Суд устанавливает окончательные сроки для представления Суду акта о компетенции и проектов решений, которые могут быть при необходимости продлены Судом. Регламент (ст. 27): «Стороны свободны в достижении договоренности относительно закона, который должен применяться составом арбитража по существу спора». При отсутствии соглашения сторон арбитры применяют «нормы права, которые они сочтут подходящими». Услуги Арбитражного суда МТП не бесплатны: стороны должны оплатить работу арбитров и нести все расходы, связанные с разбирательством дела. Кроме Арбитражного суда при МТП создан механизм для рассмотрения споров в порядке согласительной процедуры. При МТП создана Административная комиссия по согласительной процедуре, в которую подается просьба стороны о применении согласительной процедуры. Председатель Комиссии формирует согласительный комитет из трех членов, задачей которых является вынесение взаимоприемлемого для сторон спора решения. Сторона вправе передать спор в арбитраж и тогда, когда примирительный процесс окончился неудачей. В таком случае ни одно лицо, принимавшее участие в согласительном комитете, не может быть назначено арбитром.

Деятельность Международного арбитражного суда ICC, безусловно, направлена на повышение эффективности международного арбитражного разбирательства, что, безусловно, немаловажно в условиях обеспечения повышения гарантий прав участников процесса вне зависимости от каких-либо экономических санкций. Выбор эффективного средства судебной защиты в рамках национального правосудия или международной практики определяется с учетом современной системы функционирования деятельности Международного арбитражного суда (ICC).

#### Список литературы:

1. Jean M. Wenger. Features — Update to International Commercial Arbitration: Locating the Resources. — May 24, 2004.
2. Международный арбитражный суд Международной торговой палаты – [iccwbo.org](http://iccwbo.org)
3. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/icc-international-court-arbitration>
4. МТП Арбитражного, Статья 2, Приложение I, Статут Международного арбитражного суда.
5. МТП Арбитражного, Статья 3, Приложение I Положение о Международном арбитражном суде.
6. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/icc-international-court-arbitration/court-members>
7. <https://iccwbo.org/dispute-resolution-services/icc-international-court-arbitration>
8. Фоков А.П. Международный суд ICC: новый Регламент // Российский судья. 2012. — №1. — С. 2 - 9.
9. Комаров А.С. Регламент Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате РФ: научно-практический комментарий. — М.: Инфотропик Медиа, 2012. — С. 17-19.
10. Жукова Г. Международный суд ICC: взгляд изнутри // Третейский суд. — М., 2010. — №3 (69). — С. 80-97.

Д.Ш.Умарханова,  
юридик фанлар доктори

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО  
ҲАМКОРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ  
(ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)**

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси қонунчилиги нормалари таҳлили асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш механизми ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** жиноятчилик, ҳамкорлик, жиноят процесси, халқаро ҳуқуқ, давлат.

**Аннотация:** в данной статье на основе норм законодательства Республики Узбекистан и Федеративной Республики Германия был проанализирован механизм международного сотрудничества по уголовным делам.

**Ключевые слова:** преступность, сотрудничество, уголовный процесс, международное право, государство.

**Annotation:** in this article the mechanism of international cooperation in criminal cases was analyzed on the basis of the norms of the legislation of the Republic of Uzbekistan and the Federal Republic of Germany.

**Key words:** crime, cooperation, criminal procedure, international law, state

Дунёда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг жадаллашиб бориши натижасида трансмиллий жиноятлар сони ошиб бормоқда [10]. Шу сабабли, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашдаги давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда мазкур масалада янги, самаралироқ шаклларда ҳамкорлик қилиш халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътиборини жалб этаётган устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Жиноятчиликнинг миллий хавфсизликка таҳдид солиши, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлида ғов бўлиши ўз навбатида унга жавобан тегишли чора-тадбирлар кўришни, даставвал, трансмиллий жиноятчиликка нисбатан халқаро даражада кураш олиб боришни тақозо этади. Шу билан бирга, жиноятларга қарши кураш юзасидан халқаро ҳамкорлик механизми татбиқ этиш бўйича халқаро ҳуқуқда етарлича тажриба тўпланган бўлсада, уни тизимлаштириш, ягона норматив-ҳуқуқий база яратиш, жиноят ишлари бўйича турли шаклларда ҳуқуқий ҳамкорлик қилиш, минтақавий ва универсал халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама техник ёрдам кўрсатиш, жиноят содир этиб яширинган шахсларни ушлаб бериш, суд ҳукмини ижро этиш учун ўз мамлакатига юбориш борасида ҳамкорлик етарли даражада, замоннинг хавф-хатарларига мос равишда шакллантирилмаганлигини қайд этиш жоиз.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмлари қаторида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи Европа Иттифоқ давлатлари ўртасида ўзига хос тартибга эга. Жумладан, Германия Федератив Республикасида “Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисида”ги махсус қонун билан тартибга солинади [1].

Мазкур Қонунга мувофиқ, экстрадиция жараёни, ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш доираси ва энг асосийси Европа Иттифоқига аъзо давлатлари билан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми батафсил белгиланган. Бундан ташқари, ГФРнинг бошқа хорижий давлатлар билан шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолатда алоҳида бир марталик шартнома имзолаш ёки ўзаролик принципи асосида амалга оширилади [2; 210-р].

Ўзаролик принципи (*reciprocity principle*) халқаро ҳамкорликнинг асосий принципларидан бири ҳисобланади, зеро, ҳар қандай ҳамкорлик ўзаро манфаатли бўлиши лозим. Мазкур принцип жиноят ҳуқуқида узок вақтлардан буён маълум. Давлатлар ҳамкорлиги баъзан шундай кўп томонлама бўладики, уларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб тус олади, шартнома тузиш мобайнида алоҳида масалалар эътибордан четда қолади. Айни шундай ҳолларда ўзаролик принципи аҳамияти янада ортади. Ушбу принцип шунга асосланадики, жиноятчини ушлаб бериш сўралаётган давлат келгусида мазкур давлат ҳам шунга муносиб жавоб қайтаришига умид қилади.

Р.А.Сайфулов таъбири билан айтганда, “ушбу принцип, айниқса, экстрадиция институтини қўллашда асосий ўрин эгаллайди ҳамда уни миллий қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаш зарур” [3; 10-с].

Таъкидлаш ўринлики, мазкур принцип қатор шартлар бажарилиши талаб этади. Ушбу масала бўйича болгариялик олим В.Кутиков нуқтаи назари эътиборга молик. Унинг ёзишича, “икки ёки ундан ортиқ давлат ўз муносабатларини ўзаролик асосида шакллантирар экан, улар бундай муносабатларни шартномавий тартибга солишни кўзда тутувчи одатдаги тенглик билан қаноатланмайдилар. Моҳиятан уларнинг мақсади каттароқдир: уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари шундай ташкил этилиши лозимки, ўзаро тўлақонли муносабатликка эришиш зарур. Яъни, бунда шундай қоидага риоя этиладики, бир тараф ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа тараф ҳам унга нисбатан шундай жавоб берган тақдирдагина амалга оширади” [4; 60-с]. Бундай қонидани ГФР қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Зеро, ГФР ҳуқуқшунослари ўзаролик принципини давлатнинг давлат сиёсатини юритиш жараёнида татбиқ этилувчи ахлоқий-маънавий норма, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, мазкур принцип давлатларнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигини амалга ошириш жараёнида ижобий натижаларга эришиши учун давлатлар ўртасида ўзаро ишонч бўлиши лозим деб таъкидлайдилар [5; 9-р].

Бундан ташқари, ГФР Европа давлатлари ўртасида амалда қўлланилаётган жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тартибга солишчи 1957 йилги “Экстрадиция тўғрисида”ги Европа конвенцияси, мазкур конвенцияга II ва III қўшимча протоколлари, 1959 йилги “Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Европа конвенцияси ва I, II қўшимча протоколлари ҳамда 1983 йилги “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги Европа конвенцияси ва унинг қўшимча протоколи каби шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади [11].

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласи давлатлараро имзоланган кўп ва икки томонлама шартномалар ҳамда Германия миллий қонунчилиги асосида уч хил механизм мавжудлигини кўриш мумкин. Булар қуйидагича тартибга солинади: 1) дипломатик йўл орқали; 2) ваколатли орган (Адлия вазирлиги) орқали; 3) тўғридан тўғри (бевосита).

Дипломатик йўл орқали жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш механизми одатда давлатлар ўртасида икки ёки кўп томонлама шартномалар ёки ўзаролик принципи асосида амалга оширилади. Шундай экан, ГФРда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишни сўраётган давлат аввал сўровномани ГФР Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Мазкур сўровномани Вазирлик Федерал адлия идорасига ижро этилиши юзасидан кўрсатма берганидан сўнг Идора ҳудудий тегишликдан келиб чиққан ҳолда Федерал Ерларнинг Адлия вазирликларига юборади. Прокуратура ва суд идоралари Адлия вазирлигидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш талабини олганидан сўнг тегишли бўлган жараёни бошлайди. Сўраётган давлат томонидан юборилган сўровномани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида бир қарорга келинганидан сўнг айтиб ўтилган механизм орқали халқаро ҳамкорлик амалга оширилади.

Идоралараро икки ва кўп томонлама халқаро шартномалар мавжуд бўлган ҳолларда ГФРда вазирлик орқали ҳам жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисида сўровнома юбориш мумкин. Бу ҳолат мазкур ҳамкорликни амалга оширишга тезликни, аниқликни ва қулайликни таъминлашга ёрдам беради.

Ва ниҳоят, тўғридан тўғри ҳамкорлик қилиш механизмида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишни сўраётган давлат прокуратура органи ГФР Прокуратура органига тўғридан тўғри мурожаат қилишида кўринади. Бу эса, махсус шартномалар орқали белгилаб қўйилади [6].

ГФРда суд ва прокуратура ходимларининг мақоми бир хил эканлигини айтиб ўтиш керак. Лекин, функционал вазифалари ҳар хил. Иккаласи ҳам ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимиятга тегишлидир. Суд қарор чиқаради прокурор амалга оширади. Прокурорнинг назорат қилиш функцияси мавжуд эмас. Унинг вазифаси фақат асосан тергов олиб бориш ҳисобланади. Бизга маълумки, Германия Федерацияси 16 та федерал ерларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида давлат бошқаруви, суди ва парламенти мавжуд.

Шундай экан, Германия Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, давлатлараро муносабатларни Федерал ҳукумат амалга оширади. Бундан ташқари зарурат мавжуд бўлса, ҳукуматнинг розилиги билан федерал ерлар учун халқаро шартномалар имзолаш учун рухсат берилади [7; 45-с]. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни амалга ошириш масаласида ҳам Федерация ҳудудида федерал ерлар ўзининг федерал ерига тааллуқли бўлган ахборотларни бериши ҳамда ижро этувчи идораларга ваколатларини ўтказиши назарда тутилади. Буларни амалга оширишда ташқи сиёсий фаолият олиб бориш ҳамда ўзаро ёрдам кўрсатиш принципларига (ўзаролик, икки ёқлама жиноийлик, ихтисослашув) таянади. Ижро этувчи идоралар (прокуратура, суд, полиция) эса, бевосита сўралаётган ҳаракатни миллий қонунчилиги асосида ижро этади [8].

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳамкорликнинг турли шакллари Ўзбекистон Республикасида ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал қонунчилигида

жиноий суд ишларини юритишда халқаро ҳамкорлик институтининг жорий этилиши бўлди. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонун ҳужжатлари, хусусан, жиноят ва жиноят процессал қонунчилиги, хусусан, халқаро шартномаларда назарда тутилган ўзаро келишувларга мувофиқ ҳамкорлик иштирокчиси бўлган давлатларнинг соҳага оид қонунчилиги ташкил этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари кузатиш мумкин:

- шартномавий-ҳуқуқий шакли;
- ўзаролик принципи асосида амалга ошириш шакли;
- институционал механизм асосида амалга ошириш шакли.

Шартномавий-ҳуқуқий шакли асосида амалга ошириладиган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик, давлат ва ҳукумат ҳамда давлатлар номидан иштирок этувчи ваколатли идораларининг кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар орқали жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг яна бир шакли, бу – давлатлар ўртасидаги ўзаро келишув ёки шартнома бўлмаган тақдирда ҳамкорликни ўзаролик принципи асосида амалга оширишдир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 592-моддасига кўра ЖПК назарда тутилган процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда ваколатли органлар томонидан мазкур ҳаракатлар ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритилиши мумкин. Ўзаролик принципи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унга кўра, давлатимиз ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги сўровни юборган хорижий давлат ваколатли органининг шунга ўхшаш вазиятда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг сўровига биноан шахсни ушлаб бериш амалга оширилиши ҳақидаги ёзма ваъдаси билан тасдиқланади.

Институционал механизм асосида эса, Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги назарда тутилади. Ҳамкорликнинг бу каби ташкилий ҳуқуқий шакли самарали бўлиб, аъзо давлатларнинг миллий манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда давлатларо умумий позицияси асосида амалга оширилади. Бугунги кунда, мамлакатимиз БМТнинг соҳага оид ихтисослашган муассасалари, Интерпол, МДҲ ҳамда ШҲТ каби универсал ва минтақавий халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади. Мазкур ташкилотлар билан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида халқаро жиноят, трансмиллий жиноятлар ва жиноятчиликни олдини олиш масалаларига оид кўп томонлама шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик борасида Европа давлатлари билан деярли шартномалари мавжуд эмаслигига қарамасдан

ўзаролик принципи асосида ҳамкорликни амалга оширади. Масалан, 2013 йилдан 2016 йиллар оралигида мамлакатимиз томонидан Италия, Германия, Австрия, Нидерландия ва Буюк Британия давлатларига ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровнома юборилган [9].

Лекин шартномасиз шаклда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш оқибатида давлатлар ўртасида турли хил тушунмовчиликларга, рад этиш учун асосларнинг ортисида ва натижада давлатлар ўртасидаги муносабатлар салбий томонга ўзгаришига олиб келиши мумкин. Чунки ўзаролик принципи асосида амалга оширилган халқаро ҳамкорликда сўралаётган давлат қонунчилиги қўлланилиши халқаро одатга айланган. Зеро, мазкур Европа конвенциялари минтақавий характерга эга бўлса ҳам, унга қўшилиш имконияти аъзо давлатларнинг барчасининг розилиги мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади [11]. Шунинг учун ҳам бу каби муаммоларнинг энг мақбул ечими сифатида Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи Европа конвенцияларига қўшилиши орқали кўриш мумкин. Натижада мазкур шартномаларга қўшилиш орқали соддалаштирилган экстрадиция жараёнини қўллаш учун имкон яратилади, давлатлар ўртасида турли хил тушунмовчиликлар ва рад этиш учун асосларнинг ортисининг олди олинади, молиявий жиноятлар юзасидан ҳужжатларни етказиб бериш, суд ахбороти алмашинуви масалаларида ҳамкорлик қилади, ўзаро ҳуқуқий ёрдам борасида ахборот алмашинуви ва далилларни етказишда процессуал муддатлар қисқаради ҳамда муддатнинг ўтиши, талабнома ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ихтисослашув қондаси, транзит ташиш, учинчи давлатга қайта экстрадиция қилиш ҳамда алоқа каналлари ва воситаларига боғлиқ бўлган масалаларга боғлиқ қоидалар мувофиқлашади.

Умумий ҳулоса сифатида шуни эътироф этиш керакки, ГФР ва Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари ва шакллари халқаро жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқи, жиноятчиликка қарши кураш ва бу борадаги халқаро ҳамкорлик масалалари анъанавий тарзда соҳага оид халқаро шартномалардан ва унинг қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда белгиланганлигини кўриш мумкин. Бизнингча, бу каби муаммоларни ўрганишда ва аниқ йўналишларга ажратишда аниқ процессуал ҳаракатлари, мақсади ва вазифаси белгиланган халқаро шартномалардан келиб чиққан асосий йўналишларни белгилаш лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Act on International Cooperation in Criminal Matters. <http://www.gesetze-im-internet.de/irg/>
2. Arndt Sinn, Liane Wörner. The European Arrest Warrant and Its Implementation In Germany – Its Constitutionality, Laws and Current Developments. Zeitschrift für Internationale Strafrechtsdogmatik (ZIS). No. 5/2007. – P. 204-220.
3. Сайфулов Р.А. Экстрадиция в уголовном процессе (по материалам МВД и Прокуратуры Республики Узбекистан). Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Ташкент, 2001. – 52 с.
4. Кутиков В. Принцип взаимности и его применение в области международного публичного и международного частного права. - Трудове по

международно правео Т. 1. – София: Изд-во на Българската Академия на науките, 1967. – С. 60-64.

5. Bassiouni M.C. Perspectives on International Criminal Justice // Virginia Journal of International Law. - Volume 50, Issue 2, 2010. – P. 8-12.

6. Michael Bohlander. Principles of German Criminal Procedure. – Oxford and Portland, Oregon: Hart Publishing, 2012; Act on International Cooperation in Criminal Matters. <http://www.gesetze-im-internet.de/irg/>

7. Конституция Федеративной Республики Германии // Конституции зарубежных государств: Учебное пособие/Сост. проф. В.В.Маклаков. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: Волтерс Клувер, 2003. – 126 с.

8. “Федерал Ерлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам курсатиш борасида тавсиялар” номли ҳужжат матни : [http://www.verwaltungsvorschriften-im-internet.de/bsvwvbund\\_01011977\\_420821R5902002.htm](http://www.verwaltungsvorschriften-im-internet.de/bsvwvbund_01011977_420821R5902002.htm)

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги материаллари, 2017 йил январь ойи ҳолати.

10. [www.ilo.org](http://www.ilo.org)

11. <http://www.coe.int>



**Ш.А.Хужаев,**  
преподаватель ТГЮУ, доктор философии  
по юридическим наукам (PhD)

### ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВЫЕ ПОДХОДЫ К УЧРЕДИТЕЛЬНЫМ ДОКУМЕНТАМ ИНОСТРАННЫХ БАНКОВ

**Аннотация:** В данной статье были проанализированы теоретические подходы к учредительным документам иностранного банка. На основании теоретического анализа, изучения сущности учредительных документов банка указана необходимость применения положений устава при несоответствии норм устава и учредительного договора.

**Ключевые слова:** иностранный банк, учредительный договор, устав, банковская деятельность, сделка, юридический факт.

**Аннотация:** Мазкур мақолада чет эл банкларнинг таъсис ҳужжатларига нисбатан назарий ёндашувлар таҳлил қилинган. Назарий таҳлил, банкнинг таъсис ҳужжатларининг моҳиятини ўрганиш асосида устав ва таъсис шартномасининг нормалари бир-бирига мос келмаган тақдирда устав қоидаларини қўллаш зарурияти кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** чет эл банки, таъсис шартномаси, устав, банк фаолияти, келишув, юридик факт.

**Annotation:** This article analyzes theoretical approaches to the constituent documents of a foreign bank. On the basis of theoretical analysis, studying of essence of constituent documents of bank necessity of application of provisions of the charter at discrepancy of norms of the charter and the constituent agreement is specified.

**Key words:** foreign bank, foundation agreement, charter, banking activity, transaction, legal fact.

Как известно из норм Гражданского кодекса Республики Узбекистан банк как юридическое лицо создается собственником или уполномоченным им лицом, либо на основании распоряжения уполномоченного органа, а также в порядке, предусмотренном законодательством.

Статья 43 Гражданского кодекса Республики Узбекистан определяет три важных правила:

а) юридическое лицо действует на основании устава, либо учредительного договора и устава, либо только учредительного договора. В случаях, предусмотренных законом, юридическое лицо, не являющееся коммерческой организацией, может действовать на основании положения об организациях данного вида;

б) учредительный договор юридического лица заключается, а устав утверждается его учредителями;

в) юридическое лицо, созданное в соответствии с Гражданским кодексом одним учредителем, действует на основании устава, утвержденного этим учредителем.

Как мы видим, договорно-правовое регулирование деятельности банков, в том числе иностранных банков возникает с момента его создания. При этом ключевыми договорами при создании банка являются учредительный договор и устав.

Учредительный договор (устав) является первым гражданско-правовым инструментарием, которым упо-

рядочивается деятельность юридических лиц, в частности, иностранных банков.

Учредительный договор (устав) рассматривается в гражданском праве с трех похожих, взаимосвязанных, но отличающихся сущностью, позиций:

1. *Первая позиция* состоит в том, что учредительные документы являются правовой основой деятельности. Данного мнения придерживаются отечественные ученые – Х.Р.Рахманкулов, Д.М.Караходжаева, И.Р.Рустамбеков и другие.

Так, Х.Р.Рахманкулов отмечает, что правовой основой деятельности любого юридического лица, наряду с законодательством, являются его учредительные документы – устав и учредительный договор. Именно в них учредители конкретизируют общие нормы права применительно к своим имущественным интересам в создании и деятельности юридического лица, а также нормы, выражающие правоспособность созданного юридического лица в отношении третьих лиц. Перечень учредительных документов может быть различен в зависимости от организационно-правовых форм юридических лиц. Так, на основании учредительного договора и устава создаются и действуют такие виды юридических лиц, как общества с ограниченной и дополнительной ответственностью (за исключением тех случаев, когда они создаются одним лицом) и акционерные общества. Учредительным документом хозяйственных товариществ является учредительный договор, а негосударственные некоммерческие организации и государственные унитарные предприятия, основанные на праве оперативного управления создаются и действуют на основании уставов [5; 106-с.].

Д.М.Караходжаева также уделяет внимание учредительному документу юридического лица как его правовой основы, что позволяет осуществить легальное деление юридических лиц на коммерческие и некоммерческие, при этом автор указывает, что для юридической науки как науки, постигающей правовую сущность явлений, а равно и для правоприменительной практики наиболее важным является деление юридических лиц в зависимости от вида организационно-правовой формы, для чего важное значение имеет содержание учредительного документа, в которой данная форма определяется конкретным образом [3; 46-с.].

В целом, первая позиция позволяет определить учредительный договор и устав как правовые основы деятельности юридических лиц, в том числе иностранных банков, определяющими их организационно-правовой статус.

2. *Вторая позиция* состоит в том, что учредительный документ является сделкой между участниками (учредителями) юридического лица. Эту позицию можно проследить в научных трудах М.И.Брагинского, А.Е.Молотникова, И.К.Шабанова, Н.Козлова.

По мнению М.И.Брагинского учредительным признается договор, в соответствии с условиями которого учредители обязуются создать юридическое лицо, а также определяют порядок совместной деятельности по его созданию, условия передачи ему своего имущества и участия в его деятельности [2; 401-с.].

А.Е.Молотников отмечает, что учредительный договор является документом, регулирующим создание общества и взаимоотношения учредителей друг с другом и с обществом на период его существования, и должен отвечать общим требованиям, предъявляемым Гражданским кодексом к договорам и сделкам

(включая нормы об основаниях признания сделок недействительными), а также отражать особенности, предусмотренные соответствующим законодательным актом для данного договора как учредительного документа [9; 59-с.].

Н.Козлова называет учредительный договор «корпоративным договором» и пишет о том, что «учредительный договор регулирует не только обязательственные отношения, которые возникают между учредителями после его заключения, но также корпоративные отношения, возникающие между учредителями, юридическим лицом и третьими лицами (управляющими) после государственной регистрации юридического лица. Кроме того, будучи учредительным документом, учредительный договор также выполняет функцию закрепления правового статуса самого юридического лица» [4; 56-с.].

В рамках данной позиции представляет интерес соотношение учредительного договора и устава иностранного банка. Многие вопросы, отраженные в учредительном договоре иностранного банка – это прежде всего «внутренние» вопросы, в определенных случаях указывается совершение определенных действий (обращение в регистрирующий орган, порядок образования уставного капитала и т.д.) [6; 19-с.]. Аналогичная свобода действий, которая предоставлена учредителям (участникам) иностранных банков в определении порядка каких-либо действий, связанных с деятельностью банка, как правило, фиксируется в уставе общества, поскольку именно он имеет преимущественную силу для третьих лиц и участников общества [4; 58-с.]. К тому же основная часть существующих учредительных договоров обществ в основной части копирует положения устава, не устанавливая ничего нового в содержании отношений участников между собой и третьими лицами [1; 5-с.].

По данному поводу следует согласиться с мнением Д.Степанова о том, что в случае несоответствия положений учредительного договора и положений устава общества преимущественную силу для третьих лиц и участников общества имеют положения устава [11; 46-с.]. Таким образом, по нашему мнению, преимущественным актуальным учредительным документом иностранного банка является устав. С учетом этого полагаем необходимым закрепить в Законе Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» норму, в соответствии с которой **в случае несоответствия положений учредительного договора и устава применяются нормы устава.**

С учетом специфики деятельности иностранных банков считаем необходимым включить в устав сведения о разрешении споров между иностранным банком (владельцем доли в уставном капитале) и другим владельцем либо Центральным банком Республики Узбекистан.

Исходя из второй позиции, можно отметить, что она определяет учредительные документы с точки зрения сделки между участниками о создании и учреждении юридического лица. Если исходить из понятия иностранных банков, то данная позиция будет рассматривать иностранные банки как плод учредительных документов иностранных физических или юридических лиц.

3. *Третья позиция* рассматривает учредительный документ как юридический факт. Данной позиции придерживаются Н.Н.Пахомова, Т.В.Мельникова, А.Д.Степанов, Д.В.Ломакин. Данное направление яв-

ляется для нас также приемлемым в отношении иностранных банков.

По мнению Т.В.Мельниковой учредительный договор является одним из оснований возникновения внутренних правоотношений в связи с обеспечением деятельности некоторых юридических лиц в качестве самостоятельных субъектов права [8; 217-с.]. Следовательно, внутренняя структурированность определяет учредительным документом.

Учредительный договор обладает признаком организации деятельности или осуществления совместной деятельности. Поэтому А.Д.Степанов утверждает: «Одним из наиболее существенных признаков данного договора выступает его организационный характер и наличие оснований для дальнейшей деятельности юридического лица» [11; 47-с.].

Д.В.Ломакин также разграничивает договор о совместной деятельности и учредительный договор, определяя последний, как юридический факт возникновения статуса юридического лица [7; 44-с.].

Интересным является подход к данной проблеме Н.Н.Пахомовой, которая отмечает, что по одному из дел арбитражный суд указал, что учредительный договор является смешанным договором. К соответствующим частям учредительного договора применяются правила о договорах, элементы которых содержатся в смешанном договоре, в том числе и элементы договора безвозмездного пользования имуществом [10; 104-с.].

На наш взгляд, для иностранных банков наиболее приемлемым и отражающим его сущность является смешанная позиция о том, что учредительный договор и устав являются юридическим фактом, вытекающим из осознанных действий учредителей.

Исходя из вышеизложенного, мы считаем, что учредительный договор и устав являются договорами:

- учреждающими иностранный банк и наделяющими его организационно-правовым статусом акционерного общества;
- выступающими в роли юридического факта возникновения гражданско-правового статуса иностранных банков.

При этом, исходя из теоретического анализа следует включить в законодательство норму следующего характера:

**«В случае несоответствия положений учредительного договора и устава целесообразно применить нормы устава банка».**

#### Список литературы:

1. Белых В.С. О понятийном аппарате науки предпринимательского (хозяйственного) права // Предпринимательское право. 2012. № 3. – С. 4-8.
2. Брагинский М. И. Договорное право. Книга 5 (комплект из 2 книг) / М.И. Брагинский, В.В. Витрянский. - М.: Статут, 2016. - 442 с.
3. Караходжаева Д.М. Институт права собственности юридических лиц: особенности исторического развития и современное состояние в Узбекистане // Право и политика. — 2006. — № 2. — С. 45-49.
4. Козлова Н. Правовая природа учредительного договора о создании юридического лица / Государство и право. 2013. № 10. – С. 55-60.
5. Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан т. 1 (часть первая). Под общ. ред. д.ю.н. Х.Р.Рахманкулова. Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – С. 106.

6. Корягина А.В. История развития понятия доли в уставном капитале общества с ограниченной ответственностью // Предпринимательское право. 2012. №4. – С.17-22.

7. Ломакин Д.В. Договоры о создании и реорганизации юридических лиц / Законодательство. 2014. № 2. – С. 43-45.

8. Мельникова Т.В. Учредительный договор как юридический факт // Известия РГПУ им. А.И. Герцена. 2008. №57. – С. 216-221.

9. Молотников А.Е. Слияния и поглощения. Российский опыт. –М.: Вершина, 2016. –128 с.

10. Пахомова Н. Н. Цивилистическая теория корпоративных отношений / Н. Н. Пахомова // Налоги и финансовое право. 2005. — С. 100-105.

11. Степанов Д. Особенности договора учредителей о создании акционерного общества / Д. Степанов // Хозяйство и право. 2010. № 2. — С. 45-48.

**Б.М.Ҳамроқулов,**  
ЖИДУ ўқитувчиси ю.ф.н.

### **МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада МДҲ давлатлари қонунчилигида маънавий зиённи қоплашни назарла тутувчи нормалари ўрганилган, қиёсий таҳлил қилинган ва мавжуд айрим камчиликларни бартараф этиш учун таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** МДҲ; зарар; маънавий зиён; субъект; жисмоний шахс; юридик шахс; шаън; кадр-қиммат, ишчанлик обрўйи.

**Аннотация:** в данной статье изучено законодательство стран СНГ регулирующее возмещение морального вреда, осуществлен сравнительный анализ и даны предложения по устранению имеющихся определенных недостатков в этой сфере.

**Ключевые слова:** СНГ; вред, моральный вред, субъект, физическое лицо, юридическое лицо, честь, достоинство, деловая репутация.

**Abstract:** this article examines the legislation of the CIS countries regulating the compensation of moral harm, carried out a comparative analysis and made proposals to address the existing shortcomings in this area.

**Key words:** CIS; harm, moral harm, subject, individual, legal entity, honor, dignity, business reputation.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб 1991 йил 8 декабрь куни Беларусияда Россия, Украина ва Беларусия давлатлари раҳбарлари томонидан МДҲни тузиш тўғрисида келишув ва 1991 йил 21 декабрда Қозоғистоннинг Алма-Ата шаҳрида Арманистон, Беларусия, Озорбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан МДҲни тузиш тўғрисида Декларация имзолашлари натижасида талқил қилинган. МДҲнинг ҳозирги кундаги аъзолари Арманистон, Беларусия, Озорбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Россия, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикалари ҳисобланади [11].

Собиқ СССРда фуқароларнинг номулкий ҳуқуқларига етказилган зарарни баҳолаб бўлмаслиги асос қилиниб, маънавий зиённи қоплаш қонунлари назарда тутилмаган эди. СССРнинг 1977 йил 7 октябрдаги Конституциясининг 74-моддасида барча СССР таркибида бўлган давлатларнинг қонунчилиги бир хил бўлган, агар номувофиқлик юзага келганда СССР қонунлари қўлланилган [12]. Шу сабабли ўша вақтларда МДҲ таркибига кирган давлатларнинг қонунларида маънавий зиённи қоплашни тартибга солувчи норма ўз ифодасини топмаган эди. Ушбу давлатлар ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин қонунларини демократиянинг умуминсоний принципларига асосланган ҳолда шакллантира бошлашди. Бу ўз навбатида ушбу давлатлар қонунчилигида турли вақтларда маънавий зиённи қоплашни тартибга солишга қаратилган нормалари белгиланишига олиб келди. Қуйида МДҲ давлатлари қонунчилигида маънавий зиённи қоплаш муносабатларини тартибга солинишини кўриб чиқамиз.

Арманистон Республикаси МДҲ давлатлари ичида маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи нормани

Фуқаролик кодексига киритган энг сўнги давлат ҳисобланади. 2015 йил 21 декабрь куни Арманистон Республикаси Фуқаролик кодекси 162 ва 1087 – моддаларига ўзгартириш киритилиб, унда маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи нормалар ўз ифодасини топди [7].

Арманистон суд амалиётида Фуқаролик кодексига киритилган ушбу ўзгартиришларга қадар фуқароларга етказилган маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ айрим даъволар қаноатлантирилса, айримлари рад этилган. Ундиришни рад этишга асос сифатида Фуқаролик кодексида маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи норма белгиланмаганлиги келтирилса, ундиришда Фуқаролик кодекси 17-моддаси 2 қисми кенг шарҳланиши ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция талаблари бўлган. Фуқаролик кодекси 17-моддаси зарарни қоплаш деб номланиб, унинг 2 бандида зарар тушунчаси берилган.

Арманистонда маънавий зиённи Фуқаролик кодекси 17-моддаси 2 бандига асосан қопланиши 2013 йил 5 ноябрда Арманистон Республикаси Конституциявий суди томонидан 1121 – сонли қарор қабул қилингунга қадар давом этди. Конституциявий суд ушбу кунда фуқаро Артур Хачатряннинг Фуқаролик кодекси 17-моддаси 2 банди Арманистон Конституциясига мослиги юзасидан мурожаати кўриб чиқилган. Натижада, Арманистон Республикаси Конституциявий суди Фуқаролик кодекси 17-моддаси 2 банди маънавий зиённи қоплаш учун асос сифатида қўлланиши мумкин эмас деган хулосага келиб қарор қабул қилган [16].

Арманистон қонун чиқарувчи органи 2015 йил 21 декабрь куни Арманистон Республикаси Фуқаролик кодекси 162 ва 1087 – моддаларига ўзгартириш киритди ва уларда маънавий зиён қопланишини назарда тутувчи нормалар ўз аксини топган. Бу билан Арманистон қонун чиқарувчи органи муаммони тўлиқ ҳал этган эмас, аксинча бу борада янада кўпроқ тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Киритилган ўзгартиришлар фуқарога давлат, маҳаллий давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан етказилган маънавий зиён қопланиши мумкинлигини ва сўмма кейинчалик айбдор мансабдордан регресс тартибда талаб қилиб олиш шarti билан, давлат бюджетидан тўланишини белгилади. Фуқаронинг ҳуқуқлари ушбу органлар томонидан бузилганлиги суд ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан исботланганидан кейингина бундай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкинлиги мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда Арманистон Фуқаролик кодексига асосан фуқаро ва/ёки нодавлат юридик шахс томонидан фуқарога етказилган маънавий зиённи қоплаш масаласи муаммоли бўлиб келмоқда.

Фуқаролик кодекси 161-моддаси 2 бандида фуқаронинг қайси ҳуқуқларининг бузилиши унга маънавий зиён етказилишига олиб келиши мумкинлиги кўрсатилди. Буларга яшашга бўлган ҳуқуқи; қийнаш, инсонга хос бўлмаган усулларда муомала қилиш, шаъни ва қард қимматини камситиш; шахсий дахлсизлик ва эркинликка бўлган ҳуқуқи; адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи; шахсий ҳаётига бўлган ҳуқуқи, оилавий ва шахсий ҳаётини ҳурмат қилишга бўлган ҳуқуқи; ўз фикрини эркин айта олиш, фикрлаш, дин ва эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқлари; йиғилишларга ва уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи; малакали ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқи; хусусий мулкка бўлган ҳуқуқлари кирди.

Арманистон МДХ давлатлари орасида маънавий зиённи миқдори қонун даражасида белгилаб қўйган ягона давлат ҳисобланади. Унинг Фуқаролик кодекси 1087-моддасида маънавий зиённинг энг кам миқдори давлатда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги, энг кўп миқдори эса 3 000 000 Арманистон дриами ҳисобида бўлиши белгиланган. Шу билан бирга ушбу моддада судларга жабрланувчига етказилган маънавий зиённинг асослари оғир оқибатлар бўлган бўлса, миқдорни белгилашда эркинлик берилиб, энг юқори сўммадан ҳам кўпроқ ундириш мумкинлиги бергиланган. Маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб жабрланган фуқаронинг ўзи ва унинг яқин қариндошлари чиқиши мумкин. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ судга маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб, жабрланувчи ҳуқуқи бузилганлигини билган ва билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил ичида мурожаат қилиш мумкин.

Белорусия Республикаси қонунчилигида маънавий зиённи қоплаш масаласи Конституция даражасида назарда тутилган. Беларусия Республикаси Конституцияси 60-моддаси 2 бандида фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ суд тартибда мулкий зарарни, шу билан бирга маънавий зиённи моддий қоплашни талаб қилишлари мумкинлиги белгиланган [13].

Белорусиянинг бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида маънавий зиённи қоплаш масалалари тартибга солинган. Беларусия Республикаси Фуқаролик кодексининг 152-моддаси маънавий зиён фуқаронинг жисмоний ёки руҳий сиқилиш оқибатида келиб чиқиши мумкинлиги белгиланган. Беларусия қонунчилигига мувофиқ маънавий зиён фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларига нисбатан тажовуз қилинса юзага келиши мумкин. Жабрланувчининг мулкий ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказилган маънавий зиён фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бўлсагина қопланиши мумкин (ФК 968-модда).

Белорусия судлари маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ даъволарни тўғри ҳал қилишлари учун низоли ҳуқуқий муносабатнинг хусусиятига, улар қайси ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши, маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи норма қачон кучга кирганлиги ҳамда маънавий зиённи қоплаш учун асос бўладиган қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) қачон содир этганлигини аниқлашади.

Белорусия қонунчилигида маънавий зиённинг миқдори судлар томонидан мустақил аниқланади. Беларусия Фуқаролик кодекси 970-моддасида судлар маънавий зиён миқдорини аниқлашда эътиборга олишлари лозим бўлган талаблар белгиланган.

Маънавий зиённи қоплаш бўйича судларда вояга етмаганлар, муомала лаёқати чекланганларнинг ҳуқуқлари уларнинг қонуний вакиллари томонидан (ота-онаси, фарзандликка олганлар, ҳомий, васий) ҳимоя қилинади. Беларусия қонунчилигига асосан маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги талаб шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий талабларидан келиб чиқадиган бўлса даъво муддати қўлланилмайди. Агар маънавий зиён моддий ҳуқуқлар бузилиши оқибатида етказиладиган бўлса, унда бундай муносабатларга нисбатан даъво муддати қўлланилади (ФК 209-моддаси).

Молдавия Республикасида маънавий зиёни қоплаш билан боғлиқ нормалар бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган. Улар орасида асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат Молдавия Республикаси Фуқаролик кодекси бўлиб, унинг 11, 16, 48<sup>90</sup>, 1398, 1404, 1422 ва 1423 моддаларида [3] маънавий зиёни қоплашни назарда тутувчи нормалар ўз аксини топган. МДХнинг бошқа давлатлари қонунлари каби Молдавия давлати қонунларида ҳам маънавий зиён фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларига зарар етказилиши оқибатида қопланиши мумкин. Фуқароларнинг моддий ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказилган маънавий зиён фақат қонунларда назарда тутилган бўлсагина қоплашни назарда тутилган [18]. Ушбу давлатда маънавий зиён фақат пул кўринишида қопланади ва уни миқдори суд томонидан жабрланувчига етказилган руҳий ёки жисмоний азобларнинг оғирлик даражаси ва хусусияти, ҳуқуқбузарнинг айблилик даражаси ҳамда ҳуқуқбузарнинг моддий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади (1422-модда).

Озорбайжон Республикаси маънавий зиёни қоплаш масаласи МДХнинг бошқа давлатларига нисбатан ривожланишда орқада қолган. Ушбу давлатнинг Фуқаролик кодексида умуман “маънавий зиён” жумласи келтирилмаган. Бироқ маънавий зиён Озорбайжоннинг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги, Жиноят, Меҳнат кодекларида, “Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида, “Суриштурув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида жисмоний шахсларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган.

Озорбайжон суд амалиётида 2002 йил 31 майга қадар маънавий зиён Фуқаролик кодексининг 21 ва 23-моддаларида келтирилган “зарар” сўзини кенг шарҳлаш натижасида қопланиб келган. Озорбайжон Конституциявий суди 2002 йил 31 май куни Фуқаролик кодексининг 21 ва 23-моддаларига расмий шарҳ берди. Конституциявий суд Фуқаролик кодекси 21-моддаси ҳақиқий зарар ва бой берилган фойдани назарда тутилиши, 23-моддада назарда тутилган “зарар” шаън, қадр қиммат ва ишчанлик обрўсига путур етказилиши натижасида етказилган ҳам моддий ҳам маънавий (жисмоний ва руҳий азобланиш) зарарни қоплашни назарда тутилишига расмий шарҳ берди [15].

Озорбайжон суд амалиётида судларга фуқаролар асосан меҳнат муносабатларида ва истеъмомчилар ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган маънавий зиёни қоплашни талаб қилиб мурожаат қилишади.

Озорбайжон Республикаси Меҳнат кодексининг 195, 196, 199, 202, 288 ва 290-моддаларида [19] маънавий зиёни қоплаш назарда тутилган. Меҳнат кодексининг 195-моддасига асосан иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасида ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини чеклашга қаратилган меҳнат қонунчилигида, жамoa шартномаси ва келишувларида назарда тутилмаган қоидаларни киритиши, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин, ходимнинг меҳнат қобилияти тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиши ва бунинг натижасида ходим бошқа ишга жойлаша олмаганлиги натижасида етказилган маънавий зиёни қоплаши лозим.

МДХнинг бошқа давлатлари меҳнат қонунчилигидан фарқли равишда Озорбайжон Меҳнат кодексининг

199-моддасига мувофиқ ходим иш берувчини ҳақорат қилиши ва туҳмат қилиши, иш берувчининг шахсиятига путур етказувчи, шаъни, қадр-қимматини камситувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон хабарлар тарқатиши натижасида етказилган маънавий зиёни қоплаши белгиланган.

Маънавий зиёни қоплаш масалалари тартибга солиниши юзасидан Россия Федерацияси қонунларига назар ташлайдиган бўлсак, унда МДХнинг бошқа давлатларига нисбатан бу борада кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилгани ва қонунчилик нормалари нисбатан мукамалроқ эканлиги гувоҳи бўлаемиз.

Россия Федерацияси қонунчилигида маънавий зиёни қоплашни назарда тутган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу 1990 йил 12 июнда қабул қилинган “Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддаси бўлди [10].

Кейинчалик Россияда маънавий зиёни қоплаш бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилди. Ҳозирги келиб бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони 20 дан ортиқни ташкил қилади. Буларнинг орасидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 151-моддасида фуқарога қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида руҳий ва жисмоний азоблар етказилиши маънавий зиёни келтириб чиқариши мумкинлиги белгиланган [4]. Маънавий зиён фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари бузилиши ёки бошқа номоддий неъматларига тажовуз қилиниши натижасида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда етказилиши мумкин. Россия фуқароларининг мулкий ҳуқуқларига бузилиши натижасида етказилган маънавий зиён фақат қонунларда назарда тутилган ҳолатларига қопланади (ФК 1099-модда).

Россия Федерацияси қонунларида ҳам маънавий зиён миқдорини белгилаб берувчи норма мавжуд эмас. Унинг миқдори фақат суд томонидан жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, зарар етказувчининг айби даражасига қараб аниқланади (ФК 1101-моддаси).

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 237-моддасига асосан иш берувчининг қонунга хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ходимга етказилган маънавий зиён меҳнат шартномаси томонларининг келишувига асосан пул кўринишида қопланади. Ходимнинг ҳар қанақа меҳнат ҳуқуқи бузилиши оқибатида унга маънавий зиён етказилиши мумкин.

Тожикистон Республикасида маънавий зиёни қоплашни назарда тутувчи нормалар Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни ва бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларида назарда тутилган. Фуқаролик кодекси 171-моддаси маънавий зиёни қоплаш деб номланиб, унда маънавий зиён жисмоний ва руҳий азоблар натижасида келиб чиқиши мумкинлиги белгиланган. Тожикистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида маънавий зиёни қоплашни назарда тутувчи нормалари Россия Федерацияси қонунчилигида ўхшаш. Лекин суд амалиётини ўрганишда МДХ давлатлари орасида Тожикистонда маънавий зиён миқдорини аниқлашда асосан судлар

тиббий психиатрия экспертизаси тайинлаётганликлари гувоҳи бўламиз. Тожикистон амалдаги қонунчилиги асосан судлар маънавий зиён миқдорини муस्ताқил белгиласаларда (ФК 1116-моддаси), аксарият ҳолатларда маънавий зиён миқдорини аниқлашда экспертиза тайинлаб, экспертлар томонидан аниқлаб берилган сумма миқдоридан ундиришган. Бундай суд ишлардан бири бу оддий аскар Шаҳбол Мирзоевнинг ишидир. 23 ёшли Шаҳбол Мирзоев Тожикистон чегара кўшинларида хизмат қилиши жараёнида хизматдоши Усмон Ғайратов томонидан тан жараҳоти етказилиши оқибатида ногирон бўлиб қолган. Усмон Ғайратовга қонунга хилоф ҳаракати оқибатида 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Шаҳбол Мирзоев Тожикистон чегара кўшинларини судга бериб, унга етказилган маънавий зиённи ундиришни талаб қилган ва суд жараёнида экспертиза тайинланган. Экспертиза Шаҳбол Мирзоевга етказилган маънавий зиён миқдорини 180 минг сомон (30 000 АҚШ доллари) деб баҳолаган [21].

Мустақил Ўзбекистонимиз қонунларига назар ташлайдиган бўлсак, маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи дастлабки қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССР "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун бўлди. Қонуннинг 32-моддасида "Оммавий ахборот воситаси ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ёки унга мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқача зарар етказадиган маълумотни тарқатиши натижасида фуқарога етказилган маънавий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) зиён суд қарорига мувофиқ қопланади. Маънавий (мулк билан боғлиқ бўлмаган) зиённи пул билан қоплаш миқдорини суд белгилайди. Маънавий зиённи пул билан қоплаш миқдори 10 минг сўмдан ошмаслиги керак. Оммавий ахборот воситалари орқали кечирим сўраш, хатони ошқора тан олиш орқали ҳам бундай маънавий зиённинг ўрни қопланиши мумкин"лиги [20] белгиланган. Кейинчалик республикамизнинг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумининг 28.04.2000 йилдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 7-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 11-моддаси маънавий зиён фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари билан бири сифатида назарда тутилган. Маънавий зиённи қоплашни белгилаб берувчи асосий норма Кодекснинг 1021 ва 1022-моддаларида ифодаланган. Қонунчилигимизга кўра маънавий зиён пул билан қопланади. Маънавий зиённи қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолатларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумининг 28.04.2000 йилдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 7-сонли қароридан маънавий зиён фуқарога маънавий (руҳий) ва жисмоний азоблар етказилиши натижасида етказилиши мумкинлиги белгиланган ҳамда қарорда фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари маънавий зиённинг объектларини ташкил қилиши

назарда тутилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида маънавий зиён тушунчасини берувчи ва қандай ҳуқуқлар бузилиши оқибатида фуқарога маънавий зиён етказилиши мумкинлигини кўрсатувчи норма мавжуд эмас. Бундай нормалар Россия Федерацияси Фуқаролик кодекси 151-моддасини, Белорусия Республикаси Фуқаролик кодекси 152-моддаси, Қозғистон Республикаси Фуқаролик кодекси 141-моддасини ва Қирғизистон Республикаси Фуқаролик кодекси 16-моддасида белгиланган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳам маънавий зиён тушунчасини берувчи ва у қандай ҳуқуқлар бузилиши оқибатида етказилиши мумкинлигини белгилувчи норма киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-моддасига биноан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибатида ходимга етказилган маънавий зиёнларни иш берувчи қоплаши керак. Кодекснинг 187-моддаси талабига кўра маънавий зиён (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади.

Қўшни Қирғизистон давлати қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, унда маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи дастлабки норма 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилди [6]. Ушбу қонунда оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқаролар ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи маълумотлар тарқатилиши оқибатида фуқаролар ва ташкилотларга етказилган маънавий (номулкий) зарар қонунда белгиланган тартибда суд орқали қопланиши ҳамда унинг миқдорини суд белгилаши лозимлиги белгиланган. Кейинчалик Қирғизистон Республикаси Фуқаролик кодекси қабул қилиниб, кодекснинг 16, 18, 64, 1027 ва 1028-моддаларида маънавий зиённи қоплашни тартибга солувчи норма белгиланди [1]. Кодекснинг 16-моддасига асосан, агар фуқарога тегишли шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларига таъжовуз қилиниши натижасида, ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда фуқарога маънавий зиён (жисмоний ва руҳий азобланиш) етказилса, суд ҳуқуқбузарга етказилган маънавий зиённи пул ёки бошқа моддий кўринишда қоплаш мажбуриятини юклаши мумкин. Ушбу модданинг 3 бандида ушбу кодекс ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолатларда маънавий зиён юридик шахсга ҳам қопланиши мумкинлиги тўғрисида норма белгиланган.

Қирғизистонда маънавий зиённи қоплашни тартибга солувчи нормаларини ўрганиш натижасида бизни эътиборимизни тортган ҳолат бу маънавий зиённи юридик шахсга ҳам қопланиши ва маънавий зиённи қоплаш пулдан бошқа моддий кўриниш амалга оширилиши бўлди. Юридик шахс жисмоний ёки руҳий азобларни ўз бошидан ўтказмаслиги сабабли унга нисбатан маънавий зиён еткалиши мумкин эмаслиги юзасидан фикрларимизни берганмиз [14; 102–110-б].

Маънавий зиённи пулдан бошқа моддий кўринишда қоплаш масаласида Қирғизистон Олий суди

тушунтириш бериб ўтган. Қирғизистон Республикаси Олий судининг 2004 йил 4 ноябрдаги “Маънавий азарни қоплаш тўғрисидаги қонунларни суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 10 бандида судлар маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги ишларни кўришларида фақат пул кўринишида белгилаши мумкинлиги, маънавий зиённи пулдан бошқа кўринишида қопланиши бу томонларнинг ҳуқуқлари эканлиги, фақатгина томонлар маънавий зиённи қоплашда пулдан бошқа усулда, бирор бир моддий қийматга эга бўлган мол-мулк олишлари мумкинлиги кўрсатилган [17]. Будан кўриниб турибдики, судлар ишни кўрганларида маънавий зиён миқдорини фақат пул кўринишида белгилашлари мумкин.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида маънавий зиённи қоплаш масаласини тартибга солувчи нормалар Фуқаролик кодекси, “Истеъмоқчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Оммавий сиёсий қатоғон қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги қонунларни судлар томонидан қўлланиши тўғрисида”ги Олий суди Пленуми қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси 9-моддасида маънавий зиённи қоплаш фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларидан бири сифатида назарда тутилган. Кодекснинг 951-моддасида маънавий зиёнга тушунча берилган. Унга кўра маънавий зиён бу жисмоний шахсларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва неъматларининг бузилиши, камситилиши ёки бекор қилиниши, шу жумладан, жабрланувчига қарши содир этилган қонунга хилоф ҳаракат натижасида, агар жабрланувчи бундай қонунга хилоф ҳаракат натижасида вафот этган тақдирда унинг яқин қариндошлари, турмуш ўртоғининг ўз бошидан кечирган маънавий ёки жисмоний азобланиши (камситилиши, ғазабланиши, тушкунликка тушуши, нафратланиши, уялиши, умидсизланиши, жисмоний оғриқ, заифлашганлиги, ноқулайлик ҳолатларга тушуши ва ҳ.к.) [2].

Қозоғистон Республикаси қонунчилиги бўйича маънавий зиён жисмоний шахсларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматларига етказилган бўлсагина қопланиши назарда тутилган. Фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда фақат Қозоғистон қонунларида тўғридан тўғри назарда тутилган бўлсагина қопланиши белгиланган (ФК 951-модда 4 банди). Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси 352-моддаси мажбуриятни бажармаслик оқибатида етказилган маънавий зиённи қоплаш масаласи тартибга солинган. Ушбу нормада мажбуриятни бажармаслик оқибатида етказилган маънавий зиён, ушбу кодекснинг 350-моддасина белгиланган зарардан ташқари қопланиши белгиланган. Фуқаролик кодекси 268-моддасида мажбурият тушунчаси берилиб, мажбурят бир шахснинг (қарздор) бошқа шахснинг фойдасига (кредитор) маълум ҳаракатларни, яъни мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, пул маблағларини тўлаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши ёки маълум ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундан кўриниб турибдики мажбуриятни бажармаслик оқибатида жисмоний шахснинг мулкий ҳуқуқлари ҳам бузилиши мумкин. Фикримизча Қозоғистон Республикаси Фуқаролик

кодекси 951-моддаси 4 банди ва 352 – моддаси талаблари бир бирига зид ҳисобланади. Қозоғистон қонун чиқарувчи органи Фуқаролик кодекси умумий қисмига мажбуриятни бузиш оқибатида фуқарога етказилган маънавий зиённи ундириш мумкинлиги тўғрисидаги нормани киритиши билан маънавий зиён барча ҳолатларда қопланиши мумкинлигини кўрсатган.

2017 йил 27 февралда Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, амалиётда бир неча йиллар мобайнида муаммоли бўлиб келган юридик шахсга маънавий зиён етказилиши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда Фуқаролик кодексининг 9-моддасида маънавий зиённи қоплаш талаби юридик шахсга нисбатан тадбиқ этилмаслиги тўғрисидаги нормани киритилган. Шу ўзгартириш билан маънавий зиён тушунчасига фуқаронинг ўлими натижасида унинг яқин қариндошлари ва турмуш ўртоғи ўз бошидан кечирган маънавий азоблари учун маънавий зиённи қоплашни талаб қилиш мумкинлиги белгиланди [8].

Қозоғистонда ҳам бошқа давлатлар сингари маънавий зиён пул кўринишида ундирилади. Унинг миқдори суд томонидан белгиланади. Қозоғистон Республикасида маънавий зиён миқдорини аниқ белгилаб қўйган нормалари ҳам мавжуд. Жумладан, Қозоғистон Республикасининг 1993 йил 14 апрель кундаги “Оммавий сиёсий қатоғон қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида жабрланувчига етказилган маънавий зиённинг миқдори 2001 йил 1 январдан бошлаб жабрланувчига тўланиши лозим бўлган ҳар бир ойга маънавий зиён миқдори бир ойлик ҳисобот кўрсаткичининг тўртдан уч қисмидан кам бўлмаслиги, лекин умумий тўланадиган маънавий зиён миқдори 100 ойлик ҳисобот кўрсаткичларидан кўп бўлмаслиги белгиланган [9].

Туркменистон Республикасида маънавий зиённи қоплаш муносабатлари Марказий Осиё давлатлари орасида нисбатан кам ривожланган. Туркменистон Республикаси Фуқаролик кодекси атига иккита моддасида маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи норма мавжуд. Булар 11-модда маънавий зиённи қоплаш бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларидан бири сифатида ва 16-модда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда назарда тутилган [5].

Туркменистонда маънавий зиён тушунчаси, у қандай ҳуқуқлар бузилиши оқибатида келиб чиқиши, субъектлари кимлар бўлишлиги масаласида бирор бир норма мавжуд эмас. Агар Туркменистон Фуқаролик кодексининг 16-моддасида белгиланган нормага назар ташлайдиган бўлсак, маънавий зиён фақат фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳақоротловчи маълумотлар тарқатилиши натижасида келиб чиқиши мумкин деган хулоса қилиш мумкин бўлади. Шу билан бирга ушбу модданинг бешинчи бандида, Қирғизистон Фуқаролик кодексида белгиланганидек, юридик шахслар ҳам маънавий зиённи қоплашни талаб қилиши мумкинлиги мустақамланган.

Туркменистон Фуқаролик кодексида маънавий зиён тушунчасини берувчи норма мавжуд бўлмасада, 423-моддасида номулкий зарар учун пуллик компенсация фақат қонунларда аниқ кўрсатилган ҳоллардагина талаб қилиниши мумкинлиги

белгиланган. Модданинг иккинчи бандида тан жарохати, соғлиғи бузилганлиги, шунингдек эркинлиги чеklangиши натижасида жабрланганлар, етказилган номулкий зарар учун пуллик компенсацияни оқилона ва адолатли талаб қилиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики Туркманистонда маънавий зиён ҳар қандай ҳуқуқбузарлик натижасида эмас, балки фақат қонунларда назарда тутилган ҳолатларда қопланади.

Туркманистоннинг Фуқаролик кодексидан ташқари Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги (56-модда), Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексиди (58-модда), Меҳнат кодексиди (13-модда), Жиноят процессуал кодексларида (37, 40-моддаларда) ҳам маънавий зиёни қоплашни назарда тутувчи моддалар мавжуд.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки МДХ давлатларининг қонунчилигида маънавий зиёни қоплаш тартибга солинган. Давлатлар орасида маънавий зиёни қоплашни тартибга солувчи нормалар мукамалроқ белгиланган Россия ва Қозоғистон бўлса, маънавий зиёни қоплашни қонунларида энг охириги назарда тутган давлат Арманистон давлатидир.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Гражданский кодекс Кыргызской Республики. [http://online.adviser.kg/Document/?doc\\_id=30212538&page=1](http://online.adviser.kg/Document/?doc_id=30212538&page=1)

2. Гражданский кодекс Республики Казахстан. [http://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1006061#pos=0;0](http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1006061#pos=0;0)

3. Гражданский кодекс Республики Молдова. Nr. 1107 от 06.06.2002. <http://lex.justice.md/ru/325085>.

4. Гражданский Кодекс Российской Федерации. <http://gkodeksrf.ru/ch-1/rzd-1/podrzd-3/gl-8/st-151-gk-rf>

5. Гражданский кодекс Туркменистана. 17 июля 1998 года № 294-I. [http://www.minjust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc\\_book\\_det.php?book\\_id=2](http://www.minjust.gov.tm/ru/mmerkezi/doc_book_det.php?book_id=2)

6. Закон Кыргызской Республики "О средствах массовой информации" от 2 июля 1992 года, №938-XII. [http://old.minjust.gov.kg/?page\\_id=1021](http://old.minjust.gov.kg/?page_id=1021).

7. Закон Республики Армения О внесении изменений и дополнений в Гражданский кодекс. Принято 21.12.2015г. <http://parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1556&lang=arm>

8. Закон Республики Казахстан от 14 апреля 1993 года. О реабилитации жертв массовых политических репрессий. [https://tengrinews.kz/zakon/parlament\\_respubliki\\_kazahstan/ugolovnoe\\_pravo/id-Z930002200\\_/](https://tengrinews.kz/zakon/parlament_respubliki_kazahstan/ugolovnoe_pravo/id-Z930002200_/)

9. Закон Республики Казахстан от 27 февраля 2017 года № 49-VI «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам совершенствования гражданского, банковского законодательства и улучшения условий для предпринимательской деятельности». [http://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=38516651#pos=0;0](http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38516651#pos=0;0)

10. Закон СССР "О печати и других средствах массовой информации" от 12 июня 1990 года N 1552-1. [http://www.libussr.ru/doc\\_ussr/usr\\_16715.htm](http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_16715.htm)

11. История создания Содружества Независимых Государств. <http://www.aif.ru/infographic/1070531>.

12. Конституция (Основной закон) Союза Советских Социалистических Республик. (7.10.1977 г.).

[http://constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/1977/red\\_1977/5478732](http://constitution.garant.ru/history/ussr-rsfsr/1977/red_1977/5478732).

13. Конституция Республики Беларусь. С изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.

14. Маънавий зарар. Ўқув қўлланма. – Т.: Baktria Press, 2012. - 102-110 Б.

15. Постановление Конституционного суда Азербайджанской Республики О толковании статей 21 и 23 Гражданского Кодекса Азербайджанской Республики от 31 мая 2002 год. [https://courts.gov.az/ru/main/displayarticle/O-tolkovanii-statej-21-i-23-Grazdanskogo-Kodeksa-Azerbajdzanskoj-Respubliki\\_999](https://courts.gov.az/ru/main/displayarticle/O-tolkovanii-statej-21-i-23-Grazdanskogo-Kodeksa-Azerbajdzanskoj-Respubliki_999).

16. Постановление Конституционного суда Республики Армения по делу об определении вопроса соответствия части 2 статьи 17 Гражданского кодекса РА Конституции Республики Армения на основании обращения гражданина Артура Хачатряна. <http://www.concourt.am/russian/decisions/common/resume/1121.pdf>

17. Постановление Пленума Верховного суда Кыргызской Республики "О некоторых вопросах судебной практики применения законодательства о возмещении морального вреда" от 4 ноября 2004 года N11. <http://pdf.knigi-x.ru/21raznoe/280201-1-postanovlenie-plenuma-verhovnogo-suda-kirgizskoy-respubliki-noyabrya-2004-goda-gbishkek-nekotorih-vo.php>.

18. Постановление Пленума Верховного суда Приднестровской Молдавской Республики от 17.12.2004 года "О некоторых вопросах, возникающих при применении законодательства о компенсации морального вреда" за №4. [http://suddep.gospmr.org/view\\_post.php?id=24](http://suddep.gospmr.org/view_post.php?id=24)

19. Трудовой кодекс Азербайджанской Республики. [http://www.caa.gov.az/index.php?option=com\\_k2&view=item&id=123:labour-code-of-the-republic-of-azerbaijan&Itemid=173&lang=ru](http://www.caa.gov.az/index.php?option=com_k2&view=item&id=123:labour-code-of-the-republic-of-azerbaijan&Itemid=173&lang=ru)

20. Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги 14.06.1991 йилдаги 283-XII – сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 8-сон, 180-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда.

21. <http://catoday.org/centrasia/18769-v-tadzshikistane-ekspertiza-ustanovila-razmer-moralnogo-uscherba-postradavshego-soldata-shahbola-mirzoeva-v-30-tys.html>

22. [http://mir.pravo.by/library/section\\_1/constitution/cos-titutions/constitution\\_ru](http://mir.pravo.by/library/section_1/constitution/cos-titutions/constitution_ru)



**С.Аббасов,**  
хуқуқ магистри

## АРБИТРАЖ КЕЛИШУВЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

**Аннотация:** мазкур мақолада арбитраж келишувининг илмий-амалий жиҳатлари таҳлил этилиб, арбитраж келишувининг тушунчаси ва хусусиятлари тадқиқ этилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси юзасидан тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** арбитраж келишуви, халқаро тижорат арбитражи, иқтисодий низо, ёзма шакл, даъво, суд.

**Аннотация:** в данной статье были проанализированы научно-практические черты арбитражного соглашения, исследованы понятие и признаки арбитражного соглашения, а также были разработаны рекомендации и предложения по проекту Закона Республики Узбекистан «О международном коммерческом арбитраже».

**Ключевые слова:** арбитражное соглашение, международный коммерческий арбитраж, экономический спор, письменная форма, иск, суд.

**Annotation:** this article analyzes the scientific and practical features of the arbitration agreement, studies the concept and features of the arbitration agreement, and develops recommendations and proposals on the draft Law of the Republic of Uzbekistan “On international commercial arbitration”.

**Keywords:** arbitration agreement, international commercial arbitration, business dispute, the written form, the complaint, the court.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришгани билан дунё ҳамжамиятига интеграция бўлиш жараёни жадал равишда ривожланиб бормоқда, хусусан, биргина инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимиз 70 дан ортиқ халқаро конвенциялар, пактлар ва декларацияларга аъзо бўлмоқда. Шу билан бирга, республика сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа масалаларни амалга оширишга қаратилган икки томонлама шартномалар, келишувларни имзолаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизда очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш; иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш; “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш; валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш; иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўйбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш каби мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтган [1].

Чет эл жисмоний ва юридик шахслари иштирокида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши турли низоли вазиятлар вужудга келишига олиб келиши мумкин. Бугунги кунда халқаро тижорат муносабатлари доирасида вужудга келаётган низолар энг мураккаб ва долзарб масалалар ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг ҳал этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишининг муҳим вазифаси сифатида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини такомиллаштириш, жумладан одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, фуқаролик ва ҳўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш, ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш кўрсатиб ўтилган [2]. Шу билан бирга халқаро тижорат муносабатларининг ривожланиши халқаро тижорат арбитражларини ташкил этиш билан уларда ишни кўришнинг процессуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари тижорат низоларини муқобил ҳал этиш усуллари, шу жумладан арбитраж (ҳакамлик) жараёнини такомиллаштиришни назарда тутди.

Халқаро тижорат арбитражи доимий асосда ёки муайян ҳолат юзасидан махсус тузилган, халқаро тижорат низоларини муайян процессуал шаклда кўришга мўлжалланган, низолашувчи томонлар учун мажбурий қарор чиқарувчи ҳакамлик суди ҳисобланади. Мазкур суд у ёки бу шаклда “чет эл капитали”ни ўз ичига олувчи махсус турдаги низоларни, айнан фуқаролик-ҳуқуқий ва, асосан, савдо келишувларни ҳал этиш учун тузилади. Халқаро тижорат арбитражи унинг тегишли бўлган ишларни кўришгаги ваколатли ҳисобланади. Ишни арбитражда кўриш учун тақдим этиш ҳақидаги келишув арбитраж келишуви кўринишида тузилиши мумкин. Бинобарин, халқаро тижорат арбитражи фаолиятидаги энг зарур институт арбитраж келишуви ҳисобланади.

Умуман олганда, арбитраж келишуви тарафлар ўртасида вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳакамлик судида кўриб чиқиш учун келажакда берилиши ҳақидаги келишув ҳисобланади.

Арбитраж келишуви қуйидаги белгиларга эга:

- мазкур тарафларнинг келишуви вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган низоларни арбитражга кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳақидаги битим ҳисобланади;

- келишув бўйича низо муайян бир ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлади, муносабатнинг шартномавий тусга эгаллиги муҳим эмас.

Бугунги кунда уч турдаги арбитраж келишуви мавжуд: шартнома шarti (arbitration clause), арбитраж шартномаси (arbitration agreement) ва ҳакамлик ёзуви (submission agreement). Шартнома шarti – тарафларнинг асосий шартнома ичига киритилган ва арбитраж тартибида шартнома тарафлари ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этишни назарда тутадиган келишув. Ундан фарқли ўлароқ арбитраж шартномаси асосий шартномадан алоҳида тартибда тузилади. У асосий шартнома билан бир вақтда ёки ундан кейин, лекин низо вужудга келишидан аввал тузилади. Агар низо вужудга келган бўлса, арбитраж судига низо тақдим этиш ҳақидаги

келишув ҳакамлик ёзуви деб аталади. Шундай қилиб, арбитраж келишуви исталган уч шаклда тузилиши мумкин [3].

Хорижий мамлакатларда мазкур масала юзасидан ҳа айрим ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, АҚШда арбитраж келишуви тарафлари бўлажак арбитраж қарорининг тузилиши ва мазмунини белгилаши мумкин. Мазкур қарор «high-low arbitration agreement» (юқори ва паст кўрсаткичли арбитраж қарори) деб аталади [4, 173-бет]. Тарафлар ўз келишувида даъвогар олиши мумкин бўлган тўловнинг максимал миқдорини ва жавобгар қоплаши лозим бўлган тўловнинг минимал суммасини кўрсатиб ўтишади. Мазкур доиралар арбитражга айтилмайди. Арбитр қарор чиқаради ва агар қарорда кўрсатилган сумма миқдори мазкур доира оралиғида бўлса тарафлар қарорга қатъий риоя қилишади. Агар қарордаги сумма миқдори белгиланган миқдордан кўп бўлса, даъвогар белгиланган максимум миқдордаги сумма олади. Агар сумма белгиланган минимум миқдордан кам бўлса, жавобгар энг кам белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширади [5, 99-бет]. Шу орқали тарафлар ишни кўриб чиқиш натижасини олдиндан аниқлаш, қарорнинг тарафлар манфаатига мослаштириш имконига эга бўлишади.

Демак, арбитраж келишуви шартнома шarti ва алоҳида келишув шаклида тузилиши мумкин бўлиб, бунда уларнинг ёзма шаклига риоя этилиши муҳим шарт ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, арбитраж келишуви қуйидаги талабларга риоя этилганда ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

агар у тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда мавжуд бўлса;

хатлар алмашиш, телетайп, телеграф ёки ушбу келишувни қатъий белгилашни таъминловчи ва ҳужжат бошқа тарафдан юборилаётганлигини ишончли аниқлаш имконини берувчи бошқа электрон алоқа воситалари орқали хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса;

даъво аризаларини алмашиш ва/ёки даъвони қайтариб олиш орқали, уларда тарафлардан бири келишув мавжудлигини тасдиқлаётган, иккинчиси эса бунга эътироз билдирмаётган бўлса.

Арбитраж келишуви жуда қисқа бўлиши ҳам мумкин. Унда келишув таалуқли бўлган шартнома (ёки бир неча шартномалар)нинг рекевизитлари, ҳал этиладиган масалалар доираси, тарафларнинг халқаро тижорат арбитражига низони тақдим этиш ҳақидаги хоҳиш ва истаклари акс эттирилади [6, 80-бет].

Шартномадаги шартнома шартини назарда тутувчи ҳужжатга иқтибос, агар мазкур шартнома ёзма шаклда тузилган бўлса ва мазкур иқтибос шартнома шартини шартноманинг қисмига айлантурса, арбитраж келишуви ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражини ривожлантириш бўйича тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида яхши тартибга солинган бўлиб, улар БМТ Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси – ЮНСИТРАЛ томонидан қабул қилинган қўшимчалар ва ўзгартиришларга асосланган. Авваламбор, улар арбитраж келишуви шаклининг либерал тартибга солинишига боғлиқдир. Етук хорижий мутахассис К.Боулдинг айтиб ўтганидек, мазкур ўзгартиришларнинг мазмуни шундан иборатки, арбитраж келишувининг ёзма шаклига оид жуда ҳам

қатъий талаблар ҳозирги кундаги тижорат шартномаларини тузишнинг амалиётини (улар, қоида тариқасида, шартнома шартини ўз ичига олади) [7, 67-бет]. Шу билан бирга, БМТ Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси тавсиялари арбитраж келишувининг предмети бўлган масала юзасидан даъво тақдим қилинган суд, агар тарафларнинг бири низонинг моҳияти бўйича ўзининг биринчи аризасини тақдим этишидан олдин бу ҳақда сўраган бўлса, агар мазкур келишувнинг ҳақиқий эмаслиги, ўз кучини йўқотганлиги ёки ижро этилиши мумкин эмаслигини аниқламаса, тарафларни арбитражга юбориши шартлиги ҳақидаги, арбитраж келишуви таъминлаш чораларини қўллашга имкон бермаслиги ҳақидаги қоидаларни киритишни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида ўз аксини топиши лозим.

Кўплаб миллий олимларимиз (О.Оқюлов, И.Рустамбеков, Ш.Масадиқов ва бошқалар) арбитраж келишувининг ҳаққонийлиги презумпциясини киритиш лозимлиги, унга кўрса арбитраж келишувини талқин қилишда барча шубҳалар унинг ҳақиқийлиги ва бажарилиши мумкинлиги фойдасига талқин қилиниши кераклиги қоида сифатида белгилашни тақлиф этадилар. Мазкур презумпциянинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга, унинг қонуний мустаҳкамланмаганлиги арбитраж келишувини шарҳлашда арбитраж томонидан ишни кўриб чиқишнинг энг аввалги босқичида низолар вужудга келишига асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида қуйидаги нормаларни мустаҳкамлаш лозим:

1. Бизнинг фикримизча арбитраж келишувига “тарафларнинг шартномавий хусусиятга эгаллиги ёки эга эмаслигидан қатъи назар бирор-бир аниқ ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ бўлган, улар ўртасида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган барча ёки муайян низоларни арбитражга бериш тўғрисидаги келишуви” сифатида таъриф бериш лозим. Бунда, арбитраж келишуви шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шarti ёки алоҳида келишув тарзида расмийлаштирилиши мумкинлигини қайд этиш лозим.

2. Арбитраж келишуви шаклига бўлган талабларни инобатга олиб, қуйидаги нормани киритиш лозим:

“Арбитраж келишувиёзма шаклда тузилади ҳамда қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасига риоя қилинганда шундай деб ҳисобланади:

агар у тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда мавжуд бўлса;

хатлар алмашиш, телетайп, телеграф ёки ушбу келишувни қатъий белгилашни таъминловчи ва ҳужжат бошқа тарафдан юборилаётганлигини ишончли аниқлаш имконини берувчи бошқа электрон алоқа воситалари орқали хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса;

даъво аризаларини алмашиш ва/ёки даъвони қайтариб олиш орқали, уларда тарафлардан бири келишув мавжудлигини тасдиқлаётган, иккинчиси эса бунга эътироз билдирмаётган бўлса”.

3. Арбитраж келишуви ҳаққонийлиги презумпцияси, яъни “арбитраж келишувини талқин қилишда барча шубҳалар унинг ҳақиқийлиги ва бажарилиши мумкинлиги фойдасига талқин қилиниши кераклиги” тўғрисидаги нормани киритиш лозим.

4. Арбитраж келишуви предмети ҳисобланган масала юзасидан даъво келиб тушганда вужудга келадиган масалаларни ҳал этиш мақсадида, қуйидаги нормани киритиш лозим:

“Арбитраж келишувининг предмети бўлган масала юзасидан даъво тақдим қилинган суд, агар тарафларнинг бири низонинг моҳияти бўйича ўзининг биринчи аризасини тақдим этишидан олдин бу ҳақда сўраган бўлса, агар мазкур келишувнинг ҳақиқий эмаслиги, ўз кучини йўқотганлиги ёки ижро этилиши мумкин эмаслигини аниқламаса, тарафларни арбитражга юбориши шарт.”.

5. Арбитраж келишуви табиати шуни кўрсатдики, арбитраж келишуви ва таъминлаш чоралари бир-бирини истисно этади, шунинг учун қуйидаги нормаларни киритиш лозим:

«Тарафларнинг арбитраж муҳокамасидан олдин ёки арбитраж муҳокамаси давомида таъминлаш чораларини кўриш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилиши ва суд томонидан бундай чораларни кўриш тўғрисида ажрим чиқарилиши арбитраж келишувига зид ҳисобланмайди.».

#### Адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил // [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 184-I-сон “1958 йил 10 июндаги Халқаро ҳакамлик қарорларини ижросини таъминлаш ва уларни тан олиш бўйича Нью-Йорк конвенциясига қўшилиш тўғрисида”ги қарори.

4. Насырова Е.И. Посредничество в урегулировании правовых споров в США. // Государство и право. – №5, 1997. – С. 78-82.

5. Ш.М.Масадиқов. «Медиация – альтернативный способ разрешения гражданско-правовых споров». Учебное пособие. – Т.: 2010. – 120 с.

6. Boulding K.E. Conflict and Defence: A General Theory. N.Y.: Harper & Row, 2011. – 280 p.

7. Goldman, Berthold, “The applicable law: general principles of law – the lex mercatoria”, in Lew, Julian (editor), Contemporary problems in International Arbitration, Centre for Commercial Law Studies, Queen Mary College, 2013. – 220 p.